ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(III қисм)

(2019 йил 22-23 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2019

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва ролини ошириш муаммолари. / 2019 йил 22-23 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (III қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019

I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
И.М.Пардаева – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги бошқарув академияси Самарқанд ҳудудий филиали катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
И.Р.Бердиқулова – СамИСИ катта ўқитувчиси

ТУРИЗМНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Туризм бўйича янгиликлар, 2019 йил 1 февралдан бошлаб 45 та мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланган. 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган 76 та мамлакатлар рўйхати ҳам тасдиқланди. Шунингдек, 2019 йил 15 мартдан бошлаб 30 кунлик амал қилиш муддати бўлган электрон кириш визасининг қуйидаги турларини бериш тизими жорий этилди. Биринчидан, икки марталик, консуллик йиғими 35 АҚШ доллари миқдорида; учинчидан кўп марталик, консуллик йиғими 50 АҚШ доллари миқдорида белгиланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизга махсус мақсадлар билан келадиган фуқаролар учун "Vatandosh", "Student visa", “Academic visa", "Medical visa", "Piligrim visa" каби махсус визалар ташкил қилинган. Булар учун Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визаларига эга бўлишлари мумкин. Ушбу тоифаларнининг жорий этилганлиги ҳам келувчилар учун анча қулайликларни юзага келтиради. Буларнинг номлари бўйича изоҳлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

Ушбу жадвалда келтирилган Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг тоифаларига электрон бўлмаган кириш визалари бериш тартибини такомиллаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони билан 109 та хорижий мамлакатлар фуқароларига кўчмас мулк сотиб олиш шарти билан Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи берилади. Буларга қуйидаги шаҳарлар киради (2-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини жорий этиш

РЎЙХАТИ[1]

Т/р	**Хорижий фуқаролар-нинг гуруҳлари**	**Хорижий фуқароларнинг электрон бўлмаган кириш визаларини олиши мумкин бўлган гуруҳлари тавсифи**
1.	"Vatandosh"	Ўзбекистон Республикасида туғилган шахслар ва уларнинг оила аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва унинг ҳудудида доимий яшовчи қариндошларининг таклифномаси асосида бериладиган 2 йиллик виза
2.	"Student visa"	Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасалари, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган таълим муассасаларига қабул қилинган хорижий талабаларга бериладиган бир йиллик виза
3.	Academic visa"	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий таълим муассасалари, вазирлик ёки идоралар илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятни амалга оширишни истаган хорижий шахслар учун 3 ойдан 2 йилгача бўлган муддатга бериладиган виза
4.	"Medical visa"	Тиббий муассасанинг таклифига биноан даволаниш учун Ўзбекистон Республикасига кирувчи хорижий фуқаролар учун 3 ойгача бўлган муддатга бериладиган виза
5.	"Piligrim visa"	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва туристик фаолият субъектларининг аризасига кўра Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний мероси, анъаналарини ўрганиш мақсадида кирувчи хорижий фуқаролар учун 2 ойгача бўлган муддатга бериладиган зиёрат визаси.

[1] Мазкур жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони асосида тузилди.

2-жадвал

Кўчмас мулк сотиб оладиган ҳудудлар ва уларда белгиланган нархларнинг миқдори

Т/р	**Ҳудудларнинг (шаҳарлар ва вилоятлар) номи**	**Сотиб олинадиган кўчмас мулкларнинг қиймати (АҚШ долла-ри** эквивалентидан кам бўлмаган ми**қдорда)**
1.	Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида	400 000 АҚШ доллари
2.	Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятлари	200 000 АҚШ доллари
3.	Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятлари	100 000 АҚШ доллари

Хорижий фуқароларга юқорида белгиланган АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда кўчмас мулкни сотиб олган тақдирда, уларга Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини белгиловчи гувоҳнома берилади.

Юқорида номи зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида логистика жозибадорлигини тубдан яхшилаш, шунингдек, маҳаллий аэропортларда парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича бир қанча вазифалар белгилаб берилган. Мазкур масаланинг тжиддийлигидан келиб чиқиб, уни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилган. Президент фармонида ушбу ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб бир қанча тадбирлар белгилансин. Буларга:

“биринчи навбатда Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш;

"зиёрат" туризми йўналиши орқали туристлар оқимини ошириш, шу жумладан Индонезиядан доимий авиақатновларни очиш учун авиакомпанияларни жалб қилиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш;

туристлар оқимини жалб қилиш мақсадида парвозларнинг стратегик муҳим йўналишларини аниқлаш;

мамлакат аэропортларида янги йўналишларни йўлга қўйиш мақсадида хорижий ташувчилар учун мослашувчан чегирма ва преференциялар тизимини ишлаб чиқиш;

ўзаро боғловчи қатновларни, шу жумладан "мавсумдан ташқари" даврда ташкил этиш орқали узоқ магистрал йўналишларда йўловчилар сонини кўпайтириш;

хорижий ва маҳаллий авиакомпаниялар билан музокаралар ўтказиш, шунингдек, уларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва уларни аэропортлар бўйича тўғри тақсимлаш;

чартер рейсларини келишиш механизмини соддалаштириш;

мамлакатдаги айрим аэропортларда "Очиқ осмон" режимини жорий этиш;

маҳаллий авиакомпаниялар ташкил этилишига кўмаклашиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш;

мамлакат ичкарисида интермодал ташувларни (автобус, темир йўл ва авиаташувлар) таъминлаш учун туристларнинг транспорт ташувини янада ривожлантириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

авиакомпаниялар харажатларини камайтириш ва истеъмолчилар учун авиачипталар нархини оптималлаштириш;

мамлакат вилоятлари ўртасидаги ички авиаташувлар йўналишлари сонини кўпайтириш;

хорижий етказиб берувчилардан авиакеросин сотиб олиш механизмини харид жараёнида шаффофлик ва рақобатни таъминлаган ҳолда такомиллаш-тириш”[1] каби муҳим вазифаларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда логистика жозибадорлигини тубдан яхшилаш, шунингдек, маҳаллий аэропортларда парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича бир қанча вазифаларни мувоффақиятли бажариш учун блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда рейсларни (автобус, авиа ва темир йўл) қулай тарзда боғловчи йўл чипталарини сотишни назарда тутувчи республика транспорт тизимининг ягона электрон порталини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида ташкил этиш ҳамда унинг ишлаш тартибини белгилш вазифаси ҳам юклатилган. Мазкур вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳал қилиш лозимлиги ҳам аниқ белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратиш учун қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритилиши ҳам кўзда тутилган. Ушбу вазифаларни бажаришга мутасадди қилиб, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бажариш лозимлиги ҳам белгиланган. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда туризм соҳасини 2025 йилгача ривожлантириш прогнози ҳам белгилаб берилган. Буни навбатдаги мақолаларимизда қараб чиқамиз.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси. 2019 йил 8 январь.

Б.У.Насиров – Жиззах политехника институти доценти в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

АҲОЛИ ТУРМУШИ ЮКСАЛИШИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ЎРНИ
(Совет даврида ижтимоий-маиший муассасалар фаолияти мисолида)

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида аҳолининг ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Айни даврда хорижий давлатлар ялпи ички маҳсулоти таркибида хизматлар соҳасининг улуши юқори бўлиб, жумладан, Монакода – 95,1 фоизни, Люксембургда – 86,0 фоизни, Мальтада – 80,6 фоизни, АҚШда – 79,6 фоизни, Кипрда – 78,3 фоизни, Францияда – 77,6 фоизни, Бельгияда –76,1 фоизни, Грецияда – 75,7 фоизни ҳамда Буюк Британияда – 74,5 фоизни ташкил этмоқда[1].

Умуман, маиший хизмат кўрсатиш тизими аҳолининг турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу соҳа инсон эҳтиёжларини қондириш ва унинг ривожланиши учун шароит яратиш каби муҳим ҳаётий вазифаларни бажаради. Хизмат кўрсатиш муассасаларининг ривожланиш даражаси ва уларнинг фаолияти самарадорлиги иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги даражаси ҳамда инсон эҳтиёжларини қондириш учун қулай шароит яратилганлигининг асосий кўрсаткичи соҳадир. Саноати ривожланган мамлакатларда маиший хизмат кўрсатиш корхонаси хизмат кўрсатишга оид энг янги технологияларга эга бўлиб, уларни мунтазам равишда ўзгартириб боради. АҚШ ва Европада маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг энг даромадли йўналиши кимёвий тозалаш, кир ювиш ва гўзаллик салони кабилар ҳисобланади[2].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳамма соҳаларда инсон омилига катта эътибор берилиши барча ислоҳотлар халқ манфаатлари учун амалга оширилаётганидан далолат беради. Жумладан, маиший хизмат соҳасида амалга оширилаётган ишлар инсонларнинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар улуши иқтисодиётда банд жами аҳолининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади[3]. Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар улуши билан деярли тенг.

---

[1] 20 стран мира с наибольшей долей сферы услуг в структуре ВВП. http://infotables.ru/statistika/43-ekonomicheskaya-statistika-stran-mira/426-struktura-vvp-stran-mira-tablitsa.

[2] Шаинян Б.Р. Анализ зарубежного опыта развития бытового обслуживания // Российское предпринимательство.– 2007. – Том 8.– №10. – С.169-173.

[3] Хайдаров Н.Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида молиявий муносабатларни такомиллаштириш // “Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТМИ. “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. –Б.29.

Бугунги кунда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалар фаолияти, шарт-шароитлар ва уларнинг ривожи борасидаги имкониятлар хусусида фикр юритар эканмиз, бу соҳанинг совет даври фаолиятига тўхтаб ўтишни жоиз деб ҳисобладик.

Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан сўнг маиший хизмат тизими бир неча идоралар таркибида бўлган. Турли йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети қошида ишчиларнинг маиший аҳволини яхшилаш мақсадида тузилган доимий комиссия, Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи, Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперацияси кенгаши, Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Ногиронлар кооперацияси, Ўзбекистон ССР Ҳунармандчилик кооперацияси, Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси каби ташкилотлар таркибида олиб борилган. Ташкилий тузилмадаги бундай ўзгаришлар аҳолига маиший хизмат кўрсатишда муайян қийинчиликлар вужудга келишига сабаб бўлган. 1966 йилда Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилганига қарамасдан, маиший хизмат муассасалари турли вазирликлар таркибида фаолиятини давом эттирган. Ушбу даврда маиший хизмат муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида маиший хизмат муассасаларининг фаолият тури кенгайган бўлса-да, тизимдаги иш сифати ва кўлами етарли даражада бўлмаган. Соҳада хизмат қилган аксарият ходимлар маиший хизмат соҳаси мутахассислари бўлмаганлар. Ходимлар анъанавий устоз-шогирдчилик асосида, дастлабки даврда фабрика-завод мактабларида, кейинчалик эса малака ошириш курслари каби ўқув даргоҳларида тайёрланган. Соҳа бошқаруви ходимларининг маълумот даражаси ҳам анча паст бўлиб, уларнинг аксарияти олий таълим олмаган, асосан ўрта маълумотга эга мутахассислар бўлган. Соҳада кадрлар қўнимсизлиги катта муаммолардан бири ҳисобланган. Жойларда маиший муассасаларни ташкил этишда аҳолининг зичлигига баъзан эътибор берилмаган. Шунингдек, соҳани ривожлантиришда маҳаллий аҳолининг демографияси, яъни туғилиш миқдори, қишлоқ аҳолисининг нисбатан кўплиги, ҳудудларнинг табиати, аҳолисининг даромади сингари ижтимоий омилларга етарли эътибор қаратилмаган. Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожи бўйича олиб борилган бир қатор ишларга қарамасдан, 1960 – 1980 - йилларда киши бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми Иттифоқ республикалари орасида охирги ўринлардан бирида бўлган[1].

Умумий овқатланиш хизмати бўйича фикримизни давом эттирсак, Ўзбекистонда умумий овқатланиш муассасалари сони 10.000 нафар аҳолига 1940 йилда 4 тага, 1955 йил эса 5 тага ва 1960 йилда 7 тага тўғри

[1] Насиров Б.У. Ўзбекистонда аҳоли кундалик ҳаётида маиший хизмат тизимининг ўрни (1925-1991 йиллар) (Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати). –Тошкент, 2018. – Б.24-26.

келган[1]. 1960 йилларда республикадаги бир қанча вилоятларда умумий овқатланиш тизимни ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги бинолар барпо этиш ҳамда умумий овқатланиш муассасаларини тегишли муаммоларини бартараф этишга етарли эътибор қаратмаганликлари натижасида республикадаги завод ва фабрикалардаги ошхоналарда бир ўринга Иттифоқда белгиланган меъёр бўйича 6 киши ўрнига 11 киши тўғри келган[2]. 1960-йиллар якунида Самарқанд, Бекобод шаҳарларидаги темир бетон буюмлари ва цемент заводлари, Қўқондаги пахта заводи, Бухородаги пойабзал фабрикаси ҳамда бошқа фабрикалардаги ошхона ва буфетлар хизмат кўрсатиш учун ноқулай биноларда жойлашган, омборхоналар йўқлиги, ўриндиқлар жуда камлиги аниқланган. Ходимлар сони 2000 нафарни ташкил этган Тошкент шаҳридаги асбоб-ускуналар заводи ошхонасида ўриндиқлар 80 кишига мўлжалланган, Тошкентдаги пластмасса буюмлар заводидаги (1500 нафар) ошхонада битта ўриндиққа 40 кишига, Намангандаги костюм ва штапел матолар комбинат ошхонасида 30 киши тўғри келган[3]. Бу ҳолатлар ўша даврда аҳолининг бундай хизматдан фойдаланишда муассасаларга эҳтиёжни юқори бўлишида салмоқли ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда инсон манфаатлари ва унинг эҳтиёжларини хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш орқали таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганини миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини кўпайтириш ҳамда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” [4] назарда тутилаётганида кўриш мумкин.

Республиканинг турли ҳудудларида ижтимоий-маиший инфраструктура муассасаларининг йил сайин ривожланиб, уларда хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати ошиб бормоқда. Айни вақтда тадбиркорликнинг асосий бўғини сифатида фаолият юритаётган маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида кадрлар асосан “устоз-шогирд” анъаналарига кўра тайёрланмоқда. Бу жараёнда уларнинг билим ва малакаларини ошириш назоратдан четда қолмоқда. Ушбу ҳолатни мувофиқлаштириб борувчи механизмни такомиллаштириш тавсия этилади.

[1] Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник.(М.: Финансы и статистика, 1987. ЦСУ. Электрон ресурс (http://publ.lib.ru/ ARCHIVES/N/ "Narodnoe_hozyaystvo_SSSR"/ _"Narodnoe_hozyaystvo_SSSR".)

[2] ЎзР МДА, Р.91-фонд. 11-рўйхат, 298-иш, 59 варақ.

[3] ЎзР МДА, Р.91-фонд. 11-рўйхат, 427– иш, 4 варақ.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

О.М.Пардаев – СамИСИ, Банк-молия хизматлари факултети декани,
и.ф.д., доцент,
М.О.Мамаюнусова – СамИСИ, МА-118 гуруҳ магистранти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ВА ЖАМОА МЕҲНАТИНИНГ ЎРНИ

Жамоа меҳнати билан, тарқоқ ҳолатда меҳнат қилганларга нисбатан жуда катта натижаларга ва ютуқларга эришиш мумкин. Чунки, жамоадаги бирлашган куч салоҳияти жуда катта.

Жамоа меҳнати – мақсадлари, манфаатлари бир бўлган одамларнинг умумий иш учун бирлашган гуруҳи. Жамоа меҳнати тўғри ташкил қилинганда, меҳнат муносабатларида сифат жиҳатидан фақат юқори ўсиш кузатилади.

Якка ишлашга интилиш тарихда қолди, якка ишловчилар жамоадаги меҳнати билангина ўзининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришини тушуниб олди.

Жамоа меҳнати[1]:

- ишчининг билими ва қобилияти жамоадаги бошқа ишчига узатилади ва ўз навбатида, раҳмат тариқасида у ишчи ҳам ўзининг билимини ва қобилиятини унга узатувчига қайтаради, зарурий ҳолатларда қўшимча билимлар ва қобилиятларни сўраб олиш имкониятлари ҳам катта, чунки улар жамоада;
- жуда мураккаб ва ҳажмли вазифаларни ечади ва мақсадлари ҳам яккаликга нисбатан жуда ҳажмли;
- ҳаётнинг оғир ва енгил кунларида ҳамкасбининг ёнида ва ҳамкасби ҳам унга нисбатан шундай, ҳар бир аъзо меҳнат жараёнларида қувватланишига ишочи комил;
- ҳар бир аъзода тежамкор тавсиялар, янги ғояларни илгари суриш, ташшабусга интилиш ва ижодий ҳамкорлик қилиш имкониятларини яратади;
- фақат ўзининг ишига маъсулият билан қараш эмас, ҳамкасбининг ишлари ҳам яхши бўлишини ҳоҳлайди, қарорларни бажаришда жамоа меҳнатидан орқада қолишни иснод деб билади “бир киши ҳамма учун ҳамма бир киши учун” шиорини жуда ҳурматлайди;
- жамоа меҳнатида ўзини кўрсатмаган, доимий баҳона изловчи, топшириқларни сифатсиз бажарувчи ҳамкасбининг ишдан ҳайдалишини тўлиқ қувватлашига кучи етади.

Қайд қилинган воқеъликлар фақат жамоа тўлиқ шакллан-тирилганда ва менежер ҳар бир ишчининг ҳаракатларини самарали бошқарганда,

[1] .Веснин, В.Р. Практический менеджмент персонала: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2010. -241с.: Шапиро С.А. Основы управления персоналом в современных организациях: - М.: Гросс Медиа, 2011. - 400 с. Жемчугов А.М., Жемчугов М.К. Человек и организация. Проблемы экономики и менеджмента.- №8- 2012 г., -С. 18-34.

меҳнат жамоасини бошқариш келиб чиқади. Меҳнаткашларнинг профессионаллик даражаларининг юқори бўлиши ташкилотни бошқаришни ва меҳнат жамоасининг ишларини мувофиқлаштиришни енгиллаштиради. Бундай шароитли ташкилотларда менежер ўзи яхши билган ишчиларга ишонади ва зиммасидаги баъзи ишларнинг амалга оширилишига раҳбарлик қилиш вазифаларини ҳам вақтинча уларга топшириши мумкин. Менежер бу билан зиммасидаги вазифаларни бироз енгиллатади ва асосий эътиборни меҳнат жамоаси фаолиятининг сусаймаслигини доимий назорат қилиб боради.

Меҳнат жамоалари менежернинг ишларни бажариш режалари, ташкилий ва мотивлаштириш ишларидаги майда элеметларгача ҳисобга олинган режаси билан яқиндан танишгандагина ўзининг меҳнати салоҳиятини намоён қилади. Менежернинг бу режаларида ишчиларнинг доимий ротацияси, натижалар бўйича назорат, мотивлаштиришда қўйилган талаб ва ваъдаларни ўз вақтида бажариб боради. Ушбу соҳани тадқиқ этишда меҳнат жамоасининг турлари, таркиблари ва тамойиллари каби тушунчаларга тўхталиб ўтиш ўринли.

Ҳозирги замоннинг психологик-педагогик адабиётларида “жамоа” ҳақида иккита тушунча берилмоқда. Биринчиси: жамоа деганда одамларнинг гуруҳи ва ҳар қандай ташкилот (завод, фабрика, цех, бригада, мактаб, боғча ва бошқ.) тушунилади; Иккинчиси: одамлар гуруҳининг юқори даражада ривожланган бирикмалари тушиналади. Бу аниқловлардан маълум бўлмоқдаки, жамоа тушунчасида мақсадга интилишдаги бирдамлик, уюшганлик ва кўнгилбирликдаги кишиларнинг гуруҳи дейиладиган сифат белгилари устиворлик қилмоқда.

Меҳнат жамоаларининг мақоми бўйича турлари: Меҳнат жамоаларининг мақоми бўйича турлари кўп ҳолларда мулк шаклларини ҳам англатади. Расмий жамоалар, расмий ташкилотлар ва расмий корхоналар дейилганда биз кўпинча давлат тасарруфидаги, давлат идоралари бошқарувидаги ташкилотлар ва корхоналарни тушунамиз.

Расмий жамоалар-корхонада белгиланган қонуний меъёрлар ва қоидалар доирасида ишлайди ва ҳуқуқий жиҳатлардан расмийлаштирилган ҳисобланади.

1. Расмий жамоалар ишлаб чиқариш алоқалари ва муносабатлари ишчиларнинг вазифавий маъсуллиги асосида иериархик бўйсинувчилик бўйича тузилади. Бундай жамоаларнинг аъзолари рационал бюрократия тамойиллари ва қоидалари билан тўғриланиб турилади.

2.Норасмий жамоалар-ҳеч ерда ҳуқуқий жиҳатлардан расмийлаш тирилмайди. Ўзларининг шахсий ҳоҳиши, манфаатлари, шахслар ўртасидаги муносабатлари тўғри келган ишчиларнинг жамоалари. Бундай жамоа вазифавий тақсимланишни унчалик хуш кўрмайди. Ички алоқалари ҳам расмий эмас, лекин иериархик бўйсиниш лидернинг ва унга яқинларнинг ўзини тута билиши ва хулқига боғлиқ ҳисобланади.

Меҳнат жамоаларининг ташкилий механизми бўйича турлари:

- раҳбарият фармойиши бўйича тузилган меҳнат жамоаси;
- норасмий вазиятлар бўйича тузилган жамоа.

Ички алоқаларнинг хусусиятлари бўйича жамоаларнинг турлари;

- расмий жамоалар;
- норасмий жамоалар.

Фаолият кўрсатишининг муддатлари бўйича меҳнат жамоаларининг турлари:

- вақтинчалик фаолият кўрсатувчи меҳнат жамоаси;
- доимий фаолият кўрсатувчи меҳнат жамоалари.

Ўлчамлари бўйича меҳнат жамоаларининг турлари:

- кичик меҳнат жамоалари аъзолари-3-7 кишигача;
- ўрта меҳнат жамоалари 10-30 кишигача;
- катта меҳнат жамоалари 20-30кишидан то 100 кишигача.

Бундай жамоаларда ўзаро мулоқот, муносабатлар ва ҳаракатларнинг даражалари турлича. Ўрта ва катта меҳнат жамоалари ўз таркибига кичик жамоаларни ҳам қўшиб олиши мумкин ва кичик жамоаларга бўлиниб ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Инсон ресурси ҳар қандай ташкилотнинг асосий ресурслари бўлганлиги учун жамоани ва унинг ҳар бир аъзосининг фаолиятини ўрганиш, ўргатиш ва талаб қилиш масалалари ҳозирги замон менежментидаги асосий тадқиқотлардан бўлиши керак. Яна бир муҳим масала ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб шундан иборатки, жамоани шакллантириш ва жамоадаги ҳар аъзо (ишчи) ўрнини белгилаш ҳам муҳим назарий ва амалий тадқиқотларнинг заруратини юзага чиқармоқда.

Жамоанинг шаклланишини ўрганишдан унинг ҳар бир индивиди фаолияти, ўзаро муносабатларини аниқлаш менежер учун осон кечади. Бу эса ташкилотни самарали бошқариш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Меҳнат жамоаларини шакллантириш ҳам ўзининг тамойилларига суянади. Бу тамойиллар меҳнат жамоасининг истиқболли йўналишлари, бу йўналиш фаолиятини ташкил қилишда анъанавий бирдамликни ёнма-ён туриб амалга оширишни назарда тутган. Меҳнат жамоаларининг мамлакатимиздаги тамойиллари халқимиздаги асрлар давомида таркиб топган ўзаро ҳамдўстлик ва ўзаро ҳамкорлик анъаналарига асосланган. Лекин ҳозирги вақтга келиб, эркин бозор шароитларидаги хусусий мулкчилик ҳаракатларида бу тамойиллар кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Чунки, жамоани ривожлантиришда белгиланган стратегик режалар ҳозирги вақтда анча тезкор ҳаракатланишларни талаб қилади.

Ҳозирги замонавий технологиялар жамоадаги ҳар бир аъзонинг замонавий билимларни, профессионал тайёргарлик ва замонавий ишлаб чиқариш малакаларини эгаллашни ҳам талаб қилади. Бу талабларга албатта жамоанинг барча аъзолари ҳам тайёр эмаслиги маълум. Шунинг учун ҳам меҳнат жамоасида персонални тайёрлаш ва бошқариш жамоа меҳнатини самарали бошқаришда энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жамоа меҳнатининг самарадорлиги персонални танлаш ва тайёрлаш билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Чунки, жамоадаги ходимларнинг меҳнати уларнинг олдиларидаги мақсадларга эришишидаги умумлашган, ягона меҳнат ҳисобланади.

Илмий-амалий тадқиқотлардан маълумки, ҳар қандай ижодий жамоада 5% атрофида ижодий шахслар, 25% билимдон кишилар, 20% таҳлилчилар ва 50% оддий ижрочилар бўлади. Ижодий гуруҳларнинг раҳбарлари демократлар, пессисмистлар, диктаторлар ёки ташкилотчилар сифатида тавсифланади.

Бу тадқиқотлар натижасининг энг муҳим хулосалари шундан иборатки, ташкилотнинг жисмоний меҳнатларини юқорида кўрсатилган 50% оддий ходимлар-персоналлар бажарадилар. Шунинг учун ҳам менежментнинг назариячилари ва амалиётчилари бошқарув туғилишидан бошлаб унинг назариячилари менежментнинг асосий субъекти бўлган-одамларни самарали бошқаришни тадқиқ қилиб келмоқдалар.

Инсон ҳаётида низосиз яшаш мумкин эмас. У жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган тарафида яшаса ҳам, у билан ёнма-ён низо юради. Шунинг учун ҳам низо ва низолар инсоннинг ўзаро муносабатларига халақит бермаслиги лозим ва муаммоли вазиятларда келишувга асосланган ёндошувларни ишлаб чиқишга ёрдам бериши керак. Ҳар бир раҳбар ўзининг фаолиятида низодаги ва низодан ташқаридаги «босимли саволлар»га ўз вақтида жавоб беришга тайёр бўлиши, қандайдир стандартлардан чиқиши имкониятларини билиши ва бу имкониятлардан фойдалана олиши лозим.

N.Parpiyeva – TMI katta o‘qituvchisi,
Sh.Boymurodov – TMI talabasi

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI IQTISODIY BARQARORLIKNI TA’MINLOVCHI ASOSIY OMIL SIFATIDA

Xabaringiz bor mamlakatimizda olib borilayotgan ijtimoiy siyosatning ustuvor yo‘nalishlaridan biri, bu kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisobiga aholi daromadolarini va ularning turmush darajasini oshirishga erishish hisoblanadi.

Bu borada amaliyotda joriy qilinayotgan choralardan ko‘rinib turibdiki bugungi kunda kam xarajat qilgan holda ushbu sohada qisqa muddatlarda daromadlar olish mumkin. Xususan bugungi kunda xizmatlar sohasining bir necha yo‘nalishlarini shu jumladan, aloqa, moliya, transport, qurilish, turizm xizmatlari va savdo sohalarini misol keltirish mumkin.

Bugungi kunda aholining farovon va qulay sharoitda hayot kechirishlari uchun xizmatlar sohasida bir qator qulayliklar ta'minlab berilmoqda. Natijada mamlakatimizning qishloq joylarida servis infratuzilmasining rivojlanishi

evaziga qishloq aholisining yashash tarzi shahar aholisining yashash tarziga yaqinlashmoqda.

Bugungi kun zamon talablaridan kelib chiqib, sohani rivojlantirish maqsadida, O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining “2012-2016 yillarda O‘zbekiston Respublikasida xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish dasturi to‘g‘risi”gi hamda “2013-2016 yillarda qishloq joylarda xizmat ko‘rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish yuzasidan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarorlari qabul qilindi.

Xizmatlar ko‘rsatish va servis sohasini rivojlantirish maqsadida amalga oshirilayotgan dasturlar va chora-tadbirlar natijasida sohaning YAIMdagi ulushi sezilarli darajada o‘sdi. Ushbu ko‘rsatkich 2011 yilda 50,5 % ni tashkil etgan bo‘lsa bugungi kunda 54,5% ni tashkil etishi kutilmoqda. Sohada band bo‘lganlar bugungi kunda jami band aholining 50% dan ortig‘ini tashkil qiladi.

Hozirgi kunda maishiy xizmat ko‘rsatish korxonalari ko‘proq e’tiborni iste’molchilarning yakka tartibdagi ehtiyojlarini qondirishga qarata boshlashdilar. Chunki bunday yo‘l tutishiga ularni sohada vujudga kelayotgan raqobat muhiti majbur qiladi. Raqobat o‘z navbatida xizmatlar sifatiga qattiq talablar qo‘yadi. Lekin, bu erda shuni ta’kidlash joizki, maishiy xizmat korxonalari o‘rtasidagi raqobat muhiti mamlakatimiz bozor kon’yunkturasiga muvofiq ravishda endi shakillanib bormoqda. Raqobat muhitining yaratilishi O‘zbekistondagi maishiy xizmat ko‘rsatish korxonalari faoliyatlarini rivojlantirish va takomillashtirish, xizmatlarga yangi xaridorlarni topish, aholining ta’minlangan va kam ta’minlangan qatlamlari uchun maishiy xizmatlar assortimentini taalluqli narxlarda shakillantirish va tabaqalashtirish uchun qo‘shimcha dastak bo‘lishi zarurdir. Maishiy xizmat ko‘rsatish sohasida qoida tariqasida, funksional ahamiyatga ega bo‘lgan barcha ko‘rinishdagi faoliyat turlari tushinilib, ijtimoiy ishlab chiqarish sharoitida aholiga xizmat ko‘rsatish va realizatsiya qilish jarayonlarini ifodalaydi. Ularning faoliyatidan bog‘liq ravishda takror ishlab chiqarish jarayonida maishiy xizmat ko‘rsatish sohasi faoliyat ko‘rinishlari bo‘yicha ehtiyojlarni qondirish xususiyatlariga ko‘ra, ahamiyatli ravishda bir-biridan farqlanadi . Maishiy xizmatlar nafaqat ehtiyojlarni qondirishda, balki aholi ehtiyojlari shakllanishini maqsadga yo‘naltirilgan holda, ularning bo‘sh vaqtlarini tejash uchun imkoniyat yaratadi. Mamlakatimizda bozor munosabatlarini hozirgi rivojlanish bosqichida maishiy xizmat ko‘rsatish sohasida kichik korxonalarning keng miqyosda rivojlanishi tadbirkorlik faoliyati rivojlanishi, aholining qo‘shimcha daromadlari oshishi, ish bilan bandlik va ish o‘rinlari sonining yuksalishiga, shuningdek asosiy ishdan tashqari nostandart ish bilan bandlikni ta’minlash imkoniyatini yaratadi. Hozirgi kunda maishiy xizmat ko‘rsatish bo‘yicha faoliyat O‘zbekiston Respublikasida aholiga maishiy xizmat ko‘rsatish qoidalari bilan tartibga solinadi. Maishiy xizmat ko‘rsatish faoliyatini tartibga solishning me’yoriy usullari vazifalariga ijtimoiy me’yorlarni ishlab chiqish kiradi. Ko‘pgina ilmiy ishlarda ularni xududiy darajada ishlab chiqarish va joriy etish zarurati asoslab beriladi. Bundan shu narsa ifodalanadiki, ijtimoiy me’yorlarning ishlab chiqilmasligi hududiy

darajada kelgusida sohaning rivojlanishi uchun to‘sqinlik qiladi. Shunday ijtimoiy me’yorlarni keng joriy qilinishi aholiga maishiy xizmat ko‘rsatish ta’minotining me’yorlari sifatida mazkur sohaning belgilangan darajada rivojlanishiga yoki maqbul chegarada ehtiyojlarni to‘liq qondirishni hisobga olishga muvofiq kelishini ta’minlaydi. Ijtimoiy me’yorlar – bu ijtimoiy ahamiyatga ega ko‘rsatkichlarni qat’iy ravishda aniqlash tizimi bo‘lib, insonlarning hayotiy faoliyatlari jarayonlari va jamiyat ijtimoiy guruhlarining aniq davrdagi sharoitida yuzaga keladigan talablarining ma’lum tipik darajasini ifodalaydi. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida aholiga maishiy xizmat ko‘rsatish me’yorlarining joriy qilinishi murakkablashmoqda. Bu shu holat bilan shartlanadiki, barcha maishiy xizmat ko‘rsatish sohalari bo‘yicha hisobga olganda, ular ijtimoiy guruhlar nuqtai nazaridan ham, ularning ko‘rinishlari bo‘yicha ham xizmatlarga ehtiyojlarning tarkibini aks ettirmaydi. Bundan tashqari, bu ko‘rsatkichlarning qiymat ko‘rinishida ifodalanishi inflyasion moyillik mavjud sharoitida ulardan foydalanish statistik ma’lumotlar olishda real voqielikka ega bo‘lish imkoniyatini chegaralaydi.

Xulosa qilib aytganda, rivojlangan mamlakatlar tajribasi ko‘rsatmoqdaki, xususiy tadbirkorlik, ayniqsa xizmat ko‘rsatish sohasi sub’ektlari jamiyat taraqqiyotining barcha jabhalarida ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikni ta’minlovchi asosiy omillardan biridir. Ushbu sohaning rivojlanishi mamlakat aholisi boyishiga, iqtisodiyot rivojlanishiga, iste’mol bozori to‘yinishiga, davlat byudjeti tushumlari ko‘payishiga, ishsizlik kamayishiga olib keladi. SHuningdek, xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishning muhim yo‘nalishlaridan biri iqtisodiy salohiyat samaradorligi ekanligini amaliy jihatdan asoslash va ularni ifodalovchi ko‘rsatkichlar tizimi hamda ular o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillarni aniqlash va tahlil qilish yo‘llarini ishlab chiqish;

-xizmat ko‘rsatish sohasi bilan shug‘ullanadigan xususiy korxonalarga ta’sir etuvchi omillarni aniqlash hamda tahlil qilish;

-hozirgi kunda xizmat ko‘rsatish sohasining foydalilik nuqtasini aniqlash muhimligidan kelib chiqib, bir qancha usullardan foydalanish mumkinligini ko‘rsatib berish va uning o‘zgarishiga ta’sir qiluvchi omillarni tahlil qilish orqali samaradorlikni oshirish yo‘llarini ko‘rsatish;

-xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishda standartlashtirish, litsenziyalash va sertifikatlashtirish tizimlarini takomillashtirish;

-erkin iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasining foyda va rentabelligini oshirish ahamiyatidan kelib chiqib, ular o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillarni tahlil qilish orqali mazkur ko‘rsatkichlarni yaxshilashda ichki imkoniyatlarni axtarib topish yo‘llarini ko‘rsatib berish.

Я.М.Суюнова – СамДАҚИ катта ўқитувчиси,
Ф.Бахриддинов – СамДАҚИ талабаси,
М.Насимова – СамДАҚИ талабаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай даражадаги ислоҳотлар мавжуд тартиб, шарт – шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатни ўзгаришига олиб келади. Ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиш эса жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Шунга кура, биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос модели муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб етади. Президентимиз “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули” номли китобида, мустақил, сифат жихатдан янги ижтимоий – иқтисодий модель сифатидаги ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини мазмунини кенг тушунтириб берди.

Жамият ижтимоий – иқтисодий мазмуни ва қиёфасининг янгиланиши мазкур жараёнлар ҳуқуқий асосларининг яратилиши билан узвий боғлиқ. Шунга кўра, иқтисодий ислоҳотларни дастлабки палласиданоқ мамлакатимизда Фуқаролик, Ер, Солиқ, ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш туғрисида” , “Банклар ва банк фаолияти туғрисида”, “Чет эл инвестициялари туғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя килиш туғрисида” ги Қонунларнинг қабул қилиниши мухим кадам бўлди. Умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Буларни барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар шаклланиб, хусусий мулк ва кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 53 %дан ошиғи, иш билан банд бўлганларнинг 74 % ига тўғри келмоқда.

Яна бир муҳим ёндашув бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари анча соддалаштирилган. Рўйхатдан

ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги юридик шахслар бўйича – статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига, акциядорлик жамиятлари ҳисобланадиган юридик шахслар бўйича эса – шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига маълум қилади.

Концепцияга асосан тадбиркорлик субектларини ташкил этиш, рухсат бериш жараёнини енгиллашитириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш, рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштирилмоқда.

Рухсат бериш жараёнини енгиллашитириш бўйича рўйхатга олувчи инспекция фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тадбирлари амалга оширилмокда, булар:

- хизмат лавозимини суистеъмол қилиш имкониятларини камайтиришга;
- рўйхатга олишни асоссиз равишда норасмий рад этиш амалиётини тугатишга;
- рўйхатга олиш тартибини ҳудудлар бўйича бир шаклга келтиришга имкон яратади.

Замонавий тадбиркор у ёки бу муайян вазиятда тўғри йўл тутиш учун пул маблағларини жалб қилишнинг барча шакллари афзалликлари ва камчиликларини яхши билиш керак:

- ўз маҳсулотини сотиш бозорини (талаб ва таклифни ўрганиш);
- лойиҳанинг ишлаши учун керак бўладиган товар-моддий бойликларни, шунингдек тайёр маҳсулотни сотиш учун зарур булган шартномаларнинг мавжудлиги;
- кредитланаётган лойиҳанинг самарадорлиги;
- кредитни ва у бўйича фоизларни сўндириш манбалари;
- кредит учун тўланадиган тўловни ҳисоблашни.

Ўзбекистон иқтисодиётининг хусусий секторини ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида концепциянинг олтинчи йуналиши буйича куйидаги сохаларни ривожланишига алохида эътиборни каратиш лозим:

- деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш;
- хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;
- кўп меҳнатни талаб қилувчи кичик ҳажмли ишлаб чиқаришни ташкил

этиш;

- қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати;
- экспортга йуналтирилган ва импортни ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни қишлоқ жойларда кўпроқ ташкил этиш.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорликни куллашга хам концепцияда алохида тухталиб утилган.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади , кредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган.Ушбу Концепсия биз учун узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастури бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар бутун жамиятимиз, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солишига, Эл – юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга даъват этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. “Ўзбекистон” Тошкент. 2010 йил. 183-бет.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2010 -56 бет
3. Суюнов А.С. Модернизация систем управления качеством продукции в строительном комплексе Узбекистана. Монография.-Ташкент: « Фан ва технология» 2011,132 с.

Yu.I.Turdibekov – SamDAQI katta o‘qituvchisi,
B.M.Abduraimov – SamDAQI o‘qituvchisi

QURILISHDAGI INNOVATSIYALAR QIYMATINI BAHOLASHDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMI

Bozor iqtisodiyoti sharoitida investitsiyalarni boshqarish muhim rol o‘ynaydi, ayniqsa fan-texnikaning jadal rivojlanishi sharoitida innovatsiyalarni ishlab chiqarish jarayoniga joriy qilishda investitsiyalarni boshqarishning ahamiyatini yanada oshirmoqda. Innovatsiyalar taraqqiyotning negizidir, shuning uchun innovatsiyalarni nafaqat iqtisodiyotga, balki ijtimoiy sohalarga ham yo‘naltirish lozim.

Ba’zi investitsiyalarning maqsadi xususiy kapitalni oshirish bo‘lsa, boshqalariniki esa ishlab chiqarish bazasini kengaytirish hisoblanadi. Asosiy fondlarni yaratish va qayta ishlab chiqarishga investitsiyalash kapital qo‘yilmalar shaklida amalga oshiriladi. Ularni amalga oshirish turli manbalar hisobiga bo‘lishi mumkin: xususiy korxonalarning o‘z mablag‘lari; bank kreditlari; xorijiy investitsiyalar; davlat byudjeti va byudjetdan tashqari fondlardan investitsion ajratmalar va x.k. Davlat byudjetining turli darajalari va byudjetdan tashqari fondlar mablag‘laridan foydalanish ulardan maqsadli foydalanish va samarali boshqarish bo‘yicha javobgarlikni oshirishni talab qiladi.

Ilmiy-texnik taraqqiyotning va qurilish tarmog‘i rivojlanishining tezlashgan sharoitida ishlab chiqarish salohiyati modernizatsiyasining iqtisodiy mohiyatiga yangicha yondashish zaruriyatini yuzaga keltirmoqda, bunda qurilish korxonalarining raqobat ustunliklarini oshirishga takror ishlab chiqarish jarayonining o‘ziga xos hususiyatlari va ilmiy-texnik taraqqiyotning ta’siri inobatga olinishi lozim. Qurilish korxonasining raqobat salohiyati shakllanishi samaradorligining oshishida moddiy-texnik baza asosiy o‘rinni egallaydi. Shuni ta’kidlash lozimki, qurilish korxonasining raqobat salohiyatidan foydalanish samaradorligini baholashda qurilish-montaj ishlarini bajarish jarayonida qurilish mashinalari va mexanizmlarining optimal yuklanishga alohida e’tibor qaratish zarur. Qurilish tarmog‘i xo‘jalik sub’ektlarining ishlab chiqarish salohiyatini takomillashtirish texnik qayta qurollantirish, rekonstruksiya, modernizatsiya, kengaytirish yoki yangi qurilish kabi shakllardan biri orqali amalga oshiriladi.

Kapital qo‘yilmalar faoliyat yuritayotgan sanoat korxonalari va investitsion-qurilish faoliyatining boshqa ob’ektlarini yangidan qurish, ularni kengaytirish, rekonstruksiya qilish va texnik qayta jihozlashga yo‘naltirilishi mumkin. Qurilishda investitsiyalarni amalga oshirishning yuqorida sanab o‘tilgan har qanday usulini bugungi kunda kapital qo‘yilmalarning samaradorligini oshirishga qaratilgan innovatsion qarorlarni joriy qilishsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi.

Bino yoki inshoatning qurilish loyihasini tuzishda iqtisodiy jihatdan eng samaralisini tanlash maqsadida investitsiyalarni amalga oshirishning bir necha variantlarini ishlab chiqish lozim. Buning uchun loyihani amalga oshirishga yo‘naltirilgan harajatlar miqdorini aniqlash talab qilinadi. Lekin loyihaga innovatsion qarorlarni qo‘llashda loyihachilar loyiha-smeta hujjatlari tarkibidagi yangi texnika va texnologiyalarning qiymatini baholash imkoniyatining yo‘qligiga duch kelishadi.

Loyihaga yangi texnologiya, yangi mexanizatsiya vositalari, zamonaviy materiallar joriy qilinar ekan, boshqa teng sharoitlarda innovatsion qarorlarni joriy qilmagan holda va ularni joriy qilishni hisobga olgan holda kapital qo‘yilmalarning samaradorligi tahlilini o‘tkazish, mehnat unumdorligini baholash, mehnat va tabiiy resurslar iqtisodini hisoblash, ishlarning mexanizatsiyalashganlik darajasini aniqlash lozim bo‘ladi.

Korxonani texnik qayta qurollantirish va rekonstruksiya qilishda, odatda, yangi ish o‘rinlari yaratilmaydi. Shu bilan birga, o‘z faoliyati davomida

shakllangan malakali kadrlar va mahsulot ishlab chiqarish tajribasi saqlanib qoladi. Ishlab chiqarish salohiyatini yangilashning bu shakllarining iqtisodiy samaradorligi juda yuqoridir. Tajribalar shuni ko‘rsatmoqdaki, texnik qayta qurollantirishni yangi qurilish bilan taqqoslaganda shuni aytish lozimki, bunda kapital qo‘yilmalarni amalga oshirishning o‘rtacha muddatlari 2 – 3 martaga, investitsion siklning o‘rtacha davomiyligi 2 martaga, kapital qo‘yilmalarning hajmi 2 – 4 martaga, kapital qo‘yilmalarning qoplanish muddati 1,5 – 2 martaga qisqaradi. Rekonstruksiya qilishda ishlab chiqarish quvvatlarini bir birligi hisobiga umumiy harajatlar yangi qurilishdagiga nisbatan 30%ga kamroqni tashkil qiladi.

Kapital qo‘yilmalarning iqtisodiy samaradorligi, asosan, qurilishga qilingan haqiqiy harajatlarni kamaytirish, uning sifatini oshirish, qurilish muddatlarini qisqartirish, ishlab chiqarish quvvatlarini o‘zlashtirish darajasi va loyihaning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga erishishga bog‘liq. Ushbu ko‘rsatkichlarga faqatgina ishlab chiqarish jarayoniga o‘zgartirishlar kiritish, ya’ni innovatsiyalarni qo‘llash yo‘li bilan erishish mumkin.

Loyihaning iqtisodiy ko‘rsatkichlarini baholashda asosiy ko‘rsatkich-lardan biri bo‘lib qurilish ob’ektining smeta qiymatini aniqlash hisoblanadi. Shuningdek, qurilish muddati ham bahoni shakllanishida muhim o‘rin tutadi.

Qurilishning smeta qiymati, odatda, harajat usuli yordamida, ya’ni reja-lashtirilgan qurilish, ta’mirlash-qurilish, montaj ishlarining turi va hajmi bo‘yi-cha joriy harajatlarning alohida elementlarini belgilangan norma va baholar yor-damida kalkulyatsiya qilish orqali aniqlanadi. Hozirgi kunda smetali norma-lashtirish va bahoni shakllantirishdagi asosiy muammo bo‘lib amaldagi smeta-normativ baza tarkibida qurilish ishlarining turli zamonaviy milliy va xorijiy ishlab chiqarish texnologiyalari, yangi mexanizatsiya va transport vositalari, materiallar va jihozlar, shuningdek zaruriy ishlab chiqarish va boshqa harajatlar normalarda ob’ektiv aks ettirilmasligi hisoblanadi. Mazkur bosqichda qurilish ishlarini amalga oshirish uchun zarur bo‘ladigan investitsiyalar hajmini aniq baholash muammosi yuzaga keladi, ayniqsa bu muammo innovatsiyalarni qo‘llashda juda dolzarb hisoblanadi. Qurilish jarayoniga turli harakterdagi innovatsion qarorlarni joriy qilishdan olinadigan samarani baholash murakkab vazifa bo‘lib, bunda innovatsiyalarni qo‘llagan va qo‘llamagan xollardagi investitsiyalarni taqqoslash imkoniyati yo‘q, natijada buyurtmachi-quruvchining kelajakdagi moliyaviy resurslaridan foydalanish samaradorligi masalasi ilgari suriladi.

Investitsion loyihalarning samaradorligini baholash davomida olingan natijalar loyihaning foydaliligi nuqtai nazardan investor uchun eng qiziqarlisini tanlash imkonini beradi, bu esa kerakli moliyaviy mablag‘larni jalb qilishga xizmat qiladi. Shuning uchun, investor uchun eng muhim masalalardan biri bo‘lib qurilish-montaj ishlarini bajarish uchun zarur bo‘ladigan kapital qo‘yilmalar hajmining haqqoniy baholanishi, ya’ni ob’ekt qiymatini investitsion siklning hamma bosqichlarida aniqlash hisoblanadi. Qurilish tarmog‘ida innovatsiyalarni baholash aniqligini oshirish bir vaqtning o‘zida biznes-

rejalashtirish, marketing va innovatsiyalarni boshqarish jarayonini yengillashtiradi.

Ilmiy-texnik faoliyatning natijalari, umumiy olganda, ishlab chiqarishni samarali amalga oshirish uchun tayyor tijorat mahsuloti hisoblanmaydi. Innovatsion mahsulot uchun yangi bozor yaratilishi lozim, qurilish tarmog‘ida esa normativ adabiyot ishlab chiqilishi talab qilinadi, bu esa ularni ishlab chiquvchilar uchun ham, butun qurilish tarmog‘i uchun ham eng muhim vazifa hisoblanadi.

М.Э.Ахтамова – ассистент СамИЭС,
М.З.Мамиров – студент СамИЭС

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ И КАЧЕСТВА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В настоящее время в стране осуществляется последовательная политика по развитию сферы услуг. Создание новых рабочих мест, диверсификации экономики и ускорение развития регионов, увеличение валютных поступлений, повышение качества жизни и доходов населения, рост инвестиционной привлекательности и имиджа страны относятся к ряду важных вопросов, находящихся в центре внимания руководства страны. В решении таких социально-экономических задач значительна роль туризма, являющегося одним из важных секторов национальной экономики.В частности, утвержденной постановлением Президента страны от 16 августа 2017 года “ Программа первоочередных мер по развитию туризма на 2018-2019 годы “ служит ускоренному развитию туризма в нашей стране, обеспечение занятости населения,увеличению валютных поступлений, улучшение инфраструктуры.Прежде всего, следует отметить, что за годы независимости в Узбекистане резко возросла доля сферы услуг в производстве ВВП, увеличении доходов населения и повышении уровня его жизни, в решении проблем занятости и безработицы (Рис 1).Доля сферы услуг в 2017 году составило 46,2% в общей структуре ВВП, что говорито ведущей ролисферы услуг в производстве ВВП и обеспечении занятости трудоспособного населения.[1]

Следует иметь в виду, что успехи и положительные результаты осуществляемых в стране рыночных преобразований неразрывно связаны с дальнейшим развитием сферы услуг, повышением ее роли в решении важнейших социальных и экономических задач развития общества. Изобилие услуг способствует улучшению качества жизни и повышает мотивацию жизни у значительной части населения, устраняет предпосылки для возникновения острых социальных конфликтов.

[1] Пресс-служба Законодательной палаты Олий Мажлис Республики Узбекистан 07.08.2018г.



Рис. 1. Динамика изменения структуры ВВП, %.

Напротив, неразвитость сферы услуг, нехватка и низкое качество многих видов услуг имеют весьма существенные негативные социальные последствия, ведут к образованию разрушительных тенденции в развитии экономики, а также в условиях и уровне жизни населения.Учитывая большое значение сферы услуг и сервисного обслуживания населения в создании социально-ориентированной рыночной экономики, следует четко определить оптимальную величину, отражающую необходимый уровень развития сферы услуг. Обеспечение подобного уровня развития должно быть обязательным для каждого региона республики. В качестве показателя характеризующего состояние и уровень развития сферы услуг, целесообразно использовать ее долю в ВВП страны.

Динамика показателей развития сферы услуг в Узбекистане за 1989-2016гг.[1]

Годы	ВВП			Занято		
	всего, млрд. сум.	в т.ч. в сфере услуг		всего, экономике млн. чел.	в т.ч. в сфере услуг	
		сумма, млрд. сум.	уд.вес,%		численность, млрд. сум.	уд.вес,%
1989	30,2	2,5	8,2	5045,7	2281,8	45,2
1996	559,1	205,8	36,8	8561,0	3052,0	35,6
2000	3255,6	1201,9	37,0	8983,0	3657,0	41,1
2005	15923,4	5871,7	37,7	10196,3	4544,0	44,6
2006	20759,3	8197,7	39,5	10467,0	4745,0	45,4
2007	28186,2	11979,1	42,5	10735,4	5381,6	50,1
2008	38969,8	17646,6	45,2	11035,4	5563,8	45,4

[1]Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник ГосКомСтата РУз. Ташкент.;2017г.

2009	48097,0	22680,2	47,1	11328,1	5930,9	50,1
2010	61831,2	30397,2	49,0	11628,4	6104,9	52,5
2011	78764,2	40951,5	51,9	11919,1	6022,6	50,5
2012	97929,3	51121,1	52,0	12223,8	6242,8	51,1
2013	120861,5	64056,5	53,0	12523,3	6339,9	50,6
2014	145846,4	78757,0	54,0	12818,4	6436,2	50,2
2015	171369,0	93396,1	54,5	13058,3	6568,3	50,3
2016	199325,1	98665,8	49,5	13298,4	6715,6	50,5

Особое значение сферы услуг и необходимость повышения ее доли в ВВП в Узбекистане в условиях формирования социально-ориентированной рыночной экономики определяется рядом обстоятельств.Во-первых, расширение и развитие сферы услуг способствует увеличению национального дохода-основного источника для увеличения инвестиции в развитии человека. Достаточно отметит, что в 2016 году более половина прироста ВВП (49,5%) и занятых (50,5 %)населения получено за счет увеличения производства услуг.Во-вторых, развитие сферы услуг способствует решению проблем безработицы и занятости населения, созданию новых рабочих мест, что для Узбекистана с труд избыточной экономикой имеет особо важное значение мало того , переход к рыночной системе хозяйствования полек за собой интенсивное использование всех факторов производство, в том числе и трудовых ресурсов рост производительности труда, обусловленный необходимостью рационального использования рабочей силы в условиях рыночной экономики закономерно привел к сокращению численности занятых в сфере материального производства. В условиях формирования рыночной экономики и нарастающей конкуренции между хозяйствующими субъектами различных форм собственности их финансовое состояние и экономическое благополучие зависит, прежде всего, от эффективности использования ограниченных и дорогостоящих ресурсов. Этого можно добиться только при высоком уровни производительности как живого, так овеществленного труда.В-третьих,от состояния и темпов развития сферы услуг зависит величина доходов, следовательно, уровень материального благосостояния той части населения, которая трудилась в этой сфере. Частный сектор стремиться охватить наиболее эффективные и высокодоходные части рынка услуг. В отдельных отраслях сферы услуг (торговля, общественное питание и др.) он занимает доминирующее положение. Поэтому наряд с заработной платой важным источником дохода занятых в сфере услуг является предпринимательский доход.В-четвертых, развитость сферы услуг является определяющим фактором обеспечения достойного качества жизни населения. Мировая цивилизация свидетельствует, что низкое качество и дефицит услуг, отсутствие современного сервиса отрицательно влияют на жизнедеятельность человека, создают реальную угрозу недовольства качеством жизни,

снижают продолжительность жизни людей. Напротив, высокое качество и разнообразие услуг благотворно влияет на состояние здоровья и настроение людей, повышает производительность труда работающих, сокращает издержки потребления,способствует увеличению свободного времени, повышает эффективность досуга.

Устойчивая тенденция повышение качества услуг и уровня сервиса проявляется не только в росте спроса, но и во вспомогательном обслуживании в традиционных отраслях, например,в здравоохранении, торговле, общественном питании, а также в возникновении и развитии совершенно новых, раннее неизвестных видов высокотехнологичных услуг. Весьма благоприятное воздействие на жизнедеятельность человека и производственно-хозяйственные процессы оказывают новые виды информационного обслуживания, особенно интернет-связь, мобильные телефоны и другие достижения науки и техники. По мере развития научно-технического процесса, выпуска и реализации сложной бытовой техники и других предметов домашнего обихода возрастает необходимость в их ремонте и обслуживании профессионалами, владеющими современными знаниями в этой сфере.

З.М.Пулатов – СамДАҚИ катта ўқитувчиси,
Ш.Н.Жуманов – СамДАҚИ ўқитувчиси

ЯШАШ УЙ-ЖОЙЛАРИДА СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ТАКЛИФЛАР

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси нафақат ривожланган давлатларда, шу билан бирга ривожланиб бораётган давлатлар иқтисодиётида ҳам катта аҳамиятли ўринга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси хизматлар бозори ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу соҳага доир Республикамизда кенг кўламдаги ишлар бажарилган, ҳозирда ҳам соҳанинг ривожланишига доир чуқур ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини кузатиб боришимиз мумкин.

Бугунги кунда Республикамизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[1] долзарб масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг долзарблиги, одамлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-иловаси, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

турмуш тарзининг сифатига бевосита таъсирининг аҳамияти ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг фикримизча шулар қаторида яшаш уй–жойларини таъмирлаш ва сервис хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам кун сайин ривожланиб бориши, ривожланган давлатларда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами мазкур соҳанинг эътибордан қолмаслигига яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикасида кенг кўламдаги ишлар бажарилиб бораётганлигига қарамасдан, мазкур соҳанинг тўлиқ қамраб олинмаганлиги, айрим камчиликлар мавжуд.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳасидаги камчиликлар жойларда аҳолининг асосли эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, уй-жой фондларининг ҳолати, хонадонларнинг таъмирланиш ишлари сифати, аҳолининг табиий газ, электр энергия ва ичимлик суви билан таъминланиш ҳолати аъло даражада деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг қуйи тизим корхоналари томонидан аҳоли пунктларида ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари, трансформатор пунктларини эксплуатация қилиш қониқарсиз аҳволда олиб борилиши оқибатида зарур инфратузилмалар эскирган ва яроқсиз аҳволга келиб қолган” [1] деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мазкур камчиликларни бартараф қилиш, нафақат иқтисодий, балки жойларда ташкилий-техник чораларни амалга оширишни талаб қилади. Олиб борилган назарий ва амалий изланишлар турар-жойларда сирвис хизмати сифатини оширишда қурилиш-таъмирлаш ишларининг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Бизнинг фикримизча яшаш уй-жойларига сервис хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун қуйидаги таклифларни ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- жорий таъмирлашда маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш таннархни арзонлашувига олиб келади;
- бажариладиган таъмирлаш ишларининг бажарилишини муқобил (оптимал) режалаштириш ишнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига имкон яратади;
- ишларни бажарилиш ҳажмини бажарувчилар ўртасида тенг ва текис тақсимланиши низолар (ихтилофлар)нинг пайдо бўлишининг олдини олишга эришилади;
- том усти ишларини бажаришда фақат мутахассисларни жалб этиб, тендер савдосини ўтказиш орқали ишларни тақсимлаш – ишнинг сифатли бажарилишини таъминлайди;
- жорий таъмирлашда бажариладиган ишларга таъсир этувчи омилларни тўғри баҳолаш орқали самарадорликка эришиш мумкин;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 29.03.2018 й. N ПФ-5386 "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида

- жорий таъмирлаш ишларини баҳолашда харажатларга таъсир этувчи коэффицентлар ҳам этиборга олиниши зарур.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган таклифлар инобатга олинса, яшаш уй-жойларига сервис хизмат кўрсатиш фаолиятининг яхшиланишига яна бир яхши қадам қўйилган бўлади деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-иловаси, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 29.03.2018 й. N ПФ-5386 "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон қарори.

N.Parpiyeva – TMI katta o‘qituvchisi,
O.Zoirov – TMI talabasi

INNOVATSION TADBIRKORLIKNI AHOLI FAROVONLIGINI OSHRISHDAGI AHAMIYATI

XXI asrning boshida yuzaga keladigan iqtisodiy vaziyat eng qiyin iqtisodiy va davlatlararo munosabatlarga ega bo‘lib, biznes amaliyotini ancha murakkablashtirdi, innovatsion biznes mamlakatning iqtisodiy rivojlanishi, bozorni tejash va bozor iqtisodiyotida ishlab chiqaruvchilarni ijodiy faoliyati uchun faol omilga aylanmoqda.

Iqtisodiy adabiyotda ikkita biznes modeli hisobga olingan: klassik va innovatsion: klassik, odatiy, reproduktiv va oddiy biznes, ishbilarmon resurslar va foydaning eng yuqori darajaga qaytishiga asos bo‘lgan ishni tashkil etishga intiladigan bo‘lsa, innovatsion biznes - bu yangi narsalarni yaratish orqali foyda olishning o‘ziga xos turidir.Milliy iqtisodiyotning barcha sohalarida innovatsiyalarni taqsimlash,klassik biznesdan farqli ravishda, innovatsiya mavjud korhonani rivojlantirishning yangi usullarini izlashga asoslangan. Bu yangi ishlab chiqarish, texnologiya, bozorlar, materiallar, boshqaruv shakllari yoki yo‘naltirilgan yangi innovatsion korxonalarni yaratish bo‘lishi mumkin. Bugungi kunda davlat oldida turgan eng og‘ir ijtimoiy-iqtisodiy muammolardan biri, iqtisodiyotni innovatsion rivojlanish yo‘llariga o‘tish, texnologik kechikishdan xalos bo‘lish.

Jahon miqyosidagi o‘zgarishlar yangi texnologiyalar va innovatsion echimlar asosida iqtisodiy rivojlanishning yangi modeliga o‘tish zarurligini ko‘rsatadi. Shuning uchun "yangilik" va "innovatsion iqtisod" tushunchalari juda tez-tez - barcha mamlakatlar siyosatchilarining, matbuotda va turli xil iqtisodiy

tadqiqotlardagi bayonotlarida hayratlanarli emas. Rivojlangan mamlakatlarga nisbatan "innovatsion iqtisod" maxsus atamasi ishlab chiqilgan va qo‘llanilmoqda. Bu "innovatsiyalar oqimiga, doimiy ravishda texnologik takomillashishga, yuqori qo‘shimcha qiymatli va yuqori texnologiyali mahsulotlarni ishlab chiqarish va eksport qilishga asoslangan texnologiyalarning o‘ziga xosligi". Yuqori texnologiyalar va innovatsion yechimlar ijtimoiy hayotning ko‘plab jihatlariga sezilarli darajada ta'sir ko‘rsatadi.Shu bilan birga, innovatsiya va turmush darajasi o‘rtasidagi bog‘liqlik bir tomonlama emas, chunki yuqori turmush darajasi davlat va jamiyatning innovatsiyalarga qiziqishi uchun eng muhim shartlardan biri hisoblanadi. Barcha asosiy insoniy ehtiyojlar qoniqarli bo‘lgan jamiyatlarda faqat innovatsiyalarning ahamiyatini tushunish mumkin.

Yangi texnologiyalarning paydo bo‘lishi rivojlangan infratuzilma, iqtisodiy ta'lim va inson kapitali rivojining yuqori darajasini talab qiladi. Mamlakatni rivojlantirish uchun ta'lim va fanga yo‘naltirilgan xarajatlar tez-tez esga olinadi, lekin juda kamdan-kam holatlarda innovatsiyalarni ishlab chiqish va joriy etish uchun iqtisodiy va ijtimoiy institutlarning yuksak darajada rivojlanishi zarur. Innovatsion iqtisodiyotda yashashga ishonadigan mamlakatlar haqida gapiradigan bo‘lsak, yangi turmush tarziga o‘tish ilg‘or va yuqori mexanizatsiyalashgan ishlab chiqarish, rivojlangan infratuzilma va yuqori ichki talab sharoitida, yuz berdi. Bozorlar, biznesning innovatsion salohiyati asosida mahalliy ishlab chiqarishni va iqtisodiyotni jadal yangilash va modernizatsiya qilish muammolari alohida ahamiyat kasb etadi.

Innovatsiya turini iqtisodiyotni shakllantirish uchun asos - axborot uzluksiz yangilash, ijodiy salohiyatga, ixtirolarga, dizaynga, ijodiy potentsialga bo‘lgan talabni oshirish, fuqarolarning ortib borayotgan ehtiyojlarini maksimal darajada qondirish, ularning turmush darajasini oshirish uchun innovatsion ishlab chiqarish texnologiyalari shakllantiruvchi innovatsion jarayonning o‘ziga xosligi - asbob-uskunalar, iqtisod, biznes, menejment va ilmiy g‘oyaning kelib chiqishi, uning tijorat maqsadlarida amalga oshirilishidir. Shunday qilib, ushbu jarayon natijasida mahsulotlarning ishlab chiqarish, almashinuvi va iste'moli butun majmualarni qamrab oladi.

Iqtisodiy o‘sishning yangi turiga o‘tish korxona tuzilmalari faoliyatining innovatsion mexanizmlarini yaratishga imkon beradi. Innovatsion rivojlanish rivojlanish sur'atlarini jadallashtirish va iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishni ta'minlaydigan innovatsiyalarni rivojlantirish va ularni sotish jarayonlarini jadallashtirish bilan bog‘liq, shu jumladan uning texnologik tarmog‘i.

Innovatsion biznes – bu ichki muammolarni hal qilish uchun innovatsiyalarni amaliy qo‘llash orqali (tuzilmaviy o‘zgarishlar, biznes va axborotni qayta tiklash va h.k.) mulkchilik (ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish) va texnologiya bo‘yicha eng yaxshi mahsulotlarni yaratishga olib keladigan ijtimoiy-texnikaviy va iqtisodiy jarayon. Hukumat ko‘magi sayyohlarga xizmat ko‘rsatuvchi korxonalar uchun investitsiya imtiyozlarini, sayyohlik loyihalari bilan bog‘liq eksportchilarning xarajatlarini qoplash uchun eksport grantlarini o‘z ichiga olishi mumkin; turistik investitsiya loyihalarini o‘rta va uzoq muddatli

kreditlash; lizingning turli shakllari; kredit stavkalarini subsidiyalash; turizmning sanoat va xizmat koʻrsatish infratuzilmasini rivojlantirish, yuqori menejment va mutaxassislarni tayyorlash va boshqalar.

Aholi turmush darajasini yaxshilash har qanday ilgʻor jamiyatning asosiy maqsadi hisoblanadi. Koʻpgina mamlakatlarda asosiy strategiya inson taraqqiyotining bahosini oshirishdan iborat. Inson taraqqiyoti va inson taraqqiyotining koʻrsatkichlari iqtisodiy va ijtimoiy siyosat sohasidagi qarorlarni qabul qilish mezoniga aylanmoqda. Davlatning turistik industriyani rivojlantirishdagi roli - kerakli infratuzilma - yoʻllar, quvurlar, elektr energiyasi, suv va boshqalarni yaratishdir. Bundan tashqari, sanoat uchun kadrlar tayyorlashni moliyalashtirish, shuningdek, ichki va tashqi turizmni ragʻbatlantirishga qaratilgan qator tadbirlar. Bu sayyohlar sonini 2-3 barobar oshirish kerak. Innovatsion jarayonda tadbirkorning rolini ta'kidlagan. I.Schumpeter iqtisodiy tizimning dastlabki pozitsiyasi sof muvozanat ekanligi haqidagi nazariyadan boshladi. Uning soʻzlariga koʻra, bozor iqtisodiyotida innovatsion tadbirkor iqtisodiy tizimning muvozanatini buzadigan oʻzgarishlarning asosiy omili hisoblanadi. Innovatsiyalarni joriy etishda odatiy munosabatlar tartibi "muhafazakarlarni" iqtisodiy aloqalar sohasidan chiqarib tashlaydigan va boʻsh joylarni egallagan innovatsion tadbirkorlar harakatlariga toʻsqinlik qiladi.

Innovatsion infratuzilmaning elementlari fan shaharlari, texnoparklar, innovatsiya va texnologiya markazlari, innovatsion va sanoat komplekslari, texnologik uzatish markazlari, texnologik inkubatorlar, klasterlar va boshqalarni oʻz ichiga oladi. Innovatsion infratuzilma ob'ektlarining asosiy vazifasi - bu voqealarni tijoratlashtirishga yordam berish, MIPni yirik kompaniyalar, universitetlar bilan samarali hamkorlikni ta'minlashdir. , akademik institutlar va bir-birlari bilan klasterlar va turli assotsiatsiyalarda ishtirok etishadi.

Innovatsion infratuzilmani qulay huquqiy va me'yoriy bazasi va innovatsion mahsulotlarni bozorga chiqarishning samarali tizimi mamlakatlarning milliy innovatsion tizimini tashkil etadi.elektron tijoratni ham shakllantrishda har bir mahsulot ishlab chiqarayotgan korxona va firmalar oʻzlarining rasmiy saytini joriy qilishi va ijtimoiy tarmoqlarda ham rasmiy reklamalar berilishi katta ta`sir koʻrsatadi. Shu bilan birga firmalar oʻzlarining keng imkoniyatini ishga solgan holda har xil xizmatlar joriy qilish bilan birga mijozga qulaylik yaratadi. Misol tarzda firmadan chiqqan mahsulotlarni toʻgʻridan-toʻgʻri mijozga yetkazib berish.

Xulosa oʻrnida aytiladigan boʻlsa chet elning tajribasini oʻrganib chiqqan holatda oʻzimizga mos holatini olishimiz kerak. Shu oʻrinda texnoparklar, bepul wifi zonlar joriy qilish kerak. Har qanday kichik biznesni boshlayotgan shaxsga davlat tomonidan har xil imkoniyatlar va imtiyozlar berilishi maqsadga muvofiq deb oʻyliman.

Р.М.Эгамов – СамДАҚИ докторанти

ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий мунособатларнинг умумий тизимининг таркибига киради ва жамият таркибидаги иқтисодий қонунларга бўйсиниши маълум. Ҳозирда хизмат кўрсатиш тармоқларини учта катта бўлимга бўлсак, улар:

- Қурилиш (қазиб олиш саноати);
- Қайта ишлов бериш (қурилишни амалга ошириш);
- Хизматлар кўрсатиш (қурилишдан кейинги хизмат).

Хизматларни кўрсатиш истеъмолчи учун янги қурилишни (маҳсулот) барпо этиш ёки мавжуд қурилиш жараёнини сифатини янада яхшилаш (модернизация қилиш) фойдали самарага эга бўлишлигини билдиради.

Қурилиш хизматлари тушунчаси бугунги кунда шаклланиш ва стандартлаштириш жараёнидадир, чунки жамиятда қурилишга нисбатан янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан доимий равишда инсонда қурилишга нисбатан янги хизматларга эҳтиёж пайдо бўлади ва янги хизматлар тури вужудга келади.

Қурилиш хизматлари соҳаси ривожланишининг ҳозирги вақтдаги асосий хусусияти унинг технологик ва такрор ишлаб чиқаришнинг моддий ишлаб чиқариш билан бўлган ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, қурилиш хизматларининг инсон ҳаётининг барча бўғинларига кириб боришидан иборат, мана шу билан қурилиш хизматлари соҳасининг иқтисодиётдаги ва жамиятда турмуш сифатини ошириш муаммоларини ҳал қилишдаги тутган ўрни намоён бўлади.

Қурилиш хизматлари, хизмат кўрсатиш субъектлари бўйича қурилиш хизматлари соҳаси давлат ва нодавлат секторларига ажратилган. Бу ерда қурилиш хизматлари соҳаси қурилиш корхоналарининг ташкилий – ҳуқуқий шакли, ихтисослашув даражаси, ташкилий шакли, хизмат кўрсатиш тури, буюртмаларни жамлаш ва бажариш шакли, хизмат кўрсатиш сифати ва истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш шакли бўйича гуруҳлаш (таснифлаш) зарур деб ўйлаймиз.

Ижтимоий ишлаб чиқаришга қурилиш хизматларининг кириб бориши ва иқтисодиётдаги қурилиш хизматлари улушининг кенгайиши ҳамма вақт ҳам ижтимоий – иқтисодий тизимнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади деб бўлмайди.

Қурилиш хизматлари соҳаси иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши учун, хизматлар кўрсатиш соҳаси минтақани ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралиши зарурдир, акс ҳолда, иқтисодиётда хизматлар кўрсатиш соҳаси улушининг ошиб бориши, минтақани ривожланишини рағбатлантирмаслиги, балки орқага тортиши мумкин деган фикрдамиз.

Қурилиш хизматлари соҳасида олиб борилган қурилиш жараёнлари

ўзига хос интеллектуаллик, иновацияликга эгадир. Олиб борилаётган қурилиш хизматлари нархида хизматлар харажатларининг улуши, фойдада кўрсатилаётган хизматларнинг улуши, киритилаётган инвестицияларда хизматлар улуши ва бошқалар. Бу кўрсаткичлар ўзаро бир – бири билан боғлиқ бўлиб қурилиш хизматлари соҳаси иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатишини кўришимиз мумкин. Иқтисодиётнинг ривожланишига ва аҳоли фаровонлигини оширишига қурилиш хизматлари соҳасининг таъсир кўрсатаётганига бир эътибор қаратсак.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида 2019 йил 17 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилган фармонида, ижтимоий ривожланиш соҳасида – аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш белгиланган.

Бундан ташқари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида ҳам ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадини ошириш ва уларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги бир қатор масалалар ўз аксини топган.

Бугунги кунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасиада 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкор-ликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этган.

Ҳозирги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2018 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилган.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. Бу борада тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилиши кўзда тутилган. Натижада 142 та замона-

вий корхона ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

2019 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Қишлоқ жойларда намунавий уй - жойлар қуриш дастурларидан босқичма - босқич шаҳар ва посёлкаларда кўп қаватли уйлар қуришга ўтиш ва муҳандислик - коммуникация инфратузилмасини ҳам уй - жойларни қуриш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Намунавий уйларнинг лойиҳаларини такомиллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Аҳолининг яшаш тарзини янада яхшилаш мақсадида дунёдаги йирик мегаполисларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда, реновация дастурини, яъни, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини ва айни пайтда юртимиздаги 34 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларнинг аниқ ҳолатини яна бир бор ўрганиб, бу масала бўйича амалий чоралар кўриш зарурлиги Президентимиз томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, коммунал хўжалик соҳаси узоқ йиллардан буён кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда, шунинг учун 2019 йилдан бошлаб тармоқда давлат - хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича кўрсатмалар берилди мутахассисларга.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кераклиги ва аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ҳозирги 65 фоиздан 75 фоизга етказиш зарурлигини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтди ўз Мурожаатномаси[1]да.

Республикамизда юқоридаги қурилиш хизматлари кўрсатиш соҳасининг иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни ва аҳамиятига берилаётган эътибордан келиб чиқиб, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожланиши ва кенгайиши бўйича таклифларимиз мавжуд:

- хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожланиши ва кенгайишига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир этиш даражасини ўрганиш;
- аҳоли турмуш даражаси сифатини яхшиланишида хизматлар кўрсатиш аҳоли (истеъмолчилар) томонидан кўрсатилаётган хизматларни қанчалик қабул қилиш даражасини аниқлаб, тадбирлар ишлаб чиқиш;
- хизматлар кўрсатилгандан кейинги (сўнги) жараёнларни баҳолашнинг ахборот базасини яратиш зарурдир;
- хизматлар кўрсатиш жараёнининг корхоналар фаолиятига таъсир қилувчи ташкилий – таркибий омилларини чет эл корхоналари

[1] “Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси”., Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабр.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи

жараёнлари билан таққослаш орқали тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- қурилиш хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясининг янгича моделини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.
- қурилиш хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда инновацион тадбирларни қўллаш орқали самарадорликга эришиш йўлларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш.

Биз томондан берилаётган таклифлар қурилиш хизматлари кўрсатиш соҳасининг иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва яхшилашда ўз натижасини беради деган фикрдамиз.

Ж.А.Қаҳҳоров – СамИСИ ассистенти,
У.А.Абдурайимов – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА СЕРВИС ХИЗМАТИ СИФАТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Ҳозирги кунда республикамизда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш соҳалари ичида, аҳоли ва туристларга барча қулайликларга эга бўлган сервис хизматини ташкил этувчи умумий овқатланиш корхонлари алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда, Республика иқтисодиётининг асосий таркиби ҳисобланган ички савдо айланмаси даромадининг бир қисми шу соҳа ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, кейинги йилларда мазкур хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятидаги иқтисодий кўрсаткичлар суръатининг ўсиши кузатилмоқда.

Республикамиз ҳудудида умумий овқатланиш корхоналаридан – ресторан, ошхона, кафе ва барлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг сони кўпайиб, рақобат бозори шаклланмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, мустақиллик даврида барпо этилган овқатланиш корхоналари, ўзининг шинам ва кўркамлиги, замонавий техник-технологик жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги, қурилиш ва гигиена қоидалари талабларига жавоб бериши ҳамда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш даражаси билан стандарт меъёрларига жавоб беради. Лекин, биз ҳозирги вақтда кенг тус олаётган ана шу соҳадаги айрим муаммолар хусусида қисқача тўхталмоқчимиз.

Маълумки аҳоли ва туристларнинг овқатланиши асосан умумий овқатланиш корхоналари – ресторан, кафе, ошхоналарда олиб борилади овқатланиш хизматини сифатини оширишда ундаги ходимлар мехнатини сифатини ошириш керак бўлади чунки ҳар бир корхонанинг самарадор-лигини ва рақобатбордошлиги, шу корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсу-лотлар сифати ва кўрсатиладиган хизмат маданиятга боғлиқ бўлади.

Хизмат кўрсатиш маданияти бу меҳмонларга хизмат кўрсатишга қаратилган ташкилий маданият бўлиб, унинг асосида маълум қоидалар, кетма – кетликда бажариладиган ишлар, амалий кўникмалар ётади. Хизмат

кўрсатиш маданиятини ҳар бир корхонани ўзи ишлаб-чиқади. Айрим корхоналарда хизмат кўрсатиш маданияти жуда паст, айримларида эса жуда юқори бўлиши мумкин. Юқори даражада хизмат кўрсатиш маданияти персоналнинг ҳар қандай ҳолатда унинг ҳаракатланиши ва ситуацияни тўғри баҳолаши меҳмонлар ўртасида ўзини тутиши ҳамда ишга ва корхонага нисбатан ҳурматда бўлиши билан белгиланади.

Овқатланиш маданияти умуминсоний маданиятнинг узвий бир қисми бўлиб, кишиларнинг сиҳат-саломатлигига, меҳнат унумдорлигига, жисмоний ва ақлий камолотига, қолаверса оила ва давлатнинг иқтисодий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай экан, бугунги кунда аҳолини овқатланиш корхоналаридаги сервис хизматини ташкил этишда, овқатланиш маданиятининг элементлари етарлича инобатга олинганми деган савол туғилади? Бу борада олиб борилган кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўпчилик овқатланиш корхоналарининг сервис хизматида амалга ошириладиган вазифалар етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, хўрандаларнинг кайфиятларига салбий таъсир этиш ҳолатларини келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг содир бўлиши, айниқса, сервис хизмати кўрсатиш жараёнининг бевосита иштирокчиси бўлган официантлар ҳисобига тўғри келади. Маълумки, официантлар хизмат фаолияти давомида хўрандалар билан энг кўп мулоқотда бўладиган хизмат ходимларидир. Официантларнинг хизмат фаолиятидаги бажарадиган вазифалари кенг қамровли ва жуда нозик бўлиб, юксак дид билан амалга оширишни талаб этади. Улар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар қуйидагилардан иборат:

- хўрандаларни хушмуомалалик ва эътибор билан кутиб олиш;
- хўрандаларни таркиби (жинси), ёшини эътиборга олган ҳолда, белгиланган қоидалар асосида жойлаштириш ва кўмаклашиш;
- белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда хўрандалардан буюртма олиш;
- столни қўшимча идиш ва хўрак асбоблари билан таъминлаш;
- таом ва ичимликлар учун мос келадиган идишларни тўғри танлаш;
- буюртма бўйича берилган таом ва ичимликларни белгиланган тартибда келтириш;
- фойдаланилган идишларни йиғиштириб олиш;
- хўрандалар томонидан берилган саволларга хушмуомалалик билан жавоб бериш;
- юқоридаги амалга оширилган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
- белгиланган қоидалар асосида ҳисоб-китоб қилиш ва хушмуомалалик билан уларни кузатиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Юқорида қайд этилган сервис хизмати элементларини меъёрида бажариш ходимлардан, айниқса официантлардан малакали тажриба ва етарли билимга эга бўлишларини тақозо этади.

Айтиш жоизки, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган кўпчилик овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатаётган ходимлардан ва официантларнинг тажрибасизлиги ёки махсус билимга эга эмасликлари кўзга ташланмоқда. Бу эса ўз навбатида тизимдаги сервис фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шу боис, соҳада юз бераётган муаммоли вазиятларни бартараф этиш ва сервис фаолияти даражасини ошириш мақсадида, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Умумий овқатланиш корхоналарига тегишли диплом ва сертификатга эга бўлган малакали кадрлар фаолият юритиши ишчи ходимларни мехнат вазифасига тайинлашда айнан шу мутахассислика эга эканлигни текширган холда ишчи ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш керак.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг Республика бўйича фаолияти ва таъсир доирасини янада кенгайтириш ва хокимят ташкилотлари орқали акрридтациядан ўтган ташкилотлар томонидан тайёрланаётган мутахассисларнинг малакавий даражасини лицинзиялаш ишларини олиб бориш.

Хизмат кўрсатишнинг асосий қоидаси сифатида ходимлар барча меҳмонларга нисбатан жуда хушмуомала эътиборли ва одобли бўлишлигини ўзлаштириши керак. Меҳмонлар хизмат кўрсатувчи ходимларни кўриши, лекин, уларни ўзаро сухбатини эшитиши керак эмас. Овқатланиш корхоналарнинг машҳурлиги тўғридан-тўғри хизмат маданияти этикасига, официантларни хушмуомалалиги ва эътиборлигига боғлиқдир Замонавий ресторанда хизмат кўрсатиш маданиятини барча шакллари ишлаб чиқариш, ташкилий ва эстетик аспектлар билан чекланмайди. Хизмат кўрсатиш ҳақиқатдан маданиятли бўлиши учун биргина замонавий, чиройли техник жихозланган корхонага эга бўлиш кифоя эмас. Муҳими ушбу корхонада малакали, ўз ишини яхши биладиган кадрларга эга бўлишдир.

Меҳмон ресторан, кафе, бар остонасини хатлаб ўтишданоқ унга хушмуомала ва эътибор билан кутиб олиш муайян даражада уларни психологик мослашувини ўсишигна таъсир этади. Меҳмонларга индивидуал ёндашувни таъминлаш зарур. Бунда уларни ўзига хос сифатлари, қизиқишлари, мойилликлари ҳисобга олинади.

Овқатланиш корхоналари хизмат кўрсатиш ходимлари уларнинг касбларига қўйиладиган маънавий талабларни аниқ тасаввур қилиши керак. Овқатланиш зали марказий фигуралари бўлган официант,бармен метрдотелларни саралаш ва ишга қабул қилишда асосан ушбу талаблардан келиб чиқишади. Чунки уларга юзлаб одамлар илтимос, маслаҳат билан мурожаат қиладилар, уларга танқидий мулоҳаза қилишади, махтов билдиришади.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган таклифнинг амалга оширилиши овқатланиш корхоналарида кўрсатилаётган сервис хизматининг яхшиланишига ва мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини янада ошишига олиб келади.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

Б.Н.Навруз-Зода – Бухоро давлат университети профессори, и.ф.д.

ТУРИЗМНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛИГА ЎТКАЗИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016-2018 йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришига оид қабул қилинган фармон ва қарорларни амалга ошириш пировардида туризм соҳаси жадал ривожланиб, иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомига эга бўлмоқда. Ўзбекистон туристик бозоридаги сайёҳлар оқими таҳлилига кўра, 2017 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг сони 2,52 млн.кишидан ошиб, бу 2016 йилга нисбатан 24,3 фоиздан кўпроғни ташкил этади. 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида эса мамлакатимизга 3,9 млн.киши ташриф буюрган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан 64,6 фоизга кўпроқдир.

Туризм рақобатбардошлигини ошириш давлат ва алоҳида туристик ҳудудлар миқёсида долзарб масала ҳисобланади ҳамда у аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Туризм соҳасини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш асносида уни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш ва барқарорлаштиришга эришиш миссиясини шакллантириш имкони пайдо бўлади. Чунки, туризм - барқарор ривожланишнинг инсоний (турмуш сифати), иқтисодий (рақобатбардошлиги) ва табиий (атроф-муҳит тозалиги) таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштира оладиган ўзига хос соҳа ҳисобланади.

Туризмни барқарор ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш инновацион барқарор ривожланиш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу мақсадни кўзлаган ҳолда биз инновацион барқарор ривожланиш моделини тузиш ва уни туризм соҳасида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш саъй-ҳаракатини қиламиз.

Жаҳон инновацион тизимида инновацион моделнинг қуйидаги учта тури ажратилади [3, 5]:

1.Америкача модель: бош ғояси – инновацияларни аниқ ва ўта ноёб товар ва хизматларга мужассамлаштириш. Ушбу модель илмий-тадқиқот ва тажрибавий-конструкторлик ишларига харажатларнинг юқори даражаси, инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг билвосита

усуллардан кенг фойдаланиш ҳамда инновацион жараённинг барча босқичларининг ривожланганлиги билан тавсифланади.

2.Европача модель: бош ғояси – инновацион фаоллиги, ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, илм-фанни ривожлантириш ва ҳаёт сифатининг юқори даражаларига эришиш. Ушбу моделнинг бош хусусиятини кичик ва ўрта корхоналарнинг юқори инновацион фаоллиги ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантиришда бевосита ва билвосита усуллардан фойдаланиш ташкил этади.

3.Осиёча модель: бош ғояси – бозорда юқори тижорат натижасига эришиш учун технологияларнинг янги турларини яратиш. Бу моделда инновацион фаолиятнинг сўнгги натижасига, амалий тадқиқотларнинг ривожлантирилишига, инновацион фаолиятнинг бош субъекти сифатидаги йирик корпорацияларга ҳамда рағбатлантиришнинг тўғри ва эгри сегментларига асосий эътибор қаратилади.

Жаҳон инновацион тизимининг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда, биз инновацион барқарор ривожланишнинг муаллифлик моделини тавсия этамиз. Бундай инновацион моделнинг методологик асосини иккита қуйидаги назария ташкил этади:

Биринчидан, янги ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалга ошириш натижасида янги маҳсулот турлари, янги хизматларни кўрсатиш, янги технологик жараёнларни, янги маркетинг усулларини ҳамда бизнесни юритишнинг янги услубларини яратиш билан боғлиқ бўлган *инновациялар назарияси*.

Иккинчидан, ҳар бир бошқарув қарорларининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик самарасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши, келгуси авлодга зарар етказмасдан ҳозирда ҳаёт кечираётган одамларга муносиб турмуш даражасини таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлос қилмаслик мақсадида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлган *барқарор ривожланиш назарияси*.

Инновациялар назарияси ва барқарор ривожланиш назарияларининг интеграцияси асосида, тизимли ёндашув тамойилларини қўллаган ҳолда биз *барқарор инновацион ривожланиш моделини* ишлаб чиқидик. Туризмнинг барқарор инновацион ривожланиш моделининг бошланғич нуқтасини тизимнинг кириш қисми сифатида танланган инновация назарияси ташкил этади. Бунда инновацияларни яратиш, тарқатиш ва оммалаштиришнинг барқарорлик тамойилларини инобатга олиб, айнан барқарор ривожланишни таъминлай оладиган инновацион фаолиятнинг қуйидаги учта йўналишлари танлаб олинган:

1. Экологик инновацияларни яратиш ва жорий қилиш.
2. Ижтимоий (социал) инновацияларни яратиш ва жорий қилиш.
3. Ташкилий-иқтисодий инновацияларни яратиш ва жорий қилиш.

Ушбу барқарорликни таъминлашга қодир бўлган уч йўналишдаги инновацион фаолият натижасида умуман иқтисодиётда, жумладан туризм соҳасида барқарор ривожланишнинг инновацион йўлига ўтишни

бошлайди. Ривожланишнинг ушбу йўлига тўлиқ ўтиши билан иккита туб ўзгаришлар содир бўлиши кутилади:

Биринчидан, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудларида рақобатбардошлик ошиб боради.

Иккинчидан, жамиятнинг инновацион жиҳатдан тараққиётини белгиловчи асосий омили сифатида "Инновацион инсон капитали" шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Тавсия этилаётган "Барқарор инновацион ривожланиш модели"да экологик ва ижтимоий инновацияларнинг ўрни ва таъсирчанлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ҳозирги шиддат билан ривожланаётган даврда барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида туризм тадбиркорлигининг инновацион фаоллигига таянадиган миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ҳисобланади. Бунда, барқарор инновацион ривожланиш туристик корхоналар фаолиятининг асосий тафсилоти сифатида кўриб чиқилади. Туристик ҳудудлар рақобатбардошлик даражаси иккита омилга боғлиқ бўлиб, туризм соҳасида қанча кўп инвестициялар киритилиб, салоҳиятли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун молиялаштирса, туризм ҳам тармоқ ва ҳам ҳудуд кесимида шунча тез ривож топади. Туризм соҳасида барқарор инновацион ривожланиш янги инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга тадбиқ этиш натижасида яратадиган янги иш ўринларида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун Ўзбекистонда туризм соҳасига инновацион лойиҳаларни ўзлаштириш ва инвестицияларни киритишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Иқтисодиётнинг инновацион рақобатбардошлигини оширишда инновацион лойиҳаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. https://president.uz/uz/lists/view/2228
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда.
3. Касенов Р.Р. Модель мировых инновационных систем. Вестник Челябинского государственного университета. 2013, №32 (323).Экономика. Вып.42.С.52-56).
4. Навруз-Зода Б.Н., Ибрагимов Н.С.Туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг кўп даражали модели. Монография. Бухоро. "Дурдона" нашриёти. 2018. 160 б.
5. Модель мировых инновационных систем//Капитал страны. http://kapital-rus.ru/articles/article/236496/13.09.2013 (дата обращения: 19.02.2018).

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Б.Б.Ҳимматова – СамИСИ, МР-118 гуруҳ талабаси

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Туризм бугунги кунда жадал ривожланаётган ва иқтисодиётнинг алоҳида даромадли тармоғи сифатида намоён бўлмоқда. Туристлар саёҳат мақсадига кўра хилма-хилдир. Республикамизда туризм иқтисодиётнинг сердаромад тармоғи сифатида самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун етарли даражада шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Унинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида соҳага оид кўплаб қонун ва фармойишлар қабул қилинмоқда. Натижада туризмнинг ривожланиши давлат иқтисодиётига ва аҳоли ҳаётига ижобий таъсирини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга талабнинг ошиши;

-иш ўринларининг яралиши;

-ЯИМнинг ўсиши;

-урбанизация даражасининг ошиши, инфраструктура, маданий ташкилотларининг ривожланиши, хизматлар сифат даражасининг ўсиши;

-маҳаллий маданият ўчоқларининг тикланиши, халқ ижодиёти, анъаналари, русумларини ривожланиши;

-маҳаллий маданий ёдгорликларнинг тикланиши ва муҳофазаси;

-даромаднинг кўпайиши, маҳаллий аҳоли яшаш даражасининг ошиши.

Сўнгги йилларда туризм жаҳон экспортида ўзининг улкан ҳиссасига эга бўлди ва бутунжаҳон ялпи ички маҳсулотини 11% ташкил этмоқда. Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари орасида саёҳлар ташрифи бўйича Франция биринчи ўринни эгаллаган ва яқин 2 йилда Хитой биринчиликни қўлга киритиши кутилмоқда. Ташриф буюрувчилар сони Францияда 2017-йилги маълумотларга кўра 86.9 миллион кишини, ундан тушган ялпи даромад 60.7 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич туристлар сони бўйича АҚШ да 76.9 миллион кишини ташкил этган ва бунинг натижасида 210.7 млрд. АҚШ доллар миқдорида фойдага эришилган. Республикамизда эса 2017-йилнинг биринчи ярмида 1миллион 800 минг нафар сайёҳ ташриф буюргани ва бу кўрсаткич 2016-йилга қараганда 17 фоизга ошганини кузатишимиз мумкин. Бутунжаҳон туризм ва сайёҳлар бўйича кенгаши томонидан “Туризм бўйича энг жозибадор ва рақобатбардош 140 давлат рейтинги” тузилган бўлиб, унда келтирилган маълумотларга кўра бизга қўшни давлатлардан Қозоғистон 85-ўрин, Қирғизистон 116-ўрин,Тожикистон 119-ўринни эгаллаган, Ўзбекистон эса сайёҳлар ташрифи бўйича 150-ўринни эгаллаган ва у бу рейтингга киритилмаган. Бу эса Ўзбекистондек табиати гўзал, хилма-хил, бой тарихий ва маданий

меросга эга бўлган, қадимий ва машҳур “Буюк ипак йўли” белбоғи бўлган давлат учун номуносибдир. Юртимиз жуда катта туристик салоҳиятга эга давлат. Буни биз ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатига юртимиздаги 200 дан зиёд тарихий ёдгорликлар тимсолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистоннинг қулай иқлим шароитида спорт ва экологик туризмни шакллантириш мумкин. Бугунги кунда республикамиз ҳудудида Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан сафарни бош мақсадига боғлиқ бўлган гуруҳларининг барчасини ривожлантириш имконияти бор:

Жумладан, диний(зиёрат) туризмни ривожлантиришда Бухоро, Самарқанд, Хоразим вилоятлари катта салоҳиятга эга. Ўзбекистон ҳудудида 300 дан ортиқ шифобахш сув манбалари аниқланган бўлиб, ҳозирда уларнинг 121 тасидан фаол фойдаланилмоқда. Бу эса туризмни соғломлаштириш ва дам олиш турининг истиқболини таъминлаши учун муҳим.

Бугунги кунда юртимиз ҳудудида туризмни янада ривожлантириш учун бизнинг асосий мақсадимиз бизда бор туристик ресурсларни кенг оммага таништиришдан иборат. Бу борада республикамизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор юналиши бўйича “Ҳаракатлар Стратегияси” да учинчи устувор йўналиш бу – иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бўлиб, унинг олтинчи банди туризм соҳасини ривожлантиришга бағишланган ва унда қуидаги вазифалар белгиланган:

-туризм тармоғини жадал ривожлантириш, туризм соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

-туризм соҳасида виза, литцензия бериш ва рухсат олиш тартиб-тамоилларини соддалаштириш;

-хорижий инвеститсиялар, жаҳон брендларини фаол жалб қилиш, туризм соҳасида бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

-янги туризм соҳаларини яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини ошириш.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун аввало соҳада мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни чет тилларини билиш даражасини ошириш, республикамизда фаолият кўрсатаётган соҳага тегишли ОТМлари талабаларини чет тилларини ўрганишини назорат қилиш лозим, чунки бугунги Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини баҳолашда албатта ишчи ходимларнинг тажрибаси ва чет тилларини билиши муҳим аҳамиятга эга. Соҳага етук мутахассисларни тайёрлаш ва уларни чет эл тажрибаси билан яқиндан таништириш мақсадида кўпгина хорижий давлатлар билан ҳамкорликда очилган институт битирувчи талабаларини соҳага кенг жалб этиш лозим. Ўтган йилнинг 10-июн куни республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда “Ипак йўли” халқаро туризм университетининг ташкил этилиши мамлакатимизда туризмга қаратилаётган этиборнинг кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда мавжуд туристик ресурсларни реклама қилиш ва жозибадорлигини оширишда маркетинг хизматларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш, турли интернет саҳифаларида, махсус журнал ва газеталарда ахборот бериш ва тарғиботини кучайтириш муҳим. Туризм бозорида маркетинг жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий вазифаси рекламадан ҳамда яратилган туристик маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Шунинг учун, туристик хизматлар маркетинги асосан халқаро майдонларда тарғибот тадбирларини ташкил қилиш ёки интернет тармоқларидан фойдаланишни тақозо этади.

Маркетинг хизматлари орқали туристларга айни ҳудудда, яъни Ўзбекистонда қандай тур маҳсулотлар, ҳизматлар таклиф эта олишимиз ҳақида тўлиқ ва жозибадор тарзда маълумотлар тайёрлаш ва уларни доимий интернет саҳифаларида жойлаштириш масалаларига ечим топиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон туризмининг яқин келажакдаги истиқболи учун маркетинг мақсадларини белгилаш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, туристлар учун маълумотлар хизматини сифатли ташкил этиш ва реклама-ахборот масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзаев М.А., Алиев М.Т. “Туризм асослари” ўқув қўлланма, Тошкент, 2011. 15-28 бетлар.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар Стратегияси”.
3. Комилова Ф.К. ва бошқалар: “Халқаро Туризм Маркетинги”, ўқув қўлланма, ТДИУ, 2011. 12-22 бетлар.
4. -www.kun.uz
5. -UzA.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
И.Р.Бердиқулова – СамИСИ катта ўқитувчиси,
А.Қ.Ғаппаров– СамИСИ ўқитувчиси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНГАН ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Самарқанд қадимдан “Буюк ипак йўли”нинг чарахаси сифатида туризмнинг бир қанча йўналишлари шаклланган. Улар диверсификация ва модернизация натижасида уларнинг тулари анча кенгайган. Ҳозирги кунда уларнинг тарихий-маданий, зиёрат, экологик, гастрономик, маданий-маърифий, археологик, соғломлаштириш ва агротуризм сохалари шаклланган ва улардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бу қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (1-расм).

Самарқанднинг юраги, уни дунёнинг сайқалига айлантирган тарихий обидалари Регистон ансамбли (Шердор, Улуғбек, Тиллакори мадрасалари)



1-расм. Самарқанд вилоятида шаклланган туризмнинг асосий турлари

ҳисобланади. Шу ва шу каби бир қанча обидалар **тарихий-маданий туризмни** ташкил қилади. Ушбу туристик маршрутга яна Амир Темур мақбараси, Бибихоним мадрасаси ва мақбараси, “Афросиёб” Самарқанд шаҳри тарихи музейи, Ўлкашунослик музейи, вилоят давлат тарихи музейи, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Нодир Девонбеги мадрасалари киради. Ушбу тарихий-маданий мерос объектлари Самарқанд архитектурасининг қадимда ҳам қанчалик ноёблигини кўрсатиш билан бирга Мирзо Улуғбек расадхонаси шу заминда фаннинг нечоғлик ривожланганлигидан далолат бериб турибди.

Юқоридагиларга ҳамоҳанг Самарқанднинг ўзига хос **зиёрат туризми** ҳам дунё нигоҳида. Зиёрат туризми маршрутига бугунги кунда Имом ал Бухорий комплекси ва янгидан қад кўтарган ҳадис академияси энг нуфузли ўринда турибди. Ислом оламида катта эъзоз ва ҳурматга сазовар бўлган Имом ал Бухорийни зиёрат қилиш ниятида юрганларнинг сони миллиардлаб топилади. Булардан ташқари Маҳдуми Аъзам, Ал-Мотрудий, Шохизинда комплекси, Хазрати Хизр масжиди, Ислом Каримов мақбаралари ҳам зиёрат объектлари бўлиш билан бирга, ўта ноёб тарихий архитектура намуналари ҳамдир. Хўжа Абду Дарун, Хўжа Исҳоқи Вали, Хўжа Ахрори Вали, Хўжа Абду Берун, Абдурахмон ад-Доримий, Шайх Худойдоди Вали, Хўжа Дониёр мақбараси, Хазрати Довуд зиёратгоҳлари ҳам тарихий обидан ва диний қадриятларимиз бўлганлиги учун қадрланиб келинмоқда.

Самарқанд вилояти азал-азалдан **туризмнинг маданий-маърифий** шакли ҳам ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Бундай туризм маршрутларига ҳар икки йилда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро

мусиқа фестивалини, Регистон майдонида (Шердор ва Мирзо Улуғбек мадрасаларида) фольклор гуруҳларининг концерт дастурларини, 3D mapping шоу, Эл мероси миллий маданий театрини, Мулки турон театрини, “Фавворалар” фестивалини, “Улоқ-кўпкари” ўйинлари кабиларни киритиш мумкин. Булардан ташқари Чавқи, Бешқарсак, Сарбози фолклор жамоалари чиқишлари, алла айтиш, чипрон қилиш, бешикка белаш анъаналари каби намойишларни киритиш мумкин.

Самарқанд вилоятининг географик жойланиши **экологик туризмни** ривожлантириш учун қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Ушбу туризм маршрути ҳозирги кунда Жомбой туманида (Галакапа, Зарафшон давлат қўриқхонаси ҳудуди), Самарқанд туманида (Оҳалик, Миронқул), Ургут туманида (Бешкон, Омонқутон, Қоратепа, Тахтақорача довони), Нуробод туманида (Сазағон, Анжирли, Жом, Ибройим ота), Пастдарғом туманида (Меҳнаткаш), Қўшрабод туманида (Пангат, Қизилбел, Қоратош, Жонбулоқ) жойлашган манзарали масканлардан иборат бўлиб ҳисобланади. Ушбу туманларидаги экотуризм масканларига аҳоли пунктлари, шунингдек сув омборлари, рекреацион ҳудудлар, булоқ боши ҳудудлари, ўрмон хўжаликлари, ғорлар, Фозилмон давлат ўрмон хўжалиги ҳамда Зарафшон Миллий Табиат боғи кабиларни киритиш мумкин. Экотуристик масканлардан фойдаланиш йилдан-йилга кучайиб боради, чунки бунга одамларда, айниқса шаҳар аҳолисида эҳтиёж жуда катта. Қисқа вақтда дам олишга мўлжалланган туризмнинг турлари экологик туризм бўлганлиги туфайли ундан нафақат миллий, ҳатто хорижий туристлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Гастрономик туризм ҳам Самарқанднинг кўркини тараннум этишга хизмат қилишни бошлади. Самарқанд мевалари экологик жиҳатдан тоза бўлиши билан бирга, ширинлиги жиҳатидан ҳам манаман деган давлатларнинг меваларидан анча устунликлари бор. Ҳозирги кунда “Қовун сайли” фестивали бир йилда бир марта ўтказилмоқда. Булар асосан қишлоқ жойларда жойлашганлиги туфайли уларни қишлоқларда ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда “Нон сайли”, “Палов сайли”, “Шарқ ширинликлари”, “Кишмиш”, “Silk Road Bazaar” фестиваллари анъанага айланиб бормоқда. Уларни ҳар бир мавсумда ўтказишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. “Наврўз” байрами муносабати билан ўтказиладиган халқ сайили ҳам бир йилда бир марта ўтказилади. Аммо ушбу сайлни дунё миқёсига реклама қилиб айнан шу сайлни кўришга туристларни жалб қилиш мумкин. Жуда кўп тадбирлар Самарқанд шаҳрида ўтказилганлиги туфайли, айрим туманлар бундан бебаҳра қолиб кетмоқда. Келажакда, туризмнинг ушбу турини ривожлантириш учун туманлардаги салоҳиятни ҳам сафарбар қилиш лозимдир.

Самарқанднинг ўзига хос хусусиятларидан бири, **Археологик туризм** ҳам ривожланган. Ушбу йўналишдаги маршрутга: Афросиёб кўхна шахристони, Добусия қалъаси шахристони, Кўктепа-Челак манзилгоҳи, Қоратепа ва Омонқутон қишлоқларидаги ғорлар, Сазағон, Жом ва Уйруғул

қишлоқлари, Чўпон ота тепалиги тарихий археологик ёдгорлиги кабиларни киритиш лозим. Аммо туризмнинг ушбу тури фақат илмий туризм сифатида тарихчилар ва археологлар учунгина фойдаланилмоқда. Ушбу туризмни ривожлантириш имкониятлари жуда катта, чунки мазкур археологик объектлар самарқанд ва ўша ҳудуд тарихи билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун буларни ҳам туристик маршрутларга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Соғломлаштириш туризми маршрутига бир қанча санаториялар ва шу каби даволаниш масканлари киради. Буларнинг аксарият қисми туманларда жойлашган. Самарқанд шаҳри ҳудудининг чегарасида "Зарафшон" санаторияси фаолият кўрсатади. Булар жумласига Нуробод-нинг "Нурбулоқ" маҳалласидаги даволаш масканлари, Самарқанд тумани-да "Оҳалик", "Оқбуйра", "Абу Али Ибн Сино", Оқдарё туманида "Устоз", Катта қўрғонда "Эргаш ота", "Марварид" санаторияларини киритиш мумкин. Ушбу соғломлаштириш масканлари ҳам ўзларининг салоҳиятидан келиб чиқиб, йил давомида фаолият кўрсатишни йўлга қўйган.

Агротуризм маршрути ҳам Самарқанд туманидан бошланади. Ундаги "Амирхон Ноз Неъматлари" фермер хўжалиги (узум, боғдорчилик), "Оҳалик Олтин боғи меваси" фермер хўжалиги (боғдорчилик) билан шуғулланади. Ушбу боғларда замонавий технологияларга асосланган интенсив боғлар жойлаштирилган. Уларнинг бир қисми теш ҳосилга кирадиган пакана ва ярим пакана дарахтлардан иборатдир. Тайлоқ туманидаги "Сиёб-саҳовати" фермер хўжалиги (мева сабзавотчилик, иентенсив боғдорчилик), "Сиёб-Шавкат-Орзу" фермер хўжалиги меваларнинг бир қанча турлари (мева сабзавотчилик, гилос, олма, ўрик, боғдорчилик) билан шуғулланиб келмоқда. Айрим туманларда пахта етиштирилади. Бу ўсимлик ҳам кўпгина хорижий туристлар учун янгилик ва қизиқали бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб, айтганда Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш учун ўзининг етарли салоҳиятига эга ҳудуд. Ундан самарали фойдаланиш учун ҳали кўп ишларни қилшингиз керак бўлмоқда.

Ҳ.И.Турдибеков – "Ипак йўли" ТХУ "Умумкасбий ва ихтисослик фанлари" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент,
Д.Кубаева – "Ипак йўли" ТХУ талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

Фан ва техника тараққиёти, инновацион ўзгаришлар шароитида аҳолининг самарали хордиқ олиши, шаҳарнинг шовқинли муҳитидан ҳоли масканларида вақт ўтказишига эҳтиёж ортади. Айнан шу сабабли, охирги йилларда меҳмондўстлик индустриясида экотуризм йўналиши жадал суръатларда ривожланмоқда. Хусусан, бу соҳада Туркия, Швейцария,

Эквадор, Тайланд, Малайзия каби давлатлар жаҳон туризм бозорида мустаҳкам ўринга эга. Бутунжаҳон ЯИМда туризм улуши автомобил ва нефть савдосидан кейинги ўринни эгаллайди. Халқаро мақомдаги ташкилот ва муассасаларнинг маълумотига кўра, кўпгина туризм турлари йилига ўрача 5% га ортиб бораётган бўлса, экотуризм йилига ўртача 20-30% га кўпайиб бормоқда. Статистик маълумотларга юзланадиган бўлсак, саёҳатга чиқувчиларнинг аксарияти ўрта ёшдагилар. Шунинг учун ҳам уларни экозоналарга бориш, табиат қўйнида сайр қилиш кўроқ қизиқтирар экан. Бундан ташқари, экотуризмнинг яна бир ютуқларидан бири шундаки, ҳеч қандай саноат корхоналари қуриб бўлмайдиган ҳудудларда сайёҳларни гўзал табиат билан лол қолдириш мумкин. Бу эса мавжуд табиий туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятини беради. Экологик туризм ортидан келаётган даромад эвазига эса ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини янада бойитишга эришиш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизда ҳам экотуризмни ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Зеро, мамлакатимиз экотуристик имконияти жуда кенг. Баланд тоғ тизмалари, кўллар, дарёлар, яшил табиат буларнинг барчаси бизнинг ўлкамизда мавжуд. Бунга мисол қилиб, Зомин тоғ тизмалари, Чорвоқ, Билдирсой, Чимён, Нурота тоғ тизмалари ва бошқаларни келтириш мумкин. Албатта ҳар бир вилоятнинг ўзига яраша сўлим гўшалари, бир-бирини такрорламайдиган, беқиёс гўзал табиати мавжуд. Аммо бунинг ўзи билан кифояланиб қолмаслик керак. Зеро, бу каби экотуристик зоналарга нафақат, чет эллик саёҳатчилар балки, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам катта қизиқиш билдиради. Бунинг исботи сифатида Чимён ҳамда Чорвоқ дам олиш масканларини кўрсатиш мумкин. Мавсум бошланиши билан ушбу ҳудудларда дам олувчилар сони тобора ортади. Бироқ бугунги кунгача бундай гўзал манзарали ҳудудларда экотуризм инфратузилмаси яхши шакллантирилмаган, мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмайди. Хусусан, автомобиль йўллари, малакали хизмат кўрсатиш ва бошқа қулайликларни яратиш каби қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли орасида экологик маданиятнинг яхши шаклланмаганлиги ҳам кўплаб камчиликларга сабаб бўлмоқда.

Экотуризмни ривожлантириш асосида Ўзбекистон туризм соҳасида қуйидаги мақсадларга эришишига имконият юзага келади:

-жаҳон туристик хизматлар бозорида миллий маҳсулотимизни танитиш ва реализациясини йўлга қўйиш;

-табиатнинг, экотуристик ресурслари ва имкониятларидан янада самарали фойдаланиш;

-соҳада малакали билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;

-экотуризмни ривожлантириш орқали аҳолининг ишсизлик даражасини камайтириш;

-Ўзбекистонда экотуристик хизматларни йўлга қўйиш ва улар сифатини ошириш;

-туризм соҳасида экотуризм эвазига келадиган даромадни ошириш ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган мақсадларга эришиш бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Жумладан, ўлкамизда баъзи бир ҳудудларнинг табиий муҳит даражаси туризмни ривожлантиришга имконият бермайди. Шу сабабли, “Яшил чўл лабораторияси” Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияга биноан, чўл ҳудудларда “Яшил чўл лабораторияси” ни ташкил этиш, сувсизликка чидамли ўсимликлар навларини яратиш, уларни кўпайтириш кабилар амалга оширилиши режалаштирилмоқда ва амалда кўплаб чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Ўрмонлар, қўриқхоналар сони сезиларли даражада ортмоқда.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи йўналишида туризм индустриясини жадал равнақ топтириш бўйича дастурий вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, ушбу вазифалар қаторида туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш кабилар жой олган.

Экотуризмни иқтисодиётнинг фаол сектори сифатида тан олиниши учун эса экотуризм инфратузилмасини шакллантириш лозим. Аммо соҳада қатор камчиликлар ҳам кузатилмоқда. Булар орасида малакали хизмат кўрсатиш, экозоналарга йўналтирилган транспорт воситаларининг етарли эмаслиги, жойлаштириш объектларининг талабга жавоб бермаслиги каби масалалар мавжуд. Шу мақсадда экотуризм соҳасида фаолият олиб борувчилар сонини ошириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш зарур. Шу нуқтайи назардан, хизмат кўрсатувчи ҳамда экотурларни ташкил этувчи ходимларни қайта тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, ходимларни экозоналарнинг ҳолати билан яқиндан таништириш кабилар талаб этилади. Малака ошириш мақсадида туризм соҳаси вакилларининг хориж давлатларида тажриба ўрганиб қайтишлари ҳам муаммонинг ечимини топишда т муҳим аҳамиятга эга.

Жойлаштиришни таъминлаш учун эса маҳаллий аҳоли вакиллари хонадонларидан фойдаланиб туриш ҳам мумкин. Чунки экоҳудудларда кўп қаватли, замонавий қулайликларга эга бўлган турар жойларни қуриш бир мунча мураккаб, кўп маблағ ҳамда вақт сарфланишини ҳисобга олиш зарур. Шу сабабли, маҳаллий аҳоли вакиллари ўз хонадонларида сайёҳларни кутиб олиб, уларга ўз меҳмондўстлик фазилатларини намойиш қилиш орқали сайёҳларни ўз юртларига яхши таассуротлар билан қайтишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, экозоналарда шарқона руҳда безатилган уйлар, урф-одатлар билан ўз этнографиямизни ҳам таништириш имкониятига эга бўламиз. Сайёҳларнинг кундузги дам олишини мароқли ташкил қилишда миллий мато: атлас, шойи, беқасам,

кабилардан фойдаланиб, чайлалар қуриш, уларни тановули учун муздек қимиз, айрон каби фойдали маҳсулотларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Шаҳар марказидан экоҳудудларгача бўлган автомобиль йўлларини қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш, саёҳатчилар учун маршрутли автотранспорт воситаларини йўлга қўйиш зарур.

Маҳаллий аҳоли орасида ҳам экотуризмга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларни жалб қилиш мақсадида тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш лозим. Уларни табиат қўйнига қилган саёҳатлари, гўзал табиат манзаралари ижтимоий тармоқларда кенг ёритилса, яхшигина рекламага ҳам эга бўламиз. Зеро, XXI асрда ҳар қандай маҳсулот сифатли рекламага муҳтож.

Экотуризмнинг яна бир ажралиб турадиган жиҳати шундаки, экотур маршрутларини этнотуризм, спелеотуризм, гастрономик туризм ва яна бир қатор туризм турлари билан уйғунлаштириш ва Ўзбекистоннинг кўп қиррали, табиий ва маданий ресурсларга бой масканларини намойиш қилиш мумкин бўлади.

А.Т.Мардонова – СамДУ доценти

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БАНК ТИЗИМИНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомил-лаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жамиятда ривожланган банк тизимига эга бўлмасдан иқтисодий ўсишни тассавур қилиш мураккабдир. Айниқса, бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини тадбиқ қилиш, мижозларнинг хозирги замон талаб ва таклифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш алохида аҳамият касб этади. Банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши - иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилишининг ажралмас белгиларидан биридир. Бу шу билан таъкидланадики, банк тизими ҳар қандай турдаги иқтисодиётнинг марказий тизимини ташкил қилувчи унсурларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-гияси" тўғрисидаги фармонининг "Иқтисодиётни ривожлантириш ва

либераллаштиришнинг устувор йўналишлари" деб номланадиган учинчи устувор йўналишида: банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг ткапиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва Мхусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш масаласи стратегик вазифа қилиб белгилаб берилган. Банк тизимини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажариш зарурияти ҳамда республикамиз банк тизимининг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги бу борада мунтазам равишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Банк тизими – ташкилий тузилма сифатида йирик тизим бўлиб мамлакатнинг иқтисодий тизимининг таркибий қисмидир. Бу шуни билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурдир. Ўзининг амалий фаолиятида банклар хўжалик ҳаётини тартибга солиш механизми билан узвий равишда боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида банк тизими икки поғонадан, Марказий (емиссион) банк ҳамда тижорат банкларидан иборат. Марказий банк - банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғликдир. Бу эса ўз навбатида банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Марказий банк мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширади.

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ килиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халкаро банк тизими талабларига мос келувчи замонавий банклар фаолиятини ташкил килиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда жамиятда ривожланган банк тизимига эга бўлмасдан иқтисодий ўсишни тассавур килиш мураккабдир.

Иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини таъминлаш, экспорт салохиятини кучайтириш, ахоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутган хусусий мулк ва кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ эркинлик бериш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Маълумки, бугунги кунда банк тизимининг биринчи поғонаси ҳисобланадиган Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишлари сифатида нархлар барқарорлиги, банк тизими барқарорлиги ва ривожланиши, тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланиши эътироф этилади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб берилган.

Биринчидан, асоссиз инфляцион кутилмаларнинг олдини олиш мақсадида инфляцион таргетлашнинг принцип ва механизмларини босқичма-босқич татбиқ қилиш билан пул-кредит сиёсати ва унинг инструментларини тубдан такомиллаштириш.

Иккинчидан, инфляция омилларини чуқур ўрганиш ва тўлов балансини ҳисобга юритиш ва таҳлил қилиш тизимини тўлиқ шакллантириш асосида пул-кредит сиёсатини шакллантириш

Учинчидан, банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, шу жумладан тижорат банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи тижорат банклар таваккалчилигини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

Тўртинчидан, ўрта ва узоқ муддат истиқболларда иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминловчи муҳим таркибий қисм сифатида банк тизимини ривожлантириш, тижорат банклар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро тўлиқ шериклик муносабатларини шакллантириш.

Бешинчидан, тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамлари бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматларини кўрсатган ҳолда тижорат банкларнинг самарали ахборот алмашинуви тизими ташкил этиш.

Олтинчидан, нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини кучайтириш, шунингдек уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Еттинчидан, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига молиявий очиқликни ва уларнинг саводхонлик даражасини ошириш.

Мухтарам Президентимиз томонидан банк тизими олдига қўйилган мазкур вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ресурс базасини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунлари бўйича банк тизимининг умумий капитали олдинги йилдагига нисбатан 20,2 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткич бўйича қатор йиллар динамикасини кузатадиган бўлсак, 2015 йил 1 январ ҳолатига 6,3 трлн.сўмни, 2016 йил 1 январ ҳолатига 7,8 трлн.сўмни, 2017 йил 1 январ холатига қарийб 9,4 трлн. сўмни ва

капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан деярли 3 баробардан зиёдни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. **Ў**тган икки йил мобайнида давлат томонидан банкларнинг капиталига карийиб 1 миллиард доллар микдорида маблаглар ажратилган.

Тижорат банклари капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш, ресурс базасини мустахкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Аҳоли даромадларининг барқарор ўсиб бораётганлиги, омонотчиларга хизмат кўрсатиш усуллари ва механизмларини соддалаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилаётганлиги, шунингдек аҳоли омонотларининг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги банклар депозит базасининг кенгайишини таъминламоқда. Хусусан, тижорат банкларидаги депозитлар ҳажми охирги 5 йил давомида 3,5 баробарга ошиб, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 58,7 трлн.сўмга етган (01.01.2017 йилга нисбатан ўсиш 61,4 фоизни ташкил этган). Буни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин:

1-жадвал

Банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот (млрд.сум)

Кўрсаткичлар номи	**01.01.2017**			**01.01.2018**			ўсиши, фоизда
	жами	**шундан, хорижий валютада**	**улуши, фоизда**	**жами**	**шундан, хорижий валютада**	**улуши, фоизда**	
Банк активлари, жами	84075	36197	43	166632	106664	64	98,2
Кредит қўйилмалари, жами	52611	22506	43	110572	68838	62	110,2
Жалб қилинган жами депозитлар	36341	10007	28	58668	28825	49	61,4
Жами капитал	8981	2284	25	20676	6188	30	130,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 01.01.2018 йил холатида банклар активларининг умумий ҳажми 166632 млрд.сўмни ташкил этган ва олдинги йилга нисбатан 98,2 фоизга ошган.

Кредитлар ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлашда зарур манба бўлиб ҳисобланади. Бўш маблағларни жалб қилиб, уларни кредит сифатида тадбиркор ва инвесторларга тақдим этадиган тижорат банкларининг иқтисодий жараёнлардаги роли жуда катта. Шу борада кўрилган тизимли чоралар натижасида охирги икки йилда банклар томонидан инвестиция лойихаларини кредитлаш кўлами сезиларли даражада кенгайиб, кредит

портфели ҳажми 3,2 баробар ошганлигини, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасида 6 минг 400 та лойиха учун 27 триллион сўм кредит ажратилганлигини статистик маълумотлар орқали кузатишимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 01.01.2017 йилда 52611 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 01.01.2018 йилда 110572 миллиард сўмни ташкил этган ёки олдинги йилга нисбатан 110,2 фоизга ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, инсоният турмуш тарзини ҳам, жамиятнинг ривожланишини ҳам банклар хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки банклар хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, ижтимоий сармояни қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашади ва жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Банк тизимини эркинлаштириш шароитида банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини янада кенгроқ тадбиқ қилиш, мижозларнинг хозирги замон талаб ва таклифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш алохида аҳамият касб этади. Тижорат банклари капиталлашувини янада ошириш орқали банк тизими барқарорлигига эришиш, тижорат банклари инвестиция фаолиятини кенгайтириш, уларнинг фонд бозоридаги иштирокини янада ошириш, тижорат банклари томонидан реал сектор корхоналарининг ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ресурс базасини янада ошириш ҳамда уни мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

А.Д.Равшанов – ҚарМИИ доценти,
Н.Ш.Ҳидоятова – ҚарМИИ магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛАРНИ БАШОРАТЛАШ

Мамлакатда туризмни, миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек “Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни

ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим”[1] деб таъкидлаб ўтган.

Бугунга келиб, туризм мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир бир қанча устувор йўналишларда етакчи ўринни эгалламоқда. Аввало, иқтисодий фаол аҳоли бандлиги таъминланишига, янги ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшмоқда. Иккинчидан, эл-юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Учинчидан, иқтисодий фаолиятнинг бир-бирига боғлиқ талай тармоқлари ҳамда инфратузилма ривожланишига туртки бермоқда. Тўртинчидан, маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда муҳим восита вазифасини ўтамоқда.

Республикамиз минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги сайёҳлик фирмалари очилишига, олдиндан мавжудлари ишини янада фаоллаштиришга ҳамда замонавий туристик маҳсулотлар тайёрланишига замин ҳозирлайди.

Бугунги кунда энг асосий масалалардан бири хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш ва бу борада аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсиб бориши саналади. Чунки мазкур соҳа ходимлари сайёҳларни кутиб олиш, хизмат кўрсатиш, бўш иш ўринлари яратиш, чет эл валютаси кириб келишини кўпайтириш, туристик хизмат кўрсатувчи тармоқларга даромадлар олиш бўйича бир қанча омилларни ҳаракатга келтиради. Маҳаллий туристик ресурслардан тўғри фойдаланиш ўша ҳудуд иқтисодиётининг ўнгланишига, пировардида турли солиқларни тўлаш орқали маҳаллий ва давлат бюджетини тўлдиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5611-сонли Фармони давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткич-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабр, №271-272 (7229-7230)

1-жадвал

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари[1]

№	Кўрсаткичлар номи	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
1	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони минг киши	4800	5889,9	6302,2	6743,3	7282,8	7865,4	8494,7	9089,3
2	Туризм хизматлари экспорт (млн АҚШ доллари)	951	1166,9	1271,9	1399,1	1553	1739,4	1965,5	2232,8
3	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	14000	15640	17230	18806	20317	21867	23404	25010
4	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалар сони (дона)	910	1098	1609	2394	2562	2715	2851	2994
5	Жойлаштириш воситалардаги хоналар сони (минг)	22	24	33,7	48,7	52,1	55,2	58	60,9
6	Жойлаштириш воситалардаги ўринлар сони (минг)	47,8	52,5	73,6	105,9	113,3	120,1	126,1	132,4
7	Туроператорлар сони (нафар)	957	1053	1158	1262	1325	1458	1531	1676

лари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5611-сонли Фармонида келтириб ўтилган.

Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва илмни кўп талаб қилувчи технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг устувор ривожланиши ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурий шарти – инновацион фаоллик билан белгиланади. Инновацион фаоллик, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, инновацияга оид сиёсати ва салоҳияти, жамиятнинг маънавий ҳолатига боғлиқ. Бу борада иқтисодиётни

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5611-сонли Фармони

модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида туризм соҳасини инновацион ривожлантиришга алоҳида халқаро эътибор қаратилаётгани аҳамиятга моликдир.

Шу муносабат билан туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, республикамизнинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш туризм соҳасининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали унинг миллий иқтисодиёт ривожланишига қўшаётган салмоғини муттасил ошириб боради.

М.П.Цой – доцент Джизакского политехнического института, к.э.н.,
С.А.Абдуназаров– доцент Джизакского политехнического института,к.э.н.
Н.Нурханов – студента Джизакского политехнического института

СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В условиях глобализации и обострения конкуренции между странами, проблемы повышения конкурентоспособности отечественных товаров и услуг, в том числе туристских, приобретают первостепенное значение. Важнейшим резервом и фактором устойчивого роста экономики является сфера услуг. Как показывает мировой опыт, именно эта сфера сегодня занимает доминирующее положение в формировании ВВП, обеспечении занятости населения, роста благосостояния людей. Сфера услуг в развитых странах занимает ведущие позиции в экономике, а уровень ее развития оказывает определяющее влияние на уровень и качество жизни людей. Модернизация экономики Узбекистана также предполагает повышение роли сферы услуг. За годы независимости сфера услуг развивается высокими темпами. В последний период наблюдается системная работа по обеспечению динамичного развития сферы услуг и сервиса как одного из самых важных факторов и направлений углубления структурных преобразований и диверсификации экономики, повышения занятости, доходов и качества жизни людей.

Растущая осведомленность потребителей стимулирует участников бизнеса осуществлять инновации и совершенствовать свои действия, исходя из требований сложившихся реалий. Для нас туризм ассоциируется прежде всего с нашими древними городами, историко-культурными памятниками. [1] А ведь в нашей стране есть большой потенциал для развития туризма – наша неповторимая природа, национальные заповедники, рекреационные зоны в горных районах.

Развитие разных видов туризма, особенно медицинского, паломнического, экологического, даст мощный импульс укреплению не только экономики, но и социальной сферы. В результате осуществления Национальной концепции развития туризма на 2019-2025 годы,

необходимо добиться ежегодного посещения иностранных туристов не менее семи миллионов, а доход от развития туризма превысил два миллиарда долларов.

Сейчас уже никого не нужно убеждать, что в современном мире туризм является важнейшей отраслью в мировой экономике. Не случайно нынешнее столетие провозглашено ООН Веком туризма.

В условиях мировой экономики и усиления процессов глобализации туризм стал одним из основных видов международной экономической деятельности, сложной и комплексной сферой, оказывающей существенное влияние как на структуру и общую ситуацию в мировой экономике, так и на экономику многих стран и регионов мира. Об этом свидетельствует приходящаяся на него доля мирового ВВП (10 %) и общего экспорта (7 %). По данным Всемирной туристской организации (ЮНВТО), туризм занимает четвертое место в мировом экспорте товаров и услуг, уступая только экспорту автомобилей, продуктов химии и топлива, по доходности – третье место в мире после нефтедобывающей промышленности и автомобилестроения.

Маркетинговый анализ туристского рынка показывает, что 74% путешественников начинают со сбора информации и выбора направления, 42% начинают с поиска или бронирования авиарейсов, 30% бронирования отелей 12% просто отправились в путешествие. 3,401 в долларах США, средняя сумма, которую путешественники тратили на поездки в течение предшествующих 12 месяцев.

Несмотря на имеющий потенциал, доход от туризма в Узбекистане не превышает 3% от ВВП, тогда как в других странах (Испания, США, Франция, Египет, Малайзия, ОАЭ) доходы от туризма составляют от 10 до 45% от ВВП. Такой контраст в цифрах доходности от туристической индустрии заставляет задуматься о причинах и поисках решения этой проблемы.

Инновации в туризме приносят на рынки новые идеи, услуги и продукты. Инновации не только подразумевают приспособление туристкой отрасли к изменяющемуся характеру туризма путем применения новых маркетинговых стратегий, но и среда, окружающая туризм, благоприятствует появлению новых услуг, продуктов и процессов, должны рассматриваться как глобальный и динамичный процесс.[

В настоящее время Узбекистан занимает достойное место на мировой арене, имея прочную договорно-правовую базу, состоящую из документов, охватывающих различные сферы, в частности торговлю и инвестиции, избежание двойного налогообложения, воздушно-транспортное сообщение, науку, культуру, туризм, использование природных ресурсов. При этом сотрудничество в сфере туризма имеет большой потенциал, растет число желающих увидеть Узбекистан, в частности, древние города Ташкент, Самарканд, Бухару, Хиву, ознакомиться с огромным вкладом страны в мировую цивилизацию.

Развитие туризма в стране нужно не только для увеличения валютной выручки. На эту сферу в мировой практике приходится каждое десятое рабочее место. И у Узбекистана есть все возможности для того, чтобы сократить трудовую миграцию, предложив жителям занятость на родной земле. [2]

В 2018 году сделаны важные шаги для создания благоприятных условий развития отрасли туризма, путем ликвидации барьеров и улучшения инфраструктуры. Согласно решению Президента РУз с 10 февраля 2018 года введен безвизовый режим сроком на 30 дней для граждан семи государств. Кроме того, был упрощен порядок оформления туристских виз для жителей 39 стран. И в продолжение поэтапности принимаемых шагов, с 1 января 2019 года в данный список добавлено еще 30 государств.

С 15 июля 2018 года введена система оформления и выдачи электронных въездных виз. В результате данных мероприятий за год страну посетили почти четыре миллиона иностранных туристов. В Узбекистане проведена большая работа по упрощению прохождении таможенного и паспортного контроля при въезде в страну. В аэропортах республики в 2018 году введена система двойного таможенного коридора. И по данным Госкомтуризма, общее число иностранцев, въехавших в республику в 2018 году, составило 5,3 миллиона человек, почти в два раза больше чем в 2017 годом, в том числе, из соседних стран Центральной Азии — 4,6 миллиона человек.

19-21 ноября 2018 года в столице Узбекистана прошел первый Международный инвестиционный форум в сфере туризма, на котором присутствовало более трехсот представителей зарубежного туристического бизнеса из 48 стран. Организаторами форума выступили Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма, Госкомитет Республики Узбекистан по инвестициям, Министерство иностранных дел и внешней торговли и Торгово-промышленная палата Узбекистана. Туристическая индустрия – одна из составляющих успешного экономического развития инфраструктуры страны, куда входят транспортная инфраструктура, социальная сфера, качественный сервис и многое другое. Мероприятие, организованное на достаточно высоком уровне, должно дать свои положительные плоды в различных отраслях экономики страны. Туризм – это важный стратегический сектор экономики, связанный напрямую и с другими отраслями, как транспорт, дорожная инфраструктура, энергетика, водные ресурсы. Главная задача сейчас для наших профессионалов - создание комфортной среды для туристов: увеличение отельных сетей и улучшение гостиниц, активное развитие мест для проведения досуга.

Основная работа в этом направлении состоит из двух составляющих: сохранение национального культурного наследия и инвестиции в

улучшение инфраструктуры, куда также входит строительство аэропортов и железных дорог.

Дальнейшее обеспечение устойчивого роста экономики посредством создания новых рабочих мест, совершенствования инвестиционной, налоговой, денежно-кредитной государственной политики, научно-технической политики и развитие малого бизнеса с использованием новых информационно-коммуникационных технологий будет способствовать качественным структурным сдвигам в отраслевой структуре рыночных услуг.

Это позволит сформировать в Узбекистане рациональную структуру производства и потребления услуг, обеспечить дальнейшее повышение уровня и качества жизни населения.

Список использованных летератур:

1.www.narodnoeslovo.uz №270-271 от 29 декабря 2018 г Послание Президента РУз Шавката Мирзиёева Олий Мажлису.
2.www.pv.uz №242 (28953) от 14 декабря 2018 г.

Р.А.Исломова – НДКИ катта ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонанинг шаклланиши туризмни ривожлантириш учун асосий омил эканлиги, вилоятнинг экологик туристик ресурслари, улардан самарали фойдаланиш ва соҳани ривожлантириш омиллари, вилоятда экологик туризмнинг ҳолати ва уни ривожлантиришнинг SWOT таҳлил билан аниқланади. Навоий вилоятида ҳозирги кунда амал қилаётган туристик маршрутларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аосий қисми Самарқанд ва Бухородан бошланади. Демак, вилоятга келадиган туристларни шу шаҳарлардаги туристик фирмаларни шакллантиради ва мос равишда, даромади ҳам уларнинг ҳисобига ўтказилади. Бу ҳолатни қуйидаги маълумотлар орқали ҳам англаш мумкин (1-жадвал).

Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда вилоятга келадиган туристларнинг маршрутлари бошқа вилоятлардан бошланади ва қисман мазкур вилоятда бўладилар. Масалан, мавжуд 5 та маршрутдан фақат учта ҳолатда вилоят ҳудудида тунайдилар. Қолган пайтда фақат бир ёки икки марта овқатланади, холос. Бу билан хизмат турларини ва туризмдан нақд пул (валюта) тушумни кўпайтириш жуда мураккаб.

Таъкидлаш жоизки, янги ишлаб чиқилган маршрутлар ҳам бошланиши бошқа вилоятларга тўғри келмоқда. Бизнинг фикримизча барча туристик маршрутларни Навоий вилоятидан бошлаб ишлаб чиқиш лозимдир. Чунки, кенг фаолият кўрсатишни бошлаган “Навоий” ЭИИЗда банд бўлган хорижий ва мамлакатимиз фуқаролари ва унга ташриф

1-жадвал

Навоий вилоятида амалдаги маршрутлар ва уларнинг муддатлари

	Туристик маршрутларнинг номлари	**Қанча муддатга мўлжалланганлиги**	**Тунаш жойи**
1.	Бухоро – Сармишсой – Нурота (Чашма)	1 кунлик маршрут	Бухоро шаҳрида: Меҳмонхонада
2.	Бухоро – Сармишсой – Нурота (Чашма) - Айдаркўл	2 кунлик маршрут	Бухоро шаҳрида: Меҳмонхонада, Навоий вилоятида: Ўтов
3.	Самарқанд – Сармиш-сой – Нурота (Чашма)	1 кунлик маршрут	Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона
4.	Самарқанд – Сармишсой – Нурота (Чашма) - Айдаркўл	2 кунлик маршрут	Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона Навоий вилоятида: Ўтов,
5.	Фориш – Сентоб – Нуротo – Сармишсой - Самарқанд	5 кунлик маршрут	Жиззах вилоятида: Меҳмонхона, Палатка. Навоий вилоятида: Ўтов, Миллий меҳмонхона, Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона
Янги ишлаб чиқилган маршрутлар			
1.	Самарқанд – Фориш – Айдар – Нуротo - Бухоро	2 кунлик маршрут	Жиззах вилоятида: Меҳмонхона, Палатка. Навоий вилоятида: Ўтов,
2.	Самарқанд – Кармана – Сармиш – Бухоро	2 кунлик маршрут	Навоий вилоятида: Миллий меҳмонхона, Самарқанд шаҳри:Меҳмонхона
3.	Бухоро – Нуротo – Лангар – Сангижумон – Сармиш - Самарқанд	3 кунлик маршрут	Бухоро шаҳрида: Меҳмонхона, Навоий вилоятида: Миллий меҳмонхона, Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона

буюрувчилар туристик маршрутларни Навоий шаҳридан бошлашни тақозо қилади. Бу туризмни ривожлантириш учун катта имконият. Фақат ундан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим

Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонанинг шаклланиши ва унда экологик туризмнининг ҳолатини таҳлил қилишда бевосита экологик туризмга қаратилган инфратузилма диққатга сазовардир. Чунки Конимех ва Нурота туманларида Айдаркўл билан туташ ҳудудларда бир қанча қўналғалар ташкил қилинган. Бу ерда қурилган юрталар, улов сифатида фойдаланишга мўлжалланган туялар, яшашга мўлжалланган жойларнинг миллийлиги кабилар ушбу ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Экологик туризмни ривожлантириш учун унга таъсир қилувчи омиллар

тизими ишлаб чиқилган.

Демак, экологик туризмни ривожлантириш учун бир қанча омиллар таъсири ўрганилиб чиқилди ва уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

экотуристик ресурсларнинг мавжудлиги; экологик туризмни ташкил қилиш даражаси; экотуризмни ривожлантиришга турли манбалардан йўналтириладиган (давлат, жамоавий, хусусий, хорижий каби) маблағларнинг мавжудлиги; экологик туризмни ривожлантириш учун тегишли инфратузилманинг яратилганлиги; маҳаллий аҳолининг ўзига хос бўлган маданий қадриятлари ва яшаш тарзининг асл ҳолда сақланиб қолганлиги;

экологик туризм бозорининг ривожланиш даражаси.

Ушбу омиллар бир-бири билан узвий боғлиқлиги, қуйидагича ифодаланди. (1-расм).



1-расм. Экотуризмга таъсир этувчи омилларнинг узвий боғлиқлиги

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исломова Р.А.Экологик туризмни ривожлантириш муоммалари.//Монография.//.; “IQTISODIYOT”нашрёти, 2014-131б.
2. Пардаев М.Қ.. Тухлиев.И.С. Исломова Р.А. Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. //Монография.//.; “Иқтисодиёт”нашрёти, 2012 -304 бет.

Ф.Даминов – СамИСИ катта ўқитувчи,
К.Мухаммадиев – СамИСИ ассистенти,
С.Тоғаев – СамИСИ ассистенти

БАНК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йиллар давомида банк тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу бир томондан иқтисодиётда тижорат банкларининг молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш функциясини бажариши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мазкур ресурсларнинг самарали ишлатилиши иқтисодиёт субъектлари молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлиги билан изоҳланади. Аммо эътироф этиш зарурки, банк фаолияти самарадорлигини таъминлаш масалалари кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқотларида, жаҳон ва минтақа даражасида ўтказилган конференциялар, турли халқаро ташкилотлар ва аудиторлик компаниялари томонидан эълон қилинган ҳисоботлар ва прогнозларда ўз аксини топишига қарамасдан, ушбу йўналишдаги аксарият муаммоларнинг талқин этилиши ва уларни бартараф қилиш юзасидан ягона ёндашув ва услубиёт ишлаб чиқилмаган. Мазкур вазиятни назарда тутган ҳолда ‘‘самарадорлик’’ категориясининг назарий услубий асосларини кўриб чиқамиз.

Замонавий иқтисодий таълимотда «самарадорлик» тушунчасининг ифодаланишига нисбатан бир қатор ёндашувлар шаклланган бўлиб, улар ўзига хос бўлган илмий йўналишлар ёки бошқарув мактаблари томонидан олға сурилаётган концепцияларда ўз ифодасини топган. Мазкур илмий йўналишлар ёки мактаблар томонидан ишлаб чиқилган концепциялар ва мезонларнинг иқтисодий моҳиятини кўриб чиқамиз:

- илмий бошқарув мактаби (Ф.Тейлорнинг талқинида «топшириқлар асосида бошқариш»). Асосий намоёндалари Ф.Тейлор, Л.Гилбрейт, Г.Эмерсон, Г.Форд, Г.Гант. Мазкур мактаб томонидан таклиф этилган концепциянинг моҳияти ишлар ва вазифаларни амалга оширишнинг энг яхши усулларини излаш ва амалиётда фойдаланиш ҳисобига самарадорликни оширишдан иборат. Бунда самарадорликнинг асосий мезонлар сифатида харажатлар даражасининг пастлиги ва фойда миқдорининг юқорилиги олинади.

- маъмурий (классик) бошқарув мактаби. Асосий намоёндалари А.Файоль, Л.Урвик, Д.Муни, А.Рейли, М.Вебер. Ташкилотни самарали бошқариш менежментнинг универсал тамойиллари (хусусан, Ф.Файоль томонидан таклиф этилган бошқарувнинг 14 тамойили) асосида фаолиятни ташкил этиш ҳисобланади. Самарадорлик мезонлари сифати ўзаро боғланган ва аниқ белгилаб берилган бошқарув функцияларининг мавжудлиги олинади.

- инсон муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатлар тўғрисидаги фан макта-

би. Асосий намоёндалари Э.Мэйо, М.Фоллет, А.Маслоу, Д.Мак-Грегор ва бошқалар). Мактаб вакиллари томонидан ишлаб чиқилган концепцияга биноан самарадорликни оширишнинг асосий омили – шахслар ўртасидаги муносабатлар ва инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини (меҳнат унумдорлигини) оширишдир. Самарадорликнинг асосий мезонлари: ишлаб чиқаришда норасмий алоқаларни ривожлантириш, персоналнинг ижтимоий қадриятларини ҳисобга олиш, ижобий психологик муҳитни шакллантириш ва ҳ.к.

- бошқарув фани ва миқдорий фанлар ёндашуви мактаби. Асосий намоёндалар Д.Форрестер, Р.Льюс, Л.Клейн ва бошқалар. Бошқарув фаолияти самарадорлиги математик статистика ва боқа миқдорий фанлар асосида оптимал қарорларни қабул қилиш алгоритмларининг қўлланилиши даражаси билан белгиланади. Бунда асосий мезон ишлаб чиқариш ва меҳнат (индивидуал) унумдорлигини максималлаштириш (белгиланган меъёрларга нисбатан) ҳисобланади.

- бошқарувга тизимли ёндашиш мактаби. Асосий намоёндалари Л.фон Берталанфи, С,Янг, Р.Акофф, П.Друкер ва бошқалар. Самарали бошқарувнинг мазкур мактаб томонидан шакллантирилган концецияси: ягона яхлитлик сифтида олинадиган ташкилотда синергетик самарани таъминлаш. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, исталган тизим (ташкилот) ўзаро алоқадор элементлар жамланмасидан иборат бўлиб, чиқиш (мақсад), кириш (ресурслар), ташқи муҳит билан алоқа ва тескари алоқага эгадир. Самарадорлик мезони сифатида ўзгарувчан ташқи муҳит шароитида белгиланган мақсадларга эришиш даражаси олинади.

- бошқарувда вазиятли ёндашув мактаби. Асосий намоёндалари Берне, Г.Сталкер. Бу йўналишда бошқарув самарадорлиги концецияси юзага келган (келиши мумкин бўлган) вазиятни келтириб чиқарган асосий омиллар ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларга таъсир ўтказиш усулларини ишлаб чиқишни назарда тутади. Самарадорлик мезонлари сифатида алоҳида олинган вазиятдаги аҳмиятли ўзгарувчанларни аниқлаш ва тизимга таъсирини баҳолаш даражаси олинади.

- бошқарувда жараёнли ёндашув мактаби. Мазкур ёндашув биринчи навбатда бошқарувда сифат стандартларининг қўлланиши натижасида юзага келган. Концепция ISO 9001да келтирилган таърифга (яъни, «жараён – бу киришни чиқишга айлантирувчи ўзаро боғланган ва ўзаро алоқадор бўлган фаолият турлари жамланмасидир») асосланган. Самарадорлик мезони сифатида бошқарув жараёнларининг тўхтовсизлиги, уларнинг ўзаро мослиги ҳамда кириш ва чиқишда ташкилотнинг контрагентлар билан ўзаро фаолияти сифатини ошириш олинади[1].

[1] Мукаяров А. А. Адаптация инновационных банковских продуктов и услуг в российской банковской системе Специальность: 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва-2016.; И. Прангшвили. «Системный подход и повышение эффективности управления». Монография. М.:Наука-2015. ISBN:5-02-034397-8 ва бошқа илмий манбалар асосида келтирилган.

Юқоридаги ва бошқа илмий-амалий манбалар таҳлил асосида қуйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

биринчидан, банклар глобал ва миллий иқтисодий – ижтимоий тизимнинг ажралмас таркибий қисми эканлиги ҳамда банк фаолиятининг мазкур тизимга ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши даражаси юқорилиги ҳисобига банк фаолияти фақат соф молиявий натижа ёки уни юзага келтирган омиллар орқали баҳоланиши мумкин эмас. Бунда банк фаолиятининг унга алоқадор бўлган тизимларга таъсири даражасини баҳолаш имкониятини берувчи интеграл кўрсаткичлар тизими зарур бўлади;

иккинчидан, банк фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш жараёнида амалга оширилаётган операциялардан олинган иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг таъсир доирасига кўра, самарадорлик «бевосита самарадорлик» ва «билвосита самарадорлик» сифатида гуруҳланиши мақсадга мувофиқ. Бунда «бевосита самарадорлик» банк томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг якуний натижасини баҳолашда қўлланилади. Эътироф этиш жоизки, якуний натижа атамасидан фойдаланишда бевосита банк ва унинг ходимлари фаолиятининг молиявий ёки ижтимоий самарасини ифодалаши ҳамда мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар фаолиятини таъсирини ўзида акс эттириши мумкин эмаслигини эътиборга олишимиз зарур. Бундан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, якуний натижа берувчи хизматлар таркиби депозитларни жалб этиш ва операцион хизматлар ҳамда хизматларни кўрсатишда ишлатиладиган воситалардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. «Билвосита самарадорлик» биринчи навбатда банк мижозлари ва бошқа контрагентлар фаолияти натижасида юзага келадиган самара, шунингдек, мазкур самарани олиш жараёнида банклар иштироки даражаси юқори бўлмаган операциялар мажмуига тегишли бўлиши керак. Билвосита самарадорликни таъминловчи банк фаолияти йўналишлари таркибига кредит ва лизинг операциялари, инвестицион қўйилмалар, банк капиталини шакллантириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Д.З.Норқулова – СамИСИ катта ўқитувчи, Phd,
М.Х.Гадоева – СамИСИ талабаси

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига инвестициялар катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир давлат ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига фаол жалб қилиш, улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда истиқболли тармоқларни ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2017 йилда 13,4 млрд. АҚШ доллари ёки 2016 йилга нисбатан 120,4 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.[1] Бу инвестициялар таркибида замонавий, сердаромадли ва истиқболли соҳа бўлган туризмнинг улушини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, Ўзбекистонда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Бу Ўзбекистоннинг туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат эканлигини кўрсатади. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу туризм эканини таъкидлади.[2]

Туризм мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, инфраструктурани шакллантириш ва аҳоли даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Йилдан йилга Ўзбекистонга хорижликларнинг ташрифи ортиб бормоқда. Сўнги 15 йиллик даврда хориж фуқароларнинг Ўзбекистонга ташрифи 15.5 марта, ёки 2002 йилдаги 442.1 минг кишидан 2017 йилда 2847.9 минг кишига етди (1-расм).



1-расм. 2002-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони, минг киши.[3]

Сўнги 5 йилликда, фаолият кўрсатаётган туристик фирма ва ташкилотларнинг сони ҳам ошган. Мисол учун 2012 йилда уларнинг сони 345 та бўлган бўлса 2017 йилга келиб 104 тага кўпайган ва 449 тага етди. Худди шундай хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар ҳам 2012 йилда 203.7 минг киши бўлган бўлса, 2017 йилда 782.7 минг кишини ташкил этди (2-расм).

Бироқ, туризм соҳасида улкан имкониятлар мавжуд бўлсада, Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мос келмайди. 2017 йилда жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 2,1%игина туризмни ривожлантиришга йўналтирилган. Меҳмонхоналар сони етарли



2-расм. Туристик фирма ва ташкилотларнинг сони ва хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар.[3]

даражада эмас, 2017 йилда уларнинг сони 676 тани ташкил қилди. Бундан ташқари, туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси жуда ҳам кам миқдорда, яъни 2016 йилда ЯИМ нинг 2.4%ни ташкил қилди.[3]

Бу каби муаммоларни бартараф этиш, ҳамда иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу ислоҳотларни янада рағбатлантирди. Фармонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар назарда тутилди, қуйидаги асосий мақсадли вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланди:

- туризмнинг янги салоҳиятли турлари – зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни жадал ривожлантириш;

- туризм соҳасида халқаро ва миллий ташкилотлар, йирик хорижий брендлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туризм хизмати кўрсатишнинг илғор жаҳон сифат стандартларини жорий этиш;

- республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

- рақобатбардош туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш, минтақаларда янги туризм йўналишларини яратиш, уларни жаҳон туризм бозорларига олиб чиқиш.[2]

Умуман олганда, туризм соҳасида қўлга киритилган ютуқлар талай-

гина бўлсада, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш масканлари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендлари ва инвестицияларни фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш мумкин. Бундан ташқари соҳани янада ривожлантириш учун аввало туристик инфраструктурани шакллантиришга эътибор қаратиш, янги меҳмонхоналар қуриш ҳамда нуфузли меҳмонхона брендларини жалб қилиш, туристлар учун қулай бўлган замонавий транспорт турларини кўпайтириш, ҳудудларда туристлар учун шарт-шароитларни яхшилаш каби йўналишларга инвестицияларни йўналтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. -Т;. 1999 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. –Т:.2.12.2016й.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари : https://stat.uz
4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги маълумотлари: http://www.uza.uz

Ҳ.И.Турдибеков – “Ипак йўли” ТХУ “Умумкасбий ва ихтисослик фанлари” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент,

Н.Ибрагимов – “Ипак йўли” ТХУ талабаси

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ИНДУСТРИЯСИДА СИФАТ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ

Меҳмондорчилик – инсоният цивилизациясининг фундаментал тушунчаларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунда илмий-техник тараққиёт таъсирида инсонларга шинамлилик ва қулайлик яратиш билан шуғулланувчи миллионлаб мутахассислар ишлайдиган қудратли индустрияга айланди.

Меҳмондорчилик индустрияси инсон фаолиятининг туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, умумий овқатланиш, дам олиш ва кўнгилочар тадбирлар, конференциялар уюштириш, семина ва кўргазмалар, спорт, музей – экспонат, экскурсия фаолияти, шунингдек меҳмондорчилик соҳасида касбий тайёргарлик ва таълим каби турли соҳаларини ўз ичига олади. Меҳмондорчилик – инсонларнинг мураккаб, касбий фаолияти соҳаси бўлиб, барча саъй-ҳаракатлар туристларнинг ҳамда маҳаллий аҳолининг турли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган.

Кейинги йилларда меҳмонхона хизматлари бозори жойлаштириш хизматлари бозори қисқариб бораётган бир вақтда ўсишда давом этмоқда. Бундай ҳолатни англаш қийин эмас, охирги чорак аср мобанида рақобатнинг кучайиши меҳмонхона раҳбарларининг асосий муаммосига

айланди. Меҳмонхона бизнесида стратегик рақобат устунликларига эришишнинг асосий йўналишларидан бири рақиблар ва ухшаш хизмат турларига нисбатан юқорироқ сифат даражасига эга хизматларни тақдим этишдир. Энг муҳими, бу жараёнда нафақат мижозларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган, балки уларнинг кутганидан ортиқ даражада мамнун эта оладиган хизмат турларини таклиф қилишдан иборатдир. Мижозларнинг кутиши энг аввало уларда мавжуд тажриба, шунингдек бевосита ёки оммавий маркетинг коммуникация каналлари орқали олаётган ахборотлари орқали шаклланади. Шундан келиб чиққан ҳолда истеъмолчилар хизматларнни тақдим этувчиларни танлайдилар ва шундан кейин ўзларига кўрсатилган хизматларни кутишларига таққослаб кўради. Агарда кўрсатилган хизматлар уларнинг тасаввурига мос келмаса, мижозлар хизмат кўрсатувчи фирмаларга бўлган ишончи ва қизиқишини йўқотади, мос келган тақдирда улар бу каби хизмат кўрсатувчи фирмаларга такрор мурожаат қилишга тайёрдирлар.

Харидорлар доимий равишда хизматларнинг муайян даражадаги нархи ва уларнинг сифатига мослашиб борадилар. Таъкидлаш жоизки, қоидага кўра харидорлар хизматларнинг юқори нархидан товарларнинг юқори нархига қараганда кўпроқ эътироз билдиришади. Агарда улар нархнинг оширилган деб ҳисоблашса, оддийгина харидни амалга оширмасдан кетади. Хизматлардан мамнун бўлмаслик, қоидага кўра бозор улушининг йўқотилишига олиб келади. Айнан шунинг учун хизматларни таклиф этувчилар ўзларининг мақсадли мижозларининг эҳтиёжлари ва кутишларини аниқ англашлари лозим.

Ҳар қандай меҳмонхонанинг фаолият олиб бориш самарадорлиги тақдим этилаётган меҳмонхона хизматларининг сифатига боғлиқ.

Хизматлар сифатининг қуйидаги жиҳатлари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

– малакалилиги (фирмалар хизмат кўрсатиш учун талаб этиладиган муайян билим, малака ва кўникмаларга эга бўладилар);

– ишончлилиги (фирма фаолиятининг барқарорлиги);

– олижаноблиги (тизим ноодатий талаблар келиб тушган тақдирда ҳам ишдан чиқмайди);

– ҳаммабоплиги (фирма ходимлари билан алоқа киришишнинг осонлиги);

– ҳис эта билиш (мижозларнинг ўзига хос эҳтиёжларини ҳис эта билиш);

– коммуникация (мижозларни ўз вақтида ва тушунарли ҳабардор эта билиш);

– ишонч (фирманинг обрў-эътибори, нуфузи);

– хавфсизлик (моддий ва маънавий ва ахлоқий турли рисклардан ҳимояланганлик);

хушмуомалалилик (юмшоқлик, эътиборлилик, дўстона муносабат);

– сезилувчанлик (бино ва иншоотлар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг жозибадорлиги).

Юқори сифатли хизматларни тақдим этиш мулкчилик шаклидан қатъий назар барча меҳмонхоналарнинг доимий эътиборида бўлиши талаб этилади. Хизмат кўрсатиш соҳасида сифат бўйича эришилган натижалар – тадбиркорлик муваффақиятини таъминлайдиган муҳим вазифадир. Меҳмондорчилик фаолияти меҳмонлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида юқори даражадаги алоқани ва мувофиқлашувни талаб этади. Меҳмонхона хизматлар (иссиқ сув ҳарорати, сочиқлар сони, овқатларни тайёрлаш билан боғлиқ шарт-шароитлар) сифатини назорат қилиш ва яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар кўп учрайди. Бироқ меҳмонхона хизматлари сифати ишнинг техник жиҳатларини ҳал этиш билан таъминланмайди. Меҳмондорчилик индустрияси ташкилотларининг барча саъй –ҳаракатлари анъанавий тарзда мижозларни жалб этиш, уларнинг ҳоҳиш-истакларини юқори даражада қондириш ва ишончини қозонишга йўналтирилган. Бу фақатгина уларнинг мамнунлигини таъминлайди. Шунинг учун меҳмонхона корхоналарини ривожлантириш стратегияси энг асосий эътиборни мижозларнинг меҳмонхона билан ўзаро алоқаси ва муносабатларини такомиллаштиришга қаратилиши керак.

Сифатни доимий ошириб бориш – бу харажат эмас, мижозлар эҳтиёжларини қондириш орқали содиқлигини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли қўйилма. Бу тадқиқотлар давомида олинган тасдиқдир. Янги мижозни жалб этиш доимий мижозни қайта жалб этишдан 6 марта қимматга тушади, агар мижоз кўрсатилган хизматдан қониқмасдан кетса уни жалб этиш 25 марта қимматга тушади. Янги мижозни жалб этишга сарфланган ҳаражат доимий мижозни қайта жалб этишга сарфланган ҳаражатдан 10 марта ортиқ бўлади[1].

Бу қуйидаги омилларга асосланади:

– мижозларни сақлаб қолиш қобилияти маркетинг харажатларини камайтиради, шунга мувофиқ ҳолда рентабеллик даражаси ортади;

– хизматлардан мамнун бўлган мижозлар меҳмонхона ҳақидаги ижобий фикрларни оғзаки тарқатиш орқали бепул рекламани таъминлаб беради.

Меҳмонхона хизматлари сифати инсон ресурсларининг малакаси, ижодий қобилияти, янги технологияларни ўзлаштира олиш кўникмаси, шунингдек, янги мижозларга хизмат кўрсатишдаги ташкилий жараёнларга мослашувчанлигига ҳам боғлиқдир. Меҳмонхона бизнесида хизматлар сифати – бу кўрсатилган хизматларнинг мижозлар кутишини қондира олиш даражасидир.

Сифат барча таниш бўлган ва бирорта фикр билдириш мумкин бўлган кундалик нутқдаги атама. Шу билан бирга бу атама субъектив

[1] Стефенсон, Р. Маркетинг финансовых услуг / Р. Стефенсон; пер. с англ. Ильина В. В. и Болдышевой А. В.; под. ред. Е. В. Калугина. – М. : Вершина, 2007. – 256 с.

омилларга боғлиқ бўлган жуда кўплаб тарифларга эга. Ҳар бир субъект ўз иш тажрибаси ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда унга янги тариф ва мазмун беради.

Бундан ташқари сифат одатда ҳашаматлилик, жозибадорлик, хизматларнинг “люкс” тоифага эгалиги билан ҳам уйғунлашиб кетади. Бу хулоса бугунги кунда ҳам баҳс-мунозарали бўлиб, сабаби арзимаган нархларда ҳам сифатли хизматга эга бўлиш мумкин ва жуда қиммат нархларда эса сифатли хизматга эга бўлиш мушкул (хизмат сифати – нафақат унинг таркиби ва хусусиятлари, балки унинг тақдим этиш шакли ҳамдир).

Шундай қилиб, сифат – биринчи навбатда мижозларнинг хизмат кўрсатишдан қониққанлик ёки мамнунлик ҳисси, сифатли хизмат – бу биринчи навбатда меҳмон эҳтиёжлари ва талабларига жавоб бера оладиган хизматдир. Сифат даражаси ўз навбатида ресторан ёки меҳмонхонада мижоз тасаввури ва фикрининг у ҳоҳлаганидек хизмат кўрсатиш даражасига мос келишидир.

И.Р.Бердиқулова – СамИСИ катта ўқитувчиси

ТУРИЗМ БОЗОРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Туризм бозори жаҳон иқтисодиётининг шиддат билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланди. Натижада халқаро туристлар оқими йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Уларнинг ўсиш суръати ўрта ҳисобда бир йилда 3,3 фоизни ташкил қилади. Оқибатда халқаро туристлар сони 2030 йилда 1,8 млрд. кишига етиши башорат қилинмоқда[1]. Туризм хизматлари иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиши, мамлакат ЯИМдаги ҳиссасининг ошиб бориши, янги иш ўринларининг яратилиши ва унга боғлиқ бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланиши учун катта замин яратмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида туризм бозорини диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналишдан иборат 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида туризм соҳаси имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Бунда “туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга

[1]UNWTO.Tourism Highlights. 2017, Edition.

ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш” [1] туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Бугунги кунда туризм бозорини диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ички ва кирувчи туристлар учун экологик туризмнинг яйлов туризмини жорий қилиб, унда тегишли инфратузилмаларни яратиш ва бевосита шу жойнинг ўзида далада пишириладиган миллий таомларни тайёрлаш ва уларга миллий гастраномик туризмни ҳам намойиш қилиш технологиясини тадбиқ этиш, мамлакатимизнинг яйлов ҳудудларида тегишли тартибда туризмни ривожлантиришга асосий туртки бўлиб хизмат қилади. Бунга мисол тариқасида Самарқанд вилоятининг айрим яйловли ҳудудлари мавжуд бўлган туманларни олишимиз мумкин. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Ургут ва Қўшрабод туманларидаги яйловли ҳудудларда ўтов кўринишидаги меҳмон уйларини ташкил қилиш, уларни муқобил энергия манбалари билан таъминлаш, гастраномик туризмнинг кўриниши сифатида бир нечта турдаги миллий таомлар турларини тайёрлаш ва меҳмонларга тортиқ қилиш технологияларини ишлаб чиқиш, Ургут ва Қўшрабод туманларидаги мавжуд туристларни жалб қиладиган ички имкониятлардан тўлиғича фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунда Ургут туманидаги яйловли ҳудудлар туризмидан ташқари яна гастрономик туризм, рекреацион туризм, диний туризм, тарихий археологик обидалар туризми, Ургут бозорини, ҳунармандчилик марказларини саёҳат қилиш каби турмаршрутларни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Бугунги Ургут шаҳрида ҳунармандчиликнинг кўп турлари ривож топиб, аҳоли бандлигини, айниқса хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 январдаги “Самарқанд вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 38-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг 2 бўлими, 14 бандида Ургут шаҳрида халқимизнинг қадимий урф–одатлари ва анъаналари, ҳунармандчиликнинг йўқолиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4861-сонли Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда).

бораётган турларини қайта тиклаб, хорижий сайёҳларга намойиш этишни йўлга қўйиш вазифаси белгиланган. Марказни миллий тусда замонавий инфратузилма объектларини (савдо расталари, устахоналар, дам олиш ва маҳорат дарслари ўтиш нуқталари, маълумотлар бюроси, санитария-гигиена шахобчалари) барпо этган ҳолда ишга тушириш мумкин бўлади. “Хунармандлар маркази (кўчаси)”ни туристик маршрутларга киритиш мумкин ва сайёҳлик ташкилотлари билан биргаликда ушбу объектларга сайёҳларни жалб қилиш чоралари кўрилади. Бундай турмаршрутлар давомида ҳунармандчилик буюмлари сайёҳларнинг кўз олдида тайёрланиб сотилиши, бозор расталари ва дўконлари шарқона архитектура қоидаларига қатъий риоя қилиниб қурилиши лозим бўлади.

Бу борада амалга ошириш механизмлари, барпо этиладиган объектлар ва ташкил этиладиган хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) “Ҳунармандлар маркази”да савдо ва ҳунармандчилик расталари, умумий овқатланиш шаҳобчаси, фаввора, сувенир дўконлари, устахоналар, китоб дўкони, мусиқа асбоблари дўкони, дам олиш ва маҳорат дарслари ўтиш нуқталари, маълумотлар бюроси, санитария-гигиена шаҳобчалари жойлаштирилади.

2) Ургут шаҳрига ташриф буюрган сайёҳлар учун қадимий ҳунарманчилик макони бўлган туманнинг ўзига хос ҳунармандчилик турлари, шу билан бирга қўшни Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Фарғона водийси шаҳар ва туманларида тайёрланган темирчилик, заргарлик, мисгарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик буюмлари, турли матолар кўргазмалари ташкил қилинади.

Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида:

1) миллий ҳунармандчилик энг аввало ўзи шаклланган ушбу ҳудудда ривожланиб боради, айнан шу ерга хос белгилари билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари, Риштон, Чуст туманлари амалиётидан фарқ қиладиган, асрлар бўйи йиғилиб, авлоддан-авлодга авайлаб асраб келинган анъаналар доирасидаги бу поёнсиз бойлик, ундаги чексиз хилма-хиллик, бу ўзига хос халқ санъатининг бебаҳо хусусияти бўлиб қолади;

2) йуқолиб бораётган касб ва ҳунарлар қайта тикланади, юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар сони ошиб, ёшларимиз иш билан таъминланади, ёшларда тарихимизга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳи ўйғонади, Ургут шаҳрига ташриф буюрган маҳаллий ва чет эл сайёҳлари учун янги туристик йўналиш барпо этилади, меҳмонлар учун ажойиб сайр килинадиган ва эсдалик учун совғалар ҳарид қилинадиган маскан яратилади;

3) Ўзбекистон халқ ҳунармандчилиги соҳаси доирасида ташкил этиладиган тадбирлар, конференциялар иштирокчилари ва мутахассисларини қадимий Ургут шаҳри азалий ҳунармандчилиги билан яқиндан таништириш учун ташриф буюрадиган объект сифатида хизмат қилади. Шу соҳада уй шароитида ва касаначилик асосида меҳнат қилиб келаётган тадбиркорларга қўшимча даромад манбаи яратилади;

4) ҳунармандчилик йўналиши бўйича таҳсил олаётган ёшлар учун амалиёт ўташ маскани вужудга келади ва келгусида уларнинг бандлигини таъминлашнинг самарали шакли йўлга қўйилади.

Шунингдек, Қўшрабод туманида яйлов туризмини амалга ошириш давомида рекреацион туризм ҳамда Қўшрабод туманида етиштириладиган узум маҳсулотлари, узум навлари ва майиз маҳсулотлари бўйича (илмий ва тиббий) гастрономик туризмдан кенг фойдаланиш ва август-сентябр ойларида ташкиллаштириладиган “Кишмиш” фестивалида туристларнинг иштирокини таъминлаш ҳам туризм бозорини диверсификация қилишнинг маълум бир кўринишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, “Кишмиш” фестивали доирасида: Қўшрабод туманида ва бошқа ҳудудларда етиштирилган узум маҳсулотларини териш, улардан майиз маҳсулотини тайёрлаш жараёнларини намойиш этиш; маданий-кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш; узумчилик анъаналарига бағишланган кўргазмалар, турли навдаги узум, майиз ҳамда миллий таомлар дегустацияларини ташкил этиш кабилар кўзда тутилган.

Туризм бозорини диверсификация қилишнинг мана шундай кўринишлари ёрдамида мамлакатимизга туристлар оқимини кўпайтириш ва фойдаланилмай қолган ҳудудлардан ҳам самарали фойдаланиш имкони вужудга келади.

D.S.Sattarov – «Ipak yo‘li» turizm xalqaro universiteti
“O‘quv-metodik bo‘limi” boshlig‘i
Sh.F.To‘raqulov – «Ipak yo‘li» turizm xalqaro universiteti talabasi

TURIZM SOHASI UCHUN PROFESSIONAL KADRLARNI TAYYORLASHDA O‘QITILAYOTGAN FANLARNING AHAMIYATI

Oxirgi yillarda mamlakatimiz iqtisodiyotini har tomonlama rivojlantirish yo‘lida olib borilayotgan islohotlarni chuqur tahlil etadigan bo‘lsak, iqtisodiyotimizning har qanday tarmog‘ini, bugungi, har daqiqada o‘zgarayotgan globallashuv zamoni talablariga mos va xos rivojlantirishga qaratilgan davlat siyosatini amalga oshirishda yetuk va salohiyatli kadrlarga juda katta ehtiyoj sezilayotgani hech birimizga sir emas.

Bugungi kundagi iqtisodiyot tarmoqlarining nisbatan yosh va istiqbolli yo‘nalishlaridan biri hisoblangan turizm tarmog‘ida ham nafaqat jahonda, balki yurtimizda ham zamonaviy bilim va ko‘nikmaga ega kadrlarga talab yuqoriligi barchamizga ayon. Yuqoridagi masalalalarga yechim topish va kelgusida yurtimiz iqtisodiyotining yetakchi tarmoqlaridan biri bo‘lishi ko‘zda tutilgan – O‘zbekiston turizmi ravnaqiga o‘z hissasini qo‘sha oladigan yosh va bilimli mutaxassislarni tayyorlash maqsadida respublikamizdagi qadimiy va turistik resurslarga boy hududlarda turizm salohiyatini oshirish, bu sohani rivolantirish va turli xato va kamchiliklarni oldini olish maqsadida oliy ta’lim muassasalarida

yangi turizm yo‘nalishlarining ochilishi hukumatimiz olib borayotgan oqilona siyosatning bir debochasidir. Jumladan, Farg‘ona viloyatida yangi ochilgan Koreya oliygohi filialidagi xorijiy metodlar asosida o‘qitiladigan turizm yo‘nalishi, Toshkentda joylashgan Xalqaro Islom akademiyasidagi yo‘nalishlardan biri aynan turizm ekanligi, qolaversa, respublikadagi eng qadimiy va navqiron shahar sanalgan – Samarqandda prezidentimiz tashabbusi bilan ochilgan Shanxay hamkorlik tashkilotiga a’zo davlatlarning tarixiy va madaniy-gumanitar aloqalarini yanada rivojlantirish maqsadida ochilgan “Ipak yo‘li” xalqaro turizm universiteti ham yuqoridagi so‘zimizning yorqin dalilidir.

Turizm sohasida yuqorida ta’kidlanganidek nisbatan yosh sohalardan bo‘lganligi uchun barchamizga ma’lumki, sohaga tegishli yo‘nalish va mutaxassislik bo‘yicha o‘quv-metodik adabiyotlarni jahon ta’lim standartlari asosida yaratish, ta’lim tizimida yetakchi xorij oliygohlarining tajribasidan foydalanish – qilishi kerak bo‘lgan keyingi masaladir. Har qanday soha rivojlanishi uni amalga oshirayotgan xodim va ishchilarning malaka va ish qobiliyatiga bog‘liq, sababi har qanday taraqqiyotning asosi – bilim va tafakkurda. Xususan, O‘zbekiston turizmining rivoji bo‘lg‘usi yetuk salohiyatli kadrlar qo‘lida ekan, ularga nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘llash ko‘nikmalarini shakllantirish, ta`lim jarayonida eski tuzum sarqiti bo‘lgan ortiqcha qog‘ozbozlikka yo‘l qo‘ymaslik, ularni har tomonlama jahon andozalariga munosib qilib tarbiyalash har bir pedagog-xodimning burchidir. Kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish yo‘lida bundan oldin bir necha ilmiy-tadqiqod ishlari olib borilgan va ular hozirgacha xorijning yetakchi ta’lim muassasalarida foydalanib kelinmoqda va yuqori samaradorlikka erishilmoqda. Turizm sohasida oldingi o‘rinlarni qayd etgan G‘arb davlatlari (Fransiya, Angliya, Ispaniya, AQSh…) yoki Sharq mamlakatlari (Xitoy, Indoneziya, Malayziya…) turizm sohasida ta’lim olayotgan talabalarga qanday uslubda dars o‘tmoqda yoki aynan qaysi fan sohalarini o‘qitmoqda? degan savollar barchamizni o‘ylantiradi. Quyida bir necha ilmiy izlanishlarni tahlil qilgan holda va milliyligimizni inobatga olib xalqaro standartlarga javob bera oladigan oliygohlarda turizm sohasida o‘qitiladigan fan va sohalar ro‘yxati shakllantirilgan[1]:

1. **Psixologiya**. Turizm sohasida yetarlicha amaliy ko‘nikmalarga ega bo‘lgan har qanday shaxs biladiki, turizm sohasida bevosita inson omili bilan bog‘liq, ya`ni insonlarning yoshi, intellekt darajasi, xarakterining qaysi turga kirishi, umuman, mijozning shaxsiy qiziqishlari samaradorlik bilan uzviy bog‘liqdir. Ayniqsa, bu sohada marketing yo‘nalishini tanlaganlar uchun odamlarga ta’sir o‘tkazish qobiliyati juda kata ahamiyatga ega. Turistik mahsulotni ulgurji savdoga chiqarish ikki yil oldin boshlanadi. Shu bois, turistik talabni istiqbollashda psixologik jihatdan chuqur tajribaga ega bo‘lish kerak. Nafaqat turizm sohasidagi marketologlar, balki professional gid-tarjimon bo‘lishni maqsad qilgan har bir yosh odamlar bilan qanday muloqotga kirishish va ijobiy taassurot uyg‘otish qobiliyatlarini o‘zida shakllantirgan bo‘lishi lozim.

[1] Fundamentals of tourism – New Dehli: Sterling Publish. 2002.

2. **Sotsiologiya.** Inson hayotida turizmni amalga oshirish uchun kamida (minimum) ikkita muhim shart bajarilishi kerak: turistik sayohatni amalga oshirish uchun bo‘sh vaqt va mablag‘. Shuningdek, tinch siyosiy holat va mijoz xohishi mavjud bo‘lgan paytda bo‘lishi kerak. Doimiy taraqqiyotda turizm ijtimoiy (sotsial) hodisa sifatida qaraladi. Insonlarning xulqi ularning yoshi, millati, ijtimoiy holati, ma’lumoti, yashash joyi, madaniy qarashlarga bo‘liq holda o‘rganiladi. Deyarli har bir katta tadbir yoki ko‘rgazmada turistlar va tashrif buyuruvchilardan turli ma’lumotlarni to‘plash maqsadida anketalash o‘tkazilmoqda. Bu anketalash hozirgi va kelajakdagi sayohatlar darajasini baholash uchun muhim ma’lumotlar olish imkonini beradi.

3. **Iqtisodiyot.** Turizm ko‘p jihatdan iqtisodiy kategoriyadir. Turizm iqtisodiy munosabatlarda paydo bo‘ladigan har qanday nomutanosibliklardan

ta’sirlanadi. Jahon ijtimoiy hayotida kata voqea yoki iqtisodiy tizimda muhim o‘zgarishlar sodir bo‘lishi bilan darhol turizm rivojlanishi holati va dinamikasida aks etadi. Yuqorida ta`kidlanganidek turzim mamlakat iqtisodiyotining eng muhim ustunlaridan biri bo‘lganligi uchun ham turizm sohasida o‘quvchi har bir mutaxassis iqtisodiy qonun va kategoriyalarni bilishi, uni ongli ravishda tahlil qila olishi va keraklich xulosa chiqara olishi kerak.

4. **Geografiya.** Hudud resurslarining turistik salohiyatini baholash geografik va unga bo‘lgan omillarga bog‘liq. Geografiya — tabiiy-iqlimiy, demografik (demografiya - aholishunoslik) ma`lumotlar, ularning o‘zgarish tendensiyalari va istiqbollari, turizmning hududlararo va hudud ichida rivojianishini batafsil rejalashtirish, obyektlar, turistik sanoat, turizm sohasini investitsiyalashni rivojlantirishni rejalashtirish uchun juda zarur hisoblanadi. Bundan tashqari, turizm rivojining bugungi muhim yo‘nalishlaridan biri – ekoturizmning ommalashuvi ham bevosita geografik ma`lumotlarga bog‘liq.

5. **Informatika.** Bugungi kunda turistik xizmatlarni bronlashda turli avtomatlashtirilgan axborot tizimlari muhim rol o‘ynaydi. Shu bilan birga, jahonda O‘zbekiston turizmining brendini tanitishda ommaviy axborot vositalari, raqamli marketing juda kata ahamiyat kasb etadi. Shuni unutmaslik lozimki, davomli barqaror taraqqiyot istagan har qanday davlat avvalambor electron dunyoga ta’sir o‘tkazishni bila olishi, uning imkoniyatlaridan to‘lig‘icha foydalana olishi lozim.

6. **Xalqaro va milliy huquqshunoslik.** Turizm sohasida xizmat ko‘rsatish kompaniyalari bo‘ladimi yoki mehmonxonalarmi, ular huquqiy norm ava me`zonlar bilan hisoblashishga majbur va ,bilamizki, dunyoda ma’lum qonun-qoidalarga ega bo‘lmagan davlat yo‘q. Xalqaro turizm sohasida o‘qiydigan har bir kadr albatta o‘ziga kerakli huquqiy ormalarni bilishi va o‘qiy olishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Turizm asoslari – Mirzayev M., Aliyev M. Toshkent – 2011
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori № PQ-3815
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori № PQ-5611
4. Opperman, Martin And Kye – Sung Chon. Succesful Tourism Management: Fundomentals of tourism – New Dehli: Sterling Publish. 2002, 258p.

Ш.У.Ташматов – СамИСИ ўқитувчиси

ТУРИЗМ САНОАТИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Туризм саноати – бу ижтимоий-иқтисодий комплекс соҳаси бўлиб, кўплаб мамлакатларда жадал ривожланаётган саноатга айланган. Ҳозирги кунда жаҳондаги ҳар ўнта иш ўрнидан биттаси туризм бизнесига тўғри келади. БТТ прогнозларига кўра, 2030 йилга келиб халқаро туристик сафарлар сони 1,8 млрд.ни ташкил этади. Туристларнинг кунлик харажатлари авиабилет харажатлар билан бирга 5 млрд. долларгача ўсади[1].

Охирги йилларда иқтисодий тикланиш жараёни бир текисда бўлмасада халқаро туризмга барқарор талаб кузатилмоқда. Бу, айниқса, молиявий қийинчиликларга дуч келаётган ва заиф ички истеъмолга эга давлатлар учун жуда аҳамиятли ҳисобланади, чунки халқаро туризм – фаолиятнинг асосий экспортбоп ва меҳнат талаб тармоғи сифатида – ташқи савдо дефицитини камайтириш ва бандликни рағбатлантиришда янада муҳимроқ стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда туризм соҳаси иккита тенденцияга эга: ташқи иқтисодий ва сиёсий омиллар таъсирига берилувчанлик ҳамда ноқулай шароитда ҳамм ўз ҳажмини тезда тиклаш қобилияти. Жаҳон молиявий бозоридаги беқарорлик туристларнинг дам олишдаги одатларига айрим ўзгаришларни киритган бўлсада, туризм XXI аср маданиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди[2].

Миллий иқтисодиёт тармоғи сифатида туризмнинг ўзига хослига шундаки, унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлар истеъмоли ҳуқуқи ҳисобланади, бу пайтда хизматларнинг ўзи иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади.

Микродаражада туризмнинг сифат жиҳатдан ўзига хослиги туристик технологиялар орқали амалга ошириладиган туристик фаолиятнинг субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатларининг ноёб характерда намоён бўлади, бунда туризм объекти товар эмас, балки товарнинг истеъмолчиси ҳисобланади.

Туризм хизматлари – бу махсус хизматлар бўлиб, истеъмолчиларга дам олиш, даволаниш ва билиш мақсадида амалга ошириладиган сайёҳатларни ташкил қилиш билан боғлиқ комплекс хизматларни таклиф қилади.

Туризм хизматларининг комплекс характери истеъмолчига турли хилдаги (турни ташкил қилиш, хужжатларни расмийлаштириш, транспорт, меҳмонхона хўжалиги, овқатлантириш корхоналари хизматлари, шунингдек, сайёҳлик буюмлари, сувенирлар савдоси ва ҳоказолар) бир-бирига боғлиқ хизматлар кўрсатилишида намоён бўлади. Шундай қилиб,

[1] UNWTO Tourism Highlights 2018 Edition

[2] Основы туризма: учебник/коллектив авторов; под ред. Е.Л. Писаревского. — М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. — 384 с.

асосий хизмат (кўпинча жойлаштириш хизмати) қўшимча хизматлар билан тўлдирилиб, хизматларнинг бутун жамланмасини ташкил қилади.

Туристик хизматлар бозори юқори комплекслилиги билан ажралиб туради. Хизматнинг комплекслилик табиати сабабли кўрсатилаётган туристик хизматлар жамланмасидаги бирон бир элемент сифатининг пастлиги сервис фаолияти сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ходимлар юқори малакали ва туристик маршрутлар таркиби сермазмун бўлсада, туристлардаги яхши таассуротлар биргина транспорт хизматини ташкил этишдаги камчилик ёки ресторан хизматнинг паст даражаси туфайли бузилиши мумкин. Демак, туристик фаолиятнинг сифати ва фойдали самараси кўрсатиладиган хизматлар жамланмасига кирувчи барча элементларнинг сифат жиҳатдан юқори даража улашни талаб этади[1].

Фаолият сифатида туристик хизматларнинг ўзига хослиги ва амал қилиши уларнинг мобиллиги ҳамда ҳудудий боғлиқлиги билан ажралиб туради, бу эса, иқтисодиётнинг ушбу соҳасини шакллантириш ва ривожлантиришда макон омилини инобатга олиш зарурлигини кўрсатади[2].

Туристик маҳсулот фақат оммавий туризм шароитида ниҳоят иқтисодий категорияга айланди. Туризмнинг интенсивлиги – бу мамлакат аҳолисининг қанча қисми йилига камида бир марта сайёҳат қилиши тўғрисида маълумот берувчи кўрсаткич. Агар туризм интенсивлиги 50 фоиздан ошса, айтиш мумкинки, бу давлатда туризм оммавий характерга эга. Мамлакатнинг туристик баланси – бу мамлакат ичида чет эллик туристларга сотилган товарлар ва хизматлар қиймати билан чет элда ушбу мамлакат фуқароларига сотилган товарлар ва хизматлар қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Агар туристик баланс сальдоси мусбат бўлса, туризм ушбу мамлакат иқтисодиёти учун актив (Ўзбекистон, Швейцария), агар манфий бўлса, пассив (Россия, Германия) бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан туризмнинг хизматлар таркибий қисми сифатида жозибадорлиги унга сарфланган маблағларнинг тез қопланиши ва доромаднинг эркин конвертирланадиган валютада олинишидадир. Туристик бизнес хўжаликнинг қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, алоқа каби бошқа тармоқлари ривожланишини рағбатлантиради.

Ушбу бизнес тадбиркорларни бир қанча сабабларга кўра ўзига тортади: катта бўлмаган бошланғич инвестициялар, туристик хизматларга талабнинг ўсиб бориши, рентабилликнинг юқори даражаси ва харажатлар қайтими муддатининг камлиги. Туризм саноатида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ўсиши бошқа тармоқларга нисбатан тезроқ иш ўринлари сонининг кўпайишига олиб келади. Туристик хизмталарга талабнинг ўсиши ва туристик бизнесда янги иш ўринларининг пайдо

[1] Введение в туризм: учебник / А.В. Трухачев, И.В. Таранова. – Ставрополь: АГРУС Ставропольского гос. аграрного ун-та, 2013. – 396 с.

[2] Eduardo Fayos-Sola, Chris Cooper Editors. The Future of Tourism: Innovation and Sustainability. Springer International Publishing AG, part of Springer Nature 2019

бўлиши ўртасидаги вақт оралиғи жуда қисқа[1].

Туризм ўзининг улкан иқтисодий аҳамияти билан бирга турли дин ва маданият вакиллари ўртасида бир-бирини тушиниш ва ўзаро ишонч чегараларини кенгайтиришда муҳим рол ўйнайди. Унинг фаолияти фақат товарлар ва хизматларни сотиш ёки янги савдо шерикларини излаш билан чегараланмайди, балки тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун турли мамлакат фуқаролари ўртасида ҳамкорликни ўрнатишга ҳам йўналтирилади.

Туризмни ривожлантириш вазифаси кўплаб ёндош вазифалар, масалан, транспорт тизимини ривожлантириш, умумий овқатланиш тизимини ривожлантириш, имижни яхшилаш, ахборот инфратузилмасини ривожлантириш каби вазифаларни ечишни талаб этади.

Туризмни ривожлантириш бўйича замонавий бозор модели ўзининг давлат томонидан тартибга солиш элементлари билан халқ хўжалигидаги бошқа тармоқлардан ўзига хос фарқли жиҳати тармоқни тартибга солишда туристик ассоциациялар томонидан тақдим этилган ижтимоий ташкилотлар иштироки ҳисобланади.

Туризмни ривожлантиришнинг давлат томонидан тартибга солиш таркиби давлат органларининг ўз олдига қўйган мақсадлар, шунингдек, ушбу сиёсатни олиб боришда давлат ихтиёридаги мавжуд воситалар билан аниқланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим давлатларда туризм соҳасидаги давлат сиёсати, кўпинча, ажралиб турмайди, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳасидаги сиёсатга, масалан, ишлаб чиқариш сиёсати, тўлов баланси сиёсати ва шу кабиларга қўшилиб кетади. Бироқ, бундай ёндашувда туризм соҳасини тартибга солиш бўйича мақсадли йўналишнинг йўқолиши муқаррар.

Ҳар бир мамлакат учун туризмни ривожлантиришнинг афзалликларига қуйидагилар киради:

- пул оқимининг, шу билан бирга чет эл валютаси оқимининг ортиши;
- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши;
- янги иш ўринларининг яратилиши;
- ҳам туристларга, ҳам маҳаллий аҳолига хизмат қилувчи дам олиш тузулмасини қайта шакллантириш;
- капитални, шунингдек, чет эл капиталини жалб қилиш;
- солиқ йиғимларининг ортиши.

Туризм ривожланишининг салбий томонлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- маҳаллий бозорларда товар ва хизматлар, ер ва бошқа табиий ресурслар ҳамда кўчмас-мулк нархларининг ўсишига олиб келади;
- туристик хизматлар импорти натижасида чет эл валютасини чиқиб кетишига олиб келади;

[1] Александрова А.Ю.: Международный туризм: Учеб. пособие для вузов. М., Кнорус. 2010. - 256 Б.

- экологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин;
- бошқа тармоқлар ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг махсус шакли сифатида бир неча ўзига хос хусусиятларга эга. У бир пайтнинг ўзида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳамда гуманитар-коммуникацион функцияларни бажаради.

А.Б.Мирзаходжаев – старший преподаватель СамГУ

КЛАССИФИКАЦИЯ ГОСТИНИЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ КАК ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ГОСТИНИЧНЫМ ХОЗЯЙСТВОМ

Особенностью современного этапа развития экономики является расширение масштабов, появление и быстрое распространение новых форм конкурентных отношений на рынке. Переход от конкуренции за ресурсы и товары к конкуренции за потребителей, отсутствие стабильных социально-экономических отношений в сфере индустрии гостеприимства стали важным фактором, определяющим развитие туризма в целом.

Анализ развития экономической ситуации на рынке услуг и международный опыт свидетельствуют об усиление конкуренции в гостиничном бизнесе, особенно в крупных городах, где концентрация средств размещения является наибольшей. Несмотря на ускоренный ввод в эксплуатацию новых и реконструкцию действующих отелей, спрос на качественные гостиничные услуги повышается.

Возрастание роли классификации гостиниц является общемировой тенденцией развития рыночной экономики. Опыт стран с развитым гостиничным комплексом показал, что классификация позволяет:

- покупателям гостиничных услуг объективно оценивать отель и определиться с выбором;
- гарантировать защиту от недобросовестного представителя инфраструктуры и услуги – продавца ;
- контролировать безопасность деятельности гостиницы для окружающей среды, здоровья и имущества потребителей;
- подтвердить показатели качества услуг отеля;
- сформировать рейтинг предприятия сферы гостеприимства;
- повысить конкурентоспособность отеля.

Классификационные требования придерживаются статических (главным образом техническое качество) и динамических (функциональные свойства предоставления услуги) признаков.

Несмотря на то, что классификация является добровольной процедурой, официальная система классификации принята уже в 64 странах мира, в 11 она

находится на стадии разработки.

Основными целями классификации объектов туристской индустрии являются:

- предоставление информации потребителям, которая является достоверной и необходимой, а также обеспечивает осуществление компетентного выбора, отражает соответствие субъекта гостиничного бизнеса соответствующей классификации категории;
- обеспечение качества услуг, которые предоставляются, требованиям, отраженным в системе классификации, которая разработана в соответствии с существующими международными стандартами, зарубежной практикой, рекомендациями Всемирной туристской организации при Организации Объединенных Наций (ВТО);
- способствует росту уровня конкурентоспособности услуг, а также привлекательности предприятий туристического бизнеса, росту потока туристов, увеличению доходов от внутреннего и въездного туризма;
- мотивирует принятию мер, направленных на рост доверия потребителей как национальных так и иностранных к оценке категорий предприятий туристического бизнеса и качеству предоставляемых услуг.

Существующая система категорирования предприятий гостиничного бизнеса нуждается в совершенствовании, так как недостаточно учитывает целый ряд факторов, к которым можно отнести:

1. Особенности функционирования малых средств размещения, связанные как с материально-технической базой, так и набором услуг. Так, малые средства размещения могут не иметь материальных условий, соответствующих крупным комплексам, но при этом предоставлять качественный набор услуг.

2. Трудоемкость процесса получения категории. Сложность процедуры отпугивает потенциальных участников системы категорирования.

3. Объективное наличие специализации отеля. Очевидно, что, например, для туриста, приехавшего с деловой целью, на выбор гостиницы соответствующей категории будет влиять наличие залов для совещаний, возможность доступа в интернет, услуг химчистки для приведения в порядок деловой одежды, близость транспортного узла, респектабельность района. Для туристов, приехавших с познавательной целью, существенными факторами будут выступать близость гостиничного предприятия к основным достопримечательностям, возможность заказа экскурсий, возможность расширенной программы питания и т.п.

4. В современном обществе все большее значение приобретает создание благоприятной среды для инвалидов и других лиц с особыми потребностями, но это слабо учитывается в категорировании.

5. В условиях развития информационных технологий серьезным фактором выбора производителей услуг становятся мнения потребителей, которые размещаются, в том числе, в различных информационных системах интернета, однако учет этих оценок при определении категории

гостиничного предприятий практически не осуществляется.

С учётом этих факторов можно сформулировать следующие методологические принципы совершенствования системы категорирования:

1. Принцип учета особенностей стран. Несмотря на существование многочисленных подходов к определению категории гостиничных предприятий, каждое из них обладает собственным набором услуг, во многом зависящем от особенностей гостиничного бизнеса.

2. Принцип территориальной дифференциации. Означает необходимость дифференцирования предприятий гостиничного бизнеса внутри одной категории в зависимости от местоположения (близости к транспортной инфраструктуре, престижности района, уровня шума).

3. Принцип разнообразия предполагает наличие развернутой системы категорирования в зависимости от преимущественных потребностей обслуживаемых клиентов и направлений туризма, так как требования к качеству и количеству услуг будет отличаться.

4. Принцип автоматизации. Предполагает возможность автоматизации алгоритма оценки средства размещения в целях отнесения к той или иной категории.

5. Принцип информационной доступности. Предполагает возможность использования методики категорирования менеджерами предприятий для корректировки качества услуг.

6. Принцип масштабности. Целесообразна разработка системы категорирования отдельно для крупных гостиничных предприятий и для малого бизнеса.

7. Принцип обязательности. Означает необходимость категорирования для всех хозяйствующих субъектов, предоставляющих гостиничные услуги, что позволит отсечь недобросовестных участников рынка.

8. Принцип учета доступности услуг. При определении категории предприятий гостиничного бизнеса необходимо принимать во внимание степень дружественности среды предоставления гостиничных услуг для лиц с ограниченными возможностями или с повышенными потребностями, предполагающих наличие пандусов, оборудованных санитарных комнат, средств подъема и т.д. Наличие таких устройств должно давать предприятию возможность получения дополнительного плюса к полученной категории.

10. Принцип обратной связи. Должен быть предусмотрен механизм учета мнения клиентов относительно соответствия уровня гостиничного предприятия заявленной категории.

Проблема классификации средств размещения - это одна из важнейших проблем, если рассматривать с позиции эффективного управления качеством. Возрастание роли классификации гостиниц является общемировой тенденцией развития рыночной экономики. Следует отметить, что объективное деление гостиниц на категории способствует повышению качества предоставляемых услуг и защите экономических интересов любого средства размещения.

Ф.Ф.Зохидов – PhD докторант СамИЭС

КОНЦЕПЦИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ТУРИЗМА В 2019-2025 ГОДАХ ОРИЕНТИРОВАННЫХ НА ВНУТРЕННИЙ РЫНОК

Сфера туризма является самостоятельным и растущим комплексом экономики Республики Узбекистан, включающий предприятия (учреждения) и самозанятых, главная задача которого удовлетворить разнообразного и усложняющегося спроса на различные виды услуг.

Под руководством президента Республики Узбекистан предпринимаются коренные реформы для развития туристической индустрии Узбекистана. Особенно они отражены в Указе президента Республики Узбекистан № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 05 января 2019 года.

В частности в указе отмечено, что «В стране последовательно реализуются комплексные меры по развитию туризма как одной из стратегических отраслей национальной экономики, обеспечивающей ее диверсификацию и ускоренное развитие регионов, создание новых рабочих мест, повышение доходов и качества жизни населения, а также улучшение инвестиционной привлекательности».[1]

Необходимо отметить, за период 2010-2017 годов экспорт туристских услуг вырос в два раза и составил 546,9 млн. долларов США в 2017 году, а в 2018 году - 1 041 млн. долларов США. Среднегодовой темп роста иностранных посетителей до 2016 года составлял 8 процентов, в 2017 году - 7 процентов и превысил 2,69 млн. человек. По итогам 2018 года республику посетили около 5,3 млн. иностранных туристов. Принимаемые меры по поддержке и защите частного сектора способствовали увеличению количества туристских организаций с 398 в 2015 году до 950 по итогам 2018 года, гостиничных хозяйств - с 661 до 900 единиц.[2]

На сегодняшнее время либерализация визового режима, упрощение порядка регистрации иностранных граждан, предоставление льгот и преференций для развития туристской отрасли позволили создать благоприятные условия для эффективного продвижения национального туристского потенциала как на внутреннем, так и на внешних рынках.

В целях дальнейшего увеличения туристического потока продолжается совершенствование электронного визового режима, включая внедрение двукратных и многократных виз, а также комбинированных систем выдачи виз соседним странам.

В принятом указе президента главным регламентирующим документом считается Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 годах.

---

[1] Указ президента Республики Узбекистан № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 05 января 2019 года

[2] Концепция развития сферы туризма Республики Узбекистан в 2019-2025 годах

Концепция развития сферы туризма Республики Узбекистан в 2019-2025 годах направлена на достижение повышения эффективности проводимых реформ по формированию благоприятных экономических условий и предпосылок, разработку приоритетных целей и задач по ускоренному развитию туристской отрасли, повышению ее роли и вклада в экономику, диверсификации и улучшению качества услуг, а также совершенствованию туристской инфраструктуры.

Следует отметить, что наряду с разными направлениями туризма в Концепции особое внимание уделено внутреннему туризму.

В частности, в 5 пункте концепции отмечено: путем развития внутреннего туризма будет обеспечено стимулирование активности субъектов туристской деятельности, ориентированных на удовлетворение потребностей в туристских услугах внутри республики.

Это отражено в следующих 3 направлениях:

1. Совершенствование механизма реализации Программы "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" в целях вовлечения широких слоев населения в сферу потребления туристско-экскурсионных услуг, возрождения массового характера внутреннего туристского движения, использования эффекта масштаба при производстве туристских услуг и смягчения сезонной неравномерности;
2. Разработка и реализация программ социального, культурно-познавательного, экологического, этнокультурного и сельского туризма;
3. Внедрение туристско-экскурсионных мероприятий в образовательные программы общего и профессионального образования.



	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Количество внутренних туристов (тыс. поездок)	14 000	15 640	17 230	18 806	20 317	21 867	23 404	25 010

1-рис. Прогноз увеличения местных туристов в рамках принятой Концепции развития туризма в 2019-2025 годах

В рамках концепции разработан план расширения объёма оказываемых услуг во внутреннем туризме (1-рис.) Примечательно, что

планируется расширить поток внутренних туристов между регионами с увеличением их количества с 14 млн. (2018 г.) до 25 млн. (2025 г.) в год.

В целях достижения поставленных задач по внутреннему туризму в рамках реализации концепции необходимо применение инновационных идей и проектов нацеленных на развитие туристического сегмента данного направления.

Исходя из задач определенных во втором пункте, по разработке и реализации программ социального, культурно-познавательного, экологического, этнокультурного и сельского туризма с учетом международного опыта считаю правильным внедрение проектов направленных на организацию досуга туриста, которые могут в себе комбинировать культурно-познавательный, экологический, а также сельский туризм. В качестве примера, предлогаю организовать этно – анимационный центр «Uzbek House» на территории горного массива Ургутского района.

Изначально следует обратить внимание на термин «этно-анимационный», так раздельно эти слова имеют значения:

Этногра́фия (от др.-греч.) — наука, изучающая народы-этносы и другие этнические образования, их происхождение (этногенез), состав, расселение, культурно-бытовые особенности, а также их материальную и духовную культуру.[1]

Туристическая анимация – это наиважнейшая часть совокупной деятельности на туристском предприятии, важнейшая часть турпродукта. Конечной целью туристской анимации является удовлетворенность туриста отдыхом – его хорошее настроение, положительные впечатления, восстановление моральных и физических сил. В этом заключаются важнейшие рекреационные функции туристской анимации.[2]

В значении слова «этно-анимация» это комбинирование услуг оказываемых для туристов, включающая в себе культурно – бытовые особенности определенного места или локации в котором присутствует демонстрационного характера услуги методом игры актеров, вовлечением для демонстрации местного населения в определенном объекте экскурсионного маршрута.[3]

Путем организации на территории 6 гектаров земли, горного массива Ургутского района сооружение национального комплекса по организации питания, сооружение сцены в котором будет демонсрироватся эпохи жизни людей района в XVI-XVIII веках, мастерских ремесленников, места для отдыха, специальной площадки для демонстрации анимационных проектов, огорода, столовой, санитарных комнат и малой теплицы.

В рамках реализации данного проекта предусмотрено привлечение местного населения данной горной зоны, местных ремесленников,

[1] Википедия www.vikipedia.ru
[2] Гаранин Н.И.. Булыгина И.И.. Менеджмент туристской и гостиничной анимации. – М.:Советский спорт. 2004. – 127с.
[3] Составлено автором

изучение локального фолклора, обрядов и традицей с последующей активной презентацией в рамках проекта.

С точки зрения локации целесообразно разместить данный объект в прилигающем жилом массиве недалеко от деревни.

В итоге организовав этно – анимационный центр «Uzbek House» на территории горного массива Ургутского района, это позволит активное вовлечение местного населения в туристическую деятельность, служит презентации данного региона, даст возможность создания туристического класстера, увеличет аттракцию туристических услуг, досугово – развлекательных программ в горном массиве, эффективно использовав внутренние ресурсы для формирования качественного туристского продукта, позволит снижению зависимости от сезонных факторов, позволит увеличить объём оказываемых услуг во внутреннем туризме, создаст потребность в организации гостиниц и гостевых домов что приведет к повышению загруженности гостиниц, особенно в не сезонные месяцы года.

А.М.Амиров – Самарқанд Давлат университети тадқиқотчиси

ТУРИЗМНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИ

Туризм дунёдаги ижтимоий-маданий, иқтисодий ва атроф-муҳитни ўзгартира оладиган, дунёдаги энг йирик ва жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Бу тармоқ аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи салоҳиятга эга. Туризм дунёнинг турли бурчакларидаги инсонлар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этадиган маданий алмашинувнинг энг муҳим йўлларидан биридир.

Чакана савдо дўконлари, транспорт, турар жой, овқатланиш ва ичимликлар ишлаб чиқариш, ўйин-кулги, бизнес ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш, жумладан уйдан ташқарида саёҳат қилиш учун тақдим этиладиган хизматлар мажмуасидир. Ўзбекистон сингари ривожланаётган мамлакатда туризм мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, миллий даромаднинг ўсишида ва янги иш ўринларини яратишда хизмат қилади. У мамлакатни янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун улкан салоҳиятга эга бўлган энг жадал ривожланаётган хизмат кўрсатиш соҳасига айланди. Туризм сектори бевосита ёки билвосита, ҳам малакали, ҳам малакасиз ишчиларга ишга жойлашиш имкониятини яратиб берувчи хусусиятга эга.

Туризм соҳаси юртимиз иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жойларда янги иш ўринлари яратишда муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда ушбу соҳани жадал ривожлантириш, мамлакатимизга келаётган хорижий туристлар оқимини кўпайтириш, ички туризмни кенгайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо соҳада ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар

талайгина. Масалан, хорижий фуқаролар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, ички ва зиёрат, қишлоқ хўжалиги туризмлари салоҳиятидан ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги имкониятлардан етарлича фойдаланилмаяпти.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастур бўлди. Ушбу фармон туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристик хизматларни ички ва халқаро туристик бозорларига таклиф этиш, туристик объектларини ободонлаштириш, хизмат кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бугунги кун талаблари даражасига кўтаришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни қамраб олади. Айни пайтда, туризм бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, дунёдаги кўплаб мамлакатларда фаол ривожланаётган саноатдир. Ушбу соҳа энг муҳим ижтимоий вазифалардан бири - аҳоли бандлиги масаласини ҳал қилади.

Жаҳон туризм ташкилоти туризмни - "дам олиш, бизнес ва бошқа мақсадлар учун кетма-кет кўп бўлмаган йиллар давомида одатдагидан ташқари жойларда саёҳат қилиш ва туриш" деб таърифлайди. Туризм дам олиш, бизнес ва таълим учун саёҳатдир.

Замонавий илмий адабиётларда "туризм" тушунчаси ҳақида бир неча фикрлар мавжуд. Улардан бирига кўра, туризм маълум бир мақсадга эришиш учун бўш вақтларда саёҳат деб қаралади. Туристни доимий яшаш жойи бўлмаган ёки туристларнинг товарлар ва хизматлар учун талабларини қондирадиган бозор сегментига хизмат қилувчи сектор сифатида тавсифловчи ёндашув мавжуд. Бундан ташқари, баъзан туризм аҳоли миграцияси шаклларидан бири ҳисобланади. Туризм соҳасида Халқаро Илмий Экспертлар Ассоциациясига кўра, туризм - доимий яшаш ва ишлашдан бошқа жойларда одамлар ҳаракатида ва туришида пайдо бўладиган алоқалар ва ҳодисалар мажмуи деб таърифланади.

Илмий адабиётларда туризм ва бандлик ўртасидаги ижобий боғликлик тўғрисида турли фикрлар таҳлил қилинган бўлиб, қуйида бир неча илмий шарҳларни кўриб чиқамиз.

Сўнгги 40 йил ичида туризм билан шуғулланувчи иқтисодчилар туризмнинг – «Кўпайтирувчи таъсири» (Multiplier effect) деб номланадиган доктринани ишлаб чиқдилар. 1939 йилда профессор П.А.Самуелсон томонидан кўпайтирувчи назария эълон қилинди.

$$K=1/\Delta C$$

K- кўпайтиргич

ΔC- истеъмол ўзгариши

ΔY- Даромаднинг ўзгариши

Ушбу назарияга кўра, "К" нинг кўпайиши "С" истеъмолдаги ўзгариш ва "Y" даромадининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликка боғлиқ. Ушбу назария туризм соҳасига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Агар турист

маълум бир жойга ташриф буюриб, ўз пулини ўша минтақада сарф қилса, ўша пулнинг бир қисми ўша ҳудудда яшовчи одамлар учун даромад бўлади. Ушбу даромаднинг бир қисми қайта ўзлаштирилади ва ҳоказо. Шундай қилиб, пул бир неча марта қўлни ўзгартиради ва сарфланади. Ушбу харажатларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири кўпайиб боради.

Бутлер(1980) маҳсулотнинг ҳаётийлик даврини бизнес-маркетинг тушунчаларига асослаган. Бутлер, дам олиш масканлари ёки йўналишларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда вақт ўтиши билан ривожланишини ва ўзгаришини таклиф қилади. Ушбу назарияга кўра, туризм соҳасининг дастлабки босқичи тадқиқ этиш босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда туристлар бир мақсадда келишади ва ўзларининг табиий хусусиятлари билан таъсир кўрсатади. Бу босқичда туристлар ва жамоалар ўртасида энг кўп алоқа ўрнатилади. Иккинчи босқич - иштирок этиш босқичи бўлиб, бунда турист кўпроқ саёҳат манзилига ташриф буюради ва маҳаллий одамлар уларга хизмат кўрсатишда ва зарур инфратузилмани ривожлантиришда иштирок этишади. Кейинги босқич - ривожланиш босқичидир. Ушбу босқичда туристик бозор белгиланади ва туристик мавсум ривожлана бошлайди. Тўртинчи босқич - мустаҳкамлаш босқичи, бу ерда туристларнинг ўсиши давом этади, аммо ўсиш суръати ўзгарувчан бўлади. Якуний босқич турғунлик босқичи бўлиб, унинг туристик салоҳияти тўлиқ ҳажмга етади.

Плог(1973) турист психологияси бўйича назарияни ишлаб чиқди. Плогнинг ушбу назарияга қўшган ҳиссаси туристларни типлари бўйича таснифлади. Унинг сўзларига кўра, туристларнинг айрим психологик типлари мавжудки, улар бегона муҳит ёки маданиятни ёқтиришмайди. Шунинг учун улар дам олишни режалаштирганда таниш жойларни қидиришади. Бошқа бир туристлар гуруҳи ҳам борки, улар саргузаштли саёҳатни ёқтиришади ва номаълум мақсадли сайёҳатларга таваккал қилишади.

Кохен(1972) ўзининг назариясида туристларнинг типологиясини ишлаб чиқди ва уларни уюшган оммавий туристлар, якка тартибдаги туристлар, тадқиқ этувчи ва дрифтерс (ўткинчи, дайди) туристлар деб таснифлади. Кохен, якка тартибдаги туристлар, нисбатан турли маданиятлар билан кўпроқ қизиқиши ва алоқада бўлишини ҳамда туристик йўналишларни туристик ҳудудларга нисбатан яқин ривожланиб боришини кўрсатиб ўтди.

Агуаё Эва (2011) “Туризмнинг бандликка таъсири: 50 та Марказий ва Шарқий Европа ҳудудларининг эконометрик модели" номли мақоласида туризмнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилди. У туризмнинг бандлик ва бозор хизматларига ижобий таъсири борлигини кўрсатиш учун эконометрик моделни қўллади. Ушбу мақолада модел туризмнинг хизматлар соҳасига, бандликнинг ўсишига ҳамда ҳудудий ривожланишга изчил таъсир кўрсатиши таъкидлаб ўтилган.

Бхатия А.К. (2010) "Туризмни ривожлантириш тамойиллари ва

амалиёти" номли китобида туризмнинг тарихий ўлчовлари ва унинг иқтисодий аҳамиятини тўлиқ ёритиб беради. Туризмдан келган даромад инфратузилмани, худудий ривожланишни ва бандликни таъминлаш самарадорлигини яхшилашга олиб келади. Ушбу китобда, туризмни ривожланишида турли туристик ташкилотлар ва туристик агентликларнинг роли ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар келтирилади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Янги ривожланиш ва муаммолар” бўйича глобал форуми ҳисоботида (2010 й), туризм индустрияси энг катта ва динамик тармоқ сифатида намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу ҳисобот маълумотларига кўра туризм ишчи ўринларини яратишда асосий манба бўлиши ва 2019 йилга келиб дунё бўйича 296 миллион ишчи ўринлари яратилиши айтиб ўтилган.

Туризм соҳасининг ривожланишини таҳлил қилишда унинг иқтисодиёт таркибида қандай функцияларни бажаришини инобатга олиш лозим. Тадқиқотлар кўрсатишича, туризм иқтисодиётни модернизациялаш шароитида муайян бир функцияларни бажариш билан бирга, унга қуйидагича таъсир этади. Булар:

- туристик маҳсулотлар ишлаб чиқаради;
- аҳоли бандлигини таъминлайди;
- миллий даромадни яратишда иштирок этади;
- минтақалар ривожланишига таъсир кўрсатади;
- тўлов балансини барқарорлаштиришга ҳисса қўшади;
- ўрта синф шаклланишида аҳамият касб этади.

Туризмни ривожлантириш бевосита аҳолининг иш билан бандлигига боғлиқ. Чунки ушбу соҳада инсон иштироки муҳим аҳамиятга эга. Соҳада аҳолининг қанча қисми бандлиги ўша давлат иқтисодиёти қандай ҳолда ривожланганига, туристик салоҳиятига ва улардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Ҳозирги пайтда ривожланган давлатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг беш фоизи туризм соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз туристик салоҳиятини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур соҳада бандлик йилдан-йилга ошиб бораётгани кузатилади. Туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни ҳисобга олишда бевосита бандлар билан бирга билвосита бандларни ҳам инобатга олиш лозим.

Шу жиҳатдан ёндашганда туризмда банд аҳолини қуйидаги тўртта тоифа бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- туризм соҳасида бевосита бандлик;
- туризм соҳасида билвосита бандлик;
- туризмга ўз иш жойидан туриб хизмат қилувчи соҳаларда фаолият кўрсатувчи ходимлар бандлиги;
- туристик объектлар ва инфратузилмалар қурилишидаги бандлик.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра,

Ўзбекистон туризм соҳасидан даромад кўрувчи давлатлар ўртасида 150-ўринни эгаллаб турибди. Бунда ҳисоб-китоб қилинган салоҳияти умумий оқимнинг 2,2 фоизига тенг бўлишига қарамасдан, бу кўрсаткич 0,2 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМ шаклланишидаги улуши бўйича 115, инвестициялардан фойдаланиш бўйича 103 ва соҳада бандлар сони бўйича 69-ўринни банд этиб турибди[1].

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида туризм сохасини инновацион асосда ривожлантириш заруратга айланди. Тадкикотлар ушбу тармокни жадал ривожлантириш муаммоси бошка тармокларга нисбатан янада долзарб эканлигини кўрсатади. Келгусида мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш иқтисодиётимиз ривожини ҳам, миллий-маънавий тараққиётимиз ривожини ҳам янада юксалтиради.

А.Т.Ахмедова – ассистент СамИЭС,
С.Мухтор-зода – студент 2 курса СамИЭС

ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬ ОБЪЕКТОВ ИНВЕСТИРОВАНИЯ В СФЕРЕ ТУРИЗМА

Проводимая в Республике Узбекистан социально-экономическая реформа по стратегии действий развития за 2017-2021 годы открыла новый этап в развитии предприятий сферы туризма. Бурно обсуждаются перспективы построения и улучшения финансовой, банковской, налоговой системы, а так же анализируется возможность их влияния на развитие туризма.

Можно сказать, что механическое изменение структуры туристических предприятий без существенного преобразования в значении их деятельности не сможет привести к реальному улучшению дела, а, следовательно, оказать положительное влияние на экономику туризма в целом.

Изучая эти вопросы, ученные и практики, сегодня нередко предлагают приложить усилия на создание туристических предприятий универсального вида.

В этом направлении особое внимание уделяется актуальному вопросу к изучению основного звена туристической деятельности. Это позволит выделить положительные и отрицательные стороны функционирования не только современного туристического предприятия, но и специализированных туристических сфер. Несмотря на это государство должно финансово поддерживать предприятия при помощи инвестиций на льготных условиях. В качестве инвестиций можно рассматривать так же средства иностранных инвесторов.

[1] www.gazeta.uz.2017.02.23.turizm.

Важной проблемой оптимизации объема притока инвестиций для предприятий туризма является необходимость определения факторов и источников роста деятельности этой сферы известно, что темпы экономического роста определяются производством валового продукта и инвестициями в туризме, и чем больше имеются возможностей внутреннего инвестирования, тем выше темпы экономического роста.

Исходя из этого, главным направлением реформаторской стратегии сферы туризма является развитие, и совершенствование инвестиционной базы. При этом технически-материальный уровень предприятий сложившийся в туризме все еще не соответствует принципам современной организации и жестким требованиям качества турпродукции.

Техническое оборудование во всех предприятиях туризма фактически морально устарело и требует обновления. Не смотря на это к настоящему времени авторы, изучающие развитие данной сферы не определили объект инвестирования в туризме.

О важности роли, играемой инвестициями в развитии экономики, пишут такие ученые как Чудновский А.Д., Жукова М.А., Ю.П. (РФ), В.В. Новик (РБ), известный практик Пауль Фишер (США) и многие другие.[1]
Туризм – это вид экономической деятельности, состоящий из ряда много аспектных процессов производства туристического продукта (услуги), направленного на удовлетворение интересов потребителя.

Турпродукт - это результат труда в виде новых туристических услуг, обладающих потребительской стоимостью, им можно назвать любую услугу, удовлетворяющую на платных условиях те или иные потребности туристов. Основным турпродуктом является комплексное обслуживание, то есть стандартный набор услуг, продаваемых туристу в одном «пакете».

По видам товаров, имеющих материально-вещественную форму, в турпродукте можно выделить две составляющие:
- материальную форму;
- нематериальную форму.

К первой относятся, гостиницы и транспортное обеспечение (инфраструктура туризма).

Ко второй относится нематериальная составляющая, которая разделяется на две группы факторов:

К первой группе относится, не материальные составляющие которую возможно регулировать;

Вторая группа, не поддается регулированию (погодные условия).

При этом следует заметить, что для бюджета Республики Узбекистан ожидаемого эффекта может приносить реализация продукта, созданного на конкретной территории страны. При этом специфической особенностью этого продукта заключается в том, что не продукт доставляется туристу, а турист приезжает за продуктом самостоятельно и потребляет его на месте

[1] Чудновский А.Д., Жукова М.А., Севин В.С. управление индустрией туризма: Учеб. пособие: М.: КНОРУС,2010, с. 448

его производства. Это позволяет говорить о дополнительных выгодах турпродукта, которые получает экономика от реализации отечественного продукта. Эти методы способствуют получить доход от приобретения туристом дополнительных туристических услуг: покупку сувенирной продукции, посещать места развлечений, музеи и многое другое.

Итак, возникает необходимость развивать как въездной, так и внутренний туризм. Для развития первого необходимо, во-первых, предложение качественного пользующегося спросом на международном рынке продукта, во-вторых, эффективная работа местных конкурирующих фирм, предлагающих турпродукт на международном рынке.

Туризм как вид экономической деятельности относится к сфере услуг, по некоторым сегментам он близок к промышленности, так как нуждается в инвестициях и имеет длительные сроки окупаемости это связанно с рисками. Для снижения риска и повышения привлекательности вложения средств в развитие туризма требуется создавать особые условия, для того чтобы выделять определенные «кластеры» - территории, где существующая инфраструктура устроена таким образом, чтобы обслужить определенную отрасль (поставщиков, провайдеров услуг) [1] и эффекта «пастуха», когда инвесторы имеют тенденцию следовать за лидером.

Рассмотреть данный эффект можно на примере, приведенном ученым Шумпетером: «Создать новое очень трудно». Говоря своими словами, вложить деньги во что-то новое очень трудно.

Таким образом, нововведения не остаются изолированными происшествиями то той простой причине, что «что удавшиеся нововведения подхватывают вначале некоторые, а потом большинство фирм. [2] Все это при удачном опыте привлекает большое количество желающих получить тот же эффект, что умно думающий предприниматель или не было сказано «пастух».

Создание связей проходит быстрее и более эффективно, если инвесторы, потребители нуждающиеся в инвестициях находятся по близости друг от друга. Эти условия предоставляются в кластерах сотрудничества. Хороший опыт создания кластеров имеет место в Венгрии, индустриальных свободных торговых зон. Появление кластеров привлекает иностранные инвестиции. Их успешное существование определяется присутствием благоприятного инвестиционного климата, квалификационной рабочей силой и инфраструктурой.[3]

В сфере туризма Узбекистана, хотя и существуют туристические зоны, но считать их кластером невозможно. На наш взгляд в подобных к кластеру зонах должны находиться гостиницы, предприятия питания, место отдыха и развлечений, предприятия, реализующие сувенирную

[1] Горбылева З.М. Инвестиционная политика и ее роль в развитии туризма. Материалы Международной научно-практической конференции «Туризм: практика, проблемы, перспективы». Мн.:БГЭУ, 2011г..с.445
[2] Горбылева З.М. Экономика туризма. Учебное пособие. Мн.: БГЭУ., 2010г., с.208
[3] Маркетинг в туризме:Учеб. пособие.Под общей ред.Горбылевой З.М. Мн.:«Экономэкспресс»2012г. с.76

продукцию, крупные магазины, транспортная сеть, автостоянки и многое другое. Говоря иначе, должны быть созданы все условия для того, чтобы турист не испытывая трудности, мог увидеть все что он запланировал увидеть. Именно создание кластеров может привлечь к себе инвесторов, которые реально смогут увидеть перспективы развития или будущий эффект данной территории, а так же в развитии туристических зон должны осуществляется инвестиции, направленные на развитие материальной составляющей туристического продукта.

Исходя, из выше изложенного объектами наиболее эффективного вложения иностранных инвестиций являются туристический продукт и туристические зоны. Национальная программа должна базироваться на основных принципах и положениях инвестиционной политики Республики Узбекистан и рассматривается по взаимосвязи с другими базовыми документами, устанавливающими основные параметры и приоритеты социально-экономического развития страны и туризма.

Р. Д.Самандаров – СамИСИ ўқитувчиси,
А.Ш.Суяров – СамИСИ талабаси

ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ БЎЛМИШ ТУРИЗМНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва нодир маданий-тарихий меросини тарғиб этишда, уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олинишида туризм катта аҳамият касб этади. Бизда эса туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш борасида кенг имкониятлар мавжуд.

Зеро, Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича 10 та етакчи мамлакат қаторидан ўрин эгаллаган. Мамлакатимизда 7 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бир талай. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Юртимиздаги 900 га яқин сайёҳлик ташкилоти, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, 300 га яқин сайёҳлик компанияси ва бошқа сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Туристлар учун мўлжалланган дам олиш масканлари мамлакатимизда йил сайин кўпайиб, хизмат кўрсатиш турлари ва сифати ошиб бормоқда. Ўзбекистонда сайёҳликнинг экотуризм, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат, экстримал, археологик, спорт, фольклор-этнографик, тиббий ва рекреацион туризм, агротуризм, геотуризм каби турлари ҳам жадал ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанғи

спортига қизиқувчилар кўпаймоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт-коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилаётгани соҳа ривожига, мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг кўпайишига замин ҳозирламоқда.

Мамлакатимизда туризм ривожланар экан, соҳа ходимларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Шу боис юртимизда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш тизими ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирда мамлакатимизда туризм йўналишида мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро сайёҳлик факультетида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланаяпти. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги туризмга ихтисослашган коллежларда юзлаб йигит-қизлар соҳа сирларини ўрганишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар йили сайёҳлик соҳасида таълим олаётган ёшлар, соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг Европа ҳамда Осиёнинг йирик сайёҳлик марказлари ва ўқув юртларида малака оширишига кўмаклашмоқда.

Соҳа истиқболида яна бир муҳим жиҳат – ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, минтақаларда туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат. Бу борадаги изчил ишларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, ҳар бир ҳудуд учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва жараён жадал суръатларда давом этмоқда.

Туризмнинг ҳуқуқий пойдевори ва истиқболи мамлакатимизда туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги туфайли соҳани ҳар томонлама тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 16 августда «2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар юртимизда туризм ривожини яна бир поғона юқорига олиб чиқди.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам бу борада муҳим қадам бўлди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида юртимизга туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмини миллий

иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор эса ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадига йўналтирилган. Ушбу қарорга мувофиқ «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасининг тасдиқланиши келгусида соҳага оид муаммоларни бартараф этиш ва туризмни янада ривожлантириш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатлар билан юртимиз туризм салоҳиятини ошириш, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ҳамда технологияларни жорий этиш, бой табиий, маданий ва тарихий меросимизнинг мавжуд ресурслари ҳамда имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига юксалтириш учун янада қулай шароит яратилади.

Эндиликда шу вақтга қадар ечимини топмаётган, туризм соҳаси тараққиётига жиддий тўсиқ бўлиб келаётган масалалар ҳал бўляпти. Жумладан, хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари илгари силжиб, уларга электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти яратиляпти. Шунингдек, ички ҳамда зиёрат туризмлари салоҳиятидан суст фойдаланилганлиги, инфратузилманинг етарлича ривожланмагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари талаб даражасида татбиқ этилмаётгани сингари бир қатор муаммоларга барҳам берила бошланди.

Фармон билан 2018 йил 10 февралдан бошлаб 7 та давлат (Исроил, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония) фуқаролари учун республикамиз ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режими белгиланди. 39 та давлат фуқаролари учун эса Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерга оид талабни бекор қилиш, жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визалари бериш тизимини жорий этиш, туризм соҳаси билан боғлиқ объектларни, уларнинг атрофини ободонлаштириш ва бошқа туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб қўйилди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган юқорида номлари келтирилган ҳар икки қарорда белгиланган

вазифаларнинг бажарилиши ҳам мамлакатимизда кириш туризмини миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, маданий-тарихий меросимиз ва табиий бойликларимизни кенг тарғиб қилишда муҳим омил бўлади. Шунингдек, ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни қадимий обидаларимиз, муқаддас қадамжоларимиз, халқимизнинг бетакрор маданияти ва анъаналари билан кенг таништиришда беқиёс ўрин тутиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. http://lex.uz
2. https://www.statista.com
3. www.aim.uz

Б.А. Қўзибоев – СамИСИ магистранти,
А.Ҳамдамов– СамИСИ магистранти

ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-январдаги “Ургут”,” Ғиждувон” “Қўқон” ва “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонига кўра ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш хамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари хокимликларининг Самарқанд вилояти Ургут туманида–“Ургут”, Бухоро вилояти Ғиждувон туманида – “Ғиждувон”, Фарғона вилояти Қўқон шахрида–“Қўқон” Хоразм вилояти Хазорасп туманида “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Мухтарам юртбошимизнинг ушбу Фармонларини дастури амал қилган холда “Ургут” эркин иқтисодий зонасида туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари хақида тўхталмоқчимиз, Барчамизга маълумки, туризм ҳар бир туристик ресурсларга эга бўлган худуднинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши учун мухим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади чунки у нафақат иқтисодий ўсишни таъминлайди балки махаллий аҳолининг бандлиги ва даромадларининг оширишга кўмаклашади. Шу билан бирга туризмнинг ривожланиши иқтисодиётни бошқа соҳаларини саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасини

ривожланишини рағбатлантиради. Ушбу соҳа корхоналарининг ривожланиши ва улар даромадлари ва тўлайдиган солиқлар оширилиши натижасида маҳаллий буюджет мустаҳкамланади. Маҳаллий аҳолининг бандлиги ва даромадларини ортиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси кўтарилади чунки бу соҳа кўп меҳнатни талаб қилади Шунинг учун ҳудуд меҳнат ресурсларининг катта қисмини туристларга хизмат кўрсатишга жалб қилиш мумкин.Туризмнинг ривожланиши маҳаллий аҳолининг турмуш сифатига ҳам катта таъсир кўрсатади чунки туристлар учун яратилган сервис хизматларидан транспорт, алоқа, маиший хизмат савдо ва умумий овқатланиш каби хизматлардан маҳаллий аҳоли ҳам кенг фойдаланиши мумкин бўлади ва ниҳоят туризмни ривожланиши инсон капиталининг ривожланишига инсонлараро муносабатларни яҳшилашга хам ижобий таъсир кўрсатади.

Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринлари ташкил этиш хамда аҳоли даромадларини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадига қаратилган. “Ургут” эркин иқтисодий зонасида туризм соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, Самарқанд вилоятидаги туристик ресурслар салоҳиятида туристик ресурслар сони бўйича Самарқанд шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Демак “Ургут” эркин иқтисодий зонасида туризм соҳасининг кўплаб турларини ривожлантириш имконияти яратилади, хусусан олганда “Ургут” эркин иқтисодий зонада ўзининг бошқа жойлардан ажралиб турадиган ажойиб иқлими, тоза экологик шифобахшликга эга бўлган ёқимли хавоси, хушманзара табиати, сўлим гўшалари, хушманзара тоғли ландшафтлари, диний ва тарихий аҳамиятга эга бўлган жойлари билан ажралиб туради.

“Ургут” эркин иқтисодий зонада Фармон бўйича давлат томонидан бериладиган қатор солиқ, божхона ва бошқа молиявий имтиёзлардан фойдаланган холда Ургут эркин туристик зонасини шакллантириш мумкин бўлади ва туризмнинг қуйидаги турларини ривожлантирамиз.

1. Экологик туризм: бу ердаги улкан экологик ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида экологик туризмни ривожлантириш учун тоғ ва тоғ ён бағирларида яъни қуйидаги жойларда экологик туризмни ривожлантирсак бўлади (Омонқўтон, Минг арча, Ширбоғ ота, Чор Чинор, Қоратепа сув омбори).

2. Диний туризм: туризмнинг ушбу турини ривожлантириш учун қуйидаги тарихий ресурслар мавжуд (Ғавсул Азам зиёратгохи, Ширбоғ ота зиёратгохи, Хўжаабтол ота зиёратгохи).

3.Миллий қадриятларни тиклашда Ургутнинг машҳур миллий ҳунарманд касблари (Каштачилик, Дўппидозлик, Чопондўзлик, Гиламчилик,) миллий ўйинларидан, (Кўпкари, Кураш).

4.Савдо сотиққа оид туризм, яъни шоппинг туризм турини ривожлантиришда “Ургут” эркин иқтисодий зонада белгиланган улкан логистика маркази қурилиши ва бунинг натижасида хорижий

инвесторларни бевосита тўғридан тўғри қабул қилиб “Ургут” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқилган барча товар ва хизматларни реклама қилиш ва экспорт қилиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.
Бугунги кунга келиб туристларни меҳмонхоналаримиз билан ҳайрон қолдиришимиз қийин ҳисобланади, чунки уларнинг юртидаги меҳмонхоналарнинг ҳаммаси энг замонавий жиҳоз ва техникалар билан жиҳозланган. Шунинг учун меҳмонхоналармизнинг ўзига ҳос ҳусусиятларини намойиш этиш керак бизнинг республикамиз ҳудудидаги асосий меҳмонхоналар европа услубида қурилган ва жиҳозланиш ҳам европача. Шундай экан уларни миллийликни намойиш этувчи меҳмонхоналар ёки ҳозирда аста–секин ўз ўрнига эга бўлиб бораётган маҳаллий аҳоли хонадонларига (миллий уйларга) жойлаштириш керак бўлади. Бу уйларнинг ўзига ҳослиги уйларнинг жиҳозланиши ҳозирда халқимиз қандай яшаётган бўлса, ҳудди шундай бўлади, бундан асосий мақсад миллий урф-одатларимизни соф ҳолда намойиш этишдан иборат.

Шунингдек “Ургут” эркин иқтисодий зонада мева сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишлар бўйича янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин бўлади.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
А.Н.Халикулов – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.н.,
Ҳ.А.Рахимов – СамИСИ катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТУРИЗМГА ОИД МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Туризм соҳаси мамлакатимиз раҳбари ва барча вазирлик ва идоралар даражасидаги раҳбариятнинг, булардан келиб чиқиб, қуйида ҳам одамларнинг эътиборидаги соҳа бўлиб қолди. Буни ўтган икки йилдаги қабул қилинган қарорлар ва фармонлардан, улар асосида ишлаб чиқилган давлат ва ҳудудий дастурлардан, уларнинг бажарилиши бўйича қилинган ҳаракатлар ва тизимли ишлардан ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги ПФ-4861-сонли Фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрда Ушбу фармонни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-4895-сонли Фармони ҳам эълон қилинди.

Мазкур соҳани бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-2666-сонли Қарорига ҳам имзо чекилди. Шу тариқа туризм соҳаси давлат томонидан бошқариладиган бўлди. Мазкур қўмита туризмни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш, уни жадал ривожлантириш борасидаги сай ҳаракатларга бош-қош бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш учун ўтган 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 6 февралда “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018

йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳам қабул қилинди. Ушбу фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича бир қанча дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси босқичма-босқич амалга оширилиб, соҳанинг тараққиёти таъминланиб келинмоқда.

Туризмга бўлган эътибор бирор дақиқа ҳам сусайган эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2018 йил 28 декабрда қилган Мурожаатномасида ҳам соҳани ривожлантириш алоҳида устувор вазифа сифатида белгиланди. Ушбу устувор вазифаларни амалда татбиқ этиш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш” [1] масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Ушбу белгиланган вазифаларда мувоффақиятли бажариш мақсадида 2019 йил 5 январида туризм соҳасини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарори эълон қилинди [2]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармонига имзо чекилган бўлса ва шу куни “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Юқоридаги фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш учун барча ҳудудларда тегишли дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Туризмни ривожлантиришга қаратилган хўжалик юритувчи субъектлар сони ҳам кўпаймоқда. Республика туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Самарқанд вилояти депортаменти маълумотларига қараганда Самарқанд вилоятида туристик хизматлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган 83 та туристик фирмалар фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 16 тасида (22%) туристик классдаги, 1875 ўринли турли русумдаги 98 та транспорт воситалари мавжуд. Шундан, 79 таси (80%) туристик автобус (Golden dragon, Yutong, Sunwin bus, Zhongtong bus, Higer, Hyundai, Joyong bus, Zonda, King long, Mitsubishi rosa), 7 таси (8%) микроавтобус (Hyundai grand stareks, Joilong, Higer ва Istana), 3 таси

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. // “Халқ сўзи” газетаси. 2019 йил 8 январь.

ласетти, 4 таси Cobalt, 2 таси Malibu, 3 таси джип (Toyota prado ва Captiva). Автобусларнинг 38 таси 2011-2015 йилларда, 13 таси 2007-2010 йилларда ва 1 таси 1997 йилда ишлаб чиқарилган. Мазкур туристик фирмалар фаолияти бевосита туристларга сифатли хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келмоқдалар.

Бугунги кунда меҳмон уйлари реестрини юритиш масаласига эҳтиёж туғулмоқда. Буни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 16 мартдаги №01-04/1287-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳмон уйлари реестрини юритиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатнинг дунёга келиши меҳмон уйларини ҳам тўлақонли туристларни яшаши учун имконият яратади. Бу туризм инфратузилмасини диверсификация қилиш имконини беради. Ушбу йўналиш бўйича кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш объектларининг 2016-2018 йиллардаги динамикаси[1]

КЎРСАТКИЧЛАР	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йил 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати, %
Меҳмонхоналар сони	98	104	112	114,3
Меҳмонхоналардаги хоналар сони	2354	2119	2445	103,9
Меҳмонхоналардаги жойлар ўрни	4117	4245	4461	108,4
Меҳмон уйлари сони	2	4	7	350,0
Меҳмон уйларида хоналар сони	7	13	33	471,4
Меҳмон уйларида жойлар сони	20	49	132	660,0
Санаторий ва соғломлаштириш объектлари сони	15	17	23	153,3
Санаторий ва соғломлаштириш объектларида хоналар сони	55	325	420	763,6
Санаторий ва соғломлаштириш объектлари ўринлар сони	1470	1750	1930	131,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳмонларни жойлаштириш билан боғлиқ инфратузилма объектлари 2016-2018 йилларда ўсиш суръатига эга бўлган. Меҳмонхоналар сони шу йилларда 114,3 %га ўсган. Аммо улардаги хоналар сони атиги 103,9 % ўсган. Бу кўрсатадики, кейинги қурилган уйлар нисбатан кисик бўлмоқда. Меҳмонхоналардаги жойлар ўрнининг ўсиш суръати ҳам 108,4 %ни ташкил қилади. Бу ҳам кўрсатмоқдаки, жойлар сони ҳам янгидан қурилган меҳмонхоналар ҳажмининг бироз кичикроқ эканлигидан далолат берди.

Ҳозирги пайтда эҳтиёждан келиб чиқиб, меҳмон уйларини ташкил қилиш-

[1] Республика туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Самарқанд вилояти департаменти маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

га рухсат этилган. Меҳмон уйлари сони 2016 йилда 98 тадан 2018 йилда 112 тагача ёки 350,0 %га ошганлигини кўрамиз. Меҳмон уйларида хоналар сони 2016 йилда 7 та бўлган бўлса, 2018 йилга келиб, 33 тага етди. Бунинг ўсиш суръати 471,4 %га етди. Меҳмон уйларида жойлар сони ҳам кескин ўсганлиги кузатилди ва шу даврда унинг ўсиш суръати 660,0 %ни ташкил қилди.

Самарқанд вилоятида санаторий ва соғломлаштириш объектлари сони ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 153,3 %га ўсган. У ердаги хоналар сони 55 тада 420 тагача кўпайган ва унинг ўсиш суръати 763,6 %ни ташкил қилади. Аммо санаторий ва соғломлаштириш объектларидаги ўринлар сони 2016 йилдаги 1470 тадан, 2018 йилга келиб, 1930 тани ташкил қилади. Бунинг ўсиш суръати 131,3 %ни ташкил қилмоқда.

Кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан фармон ва қарорларда қўйган вазифалари босқичма-босқич амалга оширилиб, дастурдаги барча бандлар Самарқанд вилоятида ҳам тизимли равишда бажарилиб келинмоқда.

М.М.Мухаммедов – профессор СамИЭС, д.э.н.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА РАЗВИТИЯ КЛАСТЕРА

Кластерная модель представляет базовый инструмент повышения конкурентоспособности отечественной экономики на основе сетевых структур, локализованных на региональном и межрегиональном уровне. Поскольку практика эффективного и умелого применения кластерного подхода в Узбекистане пока ещё не сложилась, то здесь государственная поддержка и регулирование процесса развития кластера приобретает особо важное значение.

Политика государственного регулирования кластера во многих странах идентифицируется как отдельный вид государственной политики, не сводимой ни к селективной, ни к макроэкономической, (в англоязычных странах - просто кластерная политика) теоретически всё ещё недостаточно обоснована. Главной проблемой, по мнению многих исследователей, является «отсутствие единой логики исследования, общепринятого определения кластера, что обуславливает сложность формирования реальной политики на практике». [1] Это свидетельствует о том, что система исходных представлений о таком сложном и многоаспектном явлении, как кластер, ещё не устоялась, потому что кластеры в разных странах, находящихся на разном уровне развития, существенно отличаются, а соответственно различается и политика государственного регулирования кластера. Опыт разных стран в построении кластеров значительно разнится, ровно, как и проделанный ими путь к осмыс-

[1] Krugman P. (), Geography and Trade, MIT Press, Cambridge, MA,1991.

лению явления кластера и его применения на практике.

Государственную кластерную политику в общем виде можно определить, как совокупность мер комплексного характера, направленных на развитие и поддержку всех составляющих элементов кластера.

Целью государственной кластерной политики должно быть создание благоприятных условий для становления, роста, развития и успешного применения кластера. Задачи же кластерной политики государства, на наш взгляд, могут изменяться по этапам развития кластера. На начальных этапах основными задачами могут являться: улучшение инфраструктуры и устранение различных неблагоприятных условий (внесение изменений в нормативно-правовые документы, создание свободных экономических зон и промышленных парков). На последующих этапах развития кластера задачи государства будут в основном состоять в устранении ограничений и препятствий к нововведениям.

Системный взгляд на развитие региона предъявляет требование целостного, многоаспектного подхода к определению цели его развития и формированию вытекающих из неё приоритетов. Центр тяжести экономической политики в Узбекистане должен быть перенесен на внутренние источники развития, что обосновывается относительно низкой конкурентоспособностью национальной экономики на мировом рынке.

Реализация этой стратегии означает, что он должен перейти в своем развитии от экспортно-сырьевого сценария (производства и экспорта на основе продукции с невысокой долей добавленной стоимости) к сценарию, ориентированному на активизацию внутренних ресурсов.

К настоящему моменту имеющийся ресурсный потенциал страны и её регионов (низкие цены на природные ресурсы при высоких ценах на мировых товарных рынках, дешевая и относительно квалифицированная рабочая сила, наличие незагруженных мощностей) в значительной степени задействован, но для дальнейшего развития и повышения конкурентоспособности национальной экономики этого недостаточно.

Одновременно необходимо учитывать, что во всех развитых странах мира произошла трансформация внутренней организации экономического пространства и наряду с вертикально-интегрированной моделью организации хозяйства, характерной для индустриального уклада хозяйства, возникла новая сетевая модель. Проекция производственных связей на территорию привела к образованию networks of place. Они включают в себя автономные и взаимозаменяемые звенья - производственные комплексы и предприятия. В ускорении этих процессов в мировой экономике сыграли

большую роль институциональные реформы и политика макроэкономического регулирования, но и, как правило, реализовывались пакеты компенсирующих отставание проектов и программ, которые получили известность как «кластерные программы».

Успешная кластерная инновационная политика предполагает:

- высокий уровень человеческих ресурсов на территории, охваченной кластером, а, следовательно, развитие университетских специальностей с учетом потребностей кластера. Выращивание в университетах научных кадров для работы в сфере кластера;
- определение и поддержка с помощью государственных грантов исследований, направленных на нужды и потребности кластера, особенно фундаментальных исследований;
- создание проблемных комиссий по развитию кластера с участием бизнес структур и ученых разных профилей и в сфере науки;
- создание в регионе фондов развития малого и среднего бизнеса с участием бизнес-структур кластера и поощрение инновационных направлений деятельности малого бизнеса.

Многие исследователи различают несколько типов кластеров и соответственно несколько видов государственной политики. Такие авторы предлагают проводить различие между политикой *поддержки существующих кластеров* и политикой создания *новых взаимосвязей и сетей.*[1]

По вопросу оценки эффективности кластерной политики также существуют расхождения, поскольку пример самого известного в мировой экономике кластера - Силиконовой долины - практически не связан с целенаправленной кластерной политикой. Подобный же пример — Медицинской долины (Medicon valley) в Северной Ютландии (Германия) развивался естественным путем, без какой бы то ни было инициативы. В то же время, Биомедико кластер в той же Северной Ютландии был детально запланирован, имеет двадцатилетнюю историю становления. Это свидетельствует о том, что *выращивание кластера - это весьма длительный процесс*, который заключается в формировании большого числа интерактивных связей и требует терпения и тщательности, что может быть проблематичным при смене руководителей местных органов власти. Поэтому выращивание кластера требует формирования органа местной власти, который целенаправленно и поэтапно будет вести этот сложный процесс.

Что же планируется при попытке интенсификации роста кластера, и каковы *факторы успеха кластера и государственного*

[1] Boekholt P. The public sector at arms length or in charge? Towards a typology of cluster policies. Paper presented at the OECD Workshop on Cluster Analysis and Cluster-based policies, Amsterdam, 10-11 Oct. 1997.

участия в его создании и функционировании?

По мнению М.Портера и многих других авторов государству принадлежит важная роль, так как важно выстроить систему поддержки кластера, в т.ч. через:

- инвестиции и поддержание образовательной базы в регионе;
- государственные гранты и кредиты в научные исследования, актуальные для эффективности производства, системы качества, маркетинговые исследования для кластера;
- создание соответствующей инфраструктуры;
- поддержка различных организаций: бизнес-инкубатор, лизинговые компании, общественные фонды поддержки предпринимательства и т.п.

Нам представляется, что если на первом этапе роль государства в странах с развивающейся экономикой (а, следовательно, и в Узбекистане) заключается в том, чтобы разрушить изоляцию экономических субъектов, складывающихся в отечественной экономике вокруг крупных интегрированных структур и установить систему взаимосвязей с окружающей экономической средой, то в дальнейшем приоритеты региональных органов управления должны измениться и направлять развитие и расширение кластера.

Необходимым и основополагающим условием взаимодействия партнеров в кластере является взаимная заинтересованность участников кластера в деловых связях на основе поставок продукции, кооперации при изготовлении заказов, обмена технологиями, обмена кадрами, совместном осуществлении инвестиционно-инновационных проектов и др.

Наработка опыта кластерной политики позволит Узбекистану приблизиться к уровню мирового опыта функционирования регионов-территорий, обладающих современной инфраструктурой и новыми ресурсами, которые позволяют передовым технологиям и фирмам размещаться на территории этих регионов и включаться в гибкие сетевые формы организации современного производства.

A.N.Xoliqulov – SamISI dotsenti, i.f.n., ilmiy rahbar,
S.Haydarova – SamISI MN116-guruh talabasi

KORXONALARDA STRATEGIK REJALASHTIRISHNI ISHLAB CHIQISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Respublikamizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning samarali amalga oshirilishi uchun boshqarishning turli sohalarida o‘zgarishlar bo‘lishi o‘ta muhim. Bozor munosabatlarining shakllanishi natijasida korxonalarni boshqarishda yangi talablar paydo bo‘lmoqda. O‘zbekiston iqtisodiyotining

zamonaviy o‘tish bosqichi tadbirkorlik faoliyatining rivojlanishi va turli xil mulkchilik shakllariga o‘tish bilan tavsiflanadi.Bu o‘z navbatida samarali boshqarishning zarurligini taqozo etadi. Samarali boshqarish o‘z navbatida ishlab chiqariladigan mahsulot raqobatbardoshligini va buning natijasida iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta`minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Strategik rejalashtirish - bu boshqaruv jarayoni bo‘lib, kompaniyani rivojlantirish maqsadlari va ularga erishish yo‘llarini ishlab chiqishga qaratilgan. Strategik rejalashtirish korxona menejmenti uchun asosni yaratadi, butun kompaniyani birlashtiradi hamda uning barcha darajalarini qamrab oladi. Strategik rejalashtirish faqat rahbariyatning vazifasi emas, unga kompaniyaning barcha darajalaridagi xodimlar jalb etilishi kerak. Strategik rejalashtirishning asosiy tushunchalari kompaniya missiyasi (kompaniya vazifasining ta`rifi), qadriyatlari, asosiy kompetentsiyalari (kompaniya nimani yaxshiroq uddalaydi), kelajak tasavvuri (kompaniyaning bir-ikki yil uchun kelajakdagi obrazi), strategik muammolar (maqsadlarga erishishga to‘sqinlik qiladigan tizimli muammolar), strategik muammolarni yengishga qaratilgan maqsadlar vazifalar va ularga erishish yo‘llarini o‘z ichiga oladi[1].

Rejalashtirish bozor bilan umuman mos kelmaydi, deb hisoblagan bozor munosabatlari tarafdorlari ham bugungi kunda o‘zlarining avvalgi fikrlarida qattiq turmayaptilar. Vaqt va hayotning o‘zi, xususan, ko‘plab xorijiy kompaniya, firma va korxonalar tajribalari rejalashtirish va bashorat qilishning muhim ahamiyat kasb etishini tasdiqlaydilar. Masalan, Rossiyada islohotlar boshida qabul qilingan «tadbirkorlar Rossiyani qutqaradilar» shiori garchi nafaqat Rossiya, balki barcha sobiq ittifoq mamlakatlarining barchasida ham biznes va tadbirkorlik sohasi iqtisodiyotning ustivor yo‘nalishiga aylangan bo‘lsada, yumshoq qilib aytganda o‘z tasdig‘ini topdi[2].

Gap shundaki, korxona bu nafaqat bozor subyektidir, u shu bilan bir paytda davlat tizimining elementi ham hisoblanadi. U davlat boshqaruv tizimi va siyosatidan to‘liq mustaqil bo‘la olmaydi. Markazlashgan iqtisodiyotga asoslangan mamlakatlarda bozor munosabatlarini erkinlashtirish yo‘nalishida amalga oshirilgan islohotlar ishlab chiqarish jarayonini chetlab o‘tib, shu bilan bir paytda mulkchilik shaklidan qat`iy nazar korxonalarda mehnat motivatsiyasi va rejalashtirish tizimini sezilarli ravishda o‘zgartirib yubordi. Menejment sohasi mutaxassislarining ta`kidlashicha, butun rejalashtirish va boshqaruv tizimi xodimlarning ish sifati va samaradorligini oshirishdan manfaatdorligiga yo‘naltirilishi lozim bo‘lib, bu firma rivojlanishining muhim sharti hisoblanadi. Biroq bu xuddi boshqa muvaffaqitlar kabi o‘zidan-o‘zi kelmaydi. Buninguchunresurslarasoslaridantashqarimohirtashkilotchilik, ilmiyasoslanganrejalashtirishvaboshqaruvnitalabqilinadi.

Ishlab chiqarish faoliyati rejalashtirish va boshqarish obyekti bo‘lib, bozorga va iste`molchilar talabini qondirishga yo‘naltiriladi. Amaliyotning ko‘rsatishicha, ishlab chiqarish faoliyatini rejalashtirishda har bir korxona o‘zining

[1] Sharifxo‘jaev M. Abdullaev YO. ”Menejment”. Toshkent -2001 yil. 406-бет
[2]www.Ziyonet.uz

bugungi kundagi va kelajak uchun strategiyasini belgilab oladi. Shu sababli rejalashtirish korxonani rivojlantirish strategiyasidan ajralmas hisoblanadi.

Rejalar shunday tuzilishi kerakki, ular uzoq vaqt davomida buzilmasligi, shu bilan bir paytda zarur hollarda yo‘nalishni o‘zgartirishga moslashgan bo‘lishi lozim. Amalda rejalashtirish jarayonida ikkita muhim savolga javob topish zarur:

1) korxona uchun bozordagi vaziyat bilan bog‘liq joriy vazifalarni bajarishda to‘siqlar yaratmaydigan strategik maqsadni qanday tanlash;

2) strategik maqsadlarga tayangan holda eng murakkab va kutilmagan hodisa va tashqi tendentsiyalarga munosib va samarali javob qaytarishi uchun moddiy, moliyaviy va mehnat resurslarini qanday shakllantirish lozim.

Korxona faoliyatini rejalashtirish vazifalari qaysidir ma`noda ma`lum bo‘lgani sababli uni rejalashtirish va ishlab chiqarishni tashkil etish jarayonida tartibga solish zamonaviy fan tomonidan nisbatan kam tadqiq etilgan va umumlashtirilgan. Bu erda amaliyot nazariyadan ancha ilgarilab ketgan. Shunday bo‘lsada, korxona faoliyatining oldindan belgilab qo‘yilgan ko‘rsatkichlarini tartibga solishga to‘g‘ri keladi. Bu iste`molchilik talabining o‘zgarishidan tashqari, korxona hayotida va iqtisodiy muhitda ro‘y berayotgan yangi vaziyatlar, xom-ashyo va materiallar ta`minotchilari bilan aloqalar, siyosiy vaziyat va hokazolarga bog‘liq bo‘ladi.

Gap shundaki, bugun ishlab chiqarilayotgan narsa ertaga yoki indinga kerak bo‘lmay qolishi mumkin. Shu sababli rejalashtirish nafaqat bugungi, balki ertangi kunga ham yo‘naltirilgan bo‘lishi loim. Hech qaysi korxona o‘z faoliyatida istiqbolni ko‘zdan qochira olmaydi. Bu bozor sharoitlarida korxona barqarorligining asosiy qoidasidir. Barcha xodimlar, ayniqsa, korxona rahbariyati shuni aniq bilishi kerakki, bugungi kunda oson bajarilayotgan har qanday ish 3-5 yildan so‘ng qiyinlashishi yoki umuman imkoni bo‘lmay qolishi mumkin. Demak, oldindan belgilab qo‘yilgan reja (bashorat) ko‘rsatkichlarini tartibga solish – korxona faoliyati va ishlab chiqarishni bashorat qilish va rejalashtirishning uzviy bir qismi hisoblanishi mumkin.

Rejalashtirishga nisbatan, oldindan ishlab chiqilgan reja va dasturlarni o‘zgarib turuvchi sharoitlarga moslashtirish, ular rejali iqtisodiyotda bo‘lgani kabi har qanday baho evaziga bajarilmasdan, bozor talablariga mos kelishi hamda korxona maqsadlariga erishish, ishlab chiqarishning daromadli va foydali bo‘lishiga xizmat qilishi lozim. Har holda zamonaviy biznes va tadbirkorlik aynan shu tamoyillarga asosan faoliyat ko‘rsatadi. Rejada belgilab qo‘yilgan, kechagi kun ishlab chiqilgan va bugunda o‘z ahamiyatini yo‘qotgan mahsulot ishlab chiqarish, ish bajarish va xizmat ko‘rsatish mumkin emas. Bunda, korxona faoliyatining oldindan belgilab qo‘yilgan ko‘rsatkichlarini tartibga solish malakasiz rejalashtirishning sababi va natijasi bo‘lib, ishlab chiqarishni tashkil qilish va rejalashtirish jarayonlarida turli xato va kamchiliklar natijasida yuzaga keladi. Shu sababli ayrim korxonalarning, ayniqsa, biznes va tadbirkorlik sohasida hayotiylik davri yuqori bo‘lmaydi, ular zarar keltiradigan korxonalarga aylanadilar va hatto bankrotga ham uchraydilar. Amaliyotning ko‘rsatishicha,

asoslangan rejalashtirish odatda obyektiv zarurat talab qilgan hollardan tashqari kelgusida tartibga solishni talab qilmaydi. Korxona joriy faoliyatini tartibga solishdan maqsad quyidagilardan iborat:

-barqaror ishlashni ta`minlash;

- minimal xarajatlar bilan maksimal natijalarga erishish;

-chiqarilayotgan mahsulotning sifat ko‘rsatkichlarini yaxshilash;

-ishlab chiqarish rentabelligini oshirish va xarajatlarni kamaytirish.

Bugungi kunda, iqtisodiyotning nodavlat sektorini rivojlantirishga katta e`tibor qaratilayotgan bir paytda biznes va tadbirkorlik sohasi ustivor ahamiyat kasb etib, korxonalarning iqtisodiy faoliyatda erkinligi kuchaymoqda, rejalashtirish va tartibga solish jarayonlarini hech kim cheklab qo‘ymayapti. Mamlakat Prezidenti SH.M. Mirziyoevning “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak”[1] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil yakunlari va 2017 yil istiqbollariga bag‘ishlangan majlisidagi ma’ruzasida ta`kidlab o‘tganlar.Hozirda korxonalarga yuqoridan buyruq va ko‘rsatmalar asosida topshiriqlarni belgilab beruvchi vazirlik va mahkamalar tizimi yo‘q. Korxonalarning katta qismi ishlab chiqarishning borishi va natijalarini o‘zlari rejalashtiradi va tartibga soladi.

Rejalashtirish jarayoni bosqichma-bosqich amalga oshiriladi: mavjud resurslarni baholash, bo‘lajak ehtiyojlarni baholash va ularni qondirish bo‘yicha dasturlar ishlab chiqish. Kadrlar tarkibi sonini rejalashtirishda ishlab chiqarish dasturi, shtatlar ro‘yxati, tashkiliy-texnik tadbirlar rejasi, kadrlar harakatlanishi, ularning qo‘nimsizligi, ish vaqti byudjeti boshlang‘ich ma`lumotlar hisoblanadi[2].

Kadrlarga ehtiyojni rejalashtirishda mehnat sarfini kamaytirish maqsadida ishlab turgan xodimlarning optimal sonini o‘rnatishga intilish lozim.Xodimlar sonini aniqlash ish o‘rinlari soni, xizmat ko‘rsatish normalari va mehnat sig‘imi kabi turli usullar yordamida aniqlanadi.Korxonalarni strategik rejalashtirish va boshqaruvini takomillashtirishda quyidagi yo‘nalishlarga asosiy e`tiborni qaratish maqsadga muvofiqdir:

1. Korxonalarda mehnat motivatsiyasi va rejalashtirish tizimini sezilarli ravishda o‘zgartirib yuborish

2. Strategik rejalar uzoq vaqt davomida buzilmasligi, shu bilan bir paytda zarur hollarda yo‘nalishni o‘zgartirishga moslashgan bo‘lishi

3. O‘z xodimlarini ish malakasini oshirishga qaratishi lozim va ko‘proq yosh xodimlarni sinov asosida ishga qabul qilishlarini taklif qilaman

4.Diversifikatsiyalash (yangi turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish)

5.Xodimlar sonini ish hajmiga moslashtirish (qo‘shimcha ishchi kuchlarini korxonaga jalb qilish).

6.Yangi texnika va texnologiyani sotib olishga mablag‘ ajratishini ko‘zda tutish.

[1]www.yangiliklar.net

[2]Zaynutdinov SH.N., Nurimbetov R.I. “Personalni boshqarish” O‘quv qo‘llanma, 2013, 58-бет

Strategik boshqaruv tamoyillarini to‘g‘ri belgilash va boshqaruv tizimining samarali amal qilishini ta`minlashning asosiy maqsadi bozor iqtisodiyotida yuz berishi mumkin bo‘lgan ichki va tashqi nomutanosibliklar va ortiqcha ishlab chiqarish inqirozlari, hamda xom-ashyo va materiallarning samarsiz ishlatilishini oldini olishdan, ishlab chiqarishni boshqarishni bozor talablariga tobora ko‘proq moslashtirishdan iboratdir, deb aytish mumkin.

Bugungi kunda modernizatsiyalash jarayonlari mamlakatimiz hayotining deyarli barcha jabhalarini qamrab olgan. Respublikada yangi ishlab chiqarish sohalarini yaratish va eskilarini modernizatsiya qilish, yangi texnologiyalarni joriy qilish bo‘yicha katta ishlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda mamlakatimizni ham tashqi, ham ichki bozorda mavqega ega bo‘lishini ta`minlash uchun korxonalarni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlashni yanada jadallashtirish, zamonaviy, moslashuvchan texnologiyalarni keng joriy etish darkor. Korxonalar raqobatbardoshligini oshirish qat`iy tejamkorlik tuzilmasini joriy etish, ishlab chiqarish xarajatlarini va mahsulot tannarxini kamaytirishni talab etmoqda. O‘tgan yili faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalarni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash hamda zamonaviy, yuksak texnologiyalarga, boshqaruv tizimini takomillashtirish yo‘nalishlarini belgilash dastlab bo‘linmalar va ularning tarkibiy guruhlarining bajarayotgan ishlari ko‘lamini aniq belgilab berish, ularning ma’suliyatida bo‘lgan ishlar uchun vakolatlilik darajasi va javobgarligini to‘g‘ri taqsimlashga qaratilishi zarur.

Ф.М.Рахмонова – СамДАҚИ катта ўқитувчиси,
О. Худойбердиев– СамДАҚИ ўқитувчиси,
Б.О. Туйчиева– СамДУ талабаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖЕРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишдаги вазифалардан бири бўлиб “...корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларни жорий этиш” вазифаси кўрсатиб ўтилган [1]. Корпоратив бошқарув бу – акциядорлар, бошқарув кенгаши аъзоларининг бошқарув тузулмасидаги булимлар бошқарувчи-менежерлари билан белгиланган муносабатлар тизими ҳисобланади.

Корхона ривожланиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, рақобатда ғолиб бўлиб чиқиши учун маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчи ходимлар раҳбарият томонидан берилаётган вазифаларни тўла тўкис бажаришлари, ташкитлот олдига кўйилган режа асосида амалга ошилиши зарур. Бу вазифаларни бажаришга корхона ва ташкилот раҳбарига менежерлар кўмаклашишади.

Замонавий бизнеснинг самарадорлиги, унинг кучли рақобат шарои-

тида ғолиб чиқиши борган сари унда мавжуд инсон ресурсларидан тўғри фойдалана олишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Инсон ресурсларидан тўғри фойдаланишда эса корхонадаги фаолият юритаётган менежерларнинг иш олиб бориш тактикалари, бу тактикаларнинг замон талабига жавоб бериш ёки бермаслиги катта рол ўйнайди. Менежер бу – корхона муайян фаолияти учун масъул, жавобгар бўлган, раҳбарият томонидан кўйилган вазифаларнинг ишчи ходимлар томонидан бажарилишни назорат қилувчи, бажарилиш жараёнларини бошқариб турувчи шахс ҳисобланади.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётининг тезкорлик билан ривожланиши даврида менежерлар ҳам ўз устида кўп ишлашлари, замон талабига мос равишда қўл остидаги ишчи ходимларини бошқара олишлари лозим бўлиб қолмоқда. Ишчи ходимлар ҳатти-ҳаракатларини самарали ўзгартириш, уларнинг раҳбарият томонидан берилган вазифаларнинг тўла тўкис бажарилишини таъминланиши учун замонавий менежерлар:

- Менежер – ишчи ходимлардан нима хоҳлаётганини ва уни нимага ўргатиш кераклигини билиши ва аниқ тассавурга эга бўлиши зарур;
- Менежер – ишчи ходимлар ҳақиқатда қандай ҳаракат қилаётганлигини, нима сабабдан унинг фаолияти натижасини эмас, балки жараёнинини назорат қилиш зарурлигини билиши лозим;
- Менежер – ишчи ходимларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати сабабларини таҳлил қила олиши, ўзининг нотўғри ҳатти ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни улардан олишга ҳамда ўз ўзини танқид қила ололиши имкониятини яратиши лозим
- Менежер ўргатишни ўрганиши лозим. Ходимларнинг камол топишида шахсан иштирок этиши у учун стратегик вазифага айланиши лозим.

Менежерларнинг шахсий фазилатларига биринчи навбатда унинг ҳалоллиги ва адолатлилиги киради. Раҳбар (менежер) қўл остидаги ишчи ходимларни тушуниши, уларга ҳурматга сазовор бўлган алоҳида шахс сифатида қараши, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши, ходимларга ғамхурлик қилиши, барчанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳамкорликни шакллантира олиши лозимдир.

Шахсий фазилатларга яна унинг ўзига ишонувчанлиги, оптимистлиги. Бошқаларни бошқара олиши, уларни ҳам қўйилган мақсадга эришиш мумкинлигига ишонтира олиши лозим. Менежерлар ҳақиқий ҳолат билан ишлаши лозим. Бунда менежерлар орзу ва ниятларга ўрин қолдирмаслиги, барча жараёнларга ҳаққоний кўз билан қараши зарур бўлади.

Менежерларнинг яна бир муҳим фазилатига – касбийлиги, ўзининг касбини яхши ўзлаштирганлиги, бошқарув тизимини ичидан билиши киради. Менежер ходимларни бошқаришда иш фаолияти йўналиши бўйича зарур билим салоҳиятга эга бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш, савдо ёхуд хизмат кўрсатиш соҳасини мукаммал ўрганган бўлиши, зарур бўлган ҳолларда ходимларига иш фаолияти давомида тўғри йўл кўрсата олиши, ўз билимига таянган ҳолда таҳлил қилиш йули билан салбий ҳолатлардан чиқиб кета олиши лозим.

Менежерларда юқорида кўрсатиб ўтилган фазилатлардан ташқари яна ташкилотчилик қобилияти ҳам бўлиши лозим. Раҳбарият томонидан берилган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлай олиши, ходимларни уларнинг чуқур билими ва қобилиятига қараб ишни тақсимлай олиши зарур бўлади. Бунда менежернинг ўзи мақсадига интилувчан бўлиши, зарурият тўғилганда мақсадга ўзгартиришлар кирита олиши, яхши бошқарувчи ходимни ишга жалб қила олиши лозим. Менежер ташкилотчилик фазилати билан бир қаторда бошқарувчилик фазилатига ҳам эга бўлиши зарур. Шу икки фазилатга эга бўлган менежергина корхонада туғилаётган хавф-хатарнинг олдини олиши, ходимларни тўғри ташкиллаштириш ва бошқариш жараёнида кам йўқотишлар билан хавф-хатардан осонгина чиқиб кетиши мумкин. Бунинг учун эса менежер ўз хизмат вазифларини мукаммал билиши, юқори раҳбариятдан мустасно равишда мустақил ҳаракат килиши, ходимларни бу борада итоаткор бўлишга даъват этиши лозим ва бу учун эса ўз навбатида менежер ходимларнинг заиф томонларига нисбатан бағрикенг бўлиши ҳам лозим.

Замований менежер бошқарув услубига қараб 3 турга бўлинади: авторитар, демократик ва либерал.

Авторитар услубида лидерлар қўлида барча жавобгарлик ва ҳокимият бўлади. Мақсад ва унга эришиш воситаларини ўзи танлайди. Ахборот ва маълумот оқимлари асосан юқоридан (раҳбариятдан) келади. Авторитар услубнинг ижобий томони шундаки тезкорлик ва тартибга алоҳида урғу берилади, олинган натижаларнинг аниқлиги кузатилади. Салбий томони эса ходимларнинг шахсий ташабусси анчагина чекланган бўлади.

Демократик услубда асосий бошқарув лидер қўлида бўлган ҳолда вазифалар ходимлар ўртасида тақсимланади, даражаларга қараб ходимларнинг ўзлари қарорлар қабул қилишади, бироқ қарорнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш лидер қўлида бўлади. Ахборот ва маълумот оқимлари бир вақтнинг ўзида юқоридан (раҳбариятдан) ҳамда пастдан (ходимлардан) келади. Услубнинг ижобий томони бошқарув жараёнида ходимларнинг қатнашуви натижасида шахсий жавобгарлик кўчади. Салбий томони эса қарорларни қабул қилиш учун кўп вақт талаб қилинади, чунки қарор қабул қилиш юқорида таъкидлаганимиздек ходимлар ўртасида тақсимланади.

Либерал услубда лидер ўзидан барча мажбуриятлари ва жавобгарликларни ходимлар гуруҳлари ҳисобига олиб ташлайди. Ходимлар гурухларига ўз ўзини бошқариш ҳуқуқи берилади. Ахборот ва маълумот горизонтал шаклда ходимлар ва гуруҳлар ўртасида алмашинилади. Услубнинг ижобий томони шундаки, бунда ишлар лидер (якка ҳоким) иштирокисиз бошлаш имконини беради, ходимлар ўз идроки ва имконияти даражасида ишларини ташкиллаштиради. Салбий томони эса ходимлар гуруҳлари ҳаракат йуналишини йуқотиб қўйишлари, фикрлар кўплиги натижасида аниқ бир қарорга келолмаслиги мумкин.

Давлатимиз томонидан юқорида қайд этилган менежерлар авлоди яратилса жаҳон иқтисодиётнинг жадаллик билан ривожланиши ва бу ривожланиш оқимига Ўзбекистон Республикасининг ҳам кириб бориш жараёни енгиллик билан ўтади. Зеро, давлат иқтисодиётининг ривожланишида янгича талқинда бошқарув тизимларини киритиш, замон талабига мос равишда ўз фаолиятини амалга ошира оладиган ходим кадрларни тайёрлаш, бу Республикамизнинг келажакда ривожланган давлатлар қаторига киришига яна бир қадам булади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Гольштейн Г.Я. “Основы менеджмента” Учебное пособие, изд 2-е, дополненное и переработанное. Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2003. Глава 11.

Ш.Х. Пардаев – СамИСИ, Маркетинг кафедраси ассистенти**,**
Д.Ҳ. Холмаматов – СамИСИ, Маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси

ТОВАР-ХОМАШЁ БОЗОРИДА ТОВАР ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАРКЕТИНГ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Заминимизда мавжуд бўлган минерал ресурслар, яратилаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали юқори қийматга эга тайёр маҳсулотлар экспортини ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ушбу масала бевосита товар-хомашё бозорида товарлар ҳаракатини ташкил этиш ва бошқариш билан ҳам боғлиқдир. Чунки, кўп босқичли қайта ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этиш ва оптимал бошқариш муҳим аҳамият касб қилади. Хом ашёни чуқур қайта ишлашдан бошлаб то тайёр маҳсулот кўринишига келтиришгача бўлган циклда товар ҳаракатининг роли янада ортади. Чунки қайта ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи бир маромда тўхтовсиз ишлаши учун, ўз вақтида, керакли ҳажмдаги моддий ресурслар билан таъминлашнинг ечими ва харажатлар таркибини минималлаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Товар-хомашё бозорида товар ҳаракатини ташкил этишнинг асосий

вазифаларидан бири қайта ишлаш соҳасидаги корхоналарни товар ресурслари билан мунтазам таъминлаб туришдир. Товар ҳаракати давомида товар айланмасини режалаштириш сотилувчи товарлар ҳажмини асослаб бериш билангина чекланиб қолмаслиги лозим. Уни қайта ишлаш корхоналарининг товар ресурсларига бўлган эҳтиёжларини ҳисоблаш ва бу ресурсларни зарур миқдорда харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан тўлдириши зарур.

Товар ҳаракатининг асосий масаласи товарни истеъмолчига (ишлаб чиқариш корхонаси) қисқа вақт орасида ва кам харажатлар билан етказиб беришдан иборат. Ишлаб чиқариш корхоналари бу масалани ечишда қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- тақсимлашга таклиф қилинадиган товарлар ассортименти ва хизмат турларини доимий равишда кенгайтириб бориш;
- товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини доимий равишда ошириб бориш;
- доимий равишда ўзи учун янги товар бозорларини излаш ва эски бозорларда ўз позициясини мустаҳкамлаб бориш;
- истеъмолчилар билан яқин алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни ривожлантириш;
- истеъмолчилар буюртмаларининг бажарилишини кузатиб бориш ва назорат қилиш;
- тақсимот ҳудудларида янги омборлар ташкил қилиш;
- омборларда товарларнинг етарли миқдордаги захираларини яратиш;
- тақсимот жараёнини ташкил қилишда максимал сервисни жорий қилиш.

Товар-хомашё бозорида товар ҳаракатини ташкил этиш сервис билан бевосита боғлиқ. Товар ҳаракатини ташкил этиш жараёнларидаги сервиснинг даражаси товар моддий бойликлар заҳирасининг таркиби ва миқдори, етказиб бериш ёки ташиш тизимининг мукаммаллиги, турли бозорларда омборларнинг мавжудлиги каби омиллар билан белгиланади. Бу омилларни рўёбга чиқариш жуда катта маблағларни талаб қилади. Шу сабабли товар ҳаракати жараёни оптималлаштириш масаласи билан боғлиқ жараён бўлиб, бунда арзон транспорт-ташиш тизими, етарли миқдордаги товар захираси ва оптимал омбор тизимини яратиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳал қилиниши лозим. Оптимал омбор тизимини яратиш деганда улар сонининг ва қувватининг оптимал миқдорларини ҳамда мақбул жойлашиш ўрнини аниқлаш тушунилади.

Товар-хомашё бозорида товар ҳаракатини ташкил этишда даставвал хомашё ресурсларининг таркиби ва уларнинг ҳажми муҳимдир. Бу борада мамлакатимизда техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми анча юқоридир. 2015-2017 йилларда техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган айрим маҳсулот турларининг сотилиши ўрганилди (1-жадвалга).

1-жадвал

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган айрим маҳсулот турларининг сотилиши (млн. сўм)

№	Маҳсулот турлари	2015	2016	2017
1.	Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	419112,2	737401,0	523674,2
2.	Машинасозлик маҳсулотлари, механик асбоб-ускуналар, машиналар ва дастгоҳлар	195741,3	169056,6	189498,0
3.	Металл ва металл буюмлари прокати	331352,4	480447,1	22754,0
4.	Ер усти транспорт воситалари	5129,1	7323,8	33143,3

Манба. Товар-хом ашё биржалари орқали сотилган маҳсулотлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машинасозлик маҳсулотлари, механик асбоб-ускуналар, машиналар ва дастгоҳлар, ер усти транспорт воситаларини ва бошқа хомашё ресурсларини мижозларга (ишлаб чиқариш корхоналари) етказиб беришни ташкил этишда сақлаш, қадоқлаш ва ўраб-жойлаш, ортиш-тушириш, ташиш, сотувдан кейинги сервис кўрсатиш каби операциялар товар ҳаракати каналлари томонидан бажарилади. Ушбу ишларни юқори даражада амалга оширилиши маркетинг тадбирлари орқали ҳал этилади.

Замонавий менежмент ва маркетинг концепцияларига кўра, товар ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш учун аввало бозор талабини ўрганиш ва етказиб бериладиган моддий ресурс ассортименти ҳамда ҳажмини аниқлаш талаб қилинади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда шаклланиб улгурган ва бугунги кунда тўла амал қилаётган харидор бозори шароитида товар-хомашё бозорида товар ҳаракатини ташкил этиш бозор талабини ўрганиш ва унинг миқдорини аниқлашдан бошлаши ҳамда ўз фаолиятини бозорга, истеъмолчига, унинг талабини қондиришга йўналтириши замон талаби ҳисобланади.

Талаб, унинг таркиби ва миқдорини аниқлаш товар ҳаракатининг ҳозирги кундаги асосий функцияларидан биридир. Товар ҳаракатининг бу функцияси ҳудудий истеъмолда узилишлар бўлмаслиги учун моддий ресурсга бўлган талабга асосан ўз вақтида ва керакли миқдорда буюртмаларни шакллантириш ва уларнинг бажарилишини бошқаришдан иборат. Ушбу функцияни амалга оширишга қодир бўлган лаёқатли маркетологларни бу ишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу вазифа талаб даражасида ҳал қилингандан сўнг товар ҳаракатининг бошқа асосий ва қўшимча функциялари бажарилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки мамлакатимиз иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгартиришлар ва диверсификация шароитида товар-хомашё бозорида товар ҳаракатини ташкил этишга қуйидаги омиллар катта таъсир қилади:

– қайта ишлаш учун яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсу-

лотларини, “бизнес учун бизнес” (B2B) тамойили бўйича товар ҳаракатини ташкил этиш тизимини ривожи;

– моддий ресурслар ҳаракатининг оптимал каналларини лойиҳалаш ва шакллантириш;

– моддий ресурслар ҳаракати учун сарфланадиган вақт ва маблағни тежаш;

– товар ҳаракати тизимида транзакция харажатларини ошиб кетиши;

– бозор муносабатларининг ўзгариши ва мураккаблашуви, ҳамда таъминот ва тақсимот жараёнлари сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабнинг ўсиши;

– мослашувчан ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тизимларининг яратилиши.

Б.Ш.Мусаев – СамИСИ катта ўқитувчиси,
С.Т.Ғаппаров – СамИСИ талабаси,
Д.Ф.Сатторов – СамИСИ талабаси

МЕҲМОНХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ МИЖОЗЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШДА ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат натижасида барча соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар қаторида туризм соҳасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар юз бераётган бўлиб, ушбу туризм соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиёти учун аҳамиятини ҳудудларда бўлаётган учрашувларда, йиғилишларда алоҳида таъкидлаб келмоқда. Жумладан, “... туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим”[1] деб таъкидлаган эдилар. Бунинг натижасида ҳали туризм соҳасида фойдаланилмаган имкониятлардан кенг фойдаланиш яъни, “... 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш”[2] имконияти яратилади.

Туризм соҳасида олдимизга қўйилган асосий мақсад - юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини йилдан-йилга оширишдир ва бунда кўрсатилаётган хизматлар сифатини халқаро даражага олиб чиқишдир. Туризм соҳаларидан бири бўлган меҳмонхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимнинг касбий вазифаси унинг ахлоқий нормаларни, хулқ-атвор қоидаларини билиши ва ўзининг атрофидагилар билан (ҳамкасблари, мижозлар билан) ўзаро муносабатларида яққол сезилади. Меҳнат муносабатларида ахлоқ нормаларига риоя қилиш ҳам ходимнинг,

[1] Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил, 28 декабрь.
[2] Ўша жойда.

ҳам меҳмонхона ишининг самарадорлигига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Этика (ахлоқ,) дейилганда ижтимоий ҳаёт жараёнида руёбга чиқариладиган универсал ва ўзига хос ахлоқий талаблар ва хулқ-атвор нормалари тизими назарда тутилади. Тегишли равишда ишга доир муносабатлар этикаси жамият ҳаётининг соҳаларидан бирини ажратиб кўрсатади. Шу нарса тушунарлики хизматга доир муносабатларнинг ахлоқий нормалари умуминсоний нормаларга ва хулқ-атвор қоидаларига асосланади, лекин ўзиниг айрим фарқ қилувчи хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Меҳмонхона хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходим меҳнат фаолияти жараёнида ўзаро шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи қонуниятларни ҳисобга олиши керак. Улар орасида энг асосийларидан бири жавобнинг ноаниқлиги қонунияти ёки бошқача айтганда, кишиларнинг ташқи таъсирларни идрок қилишнинг, улардаги шахсий хусусиятларига, муайян вазиятга боғлиқ қонунияти ҳисобланади.

Меҳмонхона хўжалиги ходимлари ўзаро муносабатларда кўпинча эсдан чиқариб қуйиладиган яна бир қонуният психологик ўз-ўзини ҳимоя қилиш қонуниятидир. Биз бошқа шахсларга муносабат соҳасида биринчи ўринга одатда уларнинг ташқи жисмоний хавфсизлигини қуямиз, уларнинг психологик хавфсизлигини эса назарписанд қилмаймиз. Иккинчи томондан, одамнинг ўз-ўзининг психологик хавфсизлигига ва унга ҳужум қилишдан сақланишга катта аҳамият беради. Ижтимоий хулқ-атворнинг етакчи сабабларидан бири инсоннинг шахсий мақомини, ўз қадр-қимматини сақлашдир.

Ҳар қандай хизматларни, шу жумладан, меҳмонхона хизматларини сотиш товарлар билан савдо қилишдан шуниси билан фарқ қиладики, хизмат уни кўрсатадиган ходимлардан ажралмасдир. Шу сабабли меҳмонхона бизнесида мижозлар билан муомала қилишни билишга алоҳида эътибор берилади. Барча ходимлар, айниқса, мижозлар билан мунтазам муомала қиладиган ходимлар махсус ўқитиб-ўргатилади. Уларга турли мижозлар билан муомала қилиш, телефон орқали сўзлашиш, шикоятларни эшитиш ва ҳ.к. ўргатилади. Ҳар бир тоифа ходимлар (қабул қилиш хизмати, барменлар, официантлар) учун батафсил йўриқномалар ишлаб чиқилади. Жумладан, меҳмонхона ходимларининг мижозлар билан муомалада бўлишнинг умумий қоидалар қуйидагилардан иборат:

- меҳмонхона ходими мижозга керак бўлган пайтда доим ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиши лозим;
- меҳмонхонанинг биронта ҳам ходими меҳмон билан баҳслашишга ҳақли эмас;
- ходим меҳмонга ўз ижобий муносабатини намойиш этиши, чунончи: унга ҳурмат кўрсатиши, хушмуомала бўлиши, овозини кўтармаслиги, ҳатто мижоз очиқ-ойдин нотўғри иш туца ҳам ўз норозилигини сездирмаслиги керак;

- мижозга тўлиқ ахборот беришни, унга ҳатто нохуш янгиликларни, масалан, мижоз нима учундир ҳақ тўлаши кераклигини маълум қилишни ҳам билиши лозим;
- мижознинг муаммолари зудлик билан ва тез ҳал қилиниши керак. агар ходим муаммони ўзи ҳал қила олмаса, у мижозни менежер ҳузурига юбориши (яхшиси, унинг ҳузурига бошлаб бориши) лозим.

Меҳмонхона хизматчиларининг ташқи кўринишига алоҳида эътибор берилади. Улар махсус белгиланган форма кийимида бўлишлари шарт. Бунда мижозлар билан бевосита муомала қилмайдиган ходимлар формаси мижозлар билан муомала қиладиган ходимлар формасидан фарқ қилгани маъқул. Бу ходимларни назорат қилишни енгиллаштиради. Форма тоза, доғсиз, дазмолланган, барча тугмалари жойида бўлиши керак.

Бундан ташқари, хизматчилар қуйидаги тавсияларга ҳам амал қилишлари керак:

- меҳмонларнинг исмларини, улар яхши кўрадиган ичимликларни эслаб қолишлари;
- барча мижозларга бир хил вақт ажратишлари;
- мижозларнинг суҳбатларига қулоқ солмасликлари;
- мижознинг таклифисиз ўз фикрини билдирмасликлари;
- мижозлар билан сиёсат ва динни муҳокама қилмасликлари;
- мижозлар қаршисида ўз ҳамкасблари билан жанжаллашмасликлари керак;
- хизматчи ўз ҳамкасби билан гаплашиб бўлишини мижоз кутиб турмаслиги керак;
- ходим мижозга хизматнинг мавжуд бир нечта вариантидан биттасини танлашни таклиф қилиши лозим;
- меҳмонхона, у кўрсатадиган хизматлар, турли хизматлар қаерда жойлашгани, овқат буюртма қилиш таомиллари ва ҳ.к. ҳақида мумкин қадар тўлиқ хабардор бўлиши керак;
- телефон орқали гаплашганда кўпи билан 3-4 гудок чалинганидан кейин гўшакни кўтариши, ўз меҳмонхонаси (ёки меҳмонхона хизмати) ва ўз фамилиясини айтиб, ўзини таништириши керак. Агар ходим қўнғироқ қилган одамга дарҳол жавоб бера олмаса, ундан қайта қўнғироқ қилишни илтимос қилиши ёки унинг телефон рақамини ёзиб олиши лозим. Мижоз ахборотни 45 секунддан кўп кутмаслиги керак. Агар ходим мижозни бундан кўпроқ вақт куттириб қўйса, у мижоздан яна кутиб туришга рози ё рози эмаслигини сўраши ёки у билан кейинроқ боғланиши лозим.

Меҳмонхонада мижознинг хизматлардан қониққанлигига баҳо берадиган тизими бўлиши керак. Чунки бундай тизимнинг мавжуд бўлиши хизматлар сифатининг ошишига хизмат қилади ва бу тизим қуйидаги ахборот манбаларидан иборат.

1. Кузатиш. Барча даража менежерлар қониқарсиз хизмат кўрсатилиши белгиларини муттасил қидиришлари керак. Бундай

белгиларга навбат кутилиши, мижознинг ахборотни узоқ кутиб қолиши, мижозларга ходимларнинг бефарқлиги, мижозга берилган ваъдаларнинг бажарилмаслиги ва бошқалар киради. Менежерларнинг кузатишидан ташқари, вақти-вақти билан меҳмонхонага текширувчи юбориши, у оддий мижоз кўринишида меҳмонхонанинг барча хизматлари билан муомала қилиши ва ўз кузатишлари ҳақида меҳмонхона раҳбариятига ахборот бериши керак.

2. Меҳмонлар орасида сўров ўтказиш. Сўровномалар одатда номерларда туради. Тўлдирилган сўровномаларни меҳмонхона ходимлари йиғиб олади ва кейин уларга мижозлар билан ишлаш бўлими томонидан ишлов берилади.

3. Меҳмонхонанинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

4. Мижозларнинг қониққанлик даражаси ҳақида фойдали ахборот ҳайдовчилар орқали олиниши ҳам мумкин. Чунки мижозларнинг бир қисми аеропортга кетаётиб улар билан гаплашади.

5. Мижозларнинг шикоятлари пухта ишловдан ўтказилади ва улар бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва мижозларнинг қониққанлик даражасини ошириш имконини берадиган тегишли чоралар кўрилади. Мижозлар шикоят билан мурожаат этиши мумкин бўлган ходимларга норози мижозлар билан қандай муомала қилиш ҳақида йўл-йўриқ кўрсатилиши шарт. Бундай йўриқноманинг баъзи бир бандлари қуйида келтирилган:

- норози мижознинг шикоятини диққат билан эшитинг, ҳар қандай шикоят – бу, энг аввало, хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашга ёрдам бериши мумкин бўлган фойдали ахборот;
- вазминликни йўқотмай, норози мижозни бошқа мижозлар эшитмаслиги учун четга олиб чиқинг;
- ҳамдардлик ва ёрдам бериш истагини билдиринг;
- мижоз бор дардини айтишига имкон беринг, унинг гапини бўлманг, акс ҳолда у яна бошидан бошлайди;
- мижознинг гапига қўшилманг ва норози ҳам бўлманг, шунингдек, бирон-бир ташқи сабабни рўкач қилиб, ўзингизни оқлашга ҳам уринманг;
- шошма-шошарлик билан меҳмонхона айбини бўйнингизги олманг – бу мижоз моддий даъвогар бўлиши, судга мурожаат этиши ва бошқа кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин;
- муаммога эътибор бергани учун мижозга миннатдорчилик билдиринг;
- муаммони тез ҳал қилинг, агар муаммони ўзингиз мустақил ҳал қила олмасангиз, катта менежерга мурожаат этинг;
- агар мижоз ходимдан менежерга шикоят қилган бўлса, менежер мижоз олдида ходимни уришмаслиги керак. Дарвоқе, аксарият ҳолларда шикоят объектив бўлмайди ва ходим танбеҳга эмас, қўллаб-қувватлашга лойиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, меҳмонхона хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимлар мижозлар билан муомала қилишда юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларга амал қилишлари зарур. Чунки, мехмонхонани халқаро талаблар даражасида замонавий қилиб қуриш ва уларда ҳар қандай хизматларни жорий қилиш мумкин. Лекин у ерда хизмат кўрсатувчи ходимнинг мижозлар билан муомала қилиш маданияти паст бўладиган бўлса, нафақат фойда олиш балки, мехмонхона учун кетган харажатларни ҳам қоплаш қийин масала ҳисобланади.

Ш.Н.Жуманов – СамДАҚИ мустақил тадқиқотчиси

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТИ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада катта ўзгартиришларни амалга оширди, халқнинг фаровон турмуш тарзини яратиш учун, уларни яхши турар-жой бинолари, маданий-маиший ва коммунал соҳадаги бино ва иншоатлар билан таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Сифатли маҳсулот чиқариш учун ниҳоятда кўп омиллар таъсирини енгиб ўтиш зарур, масалан, ишчилар малакасининг яхши бўлиши, хом-ашё сифатли бўлиши, назорат ўз вақтида, тўғри бўлиши, технология бузилмаслиги ва бошқа факторлар таъсирини яхши билиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фанларнинг ўсиши, ривожланиши маҳсулот сифатини ошириш бўйича муаммоларни ечиш учун чуқур илмий изланишлар олиб боришга сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда бу соҳада кўплаб назарий ва амалий-услубий илмий ишлар пайдо бўлди.

Халқаро стандарт ИСО-9000 га асосан - сифат деб маҳсулотнинг ҳамма хосса ва хусусиятлари истеъмолчининг талабига мос келишига айтилади. Сифат бу қийин, кўп йўналишли иқтисодий категория ҳисобланади, сифатнинг фалсафий, кибернетик, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, техник, сиёсий ва математик тушунчалари ва йўналишлари мавжуд.

Ҳар бир маҳсулот бир қатор хусусиятларга эга, ҳар бир истеъмолчининг талабига маҳсулотнинг битта хусусияти жавоб беради. Масалан, биз олиб борган изланишлар шуни кўрсатадики, том ёпма-йиғма темирбетон плиталарнинг сифат даражасини меъёрга мос келиши қуйидаги 9-та бирлик сифат кўрсаткичлари (БСК) орқали пайдо бўлади:

- геометрик ўлчамларининг аниқлиги;
- юзасининг (ички) силлиқлиги;
- электр ўтказиш каналларининг тўғрилиги;
- кўтариш илгаклари ва деталларини ўрнида бўлиши;
- ишчи арматуранинг бетон қоришма билан тўғри ёпилганлиги;
- маҳсулотдаги бетон қоришмасини мустаҳкамлигини етарлилиги;

- маҳсулот сиртининг сифати;
- очиқ қолган арматураларнинг бўлмаслиги;
- ёриқ, ғовак, синиқ жойларнинг бўлмаслиги.

Бирлик сифат кўрсаткичлари ҳар хил конструкциялар учун 8 тадан 20 тагача бўлиши мумкин.

Битта ёки бир нечта бирлик сифат кўрсаткичларини меъёр (талаб) даражасида бўлмаслиги қурилиш конструкциясининг сифати пастлигидан, унда нуқсонлар борлигидан далолат беради.

Ҳар хил нуқсонлар қурилиш маҳсулотига ўзининг ҳар хил таъсирини кўрсатади. Одатда қуйидаги холатлар бўлиши мумкин:

• нуқсоннинг борлиги маҳсулотни ўз йўналиши бўйича ишлатишга рухсат бермайди. Сифат кўрсаткичларини меъёрий даражага етказишнинг техник иложи йўқ, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бундай маҳсулот сифатсиз (брак) деб тан олинади;

• нуқсоннинг борлиги маҳсулотни ўз йўналиши бўйича ишлатишга йўл бермайди, аммо таъмирлаб бошка йўналишда ишлатиш мумкин, бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ;

• нуқсоннинг характери бу маҳсулотни ўз йўналиши бўйича ишлатишга рухсат беради, аммо ишлатиш даврида харажатлар ошади, маҳсулотни сифати (сорти) паст бўлади.

Бир қатор авторларнинг фикрича маҳсулотнинг сифатига ҳар хил босқичларнинг таъсири ҳар хил бўлар экан. Масалан:

- лойиҳа ҳужжатлари 10-15%
- хом-ашё, материаллар 30-40%
- меҳнат ва технологик жараёнларнинг тўғри бажарилиши 30-40%
- меҳнатни ташкил этиш ва қурилиш ишлаб чиқаришини бошқариш 15%

Бундан кўриниб турибдики 30-60% сифатнинг паст бўлишига сабаб сифат кўрсаткичларини ёмон томонга ўзгариши экан. Айниқса бу қурилиш - монтаж ишларини бажаришда яққол кўзга ташланади. Агар сифатсиз, нуқсонли темир-бетон конструкциялари қўлланилса, бу нафақат қурилишни бажариш даврида қўшимча харажатлар қилишга олиб келади, балки эксплуатация жараёнига ҳам таъсири бор.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, охирги 15-20 йилда маҳсулот сифатини ошириш бўйича кўплаб ишлар, тадқиқотлар бажарилган, аммо бу ишлар фақат сифатни бошқариш тизимининг баъзи масалаларини ечишга қаратилган, алоҳида қурилиш ташкилотлари ёки заводлари маҳсулотига қаратилган, фақат назорат, ёки фақат баҳолашга қаратилган, муаммони тўлиқ ечишга қаратилмаган. Сифатни тўлиқ бошқариш тизими ўрнига фақат ахборот тўплаш билан чегараланиб қолган.

Эндиликда, қурилиш маҳсулоти сифатини ошириш, сифатни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича СамДАҚИ “Қурилишда менежмент” кафедраси профессор-ўқитувчилари изланишлар олиб боришмоқда.

Уларнинг ишларида технологик жараёнлар ўрганилиб, технологик жараёнларга таъсир ўтказиш орқали сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга

эришиш, бу билан сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечиш вазифалари турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Адолат, 2000
2. И. Каримов. «Жахон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари». Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.
3. Суюнов А. Модернизация систем управления качеством продукции в строительном комплексе Узбекистана. Монография. –Т.: «Фан ва технология», 2011. -124с.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси. Ўзбекистонда қурилиш 2014-2018 й.

G‘.E.Po‘latov – Islom Karimov nomidagi TDTU Termiz filiali o‘qituvchisi,
J.N.Xushvaxtov – Islom Karimov nomidagi TDTU Termiz filiali Qurilish va transport tizmlari fakulteti II-bosqich talabasi

INSHOAT ZAMINI VA POYDEVORLARI GRUNTLARINING CHO‘KISHI

Bino va inshoatlardan tushayotgan yukni zaminga uzatadigan bino va inshoatlarning yer osti yoki suv osti qismi poydevor deb ataladi.

Poydevor – bino va inshoatlarning mustahkamlik, turg‘unlik, texnologik tuzilish, uzoq muddat ishlatish, hamda iqtisodiy talablariga javob berishi kerak.

Bino yoki inshoat turi	Qanday maqsadga mo‘ljallanganligi	Bino yoki inshoatning nomi
Binolar	Turar-joy	Mehmonxona,yotoqxona,dam olish uylari,aholi yashaydigan uylar
	Jamoat	Ma'muriy, o‘quv, madaniy, ma'rifiy, sport, savdo, kommunal-xo‘jalik, kino teatrlar va oshxonalar
	Sanoat	Zavodlar, fabrikalar, suv isitish qozonlari, elektr stansiyalari
	Transport	Angarlar, saroylar, vokzallar, depolar
	Qishloq xo‘jaligi	Chorvachilik komplekslari, issiqxonalar, g‘alla saqlash omborlari, parrandachilik fabrikalari va boshqalari
Inshoatlari	Qurilmalari	Ko‘priklar, to‘g‘onlar, suyuqlik saqlash inshoatlar, minoralar, aerodromlar, suv bo‘yi inshoatlari va boshqalar

Qurilish amaliyotida qo‘llaniladigan zamin va poydevorlarni ta'mirlashga oid usullar turli–tuman bo‘lib, ularni umumiy maqsadga qarab shartli ravishda uch turga bo‘lish mumkin:

1)zaminga uzatiluvchi bosim qiymatini kamaytirish;
2)poydevor ashyosini mustahkamlash;
3) zamin gruntlarining mustahkamlik koʻrsatkichlarini oshirish.

Bino va inshoatlar zaminining deformatsiyalanishi qurilish me'yorlari va qoidalarida cheklangan miqdordan ortib ketmasligi kerak. Hozirgi vaqtda qabul qilingan qoidalarga asosan barcha bino va inshoatlar bikrligi boʻyicha uch turga boʻlinadi:

1. Nisbatan bikr inshoatlar (turli moʻrilar, temir eritish oʻchoqlari, suv koʻtargich inshoatlari, koʻpriklarning tayanchlari, toʻgʻonlari va hokazo.); bular turli choʻkishdan kam zararlangan holda, ular uchun burilish, shakl oʻzgarishi ham juda katta ahamiyatga ega.

2. Bikr inshoatlar (rom va yaxlit holdagi temirbeton buyumlar, sanoat va jamoat binolari temir beton sinchli yirik va yaxlit qurilmali binolar va hokazo), bu inshoatlar uchun egilish va bukilishga oid shakl oʻzgarishi xavfli.

3. Egiluvchan inshoatlar (suv saqlovchi idishlarning ostki qismlari, temirdan ishlangan qurilmalar, boʻlinmalar va hokazo), bular uchun buralish, egilish va bukilishga oid shakl oʻzgarishlar ma'lum qiymatdan oshib ketmasligi kifoya.

Hozirda zamin va poydevorlar loyihasi asosini grunt, poydevor va inshoat qurilmalarini birgalikda qarash qabul qilingan.

Shuning uchun zamin va poydevorlarni loyihalashda asosiy masalalarni hal etish lozim:

- birinchisi, inshoatning tegishli mustahkamligi va turgʻunligini ta'minlash;
- ikkinchisi, ashyolar sarfi, ish hajmi va ularning tannarxi nuqtai nazardan iqtisodiy arzon turini tanlashdan iborat.

Zaminlar deformatsiyalarini hisoblashda poydevorlar turini arzonlash-tiradigan birdan – bir yoʻl, zaminning yuk koʻtarish qobiliyatini toʻla hisobga olish. Buning uchun bino va inshoatdan zaminga ta'sir etuvchi yuqori bosimni hisobga olish lozim. Yuqori bosim qiymati esa, inshoat uchun yoʻl qoʻyish mumkin boʻlgan deformatsiyaga bogʻliq boʻlmay, balki zaminning oʻlchamlari, grunt qatlamlarining turlari va ularning fizik-mexanik xossalariga bogʻliqdir.

Agarda zaminning notekis deformatsiyasi rivojlanish xarakterini, bino va inshoatlar bikrligini hisobga olsak, u holda deformatsiya va siljishni quyidagi shakllarini ajratish mumkin:

1. Ogʻish poydevor ikkita nuqtasini ular orasidagi masofaga tegishli absolyut choʻkishi farqi sifatida qaraladi.
2. Bino va inshoatni qiyshayishi – bitta koʻndalang yoki boʻylama oʻqqa joylashgan ular orasidagi masofaga tegishli ikkita yoki bir nechta poydevor choʻkishining farqi uzluksiz yoki ikkita poydevor chetki nuqtalarining choʻkishi.
3. Bino yoki inshoatning nisbiy egilishi yoki egilish yoʻlini binoning egilgan qismi uzunligiga va egilgan qismi egriligiga nisbati bilan baholanadi.
4. Buralish deganda inshoatni uzunligi boʻyicha bir xil boʻlmagan ogʻishi

bo‘lib, ayniqsa ushbu holatning rivojlanishi uning ikkita kesimida har xil tomonga qarab yuz berishi tushuniladi.

5. Poydevorlarni gorizontal siljishi qurilmadan sezilarli gorizontal kuch ta'sir qilganda yuz beradi.

O‘ta cho‘kuvchan gruntlar deb ma'lum yuk ostida suv ta'sir ettirilganda loysimon gruntlarda ro‘y beradigan katta qiymatli cho‘kish hodisasiga aytiladi. O‘ta cho‘kish oddiy siljish hodisasidan farq qiladi va grunt strukturasi butunlay buziladi. Bunday gruntlar tabiiy holatda kam namlikka ega bo‘lib (5 – 7%) yetarli miqdorda yuk ko‘tarish qobiliyatiga egadir. Agar ularga suv ta'sir ettirilsa, zarrachalar orasidagi bog‘lanish kuchlari erib ketishi natijasida grunt strukturasining buzilishi yuzaga keladi. Hozirgi zamon qurilish me'yorlari va qoidalarida o‘ta cho‘kuvchan gruntlar toifasiga kirishi uchun ularning namlik darajasi SR ≤ 0,6 εst ≥ 0,01 bo‘lishi kerak. Nisbiy o‘ta cho‘kuvchanlik quyidagi ifoda orqali aniqlanadi:

Qaralayotgan chuqurlik uchun: εSi ≥ 0,01 bo‘lsa, grunt o‘ta cho‘kuvchan hisoblanadi. Agar εSi < 0,01 bo‘lsa, o‘ta cho‘kuvchan bo‘lmaydi. O‘ta cho‘kuvchanlik qiymatiga asoslanib loysimon gruntlar ikki turga bo‘linadi.

I tur – ularga o‘ta cho‘kuvchanlik qiymati 5 sm dan kam bo‘lgan gruntlar kiritiladi.

II tur - o‘ta cho‘kuvchanlik qiymati 5 sm dan ortiq bo‘lgan gruntlar kiritiladi.

Yuqoridagi turlar asosan zaminlarning muhofaza tadbirlarini qo‘llashda ishlatiladi.

O‘ta cho‘kuvchan gruntlar misoliga Markaziy Osiyoda keng tarqalgan lyoss va lyossimon gruntlarni keltirish mumkin.

Demak, inshoat zamini va poydevorlarining gruntlari cho‘kishiga asosiy sabab, yer osti suvlari yer sathidan ancha yuqorida bo‘lganligi, tabiat hodisalari turli darajada bo‘lganligi, insoniyat zaminlardan noto‘g‘ri foydalanganligi, turli xil zilzilalar hamda tektonik harakatlar bo‘lishi, gruntlarning tarkibi buzilishlari ro‘y berganligi asosida yuzaga kelishidadir. Inshoat zamini va guruntlari cho‘kishini aniqlashimiz hamda uni bartaraf etish chora tadbirlarini ko‘rishimiz uchun bizga muhandislik geologiya va gruntlar mexanikasi, muhandislik gidrologiyasi va gidrogeologiya fanlarini chuqur o‘rganishimizni taqozo qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Rasulov.H.Z. “Gruntlar mexanikasi, zamin va poydevorlar” darslik Toshkent, “Tafakkur” nashriyoti, 2010. – 232 bet.
2. Islomov O.I. “Umumiy geologiya” «O‘qituvchi» 1991 yil.
3. Shoraxmedov SH.SH. “Umumiy va tarixiy geologiya” «O‘qituvchi» 1989 yil.
4. Qurbonov A.S. “Geologiya” «O‘qituvchi» 1991 yil.

Ж.Ахмедов – СамИСИ ассистенти,
Ш.Шавкатова – СамИСИ магистранти,
С.Рахимов – СамИСИ талабаси

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия сининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.[1]

Давлатчилик асослари демократик тамойилларга асосланган мамлакатларда давлатнинг ижро ҳокимияти, яъни маъмурий бошқарув тизимини илмий асосда ташкил этишкатта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 20 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош ассамблеясининг 72-саммитидаги нутқида “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган фикрни илгари сурди ва Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар харакатлар стартегиясида ўз аксини топганлигини эътироф этди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясидаги биринчи йўналишида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш асосий бандлардан бири сифатида эътироф этилган. Жумладан, мазкур банд доирасида қуйидаги масалалар ечими кўзда тутилган:

- давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;
- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли

[1] “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-5185-сон 08.09.2017

ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

- «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, маъмурий ислоҳотларни икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, бу жамият тартиби ўзгариши оқибатида сиёсий тизимнинг алмашуви билан бирга амалга ошириладиган ислоҳотлар бўлиб, улардан мақсад янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларга жавоб берадиган давлат бошқарув тизимини ташкил этишдир. Бундай ислоҳотлар барча собиқ социалистик давлатларда амалга тадбиқ этилди ва ўз доирасига қонунларни ишлаб чиқиш, давлат бошқарув тизимини қайта ташкил этиш, давлат хизматини барпо этиш, жойлардаги бошқарувни ривожлантириш ва бошқа шу каби масалаларни қамраб олган. Иккинчи тури эса сиёсий барқарорлик доирасида амалга ошириладиган ва маъмурий тизимни бутунлай такомиллаштириш ёки унинг давлат тартибини бузилиб кетишига сабаб бўлмайдиган аниқ жабҳаларини мукаммаллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлардир. Бундай ислоҳотларни жорий қилиш кўплаб ривожланган мамлакатларга хосдир.

Айнан иккинчи турдаги ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 8 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони имзоланди. Маъмурий ислоҳотлар концепцияси маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштиришни назарда тутади. Маъмурий бошқарув деганда бу ҳолда давлатнинг ижро этувчи хокимияти тушунилади. Бунда маъмурий ислоҳотларда янги замонавий давлат бошқарув элементларини жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосийлари бўйича алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

“Ақлли тартибга солиш” (Smart regulation) моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш. Smart regulation ёндашувига асосан давлат томонидан тартибга солиш меъёрлари унга алоқадор барча манзиллар - давлат тизими (қонунчилик меъёрларини қабул қилувчи ва унинг назоратини амлага оширувчи давлат хизматчилари) ҳамда шу меъёрлар бевосита фаолиятига таъсир этувчи субъектлар (тижорат ва нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлар, фуқаролар) фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир этади. Давлат бошқарув тизимини бозор муносабатлари асосида шакллантиришгина эмас, балки иқтисодий ислоҳотларда давлатнинг муносиб ўрнини белгилаш мазкур

ёндашувнинг асосини ташкил этади. Бунда айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш кўзда тутилади. Мазкур концепция "сифатли тартибга солиш" (better regulation) талқинида Европа Иттифоқининг 2020 йилгача ривожланиш концепциясида ҳам ўз аксини топган. Бунда меъёрлар ишлаб чиқилишидан бошлаб унинг амалиётга жорий этилишигача бўлган босқичларда манфаатдор гуруҳлар қизиқишларини чеклашнинг олдини олиш мазкур ёндашувнинг асосий ғояси ҳисобланади.

Маъмурий ислоҳотлар концепциясида ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини жорий этиш, ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакл ва механизмларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Жумладан, қуйидаги ёндашувлар устида тўхталиб ўтиш мумкин:

Индикатив режалаштириш (лотинча "indicator" – кўрсаткич) – давлат бошқарувининг марказлашган режалаштириш ва номарказлашув даражаларининг энг устувор жиҳатларини қамраб олишга қаратилган. Бунда хукумат ишбилармонлик тармоқлари фаолиятининг ривожланишини прогнозлаш асосида корхоналарни уларнинг инвестициялари рентабелли бўлишига ишонтиришга ҳаракат қилади. Бу режалар асосида фирмалар давлатнинг келажак ҳақидаги прогноз тасаввурларига асосланиб ўз харакат дастурларини ишлаб чиқадилар.

Аутсорсинг[1] (инглизча "outsourcing" - ташқи манба ёки ресурсдан фойдаланиш) – ҳозирги пайтда тижорат фирмаларида кенг қўлланилиб, корхонанинг асосий фаолиятига кўпроқ эътиборни қаратиш ва қўшимча, иккинчи даржаи фаолият турлари ва жараёнларнинг ижросини таъминлашда четки ихтисослашган компаниялар хизматидан фойдаланишга асосланади. Давлат бошқарувида мазкур ёндашув давлат хизматларининг бир қисмини жамоатчилик ва нотижорат ташкилотлари зиммасига юклашни англатади.

Краудсорсинг[2] (инглизча "crowdsourcing" (crowd-оломон, sourcing-ресурслардан фойдаланиш)) - бу бизнес, давлат ва бутун жамият олдида турган вазифаларни ечишга ахборот технологиялари воситасида инсон ресурсларини жалб этиш жараёнидир. Бунинг асосида натижага эришиш харажатлари ва вақт сарфи сезиларли қисқаради. Мазкур механизм ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг махсус билим ва профессионал кўникмалар зарур буўлган барча тармоқларида самарали қўлланилиб келмоқда. Давлат бошқарувида ҳам краудсорсинг хукумат ва жамият ўртасидаги мақсадли ва самарали муносабатларни ўрнатиш воситаси сифатида қаралмоқда. Бу ёндашув жамоа онги алоҳида индивид онгига

[1] ttps://ru.wikipedia.org/wikif/Аутсорсинг

[2] Елена Чуянова, "Краудсорсинг НИМА? ёхуд унинг Ҳаракатлар стратегиясидаги ўрни", "Biznes-Daily" электрон журнали №3,2017

қараганда маҳсулдорррок деган ғояга асосланади. Бунда давлат фаолияти билан боғлиқ масалалар жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси мазкур муаммога ўз фикрини электрон алоқа воситалари орқали билдириш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга краудсорсинг давлат бошқаруви билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этиш воситаси эмас. Бунда краудсорсинг асосида айнан ечимини топиш мумкин бўлган муаммоларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ислоҳотларга бўлган эҳтиёжни кўплаб мутахассислар турли ижтимоий дастурларни молиялаш учун давлат ҳаражатларининг хаддан зиёд ошиб кетиши билан боғлайдилар. Давлат ижтимоий ҳаражатларининг ошиши кўп ҳолларда аҳолининг давлат хизматлари сифати ва молиявий маблағларнинг тақсимланишига нисбатан эътирозларига сабаб бўлади. Жиддий танқидларни келтириб чиқарувчи бошқа бир омил – жамиятнинг турли жабҳаларига давлат аралашувининг кучайиши ва бунинг оқибатида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиб қолишидир. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда учта ёндашув ўринлидир:

- Давлат бошқаруви фаолияти самарадорлигини ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш;
- Давлат ва ҳусусий секторлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини ривожлантириш, ҳамда улар мажбуриятлари чегараларини янада аниқроқ белгилаш;
- Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида кўпқамровли алоқаларни ўрнатиш, аҳолини бошқаришга жалб этиш.

Бугунги кунда кўпчилик хукуматлар олдида жахон миқиёсида иқтисодий рақобатнинг кескинлашуви муаммоси турибди. Тобора авж олаётган иқтисодиётларнинг глобаллашуви жараёнидан орқада қолмаслик ва ўз мамлакатининг халқаро рақобатда тўлиқ иштирок этишини таъминлаш кўплаб мамлакатларда давлат бошқарувида ислоҳотларни амалга оширилишига сабаб бўлди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, жамиятнинг тўлақонли ижтимоий-иқтисодий ривожланиши давлат бошқарувининг қандай ташкил этилганлиги, ҳокимиятнинг марказий қисмининг маҳаллий қисми билан муносабатлари не чоғли яхши йўлга қўйилгани, ваколатларнинг қанчалар аниқ тақсимланганлиги масалалари билан бевосита боғлиқдир. Бошқарув аппарати ҳажмининг катталиги, айрим вазифаларнинг такрорланиши, бошқарувнинг илмий асоси йўқлиги, давлат устидан жамоат назоратининг етарли даражада амалга оширилмаслиги ижрочи ҳокимият самарадорлигини пасайишига олиб келади ва бюрократиянинг авж олишига, ҳамда бизнесни юритиш йўлида ёт ғояларнинг кўпайишига сабабчи бўлади.

Глобаллашув шароитида ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви механизмини такомиллаштириш шунчалар аҳамиятли вазифа экан, бозор иқтисодиёти механизмлари эндигина жорий этилаётган мамлакатлар учун бу энг муҳим вазифа эканлигига шубха йўқ. Тажрибанинг камлиги ва етук мутахассисларнинг етишмаслиги каби бир қатор муаммолар иқтисо-

диёти ўтиш даврини бошдан кечираётган ва ривожланаётган мамлакатларда бу жараённинг ҳамиша ҳам самарали натижа бермаётганининг асосий сабаблари ҳисобланади. Шу ўринда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юзага келган маъмурий бошқарув тажрибаларини ҳам этиборга олиш, сифатли тартибга солиш ва индикатив режалаштириш элементларини самарали қўллаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда илғор хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикаси маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

F.Tuhtaev – SamDU, Iqtisodiyot va biznes fakulteti 3 kurs talabasi,
I. Umirov – SamDU, Iqtisodiyot va biznes fakulteti 3 kurs talabasi,
T.Lukiev – SamDU, Iqtisodiyot va biznes fakulteti mustaqil izlanuvchi

IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA INVESTITSIYALARNI BOSHQARISHNING STRATEGIK ISTIQBOLLI YO'NALISHLARI

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida investitsiyalarni boshqarish bo‘yicha strategiyalarni ishlab chiqish muhim o‘rin tutadi. Unga ko‘ra biz quyida olimlar strategiya to’g’risida o’z fikrlarini keltirishga qaror qildik:

–Sheron M.Oster: strategiya bu qandaydir boshqa tarzda emas, aynan belgilangan tarzda harakat qilish majburiyatidir.

–Filipp Kotler: firmaning maqsadlari, uning marketing sohasidagi imkoniyatlari orasidagi strategik muvofiqlikni qo’llashni boshqaruv jarayonidir.

Piter Lorenju fikriga ko’ra, strategik rejalashtirish kompaniyani boshqarish uchun yordam beradigan vosita hisoblanadi. U srategik rejalashtirishning vazifasi ishni tashkil etishda yangiliklarni qo’llash deb tushuntiradi. Boshqacha aytganda, u strategik rejalashtirishni boshqarishda 4 faoliyatni korsatib o’tadi.

–resurslarni taqsimlash.

–tashqi muhitga moslashish.

–ichki koordinatsiya (muvofiqlashtirish).

–tashkiliy strategik istiqbolni aniqlash.

Investitsiyalarni boshqarishning strategik yo’nalishlarini ishlab chiqish, bu faoliyatni amalga oshirish siyosatiga asoslanadi. Respublikadagi investitsiyalarni boshqarish strategik yo’nalishlarini ishlab chiqishda quyidagi vazifalar hal qilinadi: –investitsiyalarni boshqarishning tarmoq bo’yicha aniq yo’nalishlarini belgilash; –investitsiyalarni boshqarishda hududlar bo’yicha aniq yo’nalishini belgilash. Ya‘ni investitsiyalar tarmoq konsentratsiyasi (markazlashuvi) yoki diversifikatsiyasi maqsadliligi ko’rib chiqiladi. Bunda hudud yo’nalishlarini ishlab chiqishda, mamlakat hududlari bo’yicha xorijiy investitsiyalarni jalb etish shart-sharoitlar hisobga olinadi.

Davlat darajasida investitsiyalarni boshqarish jarayonining asosiy maqsadi sifatida quyidagilarni ko’rishimiz darkor:

–investitsiyalarni boshqarish bo’yicha qonundagi chora-tadbirlarni ko’rib chiqish;

–moliya, pul-kredit va narxning shakllanishi siyosatlarini amalga oshirish;

–davlat me‘yorlari va standartlariga amal qilishni muntazam ravishda nazorat qilib borish;

–monopoliyaga qarshi chora-tadbirlar, davlat mulki obyektlarini xususiylashtirish hamda investitsion loyihalarni ekspertiza qilishdan iborat bo’ladi.

Investitsiyalarni boshqarish ko’p holatlarni inobatga olib amalga oshiriladi. O’z navbatida, hududlarda investitsiyalarni samarali boshqarishda quyidagi asosiy vazifalarga to’xtalib o’tish maqsadga muvofiq:

–samarali investitsion faoliyatni inobatga olgan holda, hududning yuqori sur‘atli iqtisodiy taraqqiyotini ta‘minlash;

–hududning kelajakdagi rivojlanish xususiyatlarini hisobga olib u uchun strategik investitsiya loyihalarini ishlab chiqish, hayotga tadbiq etish, muvofiqlashtirish, rejalashtirish, zarur investitsiyalarni jalb qilish va boshqarish;

–hudud miqyosida byudjet daromadlarini oshirish, iqtisodiy o’sishga erishish va natijada aholi farovonligini ko’tarish;

–hududda investitsion faoliyat tavakkalchiligi borasida axborot berib borishdan iborat bo’ladi.

Biz yuqorida investitsiya jarayonlarini boshqarishning asosiy funksiyalariga to’xtalib o’tib, ushbu funksiyalar turli nuqtai-nazardan tahlil qilib chiqdik. O’z navbatida hududlar miqyosida investitsiyalarni boshqarishning funksiyalari bugungi kunda muhim ahamiyat kasb etadiki, har bir hududda investitsiyalarni samarali boshqaruv jarayoni ushbu hududning iqtisodiy o’sishiga ijobiy ta‘sir etadi. Demak, hududlarning investitsion faoliyatini strategik boshqaruvining muhim funksiyasi bu – hudud investitsion strategiyasini ishlab chiqishdan iborat. Hududlarning investitsion strategiyasini shakllantirish murakkab jarayon bo’lib, u hudud investitsiya bozori konyukturasini bashoratlashga asoslanadi va investitsiya faoliyati shartlarini amalga oshiradi. Bu jarayonni murakkabligi shundaki, bu davrda hudud investitsiya strategiyalarni shakllantirish, investitsion resurslarni izlab topish, muqobil investitsiya variantlarini baholash bilan birga amalga oshiriladi va u hudud firmalarining imidjini oshiradi va uning rivojlanishini belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday investitsion strategiya tezda o’zgarmaydi, u ushbu hududdagi firmalarning iqtisodiy o’sishining yangi imkoniyatlari va tashqi shartlarini inobatga olgan holda davriy tartibga solishlarni talab etadi. Hududda investitsion strategiyani shakllantirish shart-sharoitlari korxona va firmalarning iqtisodiy rivojlanishining strategik asosi bo’lib xizmat qiladi. Bundan ko’rinib turibdiki, hudud investitsiya strategiyasi firmalarning samarali rivojlanishini ta‘minlaydigan bosh omil bo’lib hisoblanadi va u investitsiyalarni samarali boshqarishga asoslanadi. Mamlakatimizni modernizatsiyalash, islohotlarni chuqurlashtirish va iqtisodiyotni erkinlashtirish, tarmoqlar tarkibi va tuzilishini

tubdan o’zgartirish jarayonida O’zbekiston Respublikasi quyidagi muhim vazifalarni hal qilishi belgilab qo’yilgan:

–iqtisodiyotdagi tarmoqlarni ilg’or texnika va texnologiyalar bilan qurollantirish. Buning sababi milliy iqtisodiyotimizdagi ko’p tarmoqlarda eskirgan uskunalar va texnologiyalardan foydalanish natijasida mehnat unumdorligi va samaradorligi jiddiy pasayib ketgan. Oqibatda bunday korxonalarning mahsulot va xizmatlari bozorda raqobatga bardosh bera olmay, rentabellik darajasi pasayib ketishi va pul topish imkonining qisqarishi yuz bermoqda. Chet el investitsiyalari ushbu muammolarni yechish imkonini beradi;

–korxonalarda boshqaruvning zamonaviy, ilg’or usullarini ya‘ni korporativ boshqaruvni joriiy etish, boshqaruv kadrlari, mahalliy ishchi va xodimlar mahoratlari, bilimi va ko’nikmalarini oshirish;

–ichki bozorga mahsulot ishlab chiqaruvchi va xizmatlar ko’rsatuvchi mahalliy subyektlar uchun jahon bozoriga kirishga qulay sharoitlar yaratish;

–xorijiy investorlarning qiziqishlari va manfaatlarini oshirishni maqsadida xususiylashtirish jarayonlarini tezlashtirish. Chet el investorlarining ishtirokidagi xususiylashtirilgan korxonalarga o’z imkoniyatlarini ro’yobga chiqarishlari uchun yo’l ochish bilan bir qatorda jarayon samaradorligini oshirish shart-sharoitlarini yaratish. Ushbu vazifalardan kelib chiqib, investitsiyalarini mamlakatimizdagi milliy korxonalarga jalb etishning quyidagi strategik yo’nalishlari belgilangan:

–tabiiy xom-ashyo resurslarini, ya‘ni, neft va gazni qazib chiqarish, qayta ishlash bo’yicha ekologik toza mahsulot ishlab chiqarishni tashkil etish;

–ilm talab etadigan va jahon bozorlarida raqobatga chidamli mahsulotlar ishlab chiqarish hamda xizmatlar ko’rsatishni tashkil etish, shu jumladan zamonaviy axborot va telekommunikatsion tizimlarini rivojlantirish;

–transport va telekommunikatsiya infratuzilmasini taraqqiy ettirish;

–qishloq xo’jaligi mahsulotlarini ixcham, qulay, arzon, hamyonbop texnika va texnologiyalar asosida qayta ishlashni tashkil etish sohalarini takomillashtirish;

–tabiiy resurs va energiyani iqtisod qiluvchi asbob-uskunalar ishlab chiqarish va yangi usullardan foydalanish;

–dori-darmonlar, tibbiyot texnikasi va asboblarini ishlab chiqarishni jadal ravishda yo’lga qo’yish va rivojlantirish;

–turizm sohasini taraqqiy toptirish va yangi turizm obyektlarini barpo etish. Respublikamiz iqtisodiyotini barqaror rivoji, tovarlar va xizmatlar sifati hamda ularning raqobatbardoshligi ko’p holatlarda moliyaviy mablag’lar bilan bog’liq hisoblanadi. Ta‘kidlash lozimki, investitsion jozibadorlik sarmoyadorlar uchun naflilik darajasini belgilaydi. Korxonaga investitsiya jalb qilish va kreditlash bo’yicha qaror qabul qilishda moliyaviy barqarorlik, kreditga layoqatlilik va raqobatbardoshlik nazarda tutiladi va hisobga olinadi.

Mamlakatimizning investitsion jozibadorligini oshirish, kredit va moliya institutlarini rivojlantirish zarur, xorijiy va mahalliy investitsiyalar hajmini

ko’paytirish kerak. Hamda davlat dasturlarini ishlab chiqqan holda mablag’ ajratish hozirgi kunning asosiy vazifalaridandir. Respublikamizga investitsiyalarni jalb qilish va ularni samarali boshqarish orqali, mamlakatimizning jozibadorligini oshirish, hamkorlikdagi istiqbolli loyihalarni amalga oshirish, yangi zamonaviy texnologiyalarni joriy etish asosida ishlab chiqarilayotgan mahsulot va ko’rsatilayotgan xizmatlarning sifatini jahon bozorlari talabiga mos darajada ko’tarishga sharoit yaratmoqda. Mamlakatizmizda amalga oshirilayotgan bozor islohotlarining hozirgi bosqichida investitsiya siyosati iqtisodiyotdagi barqarorlik, tarkibiy va sifat o’zgarishlarini belgilovchi muhim omil hisoblanadi. Olib borilayotgan investitsiya siyosati yurtimizda xorijiy va mahalliy investorlar uchun qulay investitsiya muhitini yaratish imkonini bermoqda. Yuqoridagilarni amalga oshirish hisobiga mamlakatimizda chet ellik investorlar uchun yaratilgan qulay sharoit, qo’shimcha imtiyoz va preferensiyalar amaliy natija beradi. Ayni paytda xorijiy sarmoyadorlar va ular bilan ishlashdan manfaatdor bo’lgan mahalliy tadbirkorlarga konsalting xizmatini, advokatlik idoralarini tashkil etish, milliy tadbirkorlar uchun xalqaro biznes va tadbirkorlik to’g’risidagi ma‘lumotlari doimiy hamda keng bazasini yaratish lozim.

I.Kh.Nimatov – assistant of “Silk Road” International University of Tourism,
I.I.Tuychiev – student of “Silk Road” International University of Tourism

DIGITAL MARKETING – THE OPPORTUNITY TO IMPROVE TOURISM IN UZBEKISTAN

For centuries, people have been travelling in search of adventure, excitement, wealth, business, social status and others gradually contributing to the overall economic growth of the whole world. To illustrate, nowadays the business volume of tourism equals or even surpasses that of oil exports, food products or automobiles. In 2016, the global economic contribution was provided by the travel and tourism industry, with the total of over 7.6 trillion USD and in 2017 the total exports from international tourism reached USD 1.6 trillion that is USD 4 billion per day. In terms of tourists arrivals, in 2017 the record number of people (1.326 billion) travelled across the globe showing 7% growth. For the same year, Uzbekistan alone welcomed around 2.84 million visitors which was approximately 15 times more than that of 2002. Moreover, tourism accounts for 10% of jobs worldwide ranking among the top-ten global industries. All of these have made marketing even more important regarding the successful and fast growth of tourism.

Even though, aforementioned figures for many countries (if not all) mean the betterment of the systems such as education, health care, logistics and economy, the fact that this industry is unequally shared among countries has caused much disagreement which, in turn, is fueling more fierce competition among them for bigger share of the pie. To gain such share, marketing experts in tourism are using all their resources to create valuable and impacting content to land more clients. Naturally, everything revolves around the questions such as: “Which marketing

direction is more successful? Should we abandon traditional marketing methods and move on more digitalized forms?".

Before reaching an overall conclusion, tourism companies should distinctly see the difference between digital and traditional marketing. Even though the main objectives behind both of them are the same: attracting more customers, building direct customer engagement, generation of more revenues and showing superiority over the rivalry companies; the way these two marketing models operate and generate benefits to tourism industry may differ widely if not radically.



None denies the fact that traditional marketing methods are still keeping generating a good amount of revenue and therefore, are successful. So far, travel agencies and tour operators have been implementing mostly traditional marketing. For example, Billboards, flyers and OOH methods proved to be very powerful as they apply for older media: film, television, radio, billboards, face-to-face, physical print and placement. These forms of traditional marketing can be far-reaching and have a lifespan that is easily defined. Moreover, traditional marketing managed to grow deep roots in the tourism industry, merely for the fact that people gave tourist agencies their trust, and that generated the strongest word-of-mouth any company could ever give. If you're trying to gain new customers, your biggest challenge would be to gain the trust of your clients.

However**,** the fact that we live in what it seems to be an all-digital age itself is directing us towards more digitalized methods of marketing. With the proliferation of gadgets such as smartphones, implementation of digital marketing began very slowly and carefully, and in no time, it has spread around the world without us realizing it.

Today, much of the world's business is carried out over digital networks that connect people and companies. These days, people connect digitally with information, brands, and each other at almost any time and from almost anywhere. The digital age has fundamentally changed customers' notions of convenience, speed, price, product information, service, and brand interactions. As a result, it has given marketers a whole new way to create customer value, engage customers, and build customer relationships.

Digital and social media marketing became the fastest-growing form of direct marketing. It uses digital marketing tools such as websites, online video, email, blogs, social media, mobile ads and apps, and other digital platforms to directly engage consumers anywhere, anytime via their computers, smartphones, tablets, internet ready TVs, and other digital devices. The widespread use of the

internet and digital technologies are having a dramatic impact on both buyers and the marketers who serve them.

For many companies today, direct and digital marketing is more than just supplementary channels or advertising media—they constitute a complete model for doing business. Firms employing this direct model use it as the only approach. Companies such as Amazon, Google, Facebook, eBay, Netflix, GEICO and Priceline.com have successfully built their entire approach to the marketplace around direct and digital marketing. For example, Priceline.com, the online travel company, sells its services exclusively through online, mobile, and social media channels. Priceline.com and other online travel agency competitors such as Expedia and Orbitz have pretty much driven traditional offline travel agencies to extinction[1].

Digital marketing, moreover, has brought many new opportunities and tools to the forefront of event marketing that include social media, email marketing, blogs, SEO and video marketing. Digital marketing allows for a much stronger and in-depth analysis of CRM that was not possible before the growth in non-traditional methods.

To illustrate, some of the major social networks are huge. More than 1.2 billion people access Facebook every month, 3.4 times the combined populations of the United States and Canada. Similarly, Twitter has more than 645 million registered users, and more than 1 billion unique users visit YouTube monthly, watching more than 6 billion hours of video. Most of these networks have special target audience features meaning that a tourism company may launch a successful marketing campaign saving on costs and focusing on a more relevant audience. These all show how much of potential is there in SMM alone.

Unfortunately, Uzbekistan is still falling behind in implementing digital marketing in tourism. Many tour companies are still running their business offline spending great amounts on traditional methods of promotion such as TV, radio and billboards which are too expensive and generating only low revenues. Even though these methods still have the far-reaching audience, the obstacles in the market analysis are substantial. Moreover, many operating websites and apps in the tourism sector are notoriously poorly developed and designed. To illustrate, an app called “UzbekistanPass” that was originally meant to resolve the problems in Uzbekistan’s tourism by integrating subindustries in the field, paradoxically failed to do so due to lack of marketing promotion and development.

In conclusion, both forms of marketing communications serve their purpose for their desired market segments. Whether it is traditional or digital, each one has its own financial costs and potential audience associated with it. However, considering the proliferation rate of digital technologies, digital marketing is definitely to take on great push going mainstream eventually.

[1] Kotler and Armstrong, 2017.

I.Umirov – SamDU, Iqtisodiyot va biznes fakulteti 3 kurs talabasi,
F.Tuxtayev – SamDU, Iqtisodiyot va biznes fakulteti 3 kurs talabasi,
H.Mansurov – SamDU, Kadrlar menejment va biznes kafedrasi assistenti

IQTISODIYOTGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISHNI BOSHQARISH VA UNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI

Mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishning asosiy vazifalaridan biri bu investitsion faoliyatni takomillashtirish va uning o’sishini ta‘minlovchi yangi mexanizmlarni ishlab chiqish hisoblanadi. Investitsion faoliyatni shakllantirish va chet ellik investorlarni mamlakatga jalb qilish juda murakkab jarayon bolib, bu ma‘muriy-buyruqbozlik iqtisodiyotidan bozor iqtisodiyoti munosabatlariga o’tayotgan barcha mamlakatlar uchun zarurdir. Chunki investitsiyaviy faoliyat va investitsiyalarni boshqarish ko’plab omillarga bog’liq, binobarin, ularni boshqarishning biror bir usuli alohida, aniq ko’rinishda hech qanday adabiyotda yaqqol tarzda ko’rsatib o’tilmagan. O’zbekiston iqtisodiyotining o’sishi, eng avvalo, chet el investitsiyalarini o’zlashtirish va zamanoviy texnologik asbob-uskunalar bilan jihozlangan yangi progressiv va raqobatbardosh ishlab chiqarishni harakatga keltirish asosida ta‘minlanishi mumkin. Lekin xo’jalik subyektlarida hamon moliyaviy resurslarning kamligi investitsiya kiritish darajasini chegaralab qo’yuvchi muhim sabab bo’lib kelmoqda. Taklif etilayotgan ishlab chiqarish omillari - ishchi kuchi, asbob-uskunalar, konstruksion materiallar, texnologiyalar, aholining to’lov qobiliyatiga ega qismidan yuqori bo’lmoqda. Bu esa investitsion faoliyat natijasidagi ishlab chiqarilayotgan tarmoq mahsulotlari bahosi boshqa mahsulotlarga nisbatan narxning pasayishiga sabab bo’ladi. Bozor islohotlari ba‘zi korxonalarning moliyaviy ahvoli yomonlashuviga olib kelmoqda va ularning holatini yaxshilash bo‘yicha davlatimiz tomonidan dasturlar ishlanmoqda.

Bu holat faqat real foydaning qisqarishiga emas, balki rentabellik darajasi pasayishiga, zarar bilan ishlayotgan korxonalarning ko’payishi, qarzlar va majburiy to’lovlarning o’z vaqtida to’lanmasligi darajasi oshishida ham namoyon bo’lmoqda. Qarzlarning ortishi yetkazib beruvchi va iste‘molchining moliya - kredit siyosatiga munosabatining natijasi bo’lib, korxonalarning yangi sharoitda ishlashga salbiy munosabatini keltirib chiqarmoqda. Yana bir tomoni, pul inflyatsiyasi va shartnomaviy intizomning sustligi sabab qarzlar o’z vaqtida to’lanmasligi ayrim korxonalar va banklarning moliyaviy manfaatlari doirasiga kirib, o’z vaqtida hisob-kitoblarning qilinmasligidan qo’shimcha daromad olish uchun foydalanish, mablag’larning vositachi, moliya-kredit operatsiyalariga jalb etish, penyalarning olinishi hollariga olib kelyapti. Investitsion faoliyatni isloh qilishda xususiylashtirilgan korxonalarning moliyaviy va investitsiyaviy faoliyatiga ham muhim o’rin ajratiladi. Korxonalar mol-mulkini hamda aksiyalarini sotish hisobiga kapital mablag’larni moliyaviy ta‘minlash uchun qo’shimcha imkoniyatlarga ega bo’ladi. Ammo aksiyalarga talab sustligi va ularning asosiy qismi korxonada faoliyat yuritayotgan mehnat jamoasiga

biriktirilganligi sababli bir qator hollarda xususiylashtirish investitsion samaradorligi darajasining pasayishiga olib kelmoqda. Yana shuni ta‘kidlash lozimki, ichki va tashqi investorlarni jalb etish uchun erkin bozorda o’z aksiyalarini sotishda ularning manfaatdorliklari hisobga olinmagan hollar mavjud, korxonalarda qiziqtirish mexanizmi deyarli yaratilmagan. Aksiyadorlik jamiyatlariga aylantirish jarayoni aksiyalarni sotish va ikkilamchi bozorda ularning narxini ko’tarish hisobiga qo’shimcha mablag’larni jalb etish manbaiga endi aylanmoqda. Inflyatsiya su‘ratlarining pasayishi, bank foiz stavkalari qisqarishi va davlat qisqa muddatli obligatsiyalarning daromadi iqtisodiyotdagi real sektorga katta miqdorda kredit resurslarini jalb qilishga ko’mak berishi lozim. Biroq hozircha bu zahiralar yetarli emas. Shu sababli ishlab chiqarishni kengaytirayotgan korxonalar oldida investitsiya manbalarini izlash muammosi ham yuzaga keladi.

Mamlakat ichkarisida moliyaviy zahiralar taqchilligi sezilayotganligi tufayli ko’plab korxonalar sarmoya ajrata oladigan, zamonaviy ishlab chiqarish va boshqaruv texnologiyasiga ega bo’lgan hamda chet el bozoriga chiqishga yordam beruvchi xorijiy hamkorlar topishga intilmoqdalar. Investitsiyalarni keng ko’lamda jalb etishga xalq xo’jaligini tarkibiy qayta qurishga erishishning muhim sharti, deb qaralmoqda. Asosiy muammo shundaki, tadbirkorlarimizning o’ziga xos manfaatlari har doim ham bir-biriga mos tushavermaydi. Ko’plab sabablar tufayli xorijiy investorlarning asosiy qismi iqtisodiyoti o’tish davrida bo’lgan mamlakatlarga qo’yiladigan sarmoyalarga faqatgina dividend va foizlar ko’rinishidagi pul ishlash yo’li deb qaramaydi. Ular bunday sarmoyalarni umumiy strategiyasining bir qismi, deb hisoblashadi. Xorijiy tadbirkorlarning asosiy maqsadi ertasi bor bo’lgan bozorda mustahkam o’rnashish, moliyaviy oqimlar ustidan nazorat o’rnatish, import va valyuta cheklashlarini chetlab o’tish va ba‘zan raqobatchi korxonani bozordan siqib chiqarishdan iborat. Shu sababli ham xorijiy investorlarga iqtisodiyotni ko’tarishdagi asosiy harakatlantiruvchi kuch sifatida qarash mumkin emas. Xorijiy investorlarni jalb etish, chet el tadbirkorlariga imtiyozlar yaratishda, avvalambor, mamlakat manfaatidan kelib chiqish lozim. Shuni nazarda tutish kerakki, agar korxona ustidan nazorat xorijlik tadbirkorlarga tegishli bo’lsa, u holda qaror qabul qilish va daromad mamlakatdan tashqariga ko’chadi. Korxona egalari nuqtai nazaridan foydali bo’lgan qaror mamlakat iqtisodiyoti uchun zararli bo’lishi mumkin. Misol uchun, agar korxona tugatiladigan bo’lsa, uning xodimlari daromadi ham yo’qoladi, davlat daromadi qisqaradi, buning ustiga, davlat ishsiz xodimlarni ishga joylashtirish harajatlarini o’z zimmasiga olishi kerak bo’ladi. Aynan shu sababli ham xorijiy hamkorlarni jalb etish, bu loyihada ishtirok etayotgan barcha tomonlar manfaatdorligi mutanosibligiga asoslanish lozim. O’zbekistondagi va shuningdek, iqtisodiyoti o’tish davrida bo’lgan boshqa mamlakatlardagi korxonalarning ko’plab rahbarlari xorijiy sheriklar bilan hamkorlik qilishga tayyor ekanliklarini bildirishmoqda.

Ammo tadqiqotlar, shu jumladan, mamlakatimizda o’tkazilgan tadqiqotlarning ko’rsatishicha, ularning harakatlari bir-biriga birmuncha zid. Bir

tomondan, ma‘muriyatlar o’z korxonalari ustidan nazoratni saqlab qolish istagida bo’lsa, boshqa tomondan, xorijiy investorlar o’tish davri uchun xos bo’lgan ko’plab ishlab chiqarish obyektlari va moliyaviy muammolarni hal etishni o’z zimmasiga oladi, deb hisoblaydi. Korxona rahbarlari va tashqi investorlar o’rtasidagi o’zaro munosabatlarni qiyinlashtiruvchi sabablardan biri sifatida ularning investitsion jarayonni tasavvur etishlari masalasi qiyin kechishini tushunishlarini ko’rsatish mumkin. Korxona rahbarlarining fikricha, investitsion jarayonning birmuncha murakkab bosqichi sarmoya jalb etish va uni sarmoyadorga qaytarish, ya‘ni hamkorlikning o’zaro oldi-berdi bosqichidan iborat. Olingan mablag’ni samarali o’zlashtirish va foyda olish ular uchun muammo hisoblanmaydi. Ularning o’z sarmoyalari qo’yilgan korxonani bevosita boshqarishda qatnashishga yoki bunday korxonalarni nazorat qilishga intilishlari shu bilan izohlanadi. Ayni kunlarda birmuncha muhim muammolardan biri - yangi mahsulotlar ishlab chiqara olish va hozirda tayyorlanayotgan tovarlar sifatini ko’tarish, ularni xalqaro bozorga chiqara olish va sotishdir. Bundan kelib chiqadiki, sarmoya qo’yishning asosiy yo’nalishi ilmiy tadqiqotlar va tajribakonstruktorlik ishlanmalari, ishlab chiqarishni texnik qayta jihozlash, kadrlarni qayta tayyorlash hamda maxsulot sotish tizimini rivojlantirishga qaratilishi lozim. Shunday qilib, ko’plab korxonalar aylanma mablag’larning surunkali etishmasligi muammosini boshidan kechirmoqda, bu shu tashkilotlar raxbarlarigagina emas, balki potensial investorlarga ham ma‘lum.Korxona rahbarlari olingan mablag’dan turli-tuman imkoniyatlarni qidirib, o’z muammolarini, avvalo, ish haqi masalasini hal etib olishga umid qilsa.investorga o’z sarmoyasining bunday kelajagi juda ma‘qul bo’lavermaydi. Aksiyadorlar jamiyati ma‘muriyati o’rtasidagi o’zaro munosabatlar bo’yicha boshqaruv me‘yoriy hujjatlarini amalda tatbiq etish mexanizmini yaratish zarur. Kapital tizimini shunday isloh qilish zarurki, nihoyat mulk egasi kim ekanligini bilish lozim.

Birorta ham investor egasi noma‘lum bo’lgan korxonaning aksiyasini sotib olmaydi.Shu sababli xususiylashtirilgan korxonalar faoliyatining davlat tomonidan aniq chegarasini belgilash kerak. Shunday qilib, iqtisodiyotga xorijiy sarmoyalarni jalb etish jarayonini oddiy sxema ko‗rinishida quyidagicha bayon etish mumkin: strategik maqsad-iqtisodiy hisob, tavakkalchilik darajasini baholash, uni eng kam darajaga tushurish yo’llarini topish. Agar faoliyatning bunday uzviyligi aniq va to’liq bajarilsa, u holda xorijiy investitsiyalar jalb etilishiga umid qilish mumkin. Korxonalarning investitsion faolligi jadallashuviga ta‘sir etuvchi omillardan yana biri mamlakatdagi valyuta siyosatidir. Albatta bu borada hozirgi paytda ijobiy siljishlarni ko’rish mumkin. Chunonchi, Markaziy bankning rasmiy kurslari va bozor kurslari o’rtasidagi keskin farq qisqartirilishi eksportga mahsulot ishlab chiqaruvchilar valyuta tushumlarini rasmiy sotilishi natijasida sezilarli moliyaviy yo’qotishlarning oldi olinib, ularning eksportga mahsulot ishlab chiqarish faoliyati rag’batlantirilmoqda. Mamlakatimizda investitsiyalarni boshqarishning quyidagi usullarni taklif sifatida ko’rsatishimiz mumkin:

- tahliliy usul, bunda jalb qilingan investitsiyalar monitoring qilinadi, investitsiyalarni jalb qilish, kiritish uslubi, shakli, yo'nalishi qonunda belgilangan tartibda davlat tomonidan nazorat qilib boriladi.
- iqtisodiy usul, bunda iqtisodiy qulay sharoitlar yaratish orqadi jalb qilingan investitsiyalarni boshqarish mumkin;
- ijtimoiy usul, investorlarning mablag'larini jalb qilish orqali mamlakatdagi aholi ish bilan ta'minlanadi va farovonlik darajasi oshadi;
- me'yoriy-huquqiy usul, bunda mavjud meyoriy-huquqiy mexanizmlarni takomillashtirish orqali davlat tomonidan boshqariladi;
- moliyaviy usul, bunda moliyaviy rag'batlantirishlar orqali investor-larning mablag'larini boshqarish mumkin. Ya'ni asosan sodiqlarning yengillashtirilishi va foiz stavkalarining tushirilishi bilan, investorga qo'shimcha moliyaviy imtiyozlar yaratib, investorning mablag'larini boshqarish mumkin;
- informatsion usul, bunda axborot shaffofligini yaratish orqali investitsiyalarni boshqarish mumkin;
- integratsion usul, bunda chet el investorlarini jalb qilib ularga mamlakatning investorlarini bog'lash orqali mahalliy investorlarning faolligini oshirish va yangi investitsiyalarni jalb qilib, ularni ushbu usulga asoslanib boshqarish mumkin. Shuni ta'kidlash kerakki bu usulda chet el investorining darajasi, tajribasi va imkoniyatini inobatga olgan holda unga investitsiya loyihasidan olinadigan foyda ulushini boshlang'ich yillarda yuqoriroq belgilash talab etiladi. Keyinchalik shartnomada belgilangan tartibda ma'lum vaqtdan so'ng foyda ulushi mahalliy investorniki bilan tenglashtiriladi.
- malaka oshirish usuli, bunda mahalliy yetakchi kadrlarni chet el mamlakatlaridagi loyihalarga biriktirish, orqali mamlakat kelajagi uchun zarurinnovatsion va intellektual investitsiyalarni boshqarish mumkin. Investitsiyalarning ustuvor yo'nalishlarini aniq belgilash ilmiy asoslangan, investitsiya qarorlarini qabul qilish, investitsiya faoliyatini oqilona tartibga solish asosida ichki va tashqi moliyaviy manbalarni barcha shart-sharoitlarni hisobga olgan holda jalb qilish milliy iqtisodiyotning kelajagini belgilaydi.Shu sababli investitsiyalarning hajmi yidan yilga o'sib bormoqda va mamlakatimiz iqtisodiyotini yuksaltirsh uchun katta yordam ko'rsatmoqda. Tashqi iqtisodiy faoliyatni erkinlashtirish, mamlakatimiz iqtisodiyotiga bevosita xorijiy investitsiyalarning jalb qilinishini ta'minlaydigan huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va boshqa shart-sharoitlarni takomillashtirish, xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish, mablag'larni eng ustuvor yo'nalishlarda hamda raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish bilan bog'liq yo'nalishlarda mujassam qilish Respublikada o'tkazilayotgan investitsiya siyosatining asosiy tamoyillaridir. Shularni inobatga olgan holda iqtisodiyotimizga investitsiyalarni boshqarish bo'yicha usullarni joriy qilib talab etiladi va uni amalga oshirish lozim.

J.N.Xushvaxtov, A.A.Abdujabborov – Islom Karimov nomidagi TDTU
Termiz filiali Qurilish va transport tizmlari fakulteti talabalari

AVTOMOBIL YO‘LINING QURILISHIDA GEODEZIYA FANINING AHAMIYATI

Avtomobil yo‘llarini barpo etishda geodeziyani o‘rni beqiyosdir. Chunki har bir qurilishni loyihalashda eng avvalo geodezik jihatdan chuqur o‘rganish kerak. Geodeziya bu - Yerning shakli va kattaligini o‘rganishda, yer yuzidagi nuqtalarning bir-biriga nisbatan o‘rnini aniqlashda, yer yuzining karta, plan va profillarini tuzishda, hamda muhandislik inshoatlarini barpo etishda bajariladigan o‘lchashlar nazariyasi va amalyoti haqidagi fandir. Avtomobil yo‘llarini qurishda muhandislik geodeziyasi va marksheyderiya bo‘limlariga tayanamiz.

Muhandislik geodeziyasi - turli muhandislik qidiruv ishlarida, muhandislik inshoatlarini loyihalash va qurishda, ulardan foydalanishda geodezik ishlarni tashkil qilish va bajarish bilan shug‘ullanadi. Marksheyderiya - geodeziyani shaxta, tonnel, metro va boshqa yer osti inshoatlarini qurishda yer bag‘rida o‘lchash ishlarini bajarish bilan shug‘ullanadigan sohasidir. Biz shu sohalarni mukammal o‘rganishimiz natijasida nafaqat yo‘l qurilishi, balki bino va inshoat qurilishlarida ham ulkan yutuqlarga erishamiz. Zero, avtomobil yo‘llari ko‘tarmasi, yurish qismi, yo‘l cheti, yonbag‘ir va kyuvet qismlarini loyihalash hamda barpo etishda geodezik o‘lchashlarni aniqlik bilan bajarishimizni tushunib yetamiz. Yurish qismining eni yo‘lning darajasiga bog‘liq ravishda 6-15 m bo‘lishi mumkin. Yurish qismi mustahkam bo‘lishi uchun uning ikki tomonidan 2-3,75 m enlilikda yo‘l cheti qismi quriladi. Yo‘l chetiga yonbag‘ir tutashadi. Yo‘l chetini yonbag‘irdan ajratuvchi chiziq, yo‘l ko‘tarmasining qoshi (brovka) deb aytiladi. Bo‘ylama profilda loyihaviy balandliklar qoshlar bo‘yicha beriladi. Odatda, yurish qismiga sun’iy qoplamalar – beton, tosh va boshqalar yotqiziladi. Bu qoplamani o‘rnatish uchun yo‘l ko‘tarmasida maxsus yer xandaklari qilinadi. Bu ishlarning barchasini geodezik o‘lchashlarsiz amalga oshirib bo‘lmaydi.

Qor va yomg‘ir suvlarining tez oqib ketishi uchun yo‘l ko‘tarmasining yuzasi uning o‘rtasidan qosh qismiga qarab nishablikka ega. Bu nishablikning qiymati yo‘l qoplamasiga bog‘liq ravishda tanlanadi. Sement betonli va asfalt-beton qoplamali yo‘llarning yurish qismi nishabligi 15-20 promil ($‰$), graviyli va shag‘alli yo‘llar uchun 20-30$‰$, ko‘priklarda esa 30-40$‰$ ni tashkil etadi. Yo‘l cheti nishabligi yurish qismi nishabligidan 20$‰$ katta bo‘ladi. Xandak tubi ko‘ndalang nishabligi, odatda, yurish qismi nishabligiga teng bo‘ladi. Yo‘lning ichki tomonga suyri qilingan egri qismi (viraj) burilish radiusi 2000 metrdan kam bo‘lgan burilishlarda xavfsiz harakatni tashkil etish maqsadida ichki tomonga suyri qilingan yo‘l qoplamalar qilinadi. Bunday qurilmalar «Viraj» deb ataladi.



Avtomobil yo‘llaridagi virajlar

Virajning elementlari. Radiusi 3000 m dan kam bo‘lgan I- darajali avtomobil yo‘llarida va radiusi 2000 m li boshqa darajalardagi yo‘llarda virajlar o‘rnatiladi, ya’ni yo‘l to‘shamasiga bir qiyalikli egrilik markaziga nishabli ko‘ndalang profil beriladi.

Bir qiyalikli profil doiraviy qayrilmaning butun davomiyligi bo‘yicha saqlanib qoladi. Bir qiyalikli profildan to‘g‘ri profilga o‘tish, ya’ni virajning o‘tish qismi, qayrilma va yo‘lning to‘g‘ri uchastkalarida tutashtiriluvchi qayrilmalarda bajariladi. Kichik radiusli qayrilmalarda viraj yurish qismida qo‘shimcha kengaytirilishga ega bo‘ladi, uning bajarilishi ham o‘tish qayrilmasi oraliqlarida bajariladi.

Virajning umumiy sxemasi 1-rasmda ko‘rsatilgan. Virajning asosiy elementlari quyidagilar hisoblanadi: 1) viraj nishabligi, ya’ni yo‘l to‘shamasining bir qiyalikli ko‘ndalang nishabligi; 2) viraj o‘tish qismining uzunligi; 3) viraj uzunligi; 4) yurish qismining kengayish qiymati.



1-rasm. Avtomobil yo‘li virajining sxemasi

Virajning ko‘ndalang nishabligi egrilik radiusiga bog‘liq. 3000-1000 m li radiuslarda viraj nishabligi yurish qismi ikki qiyalikli profiliga teng qilib belgilanadi. 1000 m dan kichik bo‘lgan egrilik radiuslarida viraj nishabligi yurish qismi ko‘ndalang nishabligidan katta loyihalanadi. Eng katta viraj nishabligi $60^0/_{00}$ (R<600 m) gacha ruxsat beriladi.Virajning o‘tish qismi ikki qiyalikli profildan bir qiyalikli profilga ravon o‘tishni bildiradi, bunda yo‘l to‘shamasining tashqi qismida bosh o‘zgarishlar bo‘ladi. Agar viraj nishabligi yo‘lning yurish qismi ko‘ndalang nishabligiga teng bo‘lsa, unda ikki qiyalikli profildan bir qiyalikli profilga o‘tish, yo‘l o‘qi yonida tashqi yarim to‘shamani aylantirish yo‘li bilan amalga oshiriladi. To‘shama ichki qismi o‘zgarishsiz qoladi. Viraj nishabligi normal profil nishabligidan katta bo‘lganida, o‘tish

qismida yurish qismi ichki cheti yonida butun yo‘l to‘shamasining bora-bora aylanishi hosil bo‘ladi, uning profil balandligi o‘zgarmaydi.

Demak, yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, biz geodeziya va geodezik o‘lchashlar avtomobil yo‘llarini qurishda eng kerakli vositalardan biri ekanini anglab yetishimiz lozim. Mamlakatimiz avtomobil yo‘llarini sifatli, mustahkam hamda xalqimizga uzoq muddat xizmat qilishini ta’minlash uchun ham geodeziyani joylarda bo‘lajak muhandislarimizga yuksak darajada o‘rgatishimiz kerak. Avtomobil yo‘llarini qurishda rivojlangan davlatlar texnologiyasini o‘zimizda joriy etishimiz bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Respublikamizning harakat jadalligi yuqori bo‘lgan avtomobil yo‘llarida o‘tkazmalar qurish, piyodalar harakatlanishi uchun maxsus yer osti va yer usti yo‘lkalarini barpo etishimiz ham yo‘llarda harakat xavfsizligini ta’minlashimizga xizmat qiladi. Bu ishlarni amalga oshirishimiz uchun biz talabalar chuqur bilimga ega bo‘lishimiz hamda geodeziyani mukammal o‘rganishimiz kerakligini anglab yetishimizni davr taqozo qilyapti. Yuqoridagi aytib o‘tilgan fikrlarda biz avtomobil yo‘llaridagi birgina “Viraj”lar misolida geodeziyaning ahamiyatini ko‘rib chiqdik. Aslida esa bu virajlar avtomobil yo‘llarining bir mayda bo‘lagi hisoblanadi. Avtomobil yo‘llarida ko‘priklar, tonnellar, estakadalar va boshqa ko‘plab sun’iy inshoatlarni qurishda ham geodeziyaning o‘rni beqiyosligini unutmasligimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.Avchiev SH.K, Toshpulatov S.A, Amaliy geodeziya:Toshkent.T.:Toshkent kitob-jurnal fabrikasi.2002,88 bet. I,II qism

2. Levchuk G.P., Novak V.E,Lebedov N.N.Prikladnaya geodeziya:M.,Nedra,1983.386str.

3. Suyunov A.S.Amaliy geodeziya.Ma’ruzalar matni tariqasida tayorlangan.O‘quv qo‘llanma.Samarqand:Tipografiya. SamGASI.76 bet.

4. Ilyosov I. Avtomobil yo‘llarini loyihalash. Toshkent, 2001 yil.

5. Muborakov X.M., Axmedov S. Geodeziya i kartografiya. / Toshkent.: O‘qituvchi,2002.4-12betlar.

6. A.S.Suyunov. Geodeziya./ O‘quv qo‘llanma. Samarkand. SamDAQI,2006.3-9 betlar.

7. Qo‘ziboev T., «Geodeziya»/ - Toshkent, O‘qituvchi,1975 y. 5-16 betlar.

IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ж.Р.Зайналов – д.э.н., профессор СамИЭС
Ш.М.Латипова – ассистент СамИЭС

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ ВОЗДЕЙСТВИЯ ФИНАНСОВО-КРЕДИТНЫХ МЕХАНИЗМОВ НА ДЕЛОВУЮ УСЛУГОВУЮ АКТИВНОСТЬ В УСЛОВИЯХ ДИНАМИЧНОГО РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА УЗБЕКИСТАНА

В условиях глубокого нефтегазового экономического кризиса и крайней ограниченности финансовых ресурсов для вложения инвестиционного капитала в экономику, как в Республике Узбекистан, так и в Российской Федерации, проблема приоритетности выбора направлений инвестиционной деятельности субъектов аграрного сектора приобретает чрезвычайное значение. Учитывая данное обстоятельство, надо включать в систему таких приоритетов и сферу фермерского хозяйства, которая нуждается в инвестиционной поддержке больше, чем другие хозяйствующие субъекты экономики. Это вытекает, как из конъюнктуры внутреннего и внешнего рынка сельхозпродукции, так и из объективного хода социально-экономических процессов, из того, каковы место и перспективы данной среды аграрного сектора в решении ряда остроактуальных для нашей страны задач (создания конкурентной среды, повышения уровня и эффективности занятости сельского населения, обработки и распространения новых технических решений и др.), для размещения инновационного оборудования, техники, машины и т.п., при помощи лизинговых услуг, оказываемых различными финансовыми институтами[1].

Между тем пока нет оснований говорить о том, что отечественные

[1] Этот тезис развернуто аргументировался в ряде публикаций отечественных ученых, в частности: Зайналов Ж.Р., Латипова Ш.М. Повышение роли финансово-кредитных механизмов воздействия на деловую активность фермерских хозяйств в условиях динамичного развития аграрного сектора Узбекистана. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики: материалы Международной научно-практической конференции; М-во обр. и науки РФ; ФГБОУ ВПО «Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина». Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общество», 2015. - С. 77-87; Зайналов Ж.Р., Проблемы финансового управления агроформированием в условиях активизации деятельности фермерских хозяйств. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики: материалы Международной научно-практической конференции; М-во обр. и науки РФ; ФГБОУ ВО «Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина»; [отв. ред. А.А. Бурмистрова, И.А. Кузнецов]. – Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2017. – С.93-97.

фермерские хозяйства реально пользуются какими-то предпочтениями в распределении инвестиционных ресурсов, лизинговых услуг, скорее имеет место противоположная ситуация, когда эта сфера относится ко второму плану. Финансирование, кредитование и оказание лизинговых услуг фермерскому хозяйству были и остаются наиболее уязвимой проблемой для отечественного аграрного бизнеса.

Данные социального опроса фермеров Самаркандского района Самаркандской области показали, что половине респондентов при организации ими своих хозяйств пришлось ограничиться собственными сбережениями, немногим более четверти сумели получить кредит, а менее 20% – привлечь технику, оборудование при помощи арендных отношений. Не все средства кредита были направлены на развитие лизинговых отношений.

Самая серьезная проблема на начальной стадии, как отмечают фермеры, – финансы и тактика, затем отношения, как с коммерческими банками, так и с местными органами управления. Во всех случаях активность по оказанию финансово-технической помощи со стороны совета фермеров на уровне районов были не прозрачными в отношении всего спектра необходимых услуг, предоставляемых ими фермерским хозяйствам.

В тоже время, действующая система организации и управления фермерским движением, в частности, деятельность Совета фермерских хозяйств и его территориальных структур, слабо влияет на процессы реформирования и повышения продуктивности сельскохозяйственного производства и ускорение решения стоящих перед фермерством задач[1].

Отсюда становится понятным, насколько важно содействие Советов фермерских хозяйств в решении поставленных задач.

Не смотря на это, проблема инвестирования фермерских хозяйств, оказание им лизинговых услуг остается основной на всем протяжении их деятельности.

В рыночно развитых странах действуют многочисленные коммерческие банки, страховые компании, отраслевые фонды, региональные коммерческие банки институциональных структур содействия фермерскому хозяйству, огромное количество региональных гарантов, благотворительных фондов и ассоциаций, активно и весьма разнообразно поддерживающие фермеров, особенно начинающих свою деятельность по производству необходимой сельхозпродукции, как для своей страны, так и для зарубежных стран.

При этом следует отметить, что в силу ряда общеэкономических ограничений возможностей для наращивания вышеуказанных институциональных институтов, могущих оказать содействие развитию фермерских

[1] Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации деятельности и развитию фермерства в Узбекистане» / Собрание законодательства Республики Узбекистан, г., №43, ст. 493.

хозяйств не достаточно, мы такого рода институтами располагаем в недостаточном объеме, что, разумеется, существенно тормозит развитие фермерских хозяйств, особенно таких хозяйств, которые могут выпускать в достаточном объеме качественную сельхозпродукцию для экспорта, тем более, что и ощутимой государственной материально-финансовой помощью последний пользуется.

Вполне естественно, что в настоящее время развитие фермерских хозяйств не оказывает еще решающего влияния на формирование товарных рынков, а поддержание предпринимательской активности их не имеет необходимой почвы. Отсюда следует, что в условиях энергетического кризиса положение с обеспеченностью фермерских хозяйств материальными, энергетическими и финансовыми ресурсами и услугами не должно ухудшаться, напротив, должно улучшаться. Согласно результатам выборочных обследований было выявлено, что деловая активность фермеров за последние годы ухудшается.

Напр., сложившийся уровень экспорта сельхозпродукции (овощи, фрукты и др.) сократился, не смотря на то, что государством по отношению к фермерским хозяйствам, могущим заниматься экспортом, были установлены прозрачные налоговые и таможенные льготы. Сложившийся уровень госзаказов и обеспеченности ресурсами большинство фермерских хозяйств оценивали, как находящееся на уровне «ниже нормального», хотя, в отличие от специализированных фермерских хозяйств наблюдаются некоторые тенденции стабилизации экономического положения. Так, в течение 2010-2014 гг. в фермерских хозяйствах достаточно стабильными оставались численности занятых и уровень использования финансовых средств и техники.

Фермеры, критически характеризуют конкурентоспособность на внешнем рынке своей продукции, «средней» применительно к внутреннему рынку ее полагают лишь нескольким более 40% фермеров. Низкая конкурентоспособность сельхозпродукции соответственно сдерживает спрос на нее и стимулирует импорт сельхозпродукции. Одной из главных проблем фермерского хозяйства является его слабое инвестирование, оказание лизинговых услуг в связи с повышенными в этих отраслях рисками и гарантиями при кредитовании и предоставлении услуг. Они, на наш взгляд, вызваны следующими факторами:

- малые фермерские хозяйства обычно не имеют возможности самостоятельно предоставлять 100%-ную гарантию по своим обязательствам, не существует отлаженной системы гарантий и страхования их инвестиционной деятельности;

- кадровые потенциал фермерского хозяйства обычно не имеет достаточно специальной подготовки (т.е. как по видам проводимой продукции, так и по экономическим вопросам) и поэтому зачастую представляет слабо разработанные инвестиционные проекты или договора о лизинге;

- консалтинговые услуги – это вид услуг по ведению бизнеса и подготовке инвестиционных проектов. Как правило для фермерских хозяйств может обойтись слишком дорого.

Отсюда вывод: коммерческим банкам необходимо развивать финансовые услуги для фермерских хозяйств, соответствующих тем, что существуют в рыночно развитых странах. Прежде всего, это относится к необходимости детальной проработки и экспертизы каждого проекта, независимо от суммы кредитования, и к совершенствованию способностей коммерческих банков оценить ссуды, основываясь более на знании производственного рынка и потенциальных ресурсов фермерского хозяйства, чем на стоимости их основных фондов и размера залога.

Большого внимания должна заслуживать заметно развивающаяся специфическая инфраструктура по поддержанию фермерских хозяйств. Одной из важных таких структур является Совет фермеров. Его основная задача состоит в содействии развитию деловой активности фермеров путем предоставления им широкого комплекса консультационных, информационных и экспертных услуг по вопросам производства, закупки, переработки и сбыта продукции. Речь идет о консультациях. По вопросам экономической, финансовой, налоговой политики и ведению бухгалтерского учета; при регистрации фермерских субъектов и лицензировании их деятельности, выработки стиля работы фермеров; об обучении на основе специальных программ, разработанных Советом фермеров Узбекистана (при участии специалистов-аграрников рыночно развивающихся и развитых стран) практическим деловым навыкам, для успешного развития собственного дела по производству сельхозпродукции; об оказании информационно-справочного содействия по экспортным операциям, таможенным вопросам и другим проблемам нормативно-правового характера.

Совет фермеров должен постоянно стремиться к расширению сферы своей деятельности. В последнее время это, прежде всего, должно касаться вопросов поддержки инвестиционной активности фермерских хозяйств. Для этого, в структуре Совета фермеров рекомендуется выделить специальный инвестиционный и лизинговый отдел, задачи которого должны быть таковыми:

- подготовка и проведение обучения и консультирования по вопросам составления бизнес-планов по инвестиционному проектированию, финансовому менеджменту;
- разработка и проведение экспертизы инвестиционных проектов;
- поиск источников их финансирования;
- оказание лизинговых услуг;
- выработка предложений по дальнейшему углублению материальной и финансовой базы фермерских хозяйств и защиты их интересов, в том числе в отношениях с органами местного самоуправления, обслуживаю-

щими организациями, а также при рассмотрении вопросов по оказанию лизинговых услуг.

Все вышеуказанное должно выражать прямую помощь и воздействие на государство в целях стимулирования развития фермерских хозяйств, а также поддержания стабильного уровня занятости населения в сельской местности.

Список использованных литератур:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации деятельности и развитию фермерства в Узбекистане» / Собрание законодательства Республики Узбекистан, г., №43, ст. 493.
2. Зайналов Ж.Р., Латипова Ш.М. Повышение роли финансово-кредитных механизмов воздействия на деловую активность фермерских хозяйств в условиях динамичного развития аграрного сектора Узбекистана. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики: материалы Международной научно-практической конференции; М-во обр. и науки РФ; ФГБОУ ВПО «Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина». Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общество», 2015. - С. 77-87;
3. Зайналов Ж.Р., Проблемы финансового управления агроформированием в условиях активизации деятельности фермерских хозяйств. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики: материалы Международной научно-практической конференции; М-во обр. и науки РФ; ФГБОУ ВО «Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина»; [отв. ред. А.А. Бурмистрова, И.А. Кузнецов]. – Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2017. – С.93-97.

К.Б.Ганиев– СамДАҚИ профессори, т.ф.д.,
Ю.И.Турдибеков – СамДАҚИ катта ўқитувчиси,
Б.М. Абдураимов– СамДАҚИ ўқитувчиси

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИНИ БАҲОЛАШДА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИ ЎРНИ

Юртимизда машинасозлик соҳаси тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу соҳада мамлакатимиз Ўрта Осиё мамлакатлари ичида илғорлардан ҳисобланади. Енгил, юк автомобиллари, қишлоқ хўжалиги техникалари ва автобуслар бугунги кунда мамлакатимизнинг ифтихори бўлди.

Шаҳарларимиз кўчаларида миллий автомобиллардан ташқари чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган автомобиллари ҳам ҳаракатланмоқда. Давлат, хусусий ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобиллар мулк ҳисобланади ва бу мулк эгаларининг эҳтиёжларини қондиради.

Бугунги кунда автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналарининг барча турларини баҳолаш барча турдаги операцияларни

бажаришда зарур ва у қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

1. Гаров орқали кредитлаш.
2. Олди-сотди жараёни.
3. Мулкий келишмовчиликларни бартараф этиш мақсади.
4. Устав капиталига киритиш ва солиққа солиш.
5. Суғурталаш мақсади.
6. Кредиторлик қарздорликни молиялаштириш.

Автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналарининг бозор қийматини баҳолашда, энг авваламбор, уларни тўғри таснифлаш лозим. Улар турли белгилари бўйича таснифланади.

Автомобиллар тайинланиши бўйича йўловчи ташувчи, юк, махсус ва ихтисослаштирилган автомобилларга бўлинади. Саккиз кишидан кўп сиғмайдиган (ҳайдовчи билан бирга) йўловчи ташувчи автомобиллар енгил автомобиллар, саккиз кишидан кўп сиғадиган автомобиллар эса автобуслар деб аталади. Енгил автомобиллар двигателнинг иш ҳажми (л) ва қуруқ вазни (кг) бўйича қуйидаги синфларга бўлинади:

- жуда кичик (1,2 л; 850 кг);
- кичик (1,2 ч 1,8 л; 850 ч 1150 кг);
- ўрта (1,8 ч 3,5 л; 1150 ч 1500 кг);
- катта (3,5 л дан юқори; 1700 кг гача);
- юқори (регламентланмайди).

Енгил автомобиллар, шунингдек, кузовнинг типига (ёпиқ, очиқ ва очиладиган) ва ўринлар сонига қараб ҳам турларга бўлинади.

Шаҳаричи ва шаҳаратрофи жамоат транспорти учун мўлжалланган автобуслар мавжуд, шаҳаричи жамоат транспорти учун мўлжалланган автобуслар шаҳар автобуслари деб аталади; шаҳарлараро йўловчиларни ташиш учун мўлжалланганлари эса шаҳарлараро ва туристик автобуслар деб аталади. Тайинланишига қараб автобуслардаги ўринлар сони 10 дан 80 тагача бўлади.

Узунлиги бўйича автобуслар қуйидаги синфларга бўлинади:

- жуда кичик (5 м гача);
- кичик (6,0 ч 7,5 м);
- ўрта (8,0 ч 9,5 м);
- катта (10,5 ч 12,0 м);
- жуда катта (уламали) (16,5 м ва ундан ортиқ).

Юк автомобиллари юк кўтариши, яъни кузовда ташиши мумкин бўлган юкнинг оғирлиги (т) бўйича гуруҳларга бўлинади. Юк автомобиллари юк кўтариши бўйича қуйидаги синфларга бўлинади:

- жуда кичик (0,3 ч 1,0 т);
- ўрта (3,0 ч 5,0 т);
- катта (5,0 ч 8,0 т);
- жуда катта (8,0 т ва ундан ортиқ).

Махсус автомобилларга кўчаларни тозалаш ва суғориш учун коммунал автомобиллари, ёнғинни ўчириш автомобиллари, автокранлар,

автомагазинлар, кўчма таъмирлар устахоналар ва х.к. киради.

Ихтисослаштирилган автомобиллар ўзига хос сифатларга ёки хусусиятларга эаг бўлган юкларни ташийдилар: сочилувчан, суюқ, тез эскирувчан, катта габаритли, трубалар, ёғоч, фермалар ва х.к. Бу автомобилларга самосваллар, фургонлар, цистерналар, контейнер ташувчилар, панел ташувчилар, ферма ташувчилар, панел ташувчилар, рефрижераторлар ва х.к. киради.

Барча автомобиллар умумий ғилдираклар сони ва етакчи ғилдираклари сони бўйича ғилдираклар формуласи белгиланади: 4х2; 4х4; 6х4; 6х6 ва 8х8.

Ҳаракатдаги таркибни белгилашнинг (индексациялашнинг) қуйидаги тизими қўлланилади. Автомобилларнинг (тиркама таркибдаги) ҳар бир моделига тўрт рақамдан иборат индекс билан белгиланади. Моделларнинг модификацияси бешинчи рақамга эга, у модификациянинг тартиб рақамини кўрсатади, моделнинг экспорт варианти эса олтинчи рақамга эга. Рақамли индекс олдига завод-ишлаб чиқарувчини кўрсатадиган ҳарф қўйилади. Автомобилларни тўлиқ белгилашга кирадиган рақамлар қуйидагиларни кўрсатади: синф, тур, модель рақами, белги.

Ҳаракатдаги таркиб синфи (биринчи рақам):

1 – двигателнинг ишчи ҳажми 1,2 л гача бўлган енгил автомобиллар;

2 – ҳудди шу двигателнинг ишчи ҳажми 1,2 – 1,8 л;

3 – ҳудди шу двигателнинг ишчи ҳажми 1,8 – 3,5 л;

4 – ҳудди шу двигателнинг ишчи ҳажми 3,5 л дан юқори;

5 – тўлиқ массаси 14 – 20 т бўлган юк автомобиллари;

6 – ҳудди шу тўлиқ массаси 14 – 20 т;

7 – ҳудди шу тўлиқ массаси 40 т дан юқори;

8 – тиркамалар (прицеп);

9 – яримтиркамалар.

Ҳаракатдаги таркиб тури (иккинчи рақам):

1 – енгил автомобиллар;

2 – автобуслар;

3 – юк (бортли) автомобиллар;

4 – ўриндиқли шатакчи-автомобиллар;

5 –ағдарма машиналар (самоваллар);

6 – цистерналар;

7 – фургонлар;

8 – резерв;

9 – махсус.

Ҳар бир синфнинг модель рақами 01 дан бошланади.

Автомобил двигателининг типи бўйича мавжуд карбюраторли, дизелли, газли двигателлар ва электр двигателларга бўлинади.

Юк автомобилининг асосий қисмлари: двигатель, кузов, трансмиссия, тормоз тизими, руль бошқаруви, юриш қисми ва электр ускуналари.

Экскаватор ва кранлар индексининг рақам қисми қисман уларнинг параметрларини кўрсатади. ***Биринчи рақам*** экскаватор ва кранларнинг ўлчамли гуруҳини англатади, ўлчамли гуруҳ **экскаватор ковушининг ҳажми**ни ёки **кранниг юк кўтариш қобилияти**ни тавсифлайди:

Ковуш ҳажми, м^3	**Юк кўтариш қобилияти, т**
0,15 – 0,4 1	4 1
0,25 – 0,65 2	6,3 2
0,4 – 1 3	10 3
0,65 – 1,6 4	16 4
1 – 2,5 5	25 5
1,6 – 4 6	40 6
2,5 – 6,3 7	63 7
	100 8
	100 дан юқори 9

Иккинчи рақам **юриш қурилмасининг типи**ни англатади:

Занжирли 1
Кенгайтирилган-узунлаштирилган занжирли 2
Пневмоғилдиракли 3
Махсус шасси 4
Автомобил шасси, автомобил 5
Трактор 6
Тиркама (прицеп) 7

Учинчи рақам **ишчи жиҳозларининг ишланмаси**ни англатади:

Экскаваторлар:
Канатли осмали 1
Қаттиқ осмали 2
телескопик 3

Кранлар:
Канатли осмали 6
Қаттиқ осмали 7
телескопик 8

Тўртинчи рақам **машина моделининг тартиб рақами** ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, 0,65 м^3 ковуш ҳажмли иккинчи модель бўлган занжирли, канатли экскаватор ЭО-4112 индексига эга. 16 т юк кўтариш қобилиятли биринчи модель бўлган стрелали ўзиюрар пневмоғилдиракли канатли кран КС-4361 индексига эга. Траншея ковлайдиган роторли ва занжирли экскаваторлар (ЭТР ва ЭТЦ) ковлаш чуқурлиги ва моделнинг тартиб рақамини англатадиган рақам қисмидан иборат индексларга эга. Масалан, ЭТР-302 – 3 метргача чуқурликдаги траншеялар учун иккинчи модель бўлган траншея ковлайдиган роторли экскаватор.

Универсал роторли экскаваторлар (ЭР) ва кўндаланг ковлашнинг узлуксиз ҳаракатли экскаваторлар (ЭМ) индексларининг рақам қисми ковуш ҳажмини литрларда ва моделнинг тартиб рақамини англатади. Масалан, ЭР-0501 – биринчи модель бўлган 50 л ковуш ҳажмига эга роторли экскаватор, ЭМ-501 – биринчи модель бўлган 50 л ковуш ҳажмга эга кўндаланг ковлашнинг узлуксиз ҳаракатли экскаватор.

Башняли кранларнинг асосий қисмлари: юриш ускунаси, стрела, юк лебедкаси, юк полиспаст, стрела полиспаст, оғирликка қарши консоль, ҳаракатланиш механизми, краннинг учишини (вилет) ўзгартирадиган механизм, буриш механизми ва бошқарув кабинаси. Кранларнинг юриш ускунаси тележкалар, таянч балкалар, юриш ғилдираклари (катоклар) ва ҳаракатланиш механизмидан иборат.

Машиналарнинг техник баҳоланишини ўтказишда машиналарнинг барча қисмларининг техник ҳолатини батафсил ўрганиш, уларга тавсиф бериш лозим. Баҳоловчи фойдаланиши мумкин бўлган усуллардан бири ҳолат экспертизаси усули ҳисобланади.

Ҳолат экспертизаси усули машиналарнинг физик ҳолатини аниқлаш учун эксперт-мутахассиснинг олдиндан белгиланган баҳолаш шкаласига мос суъектив фикридан фойдаланишга асосланади. Ишончлилик даражасини ошириш учун, одатда, емирилиш даражасини аниқловчи бир неча экспертлар жалб қилинади. Емирилиш даражасининг якуний миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Phi_и = \sum \Phi_{иi} \cdot a_i , \qquad (1.1)$$

бу ерда: $\Phi_{иi}$ – і-чи экспертнинг емирилиш баҳоси;

a_i – і-чи эксперт фикрининг аҳамиятлилик (вазн) коэффициенти.

Экспертлар фикрининг вазнлилиги $\sum a_i = 1$ шароитидан келиб чиқиб аниқланади.

Баҳолашнинг асосий мақсади бўлиб объектнинг қийматини аниқлаш ҳисобланади. Баҳолашнинг тайинланиши баҳолаш объекти билан боғлиқ ҳодиса ёки жараёнларнинг масалаларини ечиш учун ҳисобот кўринишида расмийлаштирилган баҳолаш натижаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Баҳолаш натижаларидан фойдаланишнинг бундай йўналишлари, аниқроғи – тайинланишлари қуйидагилар ҳисобланади: машиналар ишлаб чиқариш учун бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, солиққа тортиш, суд-жиноятчилик ва фуқаролик ишлаб чиқариш, бож мақсадлари, хусусийлаштириш жараёни, битимларни нотариал тасдиқлаш, суғурталаш, асосий воситаларни қайта баҳолаш, олти-сотти, алмаштириш, танловлар, аукционлар ва савдоларни ўтказиш, ижара ва лизинг, устав капиталига мулк киргизиш, жамиятдан чиқишда жамият қатнашчиси (акциядор) ҳиссасини айириш, жамиятни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, мулкни ажратиш, мерос, совға, гаров, эгалик ҳуқуқини аниқлаш, никоҳ шартномасини тузиш, мулкий келишмовчиликларни ечиш, ишончли бошқарувга бериш, зарарни қоплаш, мусодара қилиш, инвентаризация, АТВ ва ҚМларни ҳисодан чиқариш ва утилизация қилиш.

Баҳолаш фаолиятининг методологиясида баҳолаш фаолияти субъектлари учун қўлланилишга мажбур ҳисобланган баҳолаш Стандартлари муҳим аҳамиятга эга. Кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат баҳолаш объекти қийматининг турини, унга ёндашувлар ва унинг усулларини аниқлашда, шунингдек баҳолашни ўтказишда баҳолаш фаолияти субъектлари учун қўлланилишга мажбур ҳисобланади. Ушу ҳужжат баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузишда баҳоловчи исботловчи аҳамиятга эга маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжат сифатидаги ишончлиликни таъминлайдиган ахборотдан фойдаланишга мажбурлигини белгилайди. Баҳолаш объектига нисбатан мижоз (баҳолаш буюртмачиси)нинг ҳуқуқий статусини аниқлаш лозим. Ким у: мулкдорми, эгасими, тақсимловчими ёки фойдаланувчими ёки бу функцияларни мумкин бўлган комплекс тарздаги бирлашмаларини бажарувчисими? Қайси асосларга таянади: қонун асосидами, шартнома ёки уставгами, қопланадиган ёки қопланмайдиган?

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг иловасида қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар берилган бўлиши лозим:

- буюртмачининг паспорт нусҳаси;
- машина техник паспортининг нусҳаси;
- белгиланган тарзда расмийлаштирилган автотранспорт воситаси ёки қурилиш машинасининг техник ҳолати тўғрисидаги далолатнома;
- шартнома бўйича сотилганлиги, мерос ва бошқа мулкий ҳуқуқлар бўйича берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусҳаси.

Р.М. Мусаев– СамИСИ доценти, и.ф.н.,
С.Ибрагимова – СамИСИ, БИ-115 гуруҳ талабаси

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАРКЕТИНГНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Суғурта хизматларини мижозларга тақдим этиш ҳар қандай суғурта ташкилотларининг вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Албатта суғурта хизматларини тақдим этишни кенгайтириш билан бир қаторда зарар келтирмайдиган мижозлар билан шартномалар тузиш муҳимдир. Ушбу йўналишдаги тадбирларни самарали ташкил этиш суғурта компаниялари фаолиятида етакчи ўринни эгаллаши лозим. Бунда суғурта маркетинги таъсирини ошириш қўйилган вазифаларига тезроқ етишишни таъминлаши мумкин.

Суғурта маркетинги – бу шундай тушунча ва усуллар тўпламики, уларнинг асосий вазифаси суғурта қилувчи ва суғурталанувчининг ўртасидаги ўзаро муносабати ва таъсирини самарали юритилишга қартилган. Бошқача айтганда, суғурталанувчининг турли талабларини сифатли, арзонроқ ва тўлиқ ҳимоясини таъминлайдиган, суғурта қилувчи

ташкилотга эса етарли даромад олиб келувчи суғурта операцияларни шакллантирувчи молиявий-иқтисодий муносабатларни оптималлаштиришга қаратилган усуллар тўпламидир.

Бундай таърифнинг шаклланишига асосий сабаб, бозор шароитида суғурта хизматини ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида ташкилий боғланмаганлигидадир. Яъни суғурта қилувчи суғурталанувчига номенклатура ёки истеъмол қилинадиган суғурта хизмати миқдорини белгилай олмаганидек, суғурталанувчи полис нархи ва тўлов ҳажмини белгилай олмайди. Бундай ташкилотларда суғурта тарифи, тўлов ва суғурта пули миқдори давлат томонидан белгиланган норматив ҳужжатлар асосида белгиланади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, суғурта маркетинги – бу суғурта олувчи ва суғурта килувчи манфаатларининг ўзаро муросали ҳал қилинишига қарқтилган фаолият мажмуи деб таъриф бериш мумкин.

Бугунги кунда суғурта маркетингини ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадлидир:

- мамлакатнинг йирик суғурта ташкилотлари орқали маркетингнинг аҳамиятини, қўлланилишини ва натижаларини кўрсата билиш. Суғурта бозорида мустаҳкам ўрнашиб олган ва катта ютуққа эришган компаниялар энди шаклланаётган суғурта ташкилотлари учун ўрнак ва намуна бўлиб келган, яъни амалиётда қўлланилган йўриқлардан андоза олишга ҳаракат қилишади;

- чет эл суғурта ташкилотларини жалб этиш. Чунки чет эл суғуртачилари мазкур давлат бозорини ўрганмасдан ўз иш фаолиятини бошламайдилар. Улар ўзи билан бирга тайёр ва обдон таҳлил қилинган даллилларга эгадирлар. Мазкур нозик томонлардан эса самарали фойдаланиш мумкин;

- суғурта ташкилоти оборотларининг кенгайиши молиявий институтлар (банклар, инвестицион фондлар ва шу кабилар)нинг қизиқишларини жалб этилиши;

- рақобатнинг ривожланиши. Бундай шароитда суғурта ташкилотининг бозордаги ўрнини сақлаб қолишида фақатгина маркетинг ёрдам беради;

- ташкилот таркибидаги маркетинг бўлимларидан ташқари мустақил консультант (маслахатчи) ташкилот (компания)лар мавжудки, уларнинг консалтинг хизматлари маркетинг тадқиқотлари ва таҳлиллари асосида таклиф этилади.

Суғурта маркетингини ташкил этиш ва ривожлантиришда суғурта риски маркетинги алоҳида аҳамият касб этади. Унинг моҳияти компания мижозларининг турли гуруҳлари ва суғурта маҳсулотининг потенциал истеъмолчилари учун суғурта рискини содир бўлиш эҳтимолини чуқурроқ ҳамда динамик таҳлилини ўтказишда бевосита намоён бўлади. Шу боис мижозларни олдиндан саралаб олиш, мураккаб математик ва статистик аппаратга таяниш мумкин бўлади. У суғурта маҳсулотини сотиш

босқичида хоҳиш истаги мавжуд бўлмаган суғурталанувчиларни ажратиб танлашга имкон берувчи белгиларни аниқлашга хизмат қилади. Суғурта риски маркетингининг бошқа бир белгиси мижозларнинг турли сегментлари бўйича уларнинг риск даражасига боғлиқ равишда суғурта тарифларининг турли ставкаларининг жорий қилинишидир. Суғурта риски маркетинги ўз олдига шундай вазиятга эришишни мақсад қилиб қўядики, унда мижоз томонидан тўланадиган суғурта мукофоти рўй бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисасидаги риск даражасини максимал акс эттирсин. Маълумки, суғуртанинг моҳияти суғурта мукофоти риски учун суғурталовчига маълум тўловларни узлуксиз ўтказувчи маълум жамоа аъзолари ўртасида келадиган зарарни тақсимлашдан иборат. Унга биноан айирбошлаш мақсадида суғурталовчи ўз зиммасига суғурта риски юз берганда келтирилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

Конкрет суғурталовчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рискли маркетинг мукофотларга мослаштириш билан индивидуал риск даражасини максимал тарзда аниқ баҳолашни мақсад қилиб қўяди. Тарифларни чуқур дифференциаллаш, янада арзон таклифларни излашга мойил бўлган мижозларнинг бир қисмини узоқлаштириш имконияти юзага келади. Унда қолган мижозлар эса зарар эмас, балки фойда келтириш имкониятига эга бўладилар.

Замонавий жамиятни ахборотлаштириш суғурта компаниясининг мижозлари тўғрисида ҳамда барча аҳоли тўғрисида улкан маълумотлар базасини ташкил этишга имкон яратади. Мазкур маълумотлар базаси суғурта ташкилотининг портфелини ўрганишда ҳамда янги мижозларни излаш ва уларни жалб қилишда муҳим роль ўйнайди. Шу боис уларнинг роли кун сайин ортиб бормоқда, чунки маркетингнинг асосий вазифаси бўлиб суғурталовчи фаолиятини суғурталанувчининг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш ҳисобланади.

Замонавий суғурта маркетингида асосий эътибор суғурта бозорини чуқурроқ сегментлашга, суғурта статистикасини йиғиш ва ишлов бериш тизимини автоматлаштиришга, потенциал мижозларга тегишли бўлган янада улкан маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилмоқда. Суғурта бозорини сегментлаш суғурта маркетингининг муҳим элементларидан биридир. У каби сегментлаш суғурта ташкилотига тижорат ютуғини келтирадиган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради. Рақобатчилар фаолиятини ўрганиш, ҳақиқий фаолият кўрсатаётган ва потенциал рақобатчиларни аниқлашдан бошланади, сўнг фаолият кўрсаткичлари, рақобатчилар мақсади, стратегияларини, уларнинг кучли ва заиф томонларини очишдан иборат бўлади. Фаолият кўрсатаётган рақобатчи суғурта ташкилотларни аниқлаш асосий рақобатчи корхоналар қондирадиган эҳтиёжларни баҳолаш билан олиб борилиши керак. Масалан, суғурта бозорида барча суғурта ташкилотларини бир жадвалга келтириб, уларнинг фаолиятини турли мезонлар орқали баҳолаш мумкин. Бунда сўровномалар ва статистик маълумотлар ёрдамида ташкилотлар

фаолияти 0-5 баллгача баҳоланиб, охирги натижалари ўзаро таққосланади.

Суғурта ташкилотларининг муҳим вазифаларидан яна бири энг камида мижозларни олдиндан саралаб олиш бўлиб ҳисобланса, потенциал суғурталанувчи ва суғурта рисклари тўғрисида маълумотлар базасини қайта баҳолаш жуда қийин ҳисобланади. Чунки янги мижозларни излаб топишда барча аҳолига ёки конкрет шахсларга мурожаат қилишга тўғри келади. Табиийки, биринчи усул иккинчи усулга қараганда анча арзон ва самаралидир. Шунинг учун ҳам суғурта маркетинги замирида суғурта ташкилотининг суғурта портфели ва потенциал мижозлар бўйича универсал маълумотлар базаси ётади.

Суғурта маҳсулотларини сотиш тармоғини ривожлантиришга исталган миқдорда маблағ сарфлаш ва суғуртанинг маълум туридаги мижозларни қамраб олиш ўзининг маълум иқтисодий чегарасига эга бўлиши лозим. Суғурта хизматларининг сифати тўғрисида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Шунингдек, суғурта маҳсулотларини чекланмаган тарзда такомиллаштириш ва уни мижоз талабларига мослаштириш ҳозирги замон талаби бўлиши лозим. Лекин бу вазиятда суғурта ташкилотларига зиён келтириши ҳам мумкин. Шунинг учун замонавий шароитларда суғурталовчиларнинг маркетинг тадбирларини оптималлаштириш ўзига хос аҳамият касб этиши лозим, яъни суғурта хизматлари миқдори ва сифатини баҳолашда унинг рентабеллигини асос қилиб олиш талаб этилади.

А.Б.Қурбонов – ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
Э.Мойлиев – ҚарМИИ магистранти

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп укладли тизим равнақи уни ташкил этувчи субъектлар моддий базаси ривожланишига боғлиқ. Чунки моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг зарур шарти ҳисобланади. Кўп укладли тизим учун энг аввало микродаражадаги иқтисодий ўсишнинг ресурслар билан таъминланиши муҳимдир. Бу ўринда инвестициявий фаолият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўп укладли тизим қайтадан ҳосил бўлиши учун инвестицияларнинг умумий тақсимланиши етарли эмас. Бунинг учун корхоналар мулкчилик шаклидан қатъи назар, инвестициялар билан таъминланиши зарур.

Ўзбекистонда турли укладларга мансуб корхоналарда инвестиция-вий жараён жуда нотекис кечмокда. Бу, биринчидан, укладлардаги иқтисо-дий аҳволга боғлиқ бўлса, иккинчидан, давлатнинг инвестициявий сиёсати инвестициявий жараён нотекис кечишини тақазо этмокда.

Инвестицияларнинг укладлараро тақсимланишида иккинчи омил етакчи бўлиб қолмоқда. Ўзбекитонда давлатнинг инвестициявий сиёсати моҳиятини иқтисодий трансформация шароити белгилаб беради.

Инвестиция тизимида иқтисодий сиёсат давлатнинг ялпи даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Шу йўл билан давлатнинг қўлида инвестициявий ресурслар жамланади ва ишлатилади. Бу ресурсларни давлат ўзига қарашли корхоналардангина эмас, балки бошқа укладлардаги субъектлардан ҳам олади.

Давлатнинг инвестиция сиёатини амалга оширишда эса банклар алоҳида роль ўйнайди. Республикамиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган кредит қўйилмалари йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Инвестициявий сиёсат давлатнинг ўз инвесторлиги билан чекланиши нотўғри. Бу сиёсат доирасини кенгайтириб, унга уч унсурни киритган маъқул: давлатнинг ўз даромадлари ва олган қарзи ҳисобидан инвестицияларни йўналтириши; миллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестициявий шароит яратилиши; барча секторлардаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш.

Инвестиция сиёсатининг мана шу уч жиҳати Ўзбекистонда ҳам амал қилади. «Ўзбек модели»да давлат бош ислоҳотчи бўлгани боис у бош инвестор ҳам ҳисобланади.

Давлат инвестициявий сиёсати унинг таркибий амалга оширилишига хизмат қилади. Узбекистон эндиликда замонавий иқтисодиётга ўтиши керак. Бунга эса давлатнинг фаол инвесторлиги орқали эришилади. Бу давлат укладининг инвестициялар борасидаги устуворлигини таъминлайди, бошқа укладлар ривожи учун ҳам зарур шарт-шароит яратади.

Давлат укладидаги инвестициялар миллий доирадаги такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Чунки давлат уклади корхоналари таркибдан асосий тармоқ корхоналари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан иборат. Уларнинг фаолияти умуммиллий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий доирадаги такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди, бутун иқтисодиёт учун энг муҳим бўлган товар хизматларини яратади. Давлат укладида яратилган маҳсулот ва хизматлар истеъмоли бошқа укладлардаги такрор ишлаб чиқаришни кафолатлайди. Чунки улар муҳим ресурслардан иборатдир.

Давлат укладида машинасозлик, ёқилғи-энергетика, сув хўжалиги, транспорт ва алоқа корхоналари бор. Уларнинг меъёрида ишлаб туриши бошқа укладлар учун сув ва ҳаводек зарур. Давлат укладининг умуммиллий аҳамияти шундаки, бу уклад уни инвестиция соҳасида етакчига айлантиради. Бу сиёсат бюджет инвестициялари орқали молиявий таъминланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция

сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади[1].

Бу кўрсаткичлар Ўзбекистонда инвестициявий жараёнларни эркинлаштириш самарали кечаётганлигидан дарак беради.

Бюджетдан инвестициялаш давлат инвестициявий фаолиятининг фақат бир жиҳатидир. Бюджетдан ташқарида ҳосил бўлган, лекин марказлаштирилган инвестициялар, шунингдек, давлат корхоналари инвестициялари ва хориж капиталининг давлат томонидан кафолатланган инвестициялари унинг иккинчи бир жиҳатидир. Давлат инвестициялари ҳам ўсишга мойил. Лекин уларнинг жами инвестициялардаги ҳиссаси давлат секторининг иқтисодиётдаги ҳиссасидан анча устун туради.

Давлат инвестициялари бошқа мулк доирасидаги инвестициялар билан қиёслаганда давлат уклади давлат инвестициясига тенг эмаслигига, давлат катта маблағларни ижтимоий соҳаларга, уни ривожлантириш учун қаратишига эътибор бериш керак. Бу ишни бошқа укладлар бажара олмайди, аниқроғи, бунга уларнинг қурби етмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, давлат инвестициялари қисман бўлса-да, нодавлат секторга ҳам юборилади. Чунки бу секторда давлат иштироки бўлади. Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратилган капитал инвестицияларнинг 89% и давлат секторида бўлса, қолган 11% и нодавлат секторига юборилди. Укладлар, инвестиция фаолияти ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришга юборилган инвестицияларни назарда тутиш керак.

Ноишлаб чиқариш инвестициялари ижтимоий секторни ривожлантиради. Шунинг учун улар умуммиллий аҳамиятга эга. Уларнинг фаолияти натижасидан нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотлар, умуман, барча аҳоли баҳраманд бўлади.

Давлат укладидаги инвестиция фаолиятини молиялаш қуйидаги манбаларга таянади: бюджет, корхонанинг ўз маблағи ва кредитлари инвестицияларни укладлараро қиёслашда, биринчидан, капитал

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. Халқ сўзи. 29.12.2018 й.

инвестицияси, иккинчидан, ишлаб чиқариш тавсифидаги инвестициялар инобатга олиниши зарур.

Ўзбекистонда давлат инвестициялари устуворлигини иқтисодиёт юзага келтирган омиллар билан изоҳлаш мумкин. Иқтисодий ўтиш даврига капиталнинг дастлабки жамғарилиши хосдир. Бу эса инвестиция жараёнига таъсир этмаслиги мумкин эмас. Хусусий капиталнинг жамғарилиши, биринчидан, давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш орқали содир бўлса, иккинчидан, капиталнинг инвестициялар ҳисобидан ўсиши юз беради.

З.Ж. Расулов– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н., илмий маслаҳатчи,
Ш.К.Сатторов – СамИСИ магистранти

СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда оқилона солиқ сиёсатининг изчиллик билан юритилиши иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор ривожланишини таъминлашга замин яратиш билан бирга, ялпи ички маҳсулот ошишига, аҳолининг реал даромадлари кўпайишига, турмуш фаровонлигини янада яхшиланишига аҳолига турли хизматлар кўрсатиш имкониятларини яратади.

Солиқлар иқтисодиётни модернизациялашда молиявий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Мамлакатимиз олдида турган энг долзарб вазифа ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлашдир. Бунга эришиш эса ижтимоий-иқтисодий жараёнларни солиқ воситаси орқали модернизациялашни таъқозо этади. Шубҳасиз, иқтисодиётни модернизациялашнинг асосини молиявий ресурслар ташкил этади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши эса миллий иқтисодиёт тармоқларининг уйғунлашиши ва тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатувчи молиявий ресурсларга боғлиқдир. Мамлакатимизда молиявий воситалардан бири бўлиб солиқлар ҳисобланади, уни оптималлаштиришнинг самарали усуллари мавжудлиги молия ва солиқ сиёсатига боғлиқ муаммоларни давлат томонидан ижобий ҳал этилишига боғлиқдир.

Ҳозир юртимизда солиқларни оптималлаштиришни таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Солиқларни оптималлаштиришни таъминлаш иқтисодиётни модернизациялашни мукаммал даражада шаклланишида муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда унга жиддий эътибор қаратилмоғи ҳам лозим.

Солиқларни оптималлаштириш – бу, аввало, миллий иқтисодий манфаатлар кафолатли ҳимояланганини ва миллий иқтисодиётни мутаносиб

модернизацияланиб бораётганлигини англатади. Шу боис солиқларни оптималлаштиришга боғлиқ солиқ механизмлари ҳамда барча солиқ муносабатлари ва жараёнлари мажмуасини қамраб олади. Солиқларни оптималлаштириш сиёсатини юритиш доирасида ушбу солиқ тизимининг миллий иқтисодий ривожланишини ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни амалга ошириш механизмларини яратишга тайёрлиги ва қодирлигини таъминловчи бюджетнинг барча сегментлари ва институтлари ҳолатини, ички ва ташқи ривожланишнинг ноқулай вазиятларида ҳам молиявий тизим яхлитлиги ва барқарорлигини сақлаш учун зарур ва етарли иқтисодий салоҳият ҳамда молиявий шароитларни ташкил қилиш, иқтисодиётни модернизациялашни янада кучайтириши мумкин бўлади.

Бугунги кунда бюджет-солиқ тизими, пул-тўлов тизими, банк тизими ва фонд бозорлари ҳамда уларнинг амал қилишига боғлиқ тармоқлар хавфсизлиги қай даражада таъминлангани индикаторлар асосида баҳолаш ҳам иқтисодиётни модернизациялаш ҳолатига боғлиқ бўлмоқда.

Республикада ЯИМга нисбатан солиқ юки даражаси 30 фоиздан ошмаслиги, давлат ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда солиқ механизмларидан уларни оптималлаштириш орқали кенг фойдаланади. Бу борада, аввало, солиқ сиёсати оқилона олиб борилиши иқтисодиётни модернизациялаш хавфсизлигини таъминлайди. Иккинчидан, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчилар зиммасига тушадиган солиқ юки миқдорини ҳам оқилона белгилаб олишни таъминлайди. Бинобарин, бюджет даромадларини оптималлаштирилган солиқлар орқали таъминлашда асосий ўрин тутадиган солиқ сиёсатини тўғри амалга ошириш ўта муҳим ишдир. Бу жараёнда солиқ ставкалари ва миқдорини шундай оптимал даражада танлаш лозимки, у даромадлар миқдорининг юқори нуқтасини белгиласин.

Маълумки, жаҳон амалиётида солиқ юкининг ЯИМдаги улуши 20-25 фоиз атрофида тебраниши мақбул ҳолат деб баҳоланади. Чунки у белгиланган кўрсаткичдан, яъни 20 фоиздан паст бўлса, давлат бюджетининг макроиқтисодий харажатларни қоплай олиш кафолати таъминланмайди. 25 фоиздан кўп бўлиши эса солиқ юкининг ҳаддан ташқари ортиб бориши ва иқтисодий ўсишнинг секинлашиши каби таҳдидларни вужудга келтиради.

Иқтисодиётда солиқ юки сўнгги йилларда турли даражада ўзгариб бормоқда. Бу натижаларни оптимал чегаравий қийматларга солиштирса, республикамизда солиқ юки даражаси нормал ҳолатда дейиш мумкин.

Макро даражада солиқ юкини аниқлашдан мақсад – мамлакатнинг келгуси даврга солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, солиқ ва бюджет тизимларини мувозанатлаштиришдан иборат.

Айтиш жоизки, солиқларни оптималлаштиришда иқтисодчи олимлар асосий диққатни солиқ юкига қаратишади. Унинг оғирлик даражаси пасайиши солиқларни оптимал чизиқларда амал қилиш имкониятини бериши мумкинлиги бизга маълум. Аммо иқтисодчи олимлар томонидан

солиқ юкини асосланишида оптималлик масаласига эътибор қилинмайди. Мисол учун, А.Смитнинг назарияси бўйича, солиқ юкининг пасайишидан давлат кўпроқ ютади, яъни солиқ юки пасайиши билан хўжалик субъектларида кўпроқ маблағ қолади, уларни ишлаб чиқаришга, уни модернизациялашга сарфлаш асосида янада кўпроқ даромад олади ва бюджетга қўшимча даромад тушади.

Америкалик иқтисодчи А.Лаффернинг солиқ юки тўғрисидаги "эгри чизиқ" назариясининг иқтисодий моҳияти қуйидагича: солиқ юкининг пасайиши хусусий секторнинг инвестиция фаолиятига ижобий таъсир қилади. Унинг фикрича, солиқ юки қанча юқори бўлса солиқ тўлашдан қочиш кучаяди. А.Лаффер назарияси бўйича, солиқлар миқдорини ошиши, хуфиёна иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади, оқибатда, олинган даромаддан бюджетга солиқ келиб тушмайди. Унинг фикрича, солиқ юкининг даражаси 30 фоизгача бўлганда давлат бюджетининг даромад қисми яхши (қулай) шаклланади.

Бизнинг фикримизча, солиқ юки – бу умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, солиқ йиғимларининг умумий суммасини жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, солиқ юки – бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган суммаларнинг харажат сифатида тан олинган миқдорини сотилган маҳсулот (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) суммасига нисбатидир. Аммо шундай бўлган чегарасини белгилаш муҳим масаладир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, барча солиқлар бўйича ҳисобланган суммалар харажатлар сифатида тан олинмайди, яъни ҚҚС, акциз солиғи, ишчи-хизматчиларнинг даромадидан олинадиган солиқлар шулар жумласидандир. Шунинг учун корхона даражасида солиқ юки аниқланганда ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг фойда ва харажатларга олиб борган қисми ҳисобга олинади. Булар охир-оқибатда, хўжалик юритувчи субъектларнинг якуний молиявий молиявий натижасига таъсир қилади. Бу жса солиқ оптималлик даражасини белгилаб олинмаганлигидан далолатдир. Амалиётда эса солиқ юкини аниқлашда барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг йиғиндисини олиш орқали солиқ юки маълум бир миқдорда қайд этилди деб фикр билдирилади. Аслида эса, юқорида қайд этилганидек, харажатлар сифатида тан олинган суммалар олиниши зарур. Фақат шу йўл орқали солиқларни оптимал чегарасини аниқлаш мумкин бўлади.

Микро даражада, яъни хўжалик юритувчи субъектлар даражасида, солиқ юкини ҳисоблашда ҳам қарашлар турлича, турли кўрсаткичларга нисбатан аниқлаш услублари мавжуд. Лекин уларни солиқларни иқтисодий чегарасини оптималлаштиришга қаратиш ўта муҳим деб ҳисоблаймиз.

Шунинг билан бирга солиқларни оптимал даражада амал қилишини иқтисодиётни модернизациялаш даражасини ва ЯИМ ўсиш суръатлари орқали кузатиш муҳимдир.

З.О.Ахроров – СамИСИ ассистенти,
Ж.М. Гадаев– СамИСИ ассистенти,
С.Г.Кадирова – СамИСИ талабаси

СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солиқ тизимида ўзаро кесишадиган манфаатлари давлат билан солиқ тўловчилар ўртасида юазага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодаловчи солиқлар воситасида бирлашиб кетади. Солиқлар давлатнинг даромадларини таъминлайди ва қийматни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солади. Бу солиқларнинг тақсимловчилик ва назоратчилик вазифаларини ажратиб кўрсатиш учун асосдир.

Кўриб чиқилаётган солиқ солиш тамойиллари кўпинча амалиётда қўлланилмасдан қолади. Бу республикада солиқ солиш тизимида бир-бирини инкор қилиш ҳолатларида, солиқ солиш тизими ва солиқ хизматлари фаолиятини ташкиллаштиришда, кам самара келтирувчи услублар ва усуллардан ва шу кабилардан фойдаланишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, бир марталик солиқ солиш, солиқ ушланмаларининг тенг оғирлиги, барқарорлик, олдиндан башоратлаш тамойиллари ва шунингдек, бошқа айрим тамойилларига доим ҳам амал қилинавермайди. Солиқ солишнинг объективлигини таъминлашда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни олдиндан башоратлаш катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай солиқ тўловчи уни қандай ижтимоий-иқтисодий шароитларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш қандай ҳолатларда олиб келиши мумкинлигини билиши шарт. Аниқ мўлжалларнинг йўқлиги солиқ тизимида чалкашликлар ва бир-бирини инкор этиш ҳолатларини юзага келтиради.

Замонавий янги ахборот технологиялари иқтисодиётнинг барча соҳалари, шу жумлан туризм соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Мониторинг ва назорат жараёнига замонавий компьютер технологиясини

киритиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Олий таълим соҳасидаги сифат, унинг қуйидаги функциялари ва фаолият турларини қамраб олувчи ҳужжат концепция бўлиб ҳисобланади. Бунинг таркибига ўқув ва академик программалар, илмий тадқиқотлар ва стипендиялар, кадрлар билан таъминлаш, ўқувчилар, бино, моддий-техникавий асос ва жиҳозлар, жамият фаровонлиги йўлидаги ишлар киради. Сифат муаммосини ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг бутун мажмуини улар ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳаракатида бошқариш лозим, яъни тизимли ёндашишдан фойдаланиши керак бўлади. Ўқув жараёнининг сифатини назорат қилишда қуйидаги кетма-кетликка аҳамият берилади (1-расм).



1-расм. Таълим жараёни ва сифатини мониторинг қилиш босқичлари

Таълим сифатига эришиш учун ушбу босқичларнинг ҳаммасида тегишли сифат даражаси бўлиши керак. Биринчидан, таълим дастури замонавий талабга жавоб берадиган бўлиши лозим. Иккинчидан, таълим жараёни сифатли ташкил қилинган бўлмаса, уни амалга оширадиган малакали профессор-ўқитувчи бўлмаса, ушбу жараёнда юқори сифатга эришиб бўлмайди. Учинчидан, таълим сифатини ўлчайдиган, унга баҳо берадиган мезонлар ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Бунда фаннинг ҳар бирига мос бўлиши керак ва тегишли босқичларни ҳам инобатга олиш лозим. Тўртинчидан, таълимнинг сифатини назорат қилганда унинг қайси даражасига жавоб бериши аниқ бўлиши лозим. Бешинчидан мониторинг натижаси ҳам жуда муҳим. Раҳбарият шунга қараб хулоса берадиган бўлиб қолган. Буларнинг ҳаммаси кадрлар тайёрлашни бошқаришда таълим муассасаси ва унниг касбий дастурларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ривожланагн мамлакатларда таълим муассасалари ва унинг дастурини аккредитациялаш, унга таълим тизимини ва ўзи хизмат кўрсатиши лозим бўлган кенг жамоатчилик ишончининг намойиши ҳисобланади. Аммо бундай баҳолаш тизими бизда ҳали шакллантирилмаган.

Маълумки, олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турларини жумладан, ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳим фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлашнинг асосий стратегик режаси таълим сифатини ва самарадорлигини оширишга қаратилган Буларнинг ҳар бирига изоҳ юқоридаги жадвалда берилган. Ушбу келтирилган

1-жадвал

Таълим сифатини оширувчи иштирокчилар ва улар назоратини амалга ошириш механизмлари

Таълим сифатини оширувчи иштирокчилар	Таълим сифатини оширувчи иштирокчилар таркиби ва амалга ошириш жараёнларини таъминловчи субъектлар
Инсонлар	Профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва б.
Технологиялар	Педагогик, тарбиявий, информациявий, бошқарув, назорат қилувчи ва б.
Моддий-техника-вий таъминот	Бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б.
Меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот	Таълимга оид меъёрий ҳужжатлар, таълим стандартлари, ишчи ва ўқув двстурлари, турли низомлар, уқув-услубий адабиётлар ва б.
Рағбатлантириш ва мативациялар	Иш ҳақи, устамалар, мукофотлар, иш натижасига қараб табақаланган рағбатлантириш усуллари ва б.
Ташқи таъсирлар	Бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият, давлат, нодалат ташкилотлари ва б.

таркибий унсурлар таълимнинг сифатини ошириш билан бирга педагогларнинг ҳам масъулиятини оширади. Натижада таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига ҳам катта таъсир этади. Шу туфайли уларнинг ҳолати ва ҳаракатига катта аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Н.Ш.Абирова – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ўқитувчиси,
М.Ўктамов – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ талабаси

ИҚТИСОДИЁТДА СТАТИСТИК УСУЛЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

Дастлабки босқич иқтисодиёт назарияси қонун қоидаларига асосланган ҳолда объектнинг энг муҳим хусусиятлари ва хоссаларини ажратиб, уларни иккинчи даражалиларидан абстракциялашни, объектнинг тузилиши ва унинг элементларини боғловчи асосий боғланишларни ўрганишни, объектнинг ҳолати ва ривожланишини тушунтирувчи гипотезаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Бу босқич эса ўз навбатида статистик кузатиш усулларни қўллаш натижаларида олинадиган дастлабки маълумотларга боғлиқ.

Статистик усуллар диалектик материализмнинг белгиланган талаб ва қоидаларидан келиб чиқади. Бунда ўрганилаётган ижтимоий ходисаларни

бир-биридан ажратмасдан, балки уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқадорликда ўрганади. Демак, ўрганилаётган ижтимоий ходисаларни кузатаётганда уларни турли томонларини алоҳида, бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки шу ходисага тааллуқли барча томонларни, алоқаларни биргаликда олиб ўрганиш зарур. Бу алоқаларни билиш жуда катта аҳамиятга эгадир, яъни тадқиқотчилар бу алоқаларни билган холда объектни тўла тасаввур қилишлари мумкин.

Статистик усулларни иқтисодиётда қўллашни таклиф этишдан аввал статистика назариясида қандай усуллар мавжуд ва улар иқтисодиётнинг қайси масалаларини ечишда қўлланиши мумкинлигини кўриб чиқайлик. Маълумки ҳар қандай статистик тадқиқот статистик кузатишдан бошланади ва кузатув натижасида олинган маълумотлар ходисанинг моҳиятидан, маълумотларнинг ўлчов бирликларидан келиб чиқиб мос статистик кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Статистик кўрсаткичлар мутлоқ, нисбий ва ўртача кўрсаткичлардан иборат. Мутлоқ кўрсаткичлар орқали ўрганилаётган объектни ёки жараённи сонда ва ҳажмда ифодаланади. Агар ўрганилаётган ҳодисанинг салмоғини ёки бир ходисанинг бошқасига нисбатан ўзгаришини ифодалаш керак бўлса, у ҳолда нисбий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усулларидан фойдаланилади.

Нисбий миқдорлар бир қанча турларга бўлиниб, турли муайян вазифаларни бажарадилар.

1) *Буюртма (шартнома) бажарилиши нисбий миқдорлари.* Бу кўрсаткич экстенсив, ўртача, шунингдек, нисбий кўрсаткичларга нисбатан аниқланилиб, олинган буюртманинг ёки тузилган шартноманинг неча фоизга бажарилганлигини аниқлашда қўлланилади. Масалан, хўжаликка қарашли кичик корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг оймаой бажарилишини ҳисоблаш, чораклар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда белгиланган давлат буюртмасининг бажарилишини назорат қилиш кабилар.

Ҳозирги кунда статистика амалиётида бу усул кенг қўлланилиб келинмоқда. Чунки бу усул тезкор керакли маълумотларни олиш имкониятини беради ва натижада хўжаликни барқарор бошқаришда ҳисобланган кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

2) *Режа топшириғи нисбий миқдорлари.* Бу кўрсаткични ўтган йилдаги давлат буюртмасининг ҳақиқий бажарилиши ҳажмига нисбатан режалаштирилган йилга қанча маҳсулот ҳажмини ошириш мумкинлигини ҳам фоизда, ҳам мутлақ миқдорда ҳисоблашда қўлланилади. Масалан, хўжаликда маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили маълум миқдорни ташкил этган бўлсин. Жорий йилда эса шу тармоқдаги маҳсулот ҳажмини ўтган йилга нисбатан маълум бир миқдорга кўпайтириш режалаштирилган бўлса, ўтган йилга нисбатан қўшимча қанча миқдорда ёки неча фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқариш кераклиги ҳақидаги маълумотни олинади.

3) *Динамика нисбий миқдорлари***.** Иқтисодиёт кўрсаткичларининг даражаларини вақт бўйича бирор базис йилга ёки ўзидан олдинги йилга нисбатан ўзгаришини ҳисоблашда қўлланилиб, иқтисодий жараёнларни кузатишда кенг фойдаланилади. Масалан, ЯИМнинг ҳажмини 2000 йилга нисбатан йиллар бўйича ёки ЯИМнинг ҳажмини 2000 йилдан бошлаб йиллар бўйича ўзидан аввалги йилга нисбатан ўзгариб боришини ҳисоблаш ва шу каби бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариб боришини ҳисоблашда қўлланилади.

4) *Тузилмавий нисбий миқдорлар.* Бу кўрсаткич ўрганилаётган тўпламнинг таркибини тавсифлайди ва шу тўпламдаги ҳар бир гуруҳлар умумий тўпламининг қанча қисмини ёки улушини ташкил қилади, деган саволга жавоб беради. Масалан, хўжаликнинг умумий ер майдонида пахта экилган майдон, сабзавот экилган майдон ва бошқа мақсадлар учун фойдаланиладиган майдонларнинг ҳар бири неча фоизни ташкил этишини аниқлашда қўлланилади.

5) *Интенсив нисбий миқдорлар*. Бу кўрсаткичлар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган иккита ижтимоий ходисани маълум йўналишда бир-бирига боғлаб, уларни таққослаш натижасида олинган кўрсаткичлар бўлиб, улар турли ном билан аталувчи кўрсаткичларни таққослаш натижасида ҳисобланади. Бу ҳисобланган кўрсаткичлар масалан, туғилиш коэффициенти, ўлганлар коэффициенти, кадрларнинг қўнимсизлик коэффициенти, меҳнат унумдорлиги каби коэффициентлар бўлиб, улар %да, промилледа, продицимилледа ифодаланиши мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида 100 гектар қишлоқ хўжалиги ерларига тўғри келадиган чорва моллар сони, ишчиларнинг энергия билан қуролланиш даражаси, энергия билан таъминланганлик даражаси ва каби кўрсаткичлар аниқланади.

6) *Координация нисбий миқдорлари*. Бунда ўрганилаётган тўпламнинг бир қисмини иккинчи қисмига бўлган нисбатини ифодаланади. Бунга мисол сифатида эркак сонини аёллар сонига нисбати, миллий даромад қийматида истеъмол ва жамғарманинг нисбати, корхоналарда ходимлар тоифалари ўртасидаги зарурий нисбатларни келтириш мумкин.

7) *Объектлараро ва ҳудудий таққослаш нисбий миқдорлари***.** Бундай нисбий миқдорлар билан битта номдаги бир объектнинг даражасини иккинчи объектга бўлган нисбати ўрганилади. Масалан, маълум бир санада Тошкент ва Самарқанд бозорларидаги 1 кг гўштнинг баҳоси ёки Ўзбекистон ва АҚШда жорий йилда етиштирилаган пахта миқдорини ва шу каби бошқа кўрсаткичларни таққосланиши.

Ўрганилаётган жараённи ёки иқтисодий кўрсаткични ҳудуд миқёсида ёки бирор давр мобойнида умумлаштириб кўрсатиш зарурияти туғулса ўртача миқдорлардан фойдаланиш тавсия этилади. Ўртача миқдорлар бир хилдаги ва бир турдаги ҳодисаларни ўзгарувчан белгилари асосида умумлаштириб характерлайди. Ўртача миқдорларнинг бир қанча

турлари ва уларни ҳисоблаш усуллари мавжуд, улар иқтисодий муаммонинг мазмуни, олинган маълумотларни таркиби, қўйилган мақсадга қараб танланиб масалани ечишда қўлланилади.

Ҳар қандай статистик тадқиқотлар ўтказишда аввало кузатиш натижасида ёки бошқа усуллар билан олинган маълумотлар тўпламини сифат жиҳатидан баҳолаб олиниши энг асосий масала ҳисобланиб, натижанинг аниқлигик даржасида мухим ўринни эгаллайди. Бунинг учун вариция кўрсаткичларидан ва "катта сонлар қонуни" тамойилларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплами ёки тузилган тақсимот қаторлари "нормал тақсимот қонуни"га бўйин синиш ёки акси текширилади. Тақсимот қаторларининг нормал тақсимот қонуни гипотезасига мослигини махсус критериялардан, жумладан тадқиқиотларда кўп қўлланиладиган К.Пирсоннинг (ҳи-квадрат) χ^2 - критерийсидан фойдаланиб амалга оширилади.

Маълумки, барча ҳаракатлар бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш бўладими, тадқиқот ишлари бўладими ресурсларни тежаш, кам сарф–ҳаражат қилиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олиш масаласига қаратилган. Жумладан, статистик тадқиқотлар олиб боришда ҳам шу масала доим кўндаланг бўлиб туради. Бундай ҳолатларда танлаб кузатиш усулларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Танлаб кузатиш –қисман кузатиш усули бўлиб, бунда тўпламнинг ҳаммаси эмас, балки маълум танлаш қоидалари асосида ажратиб олинган ва бутун тўпламни умумий ҳолда характерлай оладиган унинг бир қисми ўрганилади. Танлама кузатишда тўпламнинг олдиндан белгиланган маълум қисми текширилади ва текшириш натижалари бутун тўпламга тадбиқ этилади. Танланма кузатиш: вақт ва маблағни тежашда; кузатиш жараёнида сифати бузиладиган ёки қийматини бутунлай йўқотадиган бирликлар миқдорини қисқартиришда; умумий тўплам ҳаддан ташқари катта бўлиб, уни ёппасига кузатиш имконияти бўлмаганда; кузатиш объектини тўлароқ, чуқурроқ ўрганишда; ёппасига кузатиш натижаларини текшириш ва назорат қилиш мақсадларида қўлланилади.

Илмий тадқиқот методологиясининг асосий мақсадларидан бири барча ҳодиса ва жараёнларни вақт бўйича ўзгаришини ўрганишдан иборат. Бу статистикага ҳам тегишли, у статистик кўрсаткичларни вақт бўйича ўзгаришини кўрсатиб бериши керак. Масалан, мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўсиш суръати, аҳоли турмуш даражаси ва бошқа макро ва микро даражадаги кўрсаткичаларнинг йилдан йилга ўзгариб бориши, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришда ўсиш тенденсияси, бозорда талаб ва таклифда мавсумийликнинг ҳолати, аҳолининг бандлик даражасини ўзгариши қандай деган саволларга фақат статистиканинг махсус усуллари: динамика қаторларини тузиш ва уларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини қўллаб жавоб топиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни вақт бўйича ўзгаришини ўрганиш жуда муҳим.

Чунки, ҳодисаларни ўз вақтида ўрганмаслик, керак бўлганда корхонанинг фаолияти ҳақида муҳим ва бошқарув қарорларни вақтида қабул қилмаслик уни оғир ҳолатга олиб келиши мумкин.

Динамика қаторлари деб, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг вақт бўйича ўзгаришини тавсифловчи сонлар қаторига айтилади. Динамика қаторларининг даражалари ижтимоий ҳодисаларнинг сонини, ҳажмини, миқдорини вақт бўйича ўзгаришини ўзида акс эттиради ва улар мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорларда ифодаланади. Ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг динамикасини миқдорий томондан баҳолашда қуйидаги статистик кўрсаткичлар қўлланилади: мутлақ ўзгариш; ўзгариш суръати, қўшимча ўзгариш суръати; бир фоиз ўзгаришнинг мутлақ моҳияти кабилар. Динамика қаторлари кўрсаткичларини ҳисоблаш иккита давр даражасини таққослаш билан амалга оширилади. Одатда, таққосланадиган даража сифатида қаторнинг биринчи ёки ўрганилаётган йилдан олдинги йил даражаси қабул қилинади.

Динамика қаторлари ёрдамида ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: вақт бўйича ривожланиш даражасини баҳолаш; статистик кўрсаткичлар тизими воситасида ўрганилаётган ҳодисанинг динамикасини ўлчаш; ривожланишнинг асосий тенденцияларини аниқлаш ва миқдорий баҳолаш; даврий тебранишларни ўрганиш; башоратлаш ва экстраполяция қилишда.

Статистикада шундай ҳодисалар учрайдики, уларга мумкин бўлмаган шароитда умумлаштириб баҳо бериш (маҳсулотни моддий натурал формада ўзгаришини ёки нархларни, таннарх ва бошқаларни баҳолаш) зарурияти туғилади. Яъни турли ўлчов бирликларига эга бўлган кўрсаткичларни қўшиш ва таққослашга тўғри келади. Бевосита қўшиб бўлмайдиган ҳодисаларни вақт бўйича ёки маконда ўзгаришини баҳолаш учун махсус индекс усулларини қўллаш керак. Индекс усули деб бевосита қўшиб бўлмайдиган бўлаклардан ташкил топган икки тўпламни таққослашга айтилади.

Индекс усули ёрдамида мураккаб ҳодисаларнинг вақт бўйича ва ҳудудий ўзгариши, режа ва буюртмалар бажарилишини ўрганиш учун статистикада маҳсулот ҳажми индекси, баҳо, таннарх, меҳнат унумдорлиги ва бошқа индекслар ҳисобланади. Айниқса мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар юз бераётган мураккаб иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда ўзгарувчан таркибли индекслар, ўзгармас таркибли индекслар, таркибий силжишлар индекслар муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида статистиканинг умумий назариясида берилган статистик тадқиқотларда қўлланиладиган усулларнинг айримлари қисман таҳлил қилинди. Уларни амалиётчилар ва статистиканинг усулларидан хабардор бўлмаганлар учун ўзларининг амалий ва илмий фаолиятларида қўллаш учун тавсия этилади.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

N.Parpiyeva – TMI katta o‘qituvchisi,
S.Jumayev – TMI talabasi

RAQOBATDOSH KADRLARNI O‘QITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA PEDTEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Davr ruhini ifodalab, kun sayin barcha soalar amaliyotiga jadal kirib borayotgan axborot texnologiyalarini umumta’lim maktablari ta’lim jarayoniga ham tatbiq etish dolzarb masalalardan biridir. Butun jahon miqyosidagi axborot tarmog‘i har qanday sohada axborotning hajmi va tezligidan qat’iy nazar, uni istagan miqdorda qabul qilish uchun taqdim eta oladi.

Multimediya va Internet texnologiyalarining paydo bo‘lishi axborot texnologiyalarining oliy ta’lim muassasalarida ta’lim va tarbiya, muloqot jarayonlarida samarali vosita sifatida foydalanishga keng yo‘l ochib berdi. Axborot texnologiyalarining barkamol shaxsni rivojlantirish, uning mustaqil kasb tanlashi va kasbiy jihatdan o‘z-o‘zini shakllantirish, kasbiy mahoratini o‘stirishda tutayotgan o‘rni va ta’siri ortib borayotganligini inkor etib bo‘lmaydi. Umumiy ta’lim maktablaridagi ta’lim jarayonida axborot texnologiyalari vositasida o‘qituvchi va o‘quvchilar oldida quyidagi imkoniyatlar ochiladi, xususan:

- axborot yig‘ishning yangi usullarini va ularni qo‘llashni bilib oladilar;
- talabalarning fikrlash doirasi kengayadi, bilim olishga qiziqishlari ortadi;
- mustaqil ishlashning roli ortadi, samaradorligi yaxshilanadi;
- bolani aqliy jihatdan rivojlantirishga, hissiy-estetik doirasini kengaytirishga, ijobiy qobiliyatlarini o‘stirishga yordam beradi.

Kompyuter va axborot texnologiyalaridan foydalanib, ta’lim sohasida, o‘quv faoliyatida va o‘quvchilar ijodiy tafakkurini rivojlantirishda yangi imkoniyatlar yaratiladi. Axborot texnologiyalari ta’limni amalga oshish jarayonida hayot bilan uyg‘unlashtirishga imkon beradi. O‘qitishni kelajakdagi kasbiy faoliyat bilan chambarchas bog‘lash imkoniyati paydo bo‘ladi. Axborot texnologiyalarini qo‘llashda o‘quvchi shaxsining butun imkoniyatlarini amalga oshirishga: kompyuter vositalari orqali bolaning bilishga oid, axloqiy, ijodiy, muloqot qilish va estetikaviy imkoniyatlarini, qobiliyatlarini ro‘yobga chiqarishga intilish lozim. Kompyuter va axborot texnologiyalarini o‘quvchi

shaxsini rivojlantirishning to‘laqonli vositasiga aylantirish uchun o‘qituvchining o‘zi axborot texnologiyalari sohasida bilimdon (salohiyatli) bo‘lishi kerak.

Axborot texnologiyalarining asbob-uskuna va dasturiy vositalarining juda jadallik bilan rivojlanib borishi, masalan, yangi avlod kompyuterlarining, yangi dasturlarining chiqishi, turli ta’limiy vazifalarni hal etish qulay texnikafiy imkoniyatlar ochib beradi. Biroq ilmiy izlanishlar o‘quv maqsadida foydalaniladigan axborot tizimlari o‘z didaktik sifatlariga ko‘ra hali ham qoniqarsiz darajada ekanligini ko‘rsatadi. Buning sababi shundaki, axborot texnologiyalarini o‘qitish maqsadlarida foydalanishning metodik (pedagogik) vositalari axborotlashtirishning texnikaviy vositalari rivojlanishidan ancha orqada qolib ketyapti. Kompyuterning imkoniyatlari juda katta, biroq pedagogik maqsadlarda u yetarli darajada foydalanilmayapti. O‘qitish maqsadidagi axborot uni loyihalashtirish bosqichida kiritiladi. Xususan, axborot — avtomatlashtirilgan o‘qitish tizimlarining ma’lumotlar bazasini yaratishda, elektron darsliklarni tuzish uchun o‘quv materialini tayyorlashda, modellashtiriuvchi turdagi kompyuter tizimlari bilan o‘quv ishlarining ssenariylarini, masalalar va mashqlar, test topshiriqlari tuzishda kiritiladi. Axborot texnologiyalari bir yo‘la bir necha fan sohalariga informatika, matematika, kibernetika, psixologiya, pedagogika kabi fanlarga oid ma’lumotlarni birlashtiradi. Biroq bu uyg‘unlikda psixologik-pedagogik asos yetakchi o‘rin tutadi. Axborot texnologiyalarini ishlab chiqish va o‘qitish jarayoniga joriy qilish muhim o‘rin egallaydi. Yangi axborot texnologiyalari o‘quv jarayoni va ilmiy-tadqiqot ishlari uchun katta ahamiyatga ega. Odatdagi ta’limiy texnologiyalardan farqli ravishda, axborot texnologiyalarida mehnat predmeti va uning natijasi sifatida axborot, mehnat quroli bo‘lib esa axborotlashtirishning texnikaviy vositalari xizmat qiladi. Kompyuter vositalari o‘quv-tarbiya jarayonining turli bosqichlarida:

- o‘quvchilarga o‘quv materiallarini taqdim etish bosqichida;
- kompyuter bilan interfaol o‘zaro birgalashib, harakat qilish jarayonida o‘quv materialini o‘zlashtirishda;
- o‘zlashtirilgan bilimlar, malakalar va ko‘nikmalarni takrorlash va mustahkamlashda;
- o‘qitishda erishilgan natijalarni oraliq va yakuniy nazorat qilish va o‘z-o‘zini nazorat qilish bosqichida;
- o‘quv materialini qismlarga bo‘lish, uni klassifikatsiyalash va tizimlashtirishni takomillashtirish orqali o‘qitish jarayoniga va uning natijalariga tuzatishlar kiritish bosqichida foydalanilishi mumkin.

Oqilona tuzilgan kompyuterli o‘qitish dasturlari axborotni o‘quvchi tomonidan o‘zlashtirilishining psixologik va pedagogik qoidalari e’tiborga olingan taqdirda o‘qitishni individuallashtirish va differensiyalashtirishga, bolalarning qiziqishlari va o‘qishdagi mustaqil faoliyatini rag‘batlantirishga imkon beradi. Maktab pedagogik jarayonida kompyuter o‘qituvchi, ishchi qurol, o‘qitish obyekti, hamkorlik qiluvchi jamoa, bo‘sh vaqt (o‘yin) muhiti xizmatlarini bajarishi mumkin (G. K. Selefko). Kompyuter o‘qituvchi sifatida —

oʻqituvchini va kitobni qisman yoki toʻliq oʻrnini bosadigan oʻquv axboroti manbai; multimediya va telekomunikatsiya imkoniyatlari bilan tamoman yangi sifat darajasidagi koʻrgazmali vosita; individual va axborot muhiti; trenajyor; oʻquvchilar bilimni tashhislash va nazorat qilishning vositasi vazifalarini bajaradi. Ishchi qurol sifatida kompyuter — matnlarni tayyorlash va ularni saqlash matn redaktori; grafikaviy redaktor va katta imkoniyatlarga ega hisoblash mashinasi vazifalarini bajaradi. Oʻqitish obyekti sifatidagi xizmatini kompyuter-dasturlashtirish; dasturli mahsulotlarni tayyorlash; har turli axborot muhitlarini qoʻllash moboynida bajaradi. Hamkorlik qiluvchi jamoa — keng auditoriya bilan muloqot qilish, Internetda bogʻlanish orqali vujudga keltiriladi. Boʻsh vaqt (oʻyin) muhiti oʻyin dasturlari, tarmoq boʻyicha kompyuterli oʻyinlar, kompyuterli video yordamida tashkil qilinadi. Axborot muhiti zamonaviy darajadagi axborot bazalari, gipermatn va multimediya, imitatsion oʻqitish, elektron kommunikatsiyalar, ekspert tizimlarini kiritadi. Hozirgi kunda kompyuter oʻqitishning qudratli vositasiga aylangan.

Xususan, multimediya texnologiyalaridan foydalanib interfaol darslarni oʻtkazish yaxshi samara beradi. Odatdagi darsda oʻqituvchi dars mavzusi mazmunini bayon qiladi, oʻquvchilar esa tinglab, koʻrib, eslab qoladilar, kerakli yozuvlarni daftarlariga yozadilar. Ular har qanday ma’lumotni tayyor holda qabul qiladilar. Aksincha, interfaollik oʻquvchilarga oʻqitish jarayoniga faol kirishishga imkon beradi. Bolalar shunchaki tinglamaydilar. Ular savollar berib, oʻz fikrlarini bildiradilar, oʻquv materialining tushunarsiz qismlarini batafsilroq anglab olishga intiladilar, baxslashadilar, oʻzlari toʻgʻrisida xulosalarga va yechimlarga keladilar. Interfaollikda har ikki tomon: oʻqituvchi ham, oʻquvchilar ham faollik koʻrsatadi, birgalashib, hamkorlikda darsda qoʻyilgan maqsadlarga erishadilar. Biron bir oʻquvchi darsdagi asosiy ishdan chekkada qolmaydi. Hamma oʻqiydi, hamma bir — birini oʻqitadi.

Interfaol dars oʻqituvchi boshchiligi bilan amalga oshiriladigan an’anaviy oʻqitish usullarining va yakka tartibdagi kompyuterli oʻqitishning yaxshi tomonlarini birlashtiradi. Kompyuter oʻqituvchining faol yordamchisiga aylanadi. Kompyuter slaydlarini foydalanish evaziga interfaol darslar bilishga taqdim etiladigan axborot mazmuni bilan birga, ta’sirchanligi bilan ajralib turadi. Dars mavzusini bayon qilishda oʻqituvchi illyustratsiya sifatida slaydlardagi axborotni kerak joylarda taqdim etib boradi. Rasmlar, grafiklar, jadvallar, diagrammalar, formulalar ovoz joʻrligida, multiplikatsiya elementlari hamkorligida taqdim etilib, oʻqituvchining izohlari bilan beriladi.

Xulosa qilib aytganda, multimediaviy texnologiya asosidagi interfaol darslar tayyorgarlik darajasi har xil boʻlgan bolalarning dars materialini yaxshi oʻzlashtirilishiga, olgan bilimlarini yanada kengaytirishga boʻlgan istaklarining paydo boʻlishiga turtki boʻladi. Bundan tashqari shuni ta’kidlash kerakki zamonaviy axbarot texnologiyalari asosidagi interfaol darslar talabalarni fanlarni tez, oson va qulay oʻzlashtirishga yordam beradi.

С.А. Аликулов– СамДАҚИ доценти, иқтисод фанлари номзоди

РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИС-КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

Бугунги глобаллашув жараёнида таълим сифати ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг келгуси эҳтиёжларига мутаносиб ривожи даражаси билан белгиланади, чунки таълим жамиятнинг интеллектуал ва маънавий ҳолатини шакллантиради. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар бандлик сиёсати, ижтимоий муҳофаза, ишлаб чиқариш, савдо ва инвестиция сиёсати соҳасидаги чора-тадбирлар билан уйғунликда олиб борилсагина самарали бўлади. Шу маънода айтиш мумкинки, таълим сифати – бу аниқ мақсадга эришишда ва ҳаёт фаровонлигини таъминлащда аниқ шароит ва жойларда эгалланган билимларга бўлган эҳтиёж демакдир. Шунингдек, таълим сифати таълим жараёни якунидан сўнг амалиётда унинг фундаменталлиги, иновациядорлиги ва серҳаридорлиги билан белгиланади ҳамда таълим олувчининг қуйидаги соҳаларининг ҳар бирида қанчалик муваффақиятга эришганини кўрсатади:

- ўзининг салоҳиятини намоён эта олиш;
- маънавий тушунчаларга содиқ ҳолда ишлаши ва яшаши;
- ўз ҳаёти фаровонлигини таъминлаш;
- самарали қарор қабул қила олиш;
- узлуксиз таълим.

Таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари сифатида қуйидаги 5 та компонентни белгилаб олиш ва ўнга доимо амал қилиб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

№	***Компонентлар***	***Кўрсаткичлар***
1.	Таълим олувчилар (learners)	талабалар сифати уларнинг билим олишга қобилияти
2.	Муҳит (environment)	Олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси; ўқув материаллари ва жиҳозлар сифати;
3.	Мазмун (content)	ўқув предметларининг сифати ва мазмуни; инновацияларни жорий этиш; таълим технологияларидан самарали фойдаланиш.
4.	Жараён (processes)	профессор-ўқитувчилар таркибининг сифати; уларнинг компетешлик даражаси; таълим бериш усули ва технологияларининг сифати;
5.	Натижа (outcomes)	билим сифати; битирувчиларга бўлган талаб; битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлилиги; битирувчилар ютуқлари.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир кўрсаткичларни янада майда таркибий қисмларга ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Масалан, профессор-ўқитувчиларни компетентлик даражаси, унинг мутахассислиги, малака ошириш курсларидаги иштироки, илмий даража ва унвонга эгалиги, педагогик фаолияти стажи, аниқ, соҳадаги амалий иш тажрибасига эгалилиги, ўз тадқиқот ишига эгалиги, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга жалб килинганлиги каби кўрсаткичлар билан белгиланиши мумкин. Шунингдек, Европа иттифоқи олий таълим тизими сифат таъминоти кўрсаткичларига профессор-ўқитувчилар таркиби сифати, илмий даражалилиги, таниқлилиги, илмий-тадқиқот дастури, таълим муассасасининг моддий – техник базасининг ҳолати, ўқув дастурлари сифати, билим сифати ва савияси, битирувчиларга бўлган меҳнат бозоридаги талаб ҳамда битирувчиларнинг эришган ютуқлари каби масалалар киритилган, лекин бизнинг фикримизча таълим сифатини белгилашда қуйидаги омилларга таяниш янада самарали бўлади, деб ҳисоблаймиз:

- бозор муносабатлари шароитида олий таълим сифат таъминоти масалалари ОТМларнинг инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш;
- Республика олий таълим муассасалари рейтинг тизими индекаторларини халқаро индекаторларга яқинлаштириш;
- таълим сифати самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва унинг услубиятини бозор муносабатлари шароитларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш;
- соҳага оид кадрлар тайёрлашда хаётий циклнинг асосий босқичлари;
- стратегик йўл ҳариталари ишлаб чиқиш, лойиҳаларни бошқариш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион инфраструктурани ташкил этишни уддалай олишларига эътиборни қаратиш.

Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари ўқув ва академик дастурлар, илмий-тадқиқот, мутахассис-ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий техника базаси ва жиҳозларини, жамиятнинг муҳим фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак. Иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффақияти, аввало, кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни ҳисобга олиши ва лаёқатига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда олий таълим сифат таъминоти ҳаётий заруриятга айланади, ва доимо таьлимда ислохотларнинг узлуксизлигини талаб қилади, ҳар бир таълим муассасаси ўз мақсади, педагогик жамоасининг тайёргарлиги, буюртмачиларнинг истак ва хоҳишлари, эҳтиёжларини ҳисобланган ҳолда сифат таъминоти ва уни жорий этиш стратегиясини ва тактикасини ўзига мослаб йўл хариталарини ишлаб чиқиш керак. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия жараёнини демократизациялашга кенг йўл очади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг таълим тизимида кўпроқ сифат кўрсаткичига эътибор берилмокда. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг кейинги йилларда қилинган марузаларида кўришимиз мумкин. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида (1997 йил 29 август) «учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш» (Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 август) дейилган, демак таълим тизимида сифат кўрсаткичга кўпроқ эришиш энг муҳим аҳамият касб этади, буни амалга ошириш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни баён этамиз:

Биринчидан, бугунги кунда давлат бюджети ҳаражатларининг 60% дан кўпроғи ижтимоий соҳага йўналтирилмокда, унинг кўпроқ қисми таълим тизимига қаратилган, шундай экан таълим тизимининг маълум бир қисмида айрим талабга жавоб бермайдиган кадрлар тайёрланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас, унга жавоб берадиган масъул муассасалар бўлиши керак. Ишлаб чиқариш корхоналари сингари яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарган шахс моддий зарарни қоплаганидек, таълим тизимида ҳам моддий зарарни қоплайдиган масъул муассасалар бўлиши керак деб ўйлаймиз, чунки давлатимиз томонидан сарфланаётган маблағлар бирор - кун келиб пировард натижа бериши керак, шундагина натижали таълим тизими бўлиши мумкин деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, таълим тизимида талаб ва таклифга қараб керакли мониторинг ишларини аниқ ҳисобга олиб маълум бир хулоса асосида йўл ҳариталари ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашни қатъий назоратга олиш керак.

Учинчидан, ҳар қандай фаолият бошқариладиган объект ва субъект тизимларидан иборат бўлиб, мазкур тизимлар ўртасидаги алоқа инсонларнинг муносабатларидан ташкил топади ва мавжуд ўзаро муносабатлар уларнинг фаолиятини ифодалайди. Шундай экан бошқарувни, яъни бошқарув фаолиятини ташкил этиш заруриятини белгиловчи бош мезон бу инсон олдига ёки муассаса олдига қуйиладиган биринчи мақсад сифат кўрсаткич бўлиши, ўнга эришиш учун аниқ вазифалар белгилаш, ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўрикларни танлаш, вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра бажарувчиларга танлаш ва бажарадиган вазифаларни тақсимлаш, белгиланган жараён иштирокчилари (ходимлар) фаолиятини мувофиклаштириш зарур.

Туртинчидан, таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири - бу юкори педагогик маҳоратга эга бўлган, илмий салоҳиятли кадрларнинг мавжудлиги. Бунинг учун таълим фаолиятини такомиллаштириш ва сифат буйича танловлар механизмидан кенг фойдаланиш, давлат буюртмасининг ижроси бўйича таълим

муассасалари рейтинги асосида танловлар оркали танлаб олиш ишларини янада кучайтириш.

Бешинчидан, таълим тизимининг барча боскичларида педагог кадрларнинг таълим муассасалари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини жорий қилишга эътибор бериш керак.

Олтинчидан, замоннинг шиддат билан узгариб бориши муносабати билан интеллектуал меҳнат бозорларига рақобатбардош мутахассис кадрларни етказиб берувчи кадрлар ўз билимларини доимий равишда бойитиб боришга эҳтиёж сезадилар. Шу ўринда кузатувлар асосида юзага келган фикр хулосаларга биноан, педагогларнинг малакасини оширишда табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш мақсадга мувофиқдир, таълим жараёнига ахборот - технологиялари ва инновацияларни жорий этиш барча педагоглар учун зарур, деб ҳисоблаймиз.

Таълим тизими сифати шундай комплекс муаммодан иборатки, уни ҳал этишда барча ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тузилмалар, таълим муассасаларининг барча тизимлари, иш берувчилар ва молиявий тузилмаларнинг фаол иштирок этиши талаб этилади.

Демак, биз таълим сифати ва самарадорлигини оширувчи омилларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш орқали мамлакатимиз келажагини кўра оладиган, ўз аждодларимизга муносиб авлод бўла оладиган билимдон баркамол ёшларни бугунги глобаллашув жараёнидаги меҳнат бозорларида рақобатбардош мутахассисларни етказишга муваффақ бўламиз.

Ф.М. Даминов – СамИСИ катта ўқитувчи

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВНИНГ МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Давлат органларида эртага, истиқболда қандай вазифалар долзарб бўлиши, содда қилиб айтганда, беш, ўн, йигирма йилдан кейин қандай муаммолар олдимизда кўндаланг бўлишини прогноз қиладиган тизим ҳали шаклланган йўқ»лиги муаммосига эътибор қаратилиб, «…тармоқлар фаолиятини самарали бошқаришда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати Концепциясини…» ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилди[1].

[1] https://president.uz/uz/lists/view/2228 маълумотлари асосида

Эътироф этилган вазифалар доирасида тизимларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган методологик муаммоларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фикримизча, тизимлар билан боғлиқ кўплаб муаммолар “тизимни такомиллаштириш” ва “тизимни лойиҳалаштириш” тушунчаларини талқин қилинишидаги хаточиликлар билан боғлиқ. “Тизимни такомиллаштириш” атамаси андозавий ёки нормал фаолият шароитини таъминлаш учун тизимни қайта қуриш ёки ўзгартириш маъносини берган ҳолда тизимнинг яратилганлиги ва унинг иш тартиби ўрнатилганлигидан далолат беради. Тизимни такомиллаштириш жараёнида қуйидаги асосий муаммолар кўриб чиқилади:

- тизим белгиланган мақсадларга мос келмайди;
- тизим прогнозлаштирилган натижаларнинг олинишини таъминлаб бермайди;
- тизим уни шакллантириш жараёнида назарда тутилган тартибда ишламайди.

Тизимни такомиллаштириш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Вазифалар аниқланади, тизим ва унинг кичик тизимлари белгилаб олинади.
2. Кузатиш ва таҳлил асосида тизимнинг реал ҳолати, фаолияти тартиби аниқланади.
3. Тизимнинг прогнозлаштирилган ва реал фаолияти таққосланади. Шу асосда четланиш даражаси аниқланади.
4. Кичик тизимлар доирасида четланишни юзага келтирган омиллар борасида гепотезалар шакллантирилади.
5. Мавжуд маълумотлар асосида хулосалар қилинади, глобал характердаги муаммо редукция ёрдамида кичик гуруҳларга ажратилади.

Юқорида қайд қилинган босқичлар аналитик ёндашув натижаси деб ҳисоблашимиз мумкин. Тизимни такомиллаштириш тизим фаолиятига тегишли бўлган муаммолар билан алоқадор бўлиб, ундаги базавий гепотеза – барча четланишлар тизим элементларидаги камчиликлар оқибатида юзага келади ва улар специфик сабаблар билан изоҳланади. Бунда тизимнинг функцияси, таркибий тузилмаси ва бошқа тизимлар билан ўзаро муносабати шубҳа остига олинмайди.

Тизимни такомиллаштириш усули кенг қўлланилишига қарамасдан, анча чекланган имкониятларга эга. Мазкур мулоҳаза қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланиши мумкин:

биринчидан, четланишлар сабаби тизим доирасида изланади. Тизимни такомиллаштириш усули тизим ўзи кирувчи катта тизимлар талабларини қаноатлантириши лозимлиги ҳисобга олмайди. Бунда узоқ муддатли мақсадлар жорий мақсадлар билан алмаштирилади ва тизимнинг мавжудлиги моҳияти эътибордан четда қолади;

иккинчидан, тизим маълум андозага келтирилади. Тизимни такомиллаштириш усули реал тизим фаолиятини одатда, “нормал” ёки

“стандарт” деб номланувчи ҳолатдан четланишларни аниқлашга асосланади. Четланиш аниқлангандан сўнг, уларни келтириб чиқарган сабаблар ўрнатилади ва бартараф қилинади;

Учинчидан, тизим фаолиятини режалаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги. Тизим фаолиятини режалаштириш борасида турли илмий ва амалий ёндашувлар мавжуд. Уларнинг аксарият қисми мавжуд тенденцияларни сўзсиз қабул қилишга асосланади. Бундай ҳолатда режалаштириш мазкур тенденцияларни шакллантирувчи кучлар ўзгармас деган гепотезага асосланади, ёки ўзгача айтганда режалаштириш мавжуд тенденцияларни қаноатлантириши зарур бўлади.

Тўртинчидан, тизимни такомиллаштиришда, тизимда амалга ошириладиган ўзгаришлар бошқа тизимларга ўтказадиган таъсири эътибордан четда қолади.

Тизимларни лойиҳалаштириш жараёнида амалга ошириш методологияси тизимларни такомиллаштириш методологиясидан фарқланади ва улардан олинадиган натижалар турлича хусусиятларга эга.

1-жадвал

Тизимдаги ўзгаришларни режалаштириш методогияларининг қиёсий таққосланиши[1]

	Тизимни такомиллаштириш методологияси	**Тизимни лойиҳалаштириш методологияси**
Тизим фаолияти шароити	Лойиҳа қабул қилинган	Лойиҳа ишлаб чиқилиши зарур
Тадқиқот объектлари	Субстанция, моҳият, сабаблар	Структура ва жараён
Парадигма	Тизим ва кичик тизимларни таҳлил қилиш	Тизимни лойиҳалаштириш
Мулоҳазалаш усули	Дедукция ва редукция	Индукция ва синтез
Олинадиган натижа	Мавжуд тизимни такомиллаштириш	Тизимни оптималлаштириш
Методология	Реал тизим фаолиятини режалаштирилган ҳолатдан четланиши сабабларини аниқлаш	Реал ва оптимал тизим ўртасидаги фарқланишни аниқлаш
Қўйиладиган урғу	Юзага келган четланишларни тушуниш	Истиқболдаги натижаларни прогнозлаш
Ёндашув	Интроспектив: тизимдан ички муҳитга қараб	Экстроспектив: тизимдан ташқи муҳитга
Режалаштиришнинг роли	Аръергард: мавжуд тенден-циялар ортидан бориш	Авангард: тенденцияларга таъсир ўтказиш

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўринадики, тизимни такомиллаштириш усулида муаммолар мавжуд тизимнинг нормал фаолиятини таъминлаш билан алоқадор. Тизимли ёндашув моҳиятан тизимни лойиҳалаштириш усули ҳисобланади, шунинг учун тизим

[1] Муаллиф ишланмаси

характери ва унинг катта тизимлардаги роли шубҳа остига олинади. Тизимли ёндашувда юзага келадиган биринчи савол – ушбу тизимнинг мавжудлигидан мақсад нима? Бунинг учун тизимни ўз таркибига олувчи катта тизимлар ёки тизим билан алоқадор тизимлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаб олиш зарур бўлади.

Тизимни лойиҳалаштириш, умуман олганда, тизимнинг оптимал конфигурациясини шакллантиришга йўналтирилган. Мазкур методология қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Муаммо, тадқиқ қилинаётган тизим ва уни ўз таркибига олувчи катта тизимлар ўртасидаги алоқадорлик ҳисобга олинган тарзда аниқланади.

2. Тизимнинг мақсадлари кичик тизимлар доирасида эмас, балки катта тизимларнинг мақсади билан ўзаро алоқадорликдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

3. Мавжуд лойиҳаларнинг самарадорлиги оптимал лойиҳа билан таққосланиш орқали баҳоланади.

К.А.Маматкулова – старший преподаватель СамИЭС

РОЛЬ ИНТЕРАКТИВНЫХ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ СРЕДСТВ И ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Современная социально-экономическая ситуация способствует тому, что многие сферы человеческой деятельности, в том числе и образование, стремительно развиваются за счет внедрения различных инноваций, что привело к смене парадигм образования от традиционной к инновационной, которая требует от высшего образования совершенствования подготовки квалифицированного работника соответствующего уровня, что обуславливает необходимость формирования иноязычной коммуникативной компетенции, которая является ведущей целью обучения иностранному языку.

Языковая компетенция – это сложное явление, требующее расчленения всего комплекса явлений входящих в нее, на отдельные компоненты. Все преподаватели должны строить свою работу с учетом реальных потребностей, мотивации и способностей студентов.

Применение новых информационных технологий в обучении иностранному языку – это не только новые технические средства, но и новые формы и методы преподавания, новый подход к процессу обучения. Основными задачами преподавателей являются создание условий практического овладения языком, выбор методов обучения, которые позволили бы каждому студенту проявить свою активность и свое творчество, а также активизации познавательной деятельности студента в

процессе обучения иностранному языку.

Современные технологии позволяют решить ряд педагогических задач, направленных на активизацию учебной деятельности и развития культуры самостоятельной работы студентов. Необходимость использования инновационных технологий обусловлена также непрерывным увеличением объема информации, который нужно изучать и перерабатывать в ходе обучения. Интернет и информационные технологии направлены на формирование единого образовательного пространства на всей территории европейского сообщества. Основным преимуществом использования инновационных технологий в обучении иностранному языку является перенесение акцентов с традиционных вербальных способов передачи информации на аудиовизуальные способы. В интернете часто представлены самые новые разработки и у студентов есть возможность их выбрать. Информационные технологии снимают проблемы тиражирования и распространения учебного материала, доступ к нему можно получить как в учебном заведении, так и дома, в удобное для пользователя время.Согласно новым образовательным стандартам, на самостоятельную работу студентов отводится более 50% от общего количества часов. При этом возрастает роль личностно ориентированного подхода и индивидуализации образования. Интернет и сетевое сообщество выполняют роль посредника между студентами и предметами культуры, что лежит в основе деятельности обучения. Оно во многом определяет, а также отображает контекст жизнедеятельности обучаемых, что позволяет преподавателям конструировать образовательную среду, выстраивать обучение в плане профессиональных интересов студентов, жизненных перспектив и способностей. Из этого следует , что традиционные методы работы имеют достаточно ограниченный потенциал по сравнению с инновационными. Современные реалии ставят перед преподавателями высшей школы задачу использования новых передовых образовательных технологий, методов обучения, потенциал которых велик и его необходимо эффективно использовать.

В настоящее время приоритет отдается коммуникативности, интерактивности, аутентичности общения, изучению языка в культурном контексте, автономности и гуманизации обучения. Данные принципы делают возможным развитие межкультурной компетенции как компонента коммуникативной способности.Новые взгляды на результат обучения способствовали появлению новых технологий и отказу от устаревших. Сегодня новые методики с использованием интернет-ресурсов противопоставляются традиционному обучению иностранным языкам. Понятие «традиционный» ассоциируется в первую очередь с заучиванием правил и выполнением языковых упражнений, иначе говоря «разговорами о языке вместо общения на языке». Многие преподаватели убеждены, что хороший лексический запас и надлежащее знание, а также верное употребление грамматических структур иностранного языка лежат в

основе процесса обучения. Однако такое убеждение нельзя считать абсолютно верным, так как необходимость наличия мотивации и эмоциональной составляющей, присутствующей в любой коммуникации, зачастую не прописываются в методическом материале. Для того чтобы научить общению на иностранном языке, нужно создать реальные, настоящие жизненные ситуации, которые стимулируют изучение материала и вырабатывают адекватное поведение. Эту ошибку пытаются исправить инновационные технологии.Как известно, то чему обучается человек, он стремится использовать в предстоящей деятельности. Известно также, что использование знаний, навыков и умений основано на переносе, который зависит от адекватности условий обучения тем условиям, в которых эти знания, навыки и умения предполагается использовать. Следовательно, готовить студента к участию в процессе иноязычного общения нужно в условиях такого общения, созданных в аудитории. Это и определяет сущность коммуникативного обучения, которая заключается в том, что процесс обучения является моделью процесса общения.Коммуникативный подход является стратегией, моделирующей общение, создание психологической и языковой готовности к коммуникации, на сознательное осмысление материала и способов действий с ним, а также на осознание требований высказывания. Для пользователя реализация коммуникативного подхода в интернете не представляет особой сложности.

Коммуникативное задание должно предлагать студентам проблему или вопрос для обсуждения, причем они должны не просто делиться информацией, но и оценивать ее. Важно, чтобы такое задание делало возможным гибкое использование всех знаний и умений. Основным же критерием, позволяющим отличить этот подход от других видов учебной деятельности является то, что студенты самостоятельно выбирают языковые единицы для оформления своих мыслей. У них есть возможность выразить себя и свой опыт посредством иностранного языка. Коммуникативный подход в значительной степени направлен на обучаемого, что отвечает основному критерию современной дидактики.

Использование интернета и других инновационных технологий в коммуникативном подходе как нельзя лучше мотивировано: его цель состоит в том, чтобы заинтересовать обучаемых в изучении иностранного языка посредством накопления и расширения их знаний и опыта. Они должны быть готовы использовать язык для реальной коммуникации вне занятий, например, во время посещений страны изучаемого языка, при переписке и т.д. При этом термин коммуникативность не должен пониматься узко, чисто прагматически. Коммуникативность не сводима только к установлению с помощью речи социальных контактов. Это приобщение личности к духовным ценностям других культур – через личное общение и чтение книг. Коммуникативное обучение языку посредством информационных технологий подчеркивает важность

развития способности студентов и их желание точно и к месту использовать изучаемый иностранный язык для целей эффективного общения. Первостепенное значение придается пониманию, передаче содержания и выражению смысла, а изучение структуры и словаря иностранного языка служат этой цели. В дополнение к коммуникативным потребностям, обучаемым необходимо освоить методику работы с инновационными технологиями, чтобы быть более ответственными за свое собственное обучение. Им нужно выработать способность справляться с ситуацией, когда их языковые ресурсы недостаточно адекватны; иметь хорошие учебные навыки; способность оценивать свою собственную речь и успехи, а также способность определять и разрешать учебные проблемы.

Развитие самостоятельности обучаемого с помощью глобальной сети представляет собой постепенный процесс, который следует постоянно поощрять. Возможно, наиболее важной задачей, стоящей перед преподавателем, является нахождение оптимальных способов вести обучаемых к постепенно возрастающей самостоятельности.Одним из многих требований, предъявляемых к обучению иностранным языкам с использованием интернет-ресурсов и мультимедийвного оборудования, является создание взаимодействия на уроке, которое принято называть в методике интерактивностью. Данный принцип не является новым, однако до сих пор он не имеет единого и общепринятого определения. Р.П.Мильруд определяет интерактивность как объединение, координацию и взаимодополнение усилий коммуникативной цели и результата речевыми средствами. Согласно этому определению можно сделать вывод, что интерактивный подход в виртуальном пространстве служит одним из средств достижения коммуникативной цели на занятии. От принципа коммуникативности он отличается наличием истинного сотрудничества, где основной упор делается на развитие умений общения и групповой работы, в то время как для коммуникативного задания это не является обязательной целью.

Интерактивность не просто создает реальные жизненные ситуации, но и заставляет адекватно реагировать на них посредством иностранного языка. И когда это начинает получаться, можно говорить о языковой компетенции. Пусть даже при наличии ошибок. Главное умение спонтанно, гармонично реагировать на высказывание других, выражая свои чувства эмоции, подстраиваясь и перестраиваясь на ходу. Таким образом, мы можем рассматривать интерактивность как способ саморазвития через интернет: возможность наблюдать и копировать использование языка, навыки, образцы поведения партнеров; извлекать новые значения проблем во время их совместного обсуждения.В результате повсеместного использования интерактивных мультимедийных средств и интернет технологий в обучении языку и межкультурной коммуникации в международной научной литературе появился термин Computer-mediated Communication (CMC) , обозначающий использование

использование интерактивных возможностей компьютера, а также дифференцирующий реальный языковой дискурс от компьютеризированной интеракции. В заключение хотелось бы отметить, что потенциал использования информационных технологий в области обучения иностранного языка огромен и его возможности еще не до конца изучены. Разработка инновационной методики обучения иностранному языку в вузе является приоритетными направлениями в современной лингвистической и методической науках и требует дальнейшего изучения.

Ш.Ш.Муминова, Ф.Э.Матякубова, Н.Т.Раббимова – ассистенты
Самаркандский Государственный Медицинский института, Кафедра Инфекционных болезней, эпидемиологии и дерматовенерологии

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ СТУДЕНТАМ ВУЗА

Инновации (англ. Innovation - нововведение) - внедрение новых форм, способов и умений в сфере обучения, образования и науки. В принципе, любое социально-экономическое нововведение, пока оно еще не получило массового, т.е. серийного распространения, можно считать инновациями.

Инновация в образовании – это нововведение, предназначенное для разрешения актуальной проблемной ситуации (с целью обеспечения оптимизации учебного процесса, повышения качества образования или организации благоприятных условий усвоения материала), существенные изменения в одном или нескольких пунктах: содержании образования, методах преподавания, подготовки занятий и их проведения, формах контроля качества обучения [2]. Информационные технологии занимают очень важное место в профессиональной деятельности преподавателя.

Внедрение в процесс обучения информационных технологий обеспечивает доступ к различным информационным средствам и способствует обогащению содержания обучения, придает логический и поисковый характер, также решает проблемы поиска путей и средств активизации познавательного интереса обучающихся, развития их творческих способностей, стимуляции умственной деятельности.

Особенностью процесса с применением информационных технологических средств является то, что центром деятельности становится обучаемый, который исходя из своих индивидуальных способностей и интересов, выстраивает процесс познания. Между преподавателем и обучаемым складываются «субъект-субъектные» отношения. Преподаватель часто выступает в роли помощника,

поощряющего оригинальные находки, стимулирующего активность, инициативу, самостоятельность.

Практика использования информационных технологий позволяет сделать следующий вывод, что использование информационных технологий на занятиях имеет следующие преимущества в сравнении с традиционным обучением: современность и актуальность учебного материала, наличие дополнительного и сопутствующего материала, эстетичность и наглядность, возможность распечатки материала для последующей индивидуальной работы, возможность блочного обозрения темы, опережения знаний, обучение через игровую или практическую деятельность, повышение интереса обучающихся к обучению, более чёткая организация деятельности преподавателя.

Специфика образования предъявляет особые требования к использованию разнообразных технологий. Наряду с технологизацией образовательной деятельности неизбежен процесс ее гуманизации, что сейчас находит все более широкое распространение в рамках личностно-деятельностного подхода. Глубинные процессы, происходящие в системе образования и в нашей стране, и за рубежом, ведут к формированию новой идеологии и методологии образования как идеологии и методологии инновационного образования. Инновационные технологии обучения следует рассматривать как инструмент, с помощью которого новая образовательная программа может быть претворена в жизнь [3]. Целью инновационной деятельности является качественное изменение личности обучающегося по сравнению с традиционной системой. Инновационная деятельность в образовании как социально значимой практике, направленной на нравственное самосовершенствование человека, важна тем, что способна обеспечивать преобразование всех существующих типов практик в обществе. Это становится возможным благодаря внедрению в профессиональную деятельность не известных практике дидактических и воспитательных программ. Развитие умения мотивировать действия, самостоятельно ориентироваться в получаемой информации, умение воспользоваться этими знаниями в практической деятельности, формирование творческого нешаблонного мышления, используя новейшие достижения науки и практики, - основные цели инновационной деятельности.

Учитывая переход к глобальному информативному обществу и становлению знаний, об адекватности образования социально-экономическим потребностям настоящего и будущего можно говорить лишь в том случае, если его модернизация будет основываться не только и не столько на организационных нововведениях, сколько на изменениях по существу – в содержании и технологиях подготовки кадров и подготовке научных исследований. Образование должно обладать способностью к опережающему развитию, отвечать интересам общества, конкретной личности и потенциального работодателя.

Использование информационно-коммуникационных технологий дает возможность значительно ускорить процесс поиска и передачи информации, преобразовать характер умственной деятельности.

Использование новых информационно-коммуникационных технологий в образовании позволяет дифференцировать процесс обучения с учетом индивидуальных особенностей, дает возможность творчески работающему преподавателю расширить спектр способов предъявления информации, позволяет осуществлять гибкое управление учебным процессом, является социально значимым и актуальным. Информационные технологии должны стать не дополнительным средством в обучении, а неотъемлемой частью целостного образовательного процесса, значительно повышающими его эффективность.

Таким образом, применение инновационных технологий в обучении, способствует улучшению качества обучения, увеличению доступности образования, обеспечению гармоничного развития личности, ориентирующейся в информационном пространстве. Использование информационных технологий в учебном процессе позволяет не только модернизировать его, но и повысить эффективность, мотивировать обучающегося и дифференцировать процесс обучения с учётом индивидуальных особенностей обучаемого.

Список использованных литератур:

1. Артюхов И.П., Петрова М.М., Винник Ю.С., Серова Е.В. Инновации в высшем медицинском образовании. Вузовская поддержка развития научно-исследовательской работы студентов в красноярском государственном медицинском университете имени профессора В.Ф. Войно-Ясенецкого // Современные проблемы
2. Богуславский М.В. Методология, содержание и технологии образования (историко-педагогический контекст): монография. – М.: Научная книга, 2011. – 222 с.
3. Степанова С.Н. Понятие, структура и содержание инновационного процесса в университетской образовательной среде // Известия Томского политехнического университета. 2009. − Т. 314. − № 306. – С. 130-132. 2.

С.А.Бабаназарова – СамИСИ ўқитувчиси,
У.С.Хидирова – Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Таълим тизиминида ҳақиқий тизим таъминланиши лозим. Акс ҳолда, яъни тизим бўлмаган ҳолатда ораликда узулиш бўлган жойларда тўлақонли таълимни таъминлаш қийин. Бола матабга борганда мактабга тайёр бўлиб бориш керак. Олий ўқув юртига кирганга шу даражада ўқийдиган ҳолатга ҳам тайёр бўлиши лозим. Шунингдек, олий ўқув

юртидан кейинги таълимга ҳам тайёр бўлмаса, етарли самарага эришиб бўлмайди. Чунки, ёмон пойдевор устига яхши иморат қуриб бўлмайди.

Макаб таълимининг пайдевори мактабгача таълимда қўйилади. Ўрта махсус, касбий таълимнинг даражаси умумтаълим мактаб таълимида қўйилган пойдеворга боғлиқ. Умумтаълим муассаси битирувчилари ва ўрта махсус ўқув юртларидаги тайёргарлик ҳолати олий таълим тизимда самарали ўқиш учун пайдевор ҳисобланади. Ушбу бир-бири билан боғлиқ ўзаро алоқадор омиллар таълимнинг умумий даражасига таъсир қилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Таълим тизимнинг бир-бирига боғлиқлик пайдевори

Таълимнинг сифати биринчи галда ушбу таълим муассасида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар таркиби билан узвий боғлиқ. Чунки, таълим муассаси ўзида ишлаётган ўқитувчилардан яхшироқ бўла олмайди. Улар қандай бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Ушбу омилларга уларнинг касбий малака, психологик-педагогик тайёргарлик даражаси, маънавият-маърифат ва маданий савияси, улар меҳнатини рағбатлантириш механизмларининг таъсирчанлиги, таълим олувчилар билан ҳамкорлик даражаси кабилар киради.

Ўқув режалари ва фанлар дастурини, ўқув-методик таъминот, моддий-техникавий таъминот, малакавий амалиёт ва бошқалар давлат таълим стандартида (ДТС) белгиланади. Ушбу ҳужжатлар таълимнинг асосини ташкил қилади. Ушбу ҳужжатларга киритиган фанлар бугунги кун ва келажак учун муҳим фанлар бўлишлиги керак. Акс ҳолда мутахассислик бўйича олган таълим мутахассислик бўйича ишлашга тўғри келмаса, бундай таълим жамият учун фақат зарар бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли яхши меъёрий-ҳуқуқий асос – яхши таълимни таъминлайди. Яхши ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни ва уни оқилона бошқаришн етук мутахассисни шакллантиради.

Шуни эътироф этиш керакки, таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлашуви ҳам таълим сифатини оширадиган муҳим омиллардан биридир. Бунинг учун ўқув жараёнида малакали мутахассислар, фан ва техниканинг замонавий моддий-техникавий базаси билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, ўқув жараёнининг ўзидаёқ амалиёт муаммоларини ҳал этишда иштирок этиш бўлғуси мутахассисларни бевосита амалиётга тайёрлаш имконини беради.

Таълим тизимининг ривожланишига таълим муассасаси ва унинг бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ омиллар ҳам катта таъсир этади. Бунда бошқариш тизими, бошқариш усули ва услуби, раҳбарнинг индивидуал, жамоавий-руҳий сифатлари муҳим роль ўйнайди. Шу орқали таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувига эришилади. Бу эса ўз навбатида рақобатбардош кадрларнинг шаклланишига асос бўлади. Рақобатбардош кадрлар рақобатбардош иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда таълимни бошқарув ўз мазмун ва моҳиятига кўра меҳнат жамоаси ҳаётида ақлий-тартибий аҳамият касб этади. Бу ҳолат корхона эҳтиёжи ва манфаатлари, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза масалаларининг ҳал қилинишида муҳим роль ўйнайди. Бу ўз навбатида бозор муносабатлари шароитида рақобат муҳити яратиш билан бирга, унинг истиқболини ҳам белгилайдиган омиллар ҳисобланади.

Таълим сифати биринчи галда, ўқитилаётган шахсларнинг индивидуал ва жамоавий-руҳий сифатларини шакллантиришга, ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш омилларнинг таъсирчанлигини оширишга боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳат, таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифати муаммоларига тизимли ёндашиш зарур бўлади. Мазкур омилларнинг бутун мажмуини улар боғлиқлиги ва алоқадорлигида, бир занжирнинг халқалари сифатида бошқариш зарурати туғилади. Кўриниб турибдики, мазкур тизимдан бирор бўғини тушиб қолса ёки сакраб ўтилса, таълим сифатини бошқариш тизимида узилиш содир бўлишига олиб келади. Мазкур тизимдаги узилишлар бирор омил йўл қўйилган чегарадан чиққанида ҳам содир бўлади. Шунинг учун омиллар мажмуини бозор иқтисодиёти, корхона, жамият ва давлат белгилайдиган талаб чегарасида бошқариш тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда инновацион ҳамкорликда ишлаш кўникмасини нафақат илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, балки талабаларда ҳам шакллантиришга эришиш лозим бўлади. Айнан инновацион ҳамкорликларда бажарилган курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари бўлажак мутахассисларни нафақат илмий ходимлар, балки амалиётга ҳам илмий жиҳатдан ёндашадиган менежерлар ва бошқа касбдаги мутахассислар сифатида шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги тезкор ривожланаётган даврда фан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясини кучайтиришда талабаларни илмий мактаблар ҳамда иқтидорли талабалар илмий тўгаракларига кенг жалб қилиш билан бирга бевосита тажриба майдонларида амалий ҳаётни ҳам бирга олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Илмий мактаблар ва тўгаракларни узлуксиз ишлаши, уларда фанларнинг энг долзарб муаммоларини доимий равишда муҳокама этиб борилиши мустақил изланувчи илмий ходимлар билан талабаларда ҳам у ёки бу муаммо бўйича ўз фикрини шакллантиришга,

уларни ҳал қилиш бўйича кўникмаларни ҳосил қилишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Тадқиқотлар натижасида қилинган хулосалар бўйича қарайдиган бўлсак, республикамиз олий ўқув юртларида фан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясини таъминлашга қаратилган ишларни узлуксиз ва доимий олиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун юқорида келтирилган масалаларни ҳамда бошқа қаламга олинмаган бир қанча мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мамлакатимизнинг интеллектуал мулкининг янада кўпайишига, келажакда бу мулкни эгалари бўлмиш ёшлар тарбиясини янги даражаларга кўтаришга имкон беради.

N.Parpiyeva – TMI katta o‘qituvchisi,
F.Soatov – TMI talabasi

RAQOBATBARDOSH KADRLARNI TAYYORLASHDA TA’LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Ta`lim jarayonida ilg‘or pedagogik texnologiyalarni faol qo‘llash, ta`lim samaradorligini oshirish, tahlil qilish va amaliyotga joriy etish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. Talabalarning fikr doirasi, ongi, dunyoqarashlarini o‘stirish, ularni erkin tinglovchidan erkin ishtirokchiga aylantirmoq nihoyatda muhimdir. O‘qituvchi darsda boshqaruvchi talabalar esa, ishtirokchiga aylanmog‘i lozim. Ana shu vazifani uddalashda innovatsion faoliyat ustunligi ko‘p qirrali samara keltiradi.

Kadrlar tayyorlash borasidagi davlat siyosati uzluksiz ta’lim tizimi orqali shaxsning har tomonlama barkamol bo‘lib yetishishini nazarda tutadi. Shaxs ta’lim xizmatlarining ishlab chiqaruvchi sifatida ta’lim jarayonida bilim va tajribani o‘rganuvchi, ishlab chiqarish moddiy muhiti faoliyatida fan, madaniyat, xalq xizmatida ishtirok etadi.

Uzluksiz ta’lim jarayonida oliy ta’lim muhim o‘rinni egallaydi. Yuqori ma’naviyatli, pok odob va axloqqa, ensiklopedik ma’lumotga, ruxiy va jismoniy barqarorlikka ega bo‘lgan kadrlar tarbiyalashda, o‘qitishda innovatsiya metodlaridan foydalanish zarur. «Innovatsiya» - lotincha - o‘qitishda yangiliklardan foydalanish mazmunini bildiradi.

O‘qituvchi o‘z mutaxassisligi bo‘yicha olgan bilimidan qat’iy nazar, ta’lim tarbiya jarayoniga qadam qo‘yar ekan, pedagogik va psixologik bilimlar, innovatsion texnologiyalar hamda o‘qitish metodlari yig‘indisi bo‘lgan zarur pedagogik minimumlarni egallab olishi zarur.

O‘qitishda an’anaviy - standart va noan’anaviy - nostandart o‘qitish usullarini tanlash, o‘yinlar, rol o‘ynash va vaziyatli texnologiyalardan foydalanish yaxshi samaralar berishi ilg‘or chet el tajribalaridan ma’lum.

O‘zbekiston pedagoglari pedagogik texnologiyani yetarlicha o‘zlashtirishmagan. Albatta bu holatni tuzatishga jiddiy e’tibor qaratish zarur. Ko‘p bosqichli ta’lim tizimida, yangi standartlar va dasturlar doirasidagi ta’lim jarayonini eskirgan uslubiyat bo‘yicha olib borilishiga yo‘l qo‘yib bo‘lmaydi. Ta’lim tizimidagi keng qamrovli tarkibiy islohatlarni Respublika pedagoglari ilg‘or pedagogik texnologiyalarni o‘zlashtirish va o‘quv jarayoniga qo‘llash bilan mustahkamlashlari zarur. Avval ta’kidlanganidek, buning uchun pedagoglarimizni o‘quv jarayoniga tyexnologik yondashuvlarini o‘rgatish talab etiladi, bu esa pedagogik texnologiyadan foydalanishdan tashqari uni O‘zbekiston madaniyati, an’analari va tajribasi bilan boyitishga olib keladi.

Innovatsion texnologiyalar ta’lim-tarbiya jarayonining bir tizimga solingan ilmiy-nazariy va metodik asoslangan yangi shakl, usul va vositalarining majmuidir. Bunda yangi mazmun, shakl, usul va vosita uyg‘unligida maqsad, vazifa, faoliyat va pedagogik natija yaxlitligi ta’minlanadi hamda o‘quv maqsadlariga erishishni kafolatlaydigan o‘quv jarayoni loyihalashtiriladi va amalga oshiriladi.

Innovatsion texnologiyalar asosida baxs-munozara darslari, aqliy hujum o‘yinlaridan keng ko‘lamli bilim, tajriba va mustaqillikka asoslangan holda mashg‘ulotlar tashkil etilsa, quyidagi natijalarga erishiladi:

- mashg‘ulotlar davomida talabalarning mustaqilligi, ixtiyoriyligi va erkinligiga erishiladi;
- talabalar o‘z fikr va qarashlarini himoya qilishga o‘rganadilar, ularni boshqalarga yetkazish mahoratini egallaydilar;
- talabalar jamoa fikriga tayanishga, uni hurmat qilishga o‘rganadilar va ularda o‘zaro hurmat hissi ortib boradi;
- talabalar o‘quv faniga doir materiallar bilan mustaqil ishlashga, izlanishga, o‘qitishning samarali shakl va uslublaridan ijodiy foydalanishga odatlanib boradi;
- talabalarda bilimlarni mustaqil egallash, ijodiy fikr yuritish va erkin fikrlash malakalari shakllanadi;
- o‘quv mashg‘ulotlarida axborot texnologiyalaridan foydalanishga, o‘zaro fikr almashishga, pedagogik faoliyatni tanqidiy tahlil qilish va taqqoslashga o‘rganadilar.

Yangicha yondoshuv, yangicha fikrlash asosida o‘qitish jarayonida talabalar faoliyatining samarali shakl va uslublari, ularni mustaqil ishlarini tashkil qilish kerak. Bunday mustaqil topshiriqlar talabalarni o‘ylashga, har tomonlama fikr yuritishga, berilgan topshiriqlarni o‘z hayotiy tajribalariga asoslanib hal etishga o‘rgatadi. Ma’ruza va amaliy mashg‘ulotlarni o‘tish jarayonida muammoli vaziyat talabalarning qiziqishi, bilim saviyasi, fikr yuritish doirasi hisobga olingan holda tashkil qilinadi. Muammoli vaziyatni yaratishdan ko‘zlangan asosiy maqsadni amalga oshirish uchun vaziyatni baholashda talabalarning og‘zaki va yozma javoblaridan vaqti-vaqti bilan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o‘qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik, o‘zgarishlar kiritish bo‘lib, uni amalga oshirishda asosan interfaol metodlardan to‘liq foydalaniladi. Interfaol metodlar - bu jamoa bo‘lib fikrlash deb yuritiladi, ya’ni pedagogik ta’sir etish usullari bo‘lib, ta’lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarning o‘ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o‘quvchi talabalarning birgalikda faoliyat ko‘rsatishi orqali amalga oshiriladi. Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, ularga quyidagilar kiradi:

- o‘quvchi-talabani dars davomida befarq bo‘lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etish;
- o‘quvchi-talabalarni o‘quv jarayonida bilimga bo‘lgan qiziqishlarini doimiy ravishda bo‘lishini ta’minlashi;
- o‘quvchi-talabaning bilimga bo‘lgan qiziqishini mustaqil ravishda har bir masalaga ijodiy yondashgan holda kuchaytirishi;
- pedagog va o‘quvchi-talabaning hamisha hamkorlikdagi faoliyatini tashkillanishi.

Pedagogik texnologiyalar masalalari, muammolarini o‘rganayotgan o‘qituvchilar, ilmiy-tadqiqotchilar, amaliyotchilarning fikricha, pedagogik texnologiya – bu faqat axborot texnologiyasi bilan bog‘liq, hamda o‘qitish jarayonida qo‘llanishi zarur bo‘lgan TSO, kompyutyer, masofali o‘qish, yoki turli xil texnikalardan foydalanish deb belgilanadi. Bizning fikrimizcha, pedagogik texnologiyaning eng asosiy negizi bu o‘qituvchi va o‘quvchi-talabaning belgilangan maqsaddan kafolatlangan natijaga hamkorlikda erishishlar uchun tanlagan texnologiyalariga bog‘liq deb hisoblayman, ya’ni o‘qitish jarayonida, maqsad bo‘yicha kafolatlangan natijaga erishishda qo‘llaniladigan har bir ta’lim texnologiyasi o‘qituvchi va talaba o‘rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil eta olsa, har ikkalasi ijobiy natijaga erisha olsa, o‘quv jarayonida o‘quvchi-talabalar mustaqil fikrlay olishsa, ijodiy ishlay olishsa, izlanishsa, tahlil eta olsalar, o‘zlari xulosa qila olishsa, o‘zlariga, guruhga, guruh esa ularga baho bera olsa, o‘qituvchi esa ularning bunday faoliyatlari uchun imkoniyat va sharoit yarata olsa, mening fikrimcha, ana shu, o‘qitish jarayonining asosi hisoblanadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki raqobatbardosh talaba yoshlarni yetishtirishda ta’lim jarayonida turli xil innovatsion texnologiyalardan foydalanish talabalarni bugungi kunning zamonaviy texnologiyalaridan foydalana olishiga yordam bera oladi. Hamda shu bilan birgalikda nafaqat innovatsion texnologiyalardan foydalanish balki, pedagogik texnologiyalardan foydalanish talabalarni mustaqil fikrlashga undaydi hamda yordam beradi.

VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Булар жумласига электрон ҳужжат айланиши тизимларининг жорий қилинишини, электрон тўловларнинг ривожланаётганлигини, электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базаларнинг такомиллаштирилаётганлиги каби бир қанча ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилаётган тадбирларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда "Блокчейн" технологиялари, яъни маълумотларнинг блоклар занжири бўйича тақсимланган реестри технологиялари, "сунъий ақл", суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири крипто-активлар бўйича фаолиятни юритиш ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт технологиялари нафақат иқтисодиёт секторларига, балки давлат бошқаруви тизимига ва бошқа жамоатчилик муносабатларига ҳам аста-секин жорий этилмоқда. 2017 йилдан буён давлат бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизими амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарорига имзо чекди. Мазкур қарорда қуйидаги тадбирлар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб ҳисобланиши таъкидланган:

“инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли крипто валюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича

фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш. суғурталаш. крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек. "блокчейн" технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

"блокчейн" технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

крипто-активлар бўйича фаолият ва "блокчейн" технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун "блокчейн" технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган холда "блокчейн" технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш"[1] вазифалари белгиланган.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда "блокчейн" технологияси, "сунъий ақл", крипто-активлар, крипто-биржалар, суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланилади. Ушбу тушунчалар қуйидагича изоҳланади (1-жадвал).

1-жадвал

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва жараёнларнинг изоҳлари

Т/р	**Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва жараёнларнинг номи**	**Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва жараёнларнинг изоҳи**
1.	"Блокчейн" технологияси	Блоклар занжири – блокчаларга бўлинган маълумотлар базаси. Сахталаштириб бўлмайдиган иқтисодиётнинг асоси бўлиб ҳисобланади.
2.	"Сунъий ақл"	Тинглаш, эшитиш, кўриш, хотирада сақлаш каби функцияларни инсон

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сон қарори. // "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 4 июль.

		иштирокисиз бажарадиган қурилмалар
3.	Крипто-активлар	Бу криптовалютанинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этадиган, компаниялар ва гуруҳ шахслар томонидан амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларни қўлга киритиш ёки активларни сотиб олиб, уларни капиталлаштириш мақсадида криптоактивларни тавсия қилган эгалари томонидан кафолатланган идентификацияланган рақамли молиявий инструмент бўлиб ҳисобланади.
4.	Крипто-биржалар	Бу барча савдо битимларини янги ахборот технологиялари билан амалга оширадиган замонавий компьютерлар билан таъминланган юқори технологик марказ ҳисобланади.
	Крипто-валюталар	Бу криптография (яширин рақамли имзо) технологияга асосланган жисмоний шаклга эга бўлмаган, яширин, марказлашмаган, ҳимоя қилинган рақамли пул ҳисобланади.
5.	Суперкомпьютерлар	Юқрпи қувватга эга кўпфункцияли компьютерлар
6.	Крауд-фандинг	Жамоавий молиялаштириш билан боғлиқ жараёнлар
7.	Смарт-кантракт	Рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома
8.	Майнинг	Турли крипто валюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият
9.	“Электрон ҳукумат”	Давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация техно-логияларини кенг қўллаш орқали бошқаришдир

Ҳозирги кунда нақдсиз тўловлар юридик шахслар ўртасида амалга оширилмоқда. Уни юридик шахслар билан жисмоний шахслар ва

жисмоний шахслар билан жисмоний шахслар ўртасида ҳам амалга ошириш орқали рақамли иқтисодиётни шу йўналишда ҳам шакллантириш ва унинг ривожланишини таъминлаш мумкин. Нақтсиз муомала фақат юридик шахслар ўртасида сақланиб қолса, жисмоний шахслар бундан маҳрум бўлса, боз устига, мамлакатимиз ҳудудида ҳам савдо-сотиқ хорижий валютада амалга оширилса, валютанинг қора бозори тугаб кетмайди ва мос равишда, яширин иқтисодиётнинг сақланиб қолишига ҳам сабаб бўлади. Шу туфайли нақдсиз тўлов тизимини кенгайтириш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки, рақамли иқтисодиётнинг бир йўналиш нақд пулсиз тўловларни йўлга қўйишдан иборатдир. Ушбу тадбирни амалга ошириш анча мураккаб жараён. Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудида буни амалга ошириш учун тегишли инфратузилма шакллантирилган бўлишлигини, суперкомпьютерлар билан жиҳозланган ахборот технологиялари билан таъминланган бўлишлигини, узлуксиз энергия таъминоти ҳам ҳал қилинган бўлишлиги кабиларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарорида бир қанча йўналишлар белгиланган.

Биринчидан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қилиб Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги белгиланган. Ушбу агентлик мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий қилишда бевосита иштирокчи ва назоратчи ролини ўйнайди.

Иккинчидан, мамлакатимизда крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, «блокчейн» технологиялари жорий қилинади. Ҳозирги кунда тажриба тариқасида ушбу йўналишлар жорий қилинган. Келажакда булар оммавий тарзда амалга оширилади. Натижада фуқароларимизда қўшимча даромад қилиш имкониятлари кўпаяди.

Учинчидан, «блокчейн» технологиялари ва шу билан боғлиқ инновацион йўналишлар бўйича уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам йўлга қўйилади. Ушбу жараён учун кадрлар ҳозирча тайёрланмаяпти. Шу туфайли бир қанча янги мутахассисликларни мамлакатимизнинг миллий классификаторига киритиш ва алоҳида мутахассис сифатида тайёрлаш ишлари ҳам йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар (резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга ошириладиган операциялар) солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди. Мос равишда, мазкур операциялар юзасидан олинган даромадлар эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди. Ушбу даромад манбаи аҳоли учун соф даромад бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия берилади. Бундай лицензияга сазовар бўлган шахслар томонидан ўтказиладиган крипто-активлар айланмаси билан боғлик валюта операцияларига валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётга иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, уни сахталаштириш имкониятини чеклайдиган, одамларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган замонавий иқтисодий механизмлар мажмуидан иборат, деб баҳо бериш мумкин.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.,
У.Беглаев – ТДАУ докторанти

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Балиқчилик тармоғини ҳозирги даврда инновацион ривожлантириш зарурияти пайдо бўлди, авваламбор балиқчиликда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, такомиллашган, инновацион техника ва технологиялар ҳамда ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларидан фойдаланиш натижасида мавжуд ресурслардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш натижасида балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида — Япония, Ғарбий Европа мамлакатларида, Шимолий Америка, Австралия аҳолисининг бир киши ҳисобига бир йилда истеъмол қиладиган балиқ гўшти ўртача 25—45 кг тўғри келади. Балиқ озиқ-овқат маҳсулотида жуда муҳим бўлганлиги учун соғлиқни сақлаш тиббиёти энг камида бир киши бир йилда ўртача 12 кг балиқ гўштини истеъмол қилишни тавсия қилади. Ўртача жаҳон миқёсида балиқ гўшти маҳсулотларини истеъмол қилиш бир йилда бир киши ҳисобига 16,6 кг ни ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами аҳоли 30 млн дан ортиқ бўлса, бир киши бир йилда ўртача 0,5 кг дан балиқ гўштини истеъмол қилмоқда.[1]

Балиқчилик хўжаликларининг республикадаги ўрни алоҳида кўзга ташланиб туриши билан бир қаторда аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан ҳам таъминлаб келмоқда. Хўжаликлар бошқарув фаолиятида хўжалик раҳбарлари томонидан амалга оширилиб хўжаликлар давлат томонидан ташкил этилган уюшма билан узвий алоқа қилган ҳолда иш фаолиятини олиб боради .

[1] D. Xolmirzayev, P.S. Haqberdiyev, .R. Shohimardonov, E.S. Shaptaqov “Baliqchilik asosalari” T 2016-245 b-10 bet

Хўжаликларни Қашқадарё вилояти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда вилоятда 300 га яқин балиқчилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, 2017 йилда сунъий хавзаларни ўзида 2432,3 тоннага яқин балиқ маҳсулотлари етиштирилди.2018 йил 1 январ ҳолати бўйича 5336 т балиқ етиштирилган бўлиб, шундан фермер хўжаликлари 1168 т (22%), дехқон хўжаликлари 101 т (2%), йирик корхоналарида 54т (1%), кичик ва бошка корхоналар ҳисобига 4013 т (75%) тўғри келган.

Қашқадарё вилояти бўйича 2018 йилда 33 та лойиҳа амалга оширилиб, умумий ҳисобда 10 млрд сўм ажратилиб, 48 та янги иш ўрни яратилди.

Қашқадарё вилоятида балиқ ва балиқ маҳсулотлари йилдан етиштириш ҳажмининг ошиб бориши, бу соҳага янги технологияларнинг кириб келиши билан изоҳлаш мумкин.

Республикамизда аҳолининг исътемол талабидан келиб чиқиб хўжалик фаолиятида балиқ етиштиришни янада ошириш зарур. Балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш соҳаларини чуқурлаштириш лозим. Шунда балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириб, аҳолини бандлигини доимий таъминлашга эришиш мумкин. Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар олиб борилиши ҳамда аҳолини балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш асосий мақсада қилиб олишимиз лозим.

Балиқчилик хўжаликларининг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) балиқ чавоқларини етиштиришни такомиллаштириш бўйича:

- ✓ табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш учун қимматли балиқ турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда балиқчилик тармоғи ташкилотларига кўмаклашиш;
- ✓ личинка ишлаб чиқариш бўйича янги инкубация цехларини ташкил этиш, балиқ чавоқлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш, балиқ чавоқлари етиштириш бўйича мавжуд ҳовузларни модернизация қилиш ва кенгайтириш;

б) табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича:

- ✓ сув ҳавзалари ташкил этиш учун ер участкалари бериш масалаларида тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- ✓ балиқ етиштиришнинг замонавий технологияларини, шу жумладан, қафас усулини кенг жорий этиш ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларида маҳсулдорликни кўпайтириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини ошириш;
- ✓ балиқлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан балиқчилик

тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

в) балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш бўйича:

✓ балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестицион ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини олиб бориш;

✓ табиий ва сунъий сув ҳавзаларидаги балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш, республикада аквакультурани ривожлантиришни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

✓ имтиёз ва енгилликлар бериш, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг маблағларини жалб этиш йўли билан балиқчилик тармоғи ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

✓ маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, балиқ маҳсулотлари нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, балиқ маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш;

✓ халқаро талабларга мувофиқ сифат менежменти тизимининг замонавий усулларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни, балиқ маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш ва қадоқлашни жорий этиш;

✓ балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

✓ уюшма таркибига кирган корхоналар мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

Қарши туманида жойлашган “Намуна балиғи” МЧЖ суъний сув ҳавзаси 324 га бўлиб, 2017 йилнинг ўзида 875 тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2018 йилга келиб 1050,0 тонна балиқ етиштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қарши тумани “Намуна балиғи” МЧЖ нинг балиқ маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йил 2016 йилга нисбати +-
1	Овланган балиқ (тонна)	875	950,0	1050,0	175
2	Жами майдони (га)	363,3	363,3	363,3	0
3	Шундан товар балиқлар учун (га)	320,3	320,3	327,3	7

4	Балиқлантириш (минг дона)	1370,0	1 450,0	1 550,0	180
5	Минерал ўғит билан таъминлаш (тонна)	380,5	385,7	406,7	26,2
6	Омухта ем етказиб бериш (тонна)	1620,0	1665,3	1865,3	245,3
7	Балиқ овлаш режаси (тонна)	1100,2	1150,0	1250,0	149,8
8	Ўз маблағлари (млн.сўмда)	2171,35	2263,4	2363,94	192,59

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак хўжаликнинг ер майдони 363,3 гектар бўлиб, шундан 2016 йилда 320,3 гектаридан фойдаланилган бўлса, 2018 йилга келиб 327,3 гектаридан фойдаланилган. 2016 йилда 875 тонна балиқ овланган бўлса 2018 йилга келиб 1050 тонна балиқ овланган 2016 йилга нисбатан 20 % кўпроқ маҳсулот етиштирилган.

Балиқлантириш 2016 йилда 1370,0 минг дона бўлган бўлса, 2018 йилда 1550, минг донани ташкил этган яъни 20 % кўпроқ балиқ ташланган.

Қашқадарё вилоятида балиқ хўжаликлари ўрганилганда, қуйидаги хулосаларга келинди:

- ✓ балиқ хўжалиги етиштирган маҳсулотларнинг товарлилик даражасини ошириш;
- ✓ балиқ хўжаликларида ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказишдаги муаммоларни бартараф этиш, бунда асосан бозорни топиш маҳсулот исрофгарчилигининг олдини олиш;
- ✓ балиқ хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни аҳоли гавжум жойлар, бозорларга сифатли етказиш учун логистик транспорт тизимини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш;
- ✓ балиқ хўжаликларини бошқаришда замонавий менежментдан фойдаланиш;
- ✓ хўжаликларни бошқаришда иновацион тизимдан фойдаланиш ва ҳ.к.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
И.Р.Бердикулова – СамИСИ катта ўқитувчиси,
С.Халилов – ТДИУ, Туризм кафедраси ўқитувчиси

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ – ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА: бу қандай ривожланади?

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепцияси ишлаб чиқилди. Унда туризмни ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари ҳам берилган. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби қуйидаги жадвалда берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларининг динамикаси[1]

Йиллар	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар ўсиш суръати, %	Туризм хизматлари экспорти ўсиш суръати, %	Ички туристлар ўсиш суръати, %	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони ўсиш суръати, %	Жойлаштириш воситалардаги хоналар сони ўсиш суръати, %	Жойлаштириш воситалардаги ўринлар сони ўсиш суръати, %	Туроператорлар сони ўсиш суръати, %
2018	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2019	122,7	122,7	111,7	120,7	109,1	109,8	110,0
2020	131,3	133,7	123,1	176,8	153,2	154,0	121,0
2021	140,5	147,1	134,3	263,1	221,4	221,5	131,9
2022	151,7	163,3	145,1	281,5	236,8	237,0	138,4
2023	163,9	182,9	156,2	298,4	250,9	251,3	152,4
2024	177,0	206,7	167,2	313,3	263,6	263,8	160,0
2025	189,4	234,8	178,6	329,0	276,8	277,0	175,1

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018-2025 йиллар давомида туризмнинг асосий инфратузулмаларидан бири бўлган меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони 329,0 % ўсиши кўзда тутилган. Ана шу жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони 277,0 %га ўсиши прогноз қилинган бўлса, ундаги хоналар сони 276,8 % ўсиши кўзда тутилган. Ушбу кўрсаткичлар эвазига туризм хизматлари экспорти ҳам 234,8 % ўсиши прогноз қилинган. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонига боғлиқ. Ушбу кўрсаткич шу йилларда 189,4 % ўсиши прогноз қилинган. Шу даврда ички туристлар сони 178,6 % ўсиши кўзда тутилган бўлса, туроператорлар сони 175,1 % ўсиши мўлжалланган. Булардан кўриниб турибдики, туроператорлар фаолияти самарадорлиги йилдан-йилга ошиб боради. 2019 йилда туроператорлар фаолиятининг самарадорлиги 1,11 коэффициентни (122,7/110,0) ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб 1,34 коэффициентни (234,8/175,1) ташкил қилмоқда. Бундай ўзгаришларни бошқа кўрсаткичларни қиёслаш натижасида ҳам аниқлаш мумкин. Бундай хулосага аниқлик киритиш учун ушбу кўрсаткичларнинг мутлақ ва нисбий миқдорларини ҳам қиёслаб таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

[1] 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида келтирилган прогноз кўрсаткичлари[1]

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2018 йил.		2020 йил.		2025 йил.	
		Миқ-дори	Ўсиш суръати, %	Миқ-дори	Ўсиш суръати, %	Миқ-дори	Ўсиш суръати, %
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (минг киши)	4 800	100,0	6 302,2	133,7	9 089,3	121,0
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн. АҚШ доллари)	951	100,0	1 271,9	133,7	2 232,8	234,8
3.	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	14 000	100,0	17 230	123,1	25 010	178,6
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	910	100,0	1 609	176,8	2 994	329,0
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	22,0	100,0	33,7	153,2	60,9	276,8
7.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	47,8	100,0	73,6	154,0	132,4	277,0
8.	Туроператорлар сони (нафар)	957	100,0	1 158	121,0	1 676	175,1

Мазкур жадвал таҳлилини туроператорлар фаолияти самарадорлигини қиёсий таҳлил қилишдан бошлайдиган бўлсак, шунга амин бўламизки, 2018 йилда туроператорлар фаолиятининг самарадорлиги мутлақ миқдорларни солиштирганда ҳам уша миқдор келиб чиқади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2025 йилда келиб 1,33 коэффициентни

[1] 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

(2232,8/1676) ташкил қилмоқда. Бундай ўзгаришларни бошқа мутлақ кўрсаткичларни қиёслаш натижасида ҳам аниқлаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ушбу прогноз қилинаётган кўрсаткичларга туризмни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги ҳам юқоридаги формонда қайд этилган.

Ҳозирги кунда (2019 йил бошида) жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони 47,8 мингтани ташкил қилади. 2025 йилга бориб ушбу кўрсаткич 132,4 мингтани ташкил қилиши кўзда туилган. Бу бир вақтнинг ўзида бир кунда шунча меҳмонни кутиб қабул қилиш имкониятимиз мавжудлигидан далолат беради. Мазкур кўрсаткич шу етти йил мобайнида 2,77 мартага (132,4/47,8) ўсиши прогноз қилинмоқда. Аммо ушбу кўрсаткич мамлакатимизнинг эҳтиёжига нисбатан анча кам. Чунки зиёрат туризми ривожланадиган бўлса, мусулмон оламидан келадиган сайёҳлар (зиёратчилар) анча кўп бўлишлиги прогноз қилинмоқда. Ҳаж мавсуми пайтида фақат зиёратчиларнинг ўзи 2,0-2,5 мингтаси бир кунда келадиган бўлса, уларнинг ҳаммаси меҳмонхоналар билан таъминланиши лозим. Бу биргина Самарқанднинг ўзида шунча кишини қабул қилиш ва бошқа туристларга ҳам хизмат қилишни инобатга оладиган бўлса, ба борада ҳали анча ишларни қилиш лозимлигидан далолат беради. Шу туфайли, меҳмонхоналарни ва шу каби жойлаштириш воситаларини қуришни бундадда жадаллаштириш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланадиган туризмни ривожлантириш учун қилинаётган барча ҳаракатларимиз пировардида ўзининг тегишли самарасини беради. Бу билан бандлик муаммоси, аҳоли даромадларининг ошиши, хизматлар экспортининг амалга оширилиши, халқнинг фаровонлиги юксалиб, ҳаёт даражаси ва сифатининг кўтарилишига сабаб бўлишдек ижобий ҳолатлар ҳал қилинади.

И.Т. Тультеев– ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА, “Фуқаролик жамияти институти бошқаруви”кафедраси мудири, ю.ф.д., доцент
А.А.Шарипов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

НАВОИЙ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатлар ўзининг меҳнат тақсимотидаги ўрнини ўзгартириш ва жаҳон бозоридаги қатнашувини янада фаоллаштириш мақсадида турли ҳил иқтисодий ривожланиш усулларини ўз зоналарида синаб кўришмоқда. Бу иқтисодий усулларга мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, валюта тушумларини кўпайтириш, бир ёқламали ишлаб

чиқаришдан қутилиш, саноат тармоқларига янги ноу-хау техналогияларни, инновацион ғояларни жалб қилиш ва мамлакатнинг тўлов балансини яхшилаш мақсадида, алоҳида ҳуқуқий божхона мақомига эга бўлиши орқали хорижий капитални жалб қилиш учун энг муҳими қулай ва ишончли инвестиция муҳитини шакллантиришларини ҳамда солиқ имтиёзларини янада енгиллаштиришни киритишимиз мумкин. Қатор мамлакатлар жумладан, Хитой, Жанубий Кореа, Ирландия, Венгрия каби мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестициявий фаолликни рағбатлантирувчи жуда самарали йўл сифатида эркин иқтисодий зоналарни (ЭИЗ) шакллантириш деб, қаралмоқда.

Қолаверса, бозор иқтисодиёти ҳар бир жамиятнинг ривожланишидаги устувор йўл бўлиб хизмат қилган. Шундай экан, мамлакатимиз ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, бозор иқтисодиётига асосланган ҳамда унинг маданийлашган шакли ижтимоий йўналтирилган иқтисодий бошқарувга ўтиш мақсад қилинди. Бу йўналиш барқарор йўл бўлиб, унга эришиш объектив заруриятдир. Ушбу мақсадга эришишда иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантиришда солиқ сиёсатидан ҳамда иқтисодий ривожланишнинг халқаро тажрибаларидан ўринли фойдаланиш учун эса ҳудудий тажриба сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан фойдаланилмоқда. Маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш соҳасини иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эркин иқтисодий зоналардан иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланиш ва эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро тажрибаларни иқтисодий тузилмага жорий қилиш учун 2008 йил “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонаси ташкил қилинди.

Юқоридаги фикрлардан ҳам аёнки, тобора тараққий этиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналарни (ЭИЗ)ни шакллантириш ва уларни ривожлантирувчи имкониятларни келтириб чиқарувчи солиқ ва бошқа имтиёзларни берувчи истиқболли йўлларини излаш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармони билан эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш- ни янада рағбатлантириш, улар фаолиятини фаол лаштириш ва кенгайтириш мақсадида “Навоий” эркин индустриаликтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари бирхиллаштирилиб “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари деб, номлаш ҳамда ушбу зоналарда хорижий инвесторларга инвестиция киритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ягона ҳуқуқий режим белгиланди ва барча имтиёзлар бирхиллаштирилди (1-жадвал).[1]

1-жадвал

[1] Ўзбекистон РеспубликсиПрезидентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармони

Ҳозирда эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган мтиёзлар

“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” ЭИЗ
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар
1. ер солиғи; 2. даромад солиғи; 3. юридик шахслар мулк солиғи; 4.ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; 5. микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови; 6.Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари 7.умумтаълим, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, 8.капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод этилган.
Инвестициялар ҳажмига боғлиқ тарзда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар даври
1. 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга; **2.** 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга; **3.** 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга; **4.** 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга.

Ҳозирда барча эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бирхиллаштирилиб, улар самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шундай имтиёзларга эга бўлган эркин иқтисодий зоналарда хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши, улар фаолиятини ташкиллаштиришда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тўғридан-тўғри хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш замонавий ёндашувларни талаб этади. Ҳеч бир соҳа ёки тармоқда эркин иқтисодий зонадаги каби махсус имтиёзлар бир вақтнинг ўзида берилмайди. Бундан ташқари, инвесторларни жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш бўйича солиқ ва мажбурий тўловлар, божхона тўловлари ва маъмурий имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналарда жорий қилинган. Ушбу имтиёзлардан тўғри фойдаланиш, имтиёз натижасида бўшаган маблағларни мақсадли сарфлашни ташкил этиш ва бошқариш имконини беради. Бу эса, эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобининг хусусиятларини комплекс ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.[1]

Навоий Эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни жалб этиш бўйича солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича алоҳида имтиёзлар

[1] Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д. профессор. “Иқтисодиёт ва Таълим” илмий журнал ТДИУ -2017 йил 89 бет

белгиланган. Ушбу жиҳатлар бошқа ҳудудлардан фарқ қилади. Солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, улар бўйича имтиёзлар бериш ва ҳисобда акс эттиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари мавжуд. Уларни алоҳида ўрганиш ва жорий этиш талаб этилади. Ушбу таҳлилларимизга хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан бугунги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун хорижий ва маҳаллий инвесторларга, тадбиркорларга, фирма ва компанияларга кенг имтиёзлар яратиб бера оладиган пухта ҳуқуқий замин яратилмоқда.

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳамда мамлакатимиздаги барча эркин иқтисодий зоналарни янада ривожлантириш учун қуйидагиларни эътиборга олиш зарур деб, ҳисоблаймиз:

1. Мақсад, вазифа ва яратиладиган эркин иқтисодий зона типини бошидан аниқ қилиб белгилаб қўйиш керак, айниқса техник-иқтисодий асосланишни пухта ишлаб чиқиш зарур. Хорижий инвесторлар учун таваккали энг кам бўлган, харажатларни энг тез қоплаб бўладиган ҳамда бутун мамлакат миқёсида аҳамиятга эга бўлган зона турига, соҳага, тармоққа устуворлик бериш керак.

2. Зоналар сонини ва майдонларини иложи борича минимумга келтириш керак. Чунки жаҳон талабларига жавоб берадиган инфратузилмани яратиш жуда катта маблағни (аввалам-бор давлат бюджети ҳисобидан сарфланадиган) талаб қилади (масалан, ЭИЗнинг ҳар бир кв. км. майдонини жаҳон стандартлари талаби даражасига чиқариш учун ўртача 40-45 млн. долларни талаб қилинади).

3. Ягона қонунга асосланган эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг норматив ҳуқуқий базаси зарур. Бу билан норматив ҳужжатлар турлича талқин қилинишлар ҳамда улардаги қарама-қаршиликни бартараф этилади, қонунни суистеъмол қилиш камаяди, ЭИЗ фаолиятида барқарорликни таъминлашга эришилади. Қонунларда марказий, ҳудудий ва маҳаллий бошқариш органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиши шарт.

4. Ўзбекистон минтақаларида деҳқончик ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида эркин иқтисодий кластер зоналари ташкил қилиш мақсадга муофиқдир. Бу зона тез фурсатларда чўл зоналарини ўзлаштирилишига олиб келади.

5. Биламизки, хизмат кўрсатиш соҳаси икки марта кўп бошқа соҳаларга нисбатан самара беради. Бу соҳада ҳам алоҳида зона ташкил қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, тиббиёт хизмати. Бу хизмат бизда хусусий секторлар томонидан амалга оширилмоқда, лекин кўпгина операциялар учун чет элга чиқишга ва валютамиз сарфланишига олиб келяпти. Бунинг учун, энг аввало эркин тиббий хизмат зоналари ташкил этсак, ўша хорижлик тажрибали жарроҳни мамлакатимизга жалб қиламиз ва тиббиёт олийгоҳларимиз учун ҳам асосий амалиёт майдонини яратган бўламиз.

6. Тадқиқотларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, маҳаллий корхоналар эркин иқтисодий зоналардаги имтиёзларни эшитишиб, ўзлари ишлаб турган жойларидан кўчиб, зона ҳудудида ўз корхоналарини ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Бу жараён, чекка туманлар ва қишлоқлардаги ўзи кам сонли корхоналарни ҳам, зона ҳудудига чорлаяпти. Бунинг учун Ўзбекистоннинг барча минтақаларига тегишли бўлган алоҳида имтиёзли эркин иқтисодий тартиб (режим) жорий қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу тартибга асосан, мамлакат ҳудудидаги корхоналардан хохловчи корхоналар ушбу тизимга ва тартибга асосан имтиёзлар пакетига эга бўладилар. Улардан фақат мамлакатга импорт ўрнини босувчи ва камида 50% экспортга йўналтирилган товарларни ишлаб чиқариш талаб қилинади. Бу тартиб давлатимиз томонидан жорий қилинса, маҳаллий инвесторларимизни изланишга ва халқаро бозорларга чиқишга ҳаракат қилишларига олиб келади.

7. Давлат бозор иқтисодиётининг асосий унсурларидан бири бўлган бозор очиқлиги сиёсатини устуворлигини таъминлаши зарурдир. Ҳозирги кунда бу борада бир қанча муаммоли вазиятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам бозор очиқлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси деб,ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рашидов М.К. “Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун –моҳияти ва ҳудудлар ривожланишига таъсири” // Иқтисод ва молия илмий – амалий журнали мавзусида 2012 йил №3 сон 50 - 54 бетлар.
2. Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д. профессор. “Иқтисодиёт ва Таълим” илмий журнал ТДИУ -2017 йил 89 бет

Х.Т.Буриев – СамДАҚИ доценти, и.ф.н.,
И.А.Усманов – СамДАҚИ доценти, т.ф.н.,
А.А.Ходжаев – Инфин банк АТБ Самарқанд филиали бошқарувчиси

ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида инновацион жараёнларнинг жадаллашуви уларнинг рақобатбардошлик мезонларининг асосийсига айланишига олиб келмоқда. Бугунги кунда инновация ишлаб чиқариш омилларининг бирига айланган десак муболаға бўлмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишини инновацион жараёнларнинг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланишисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев томонидан ушбу долзарб масаланинг ташкилий жиҳатлардан ҳал қилиш ва инновацион ривожланишнинг хуқуқий асосларини яратиш бўйича қатор ҳужжатлар қабул

қилинган. Булар қаторига 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сон Фармони, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 2018 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3674 Қарорларни киритишимиз мумкин. Ушбу фармон ва қарорларнинг асосий мақсади мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал соҳаларида узлуксиз янгиланиш фан-техниканинг энг охирги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тизимини шакллантиришдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Бундай юксак ва мураккаб мақсадга эришиш комплекс ёндашувнинг амалга оширилишини талаб қилади. Қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишига тўхталсак, инновацион ривожланиш қурилиш комплексининг иштирокчиларини ва инвестицион-қурилиш жараённинг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим. Айниқса, инсон капиталини ривожлантириш, ташкилотларда янгиликларни фаол тарқатадиган кадрлар сонини кўпайтиришга эътибор қаратилиши бугунги кундаги долзарб вазифадир. Бунинг учун нафақат ташкилий-хуқуқий, балки қўйилган мақсадга мос илмий-услубий, ташкилий-иқтисодий, технологик, интеллектуал ва ижтимоий механизмларнинг яратилиши ва самарали фаолият кўрсатиши зарур бўлади.

Ушбу мақолада бизлар қурилиш соҳасида инновацион жараёнларнинг ажралмас қисми бўлмиш инновациялар диффузияси тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Адабиётларда инновациялар диффузияси атамаси турли талқинларга эгадир. Уларда иннвовацияларни оммалаштириш ғояси олдинга сурилади, шу билан биргаликда ушбу жараённинг техник, хуқуқий ва тижорат томонларини ёритишга ҳаракат қилинади. Шу билан биргаликда мавжуд атама қурилиш ташкилотлардаги хусусиятларни тўла акс эттирмаган. Соҳада тижорат асосида инновацияларни тарқатишга қизиқиш етарли эмас. Лойиҳа-қурилиш ишлаб чиқариши ўзининг қатъий технологик талаблари ҳамда анъанавий жараёнларнинг устуворлиги билан инновациялар оммалашига алоҳида эътибор қаратиш билан ажралиб туради. Хақиқатдан ҳам бир қарашда бино ва иншоотлар қурилишида технологиялар ўзгариши кузатилмайди. Айнан ушбу хатолик кўпчилик кичик қурилиш ташкилотларида инновацияларнинг аҳамиятини тушунмасликка олиб келмоқда.

Бу борада қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ўрнини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. 2017 йил якунлари бўйича Самарқанд вилоятида жами 2351,1 млрд.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Корхоналар бўйича ишларнинг таркибини кузатадиган бўлсак, йирик корхоналар томонидан 179,8 млрд. сўмлик (7,7%), кичик корхона ва микрофирмалар - 1002,4 млрд.сўмлик (42,6%), норасмий секторда эса 1168,9 млрд.сўмлик (49,7%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Ушбу

маълумотлардан кўриниб турибдики, қурилиш-монтаж ишларининг 93,3%и инновацион салоҳияти паст бўлган кичик ташкилотлар томонидан бажарилган. Бундай холатда соҳага инновацияларни киритиш ва уни тарқатиш масаласини илмий-услубий ва ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш талаб қилинади.

Кичик бизнес фақат бир вазиятда инновация ташувчиси бўлиши мумкин - унинг таъсисчиси йирик илмий-инновацион компания бўлса ва тузишдан мақсад инновацияларни ҳаётга тадбиқ этиш бўлса. Бунга мисол қилиб Жиззах шахрида жойлашган ва базальт арматураларини тарғиб қиладиган “Mega Invest Industrial” МЧЖ қўшма корхонасини келтиришимиз мумкин. Аммо, Самарқанд вилоятидаги кичик бизнес вакилларини бундай корхоналар сафига киритиш қийин. Шу муносабат билан соҳада инновациялар киритиш вазифаси асосан йирик қурилиш компаниялар зиммасига юклатилади. Замонавий қурилиш техникасини келтириш, янги технологияларга асосланган қурилиш жараёнларидан фойдаланиш, замонавий материаллар ва конструкцияларни қўллаш айнан йирик корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Уларнинг инновацияларни тарқатишда ташаббускор ролини ўйнашини ташкил қилишгина соҳада инновацияларнинг кенг тарқалишига олиб келиши мумкин.

Давлатимиз томонидан инновацион ташкилотларга молиявий ёрдам ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилиши жойларда хўжалик субъектлари томонидан ривожланиш манбаси бўлмиш инновациялар диффузиясининг ташкилий муносабатларни такомиллаштиришни тақозо қилади. Олиб борилган назарий изланишлар ва вилоят корхоналаридаги амалий кузатувлар бундай муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларнинг ишлаб чиқилишига асос бўлган:

- Инновациялар диффузиясининг иқтисодий ва хуқуқий асосларини жорий қилиш. Йирик корхоналар томонидан яратилган инновацияларни кичик бизнесга тарқатишда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали рағбатлантирилиши мумкин. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг иқтисодий манфаатларини ўзаро бирлаштириш фаолиятни баҳолашда инновацион мезонларини киритилиши билан ҳал этилиши мумкин. Қурилишда шерикчилик асосидаги янги ташкилий-хуқуқий шаклларини жорий қилиш ҳам муаллифлик хуқуқларини бузмаган холда инновациялар тарқалишига хизмат қилади;

- Инновацияларнинг узлуксиз кириб боришнинг ташкилий механизмини шакллантириш. Маълумки, кичик бизнес ва шахсий тадбиркорлик субъектларининг ахборот манбаларга кириб бориш имкониятлари етарли эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги тизимида бутунжаҳон қурилиш соҳасида яратилаётган йирик ва кичик инновациялар тўғрисидаги ахборотларни барча қурилиш субъектларига етказиш жараёни йўлга қўйилиши лозим;

- Инновацияларни қўллашда инсон капиталини ривожлантириш жараёнларини кенгайтириш. Ташкилот ва корхоналарда инновацияларнинг

тарқалиши мутахассислар томонидан амалга оширилшини ҳисобга олган холда “билимлар менежменти” назариясининг амалда қўлланилишини тарғиб қилиш лозимдир. Бунда инновация ташкилотлар миқёсида эмас, балки турли ташкилотларнинг мутахассислари ўртасида узлуксиз тарқатилиши таъминланади.

Ушбу таклифларнинг қурилиш ташкилотларида ва норасмий секторда жорий этилиши соҳада инновацион тизими яратишга салмоқли хисса кўшади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Н.К. ва бошқалар. “Инновацион менежмент” Дарслик. Т.: ТДИУ, 2012.
2. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси расмий сайти. www.samstat.uz
3. Усманов И., Зайналов Н. Билимлар менежменти - қурилиш ташкилотларида ходимларнинг касбий ўсишини таъминлаш воситаси сифатида// Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Илмий-техник журнал. Самарқанд, 2018, №2. - 64-66 б.

Ж.Файзиев – СамИСИ доценти, т.ф.н.,
Шеҳроз Файзиев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ХОМ АШЁНИНГ ЧИҚИТСИЗ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Хом ашёни энг тўлиқ ва оқилона қайта ишлаш муаммоси барча сарфларни асосий қисми хом ашё харажатларига тўғри келадиган тармоқлар учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи” нинг D секцияси, DA майда секцияси, 15 бўлим, 15.5 гуруҳининг 15.51 синфига тегишли бўлган “Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматлар” ни кўрсатувчи хизмат кўрсатиш корхоналарида барча сарфларни 75-95 %и хом ашё харажатларига тўғри келади.

Сариёғ, пишлоқ, творог ишлаб чиқаришда ёғсиз сут, айрон ва сут зардоби каби “ёғсиз сут хом ашёси” деган шартли ном билан аталадиган қўшимча маҳсулотлар хосил бўладики, уларни тўплаш ва оқилона қайта ишлаш долзарб ҳисобланади.

Хом ашёни комплекс қайта ишлаш йўли билан ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошиши 1 тн сутдан олинадиган товар маҳсулоти ҳажмини ошиши ҳисобига амалга ошади. Айни пайтда амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ёки янгиларини яратиш ҳисобига сутни барча компонентларини ажратиб олиш ва саноатда фойдаланилиши қўшимча капитал қўйилмаларни, ишчилар сонини кўпайтиришни ва 1 тн сутни қайта ишлаш бўйича харажатларни оширишни талаб қилади. Ёғсиз сут хом ашёсидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш фақатгина товар маҳсулотини ўсиши ишлаб чиқаришни тўлиқ харажатлари (жорий моддий харажатлар, амортизация, меҳнатни тўлаш фонди, бир йўла харажатлардан

ҳисобланган фойда) ўсишидан катта бўлгандагина иқтисодий самарадор бўлиши мумкин.

1 тн қайта ишланаётган хом ашё(сут)дан маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи уни тўлиқ харажатлар кўрсаткичи билан тўлдирилганида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳал қилувчи кўрсаткичига айланади, чунки 1тн қайта ишланаётган хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни ошиши хохлаган йўл билан эмас, балким иқтисодий адабиётда келтирилган харажатлар деб номланадиган меҳнат, моддий ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини онгли ўстириш шарти билан эришилган бўлиши лозим.

Қуйида баъзи маҳсулотлардаги ёғсиз сут ҳом ашёсини иқтисодий самарадорлиги маълумотлари келтирилади.

Зардоб оқсиллари ва сут оқсилларини биргаликдаги коагуляцияси йўли билан олинадиган “Кавказ” пишлоқ массасини ишлаб чиқариш бўйича цехларни ташкил этишда мумкин бўлган ишлаб чиқариш хажмларини ҳисобга олган ҳолда уларни яратишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш зарур. Ушбу мақсадларда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини сменада қайта ишланаётган пишлоқ ости зардобини турли хажмларига (4,75; 9,5; 19; 38; 76; 152 тн) боғлиқ ҳолда таққослаш қулай ҳисобланади (1-расм).



Расм 1. “Кавказ” пишлоқ массасига қайта ишланаётган 1 тн зардоб учун товар маҳсулотини ҳажми ва келтирилган харажатларни сменада қайта ишланаётган зардоб ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгариши:
1-товар маҳсулоти; 2-келтирилган харажатлар

1- расмдан кўриниб турибдики, “Кавказ” пишлоқ массасини сменада 8 тн дан кам бўлмаган зардобни қайта ишланишида ишлаб чиқариш

иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кичик қайта ишлаш хажмларида харажатлар товар маҳсулотидан устунлик қилади ва пишлоқ массасини ишлаб чиқариш фойдасиз бўлиб қолади, катта хажмдаги зардоб қайта ишланганида эса ишлаб чиқариш натижалари харажатлардан катта бўлади, бунинг устига қайта ишланаётган зардоб хажмларини ошиши сарин ишлаб чиқариш янада фойдали бўлиб боради.

Сут зардобини саноат миқёсида қайта ишлашни мухим йўналиши уни қуюлтириш ҳисобланади. Қуюлтирилган сут зардоби ишлаб чиқариш самарадорлигини сменада қайта ишланаётган зардоби хажмларига боғлиқлигини таҳлили шуни кўрсатадики, қуюлтирилган сут зардобини сменада 8 тн дан кам бўлмаган пишлоқ ости сут зардобини ёки 6 тн дан кам бўлмаган творог зардобини қайта ишланишида ишлаб чиқариш иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сут қанди ишлаб чиқариш зардобни қайта ишлашни мухим йўналишларидан бири ҳисобланади. У пишлоқ ости сут зардобидан, кам ҳолларда эса творог зардобидан ишлаб чиқарилади. Сменада сут қандига қайта ишланаётган 1 тн пишлоқ ости сут зардоби ва творог зардобига бўлган товар маҳсулоти ва келтирилган харажатлар хажмини қайта ишланаётган зардоб хажмларига боғлиқ ҳолда ўзгариши 3–расмда келтирилган.



Расм 2. Сут қанди ишлаб чиқаришни қайта ишланаётган пишлоқ ости зардоб ҳажмига боғлиқлиги:
1-товар маҳсулоти; 2-творог зардобини келтирилган харажатлари; 3-товар маҳсулоти; 4-келтирилган харажатлар

2–расмдан кўриниб турибдики, сут қандини ишлаб чиқариш сменада 10 тн дан кам бўлмаган пишлоқ ости сут зардобини, творог зардобини эса сменада 21 тн дан кам бўлмаган хажмларда қайта ишлашда иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сут зардобидан фойдаланишнинг оқилона йўналиши ичимликлар иш-

лаб чиқариш ҳисобланади. Ёғсиз ва паст ёғли сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёғли сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга нисбатан етарлича самарали, кўп ҳолларда эса янада самаралироқ ҳисобланади. Айрондан пастерланган ва ивитилган ичимликларни, шунингдек бошқа маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам юқори иқтисодий самарадорлик ва харажатларни тўлиқ қайтиши билан тавфсифланади.

Шундай қилиб, ёғсиз сут хом ашёсини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлиги етарлича юқори, ушбу хом ашёдан маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш юқори рентабелли, капитал қўйилмаларни қоплаш муддатлари одатда икки йилдан ошмайди, кўп ҳолларда эса бир йилдан камдир.

З.Хакимов – к.э.н., соискатель института экономики сельского хозяйства ТАСХН

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДУКЦИИ ПТИЦЕВОДСТВА НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ ПРЕДПРИЯТИЯ

Птицеводство - одно из наиболее эффективных отраслей животноводства. Оно обеспечивает население диетическими продуктами питания (яйцо и мясо птицы), легкую промышленность сырьем (пером и пухом). Птичий помет используется в качестве ценного удобрения. В мясном балансе на долю этой отрасли приходится более 22 %.

Отрасль обладает рядом специфических особенностей, которые в значительной степени определяют ее экономическую эффективность. Во-первых, отсутствует сезонность производства, продукция производится и реализуется равномерно в течение года. Во-вторых, продукция птицеводства относится к продуктам первой необходимости, и независимо от экономической и политической ситуации спрос на нее не исчезает совсем. В-третьих, яйцо и мясо птицы идут как непосредственно в продажу, так и на переработку, то есть рынок данной продукции – это рынок прямого и опосредованного спроса. В-четвертьих, птицеводство достаточно гибко в отношении изменения масштабов производства по сравнению с другими отраслями животноводства, так как здесь в меньшей степени проявляется зависимость поголовья от количества и качества земельных угодий.В-пятых, основную часть кормового рациона составляют покупные корма, то есть существует сильная зависимост от зернового рынка и т.е.

В настоящее время в мире около 40 процентов стоимости валовой сельскохозяйственной продукции приходится на животноводство. В результате роста численности населения и его доходов, а также изменений диетических требований и требований к питанию, быстро растет потреб-

ность в птицеводческой продукции.

Глобальное изменение климата, демографический рост населения и увеличение спроса на продовольственные товары требуют более эффективного использования имеющихся ресурсов, в том числе, совершенствования системы использования инфраструктуре сферы при производстве птицеводческой продукции. Известно, что без кардинального развития инфраструктуре деятельности нельзя достичь положительных результатов в птицеводческой сфере. С этой точки зрения требуется правильная организация инфраструктуре деятельности, в том числе оказание племеноводческих и зооветеринарных услуг, обеспечение питания в соответствии с установленным рационом, организация переработки продукции и совершенствование других видов деятельности. В решении таких задач особое значение приобретает проведение научно-исследовательских работ, касающихся развития инфраструктуре сферы.

В период реформ, проводимых в аграрной сфере Республике Таджикистан, необходимы новые подходы к инфраструктуре деятельности, направленной на развитие птицеводческой отрасли. Инфраструктурный объекте обслуживания дают возможность рационально вести птицеводства путем формирования эффективных технологических, организационных и экономических связей, которые возникают в процессе производства. В будущем увеличение спроса на птицеводческой продукцию приведет к повышению потребности в инфраструктурных объектах. Это, в свою очередь, тесно связано с созданием новых рабочих мест.

Анализ теоретических и методологических основ инфраструктуре деятельности показывает, что формирование взаимовыгодных экономических отношений между производителями птицеводческой продукции и фирмами, оказывающими услуги, приводит к созданию единого инфраструктурного комплекса. Исходя из этого, по нашему мнению, инфраструктурная система в сфере птицеводства это комплекс инфраструктуре деятельности, направленный на увеличение продуктивности и улучшение качества за счет рационального использования ресурсов в процессе производства, переработки, а также доставки продукции до потребителя.

Оценка эффективности инфраструктуре деятельности в аграрной сфере проводится потребителями услуг, то есть сельхозпроизводителями. Качество, состав, приемлемая цена оказываемых услуг определяется производителями с учетом качества услуги, а на рынке продолжают свою эффективную деятельность только те учреждения, которые достигают высокой степени оказываемых услуг.

В повышении продуктивности и эффективности отрасли системное и рациональное использование возможностей инфраструктура и прежде всего возможностей материально-технического обеспечения, развития племенного дела, зооветеринарных услуг и других имеющихся рычагов развития является требованием времени. Исходя из этого, считаем

целесообразным внедрение в птицеводческой сферу инфраструктуре системы в качестве кластерной формы хозяйствования.

Значение и содержание понятий «кластер» и «комплекс», даны определения этим дефинициям. М.Портер [1] в своей работе дает классическое описание кластера, то есть «это группа географически соседствующих взаимосвязанных компаний и связанных с ними организаций, действующих в определенной сфере и взаимодополняющих друг друга». За счет широкого внедрения сервиса на кластерной основе хозяйствования в сельскохозяйственном производстве можно повысить конкурентоспособность национальных продуктов на внутренних и внешних рынках, и в первую очередь, обеспечить внедрение современных высокотехнологичных видов инфраструктуре деятельности за счет структурных изменений хозяйственной деятельности. Кластерная форма хозяйствования – это совершенная форма инфраструктуре деятельности, отвечающая сегодняшним требованиям. Она вбирает в себя производство, материально-техническое обеспечение, обслуживание, межотраслевое потребление, реализацию, научные исследования, обучение и т.д.

Кластерная форма хозяйствования в птицеводства является сложным процессом, которая вбирает в себя цикл глубокой переработки продукции, и за счет этого достигаются высокие экономические показатели.

Ведется широко направленная работа по внедрению кластерной системы ведения хозяйствования в практику птицеводческой продукции. Здесь за счет своевременного стимулирования затраченного труда наблюдается увеличения объема и улучшение качества отдельных видов продукции, за счет повышения цен обеспечивается высокие конечные результаты и достигается стабильность между производителем и потребителем.

Повышение эффективности птицеводства в целях обеспечения населения страны высокобелковыми диетическими продуктами, а промышленность ценным сырьем является актуальной задачей. Для достижения этой цели в отрасли необходимо развивать не только производство, но и постоянно совершенствовать и эффективно использовать инфраструктурную деятельность. На основе проведенного научного-исследования предложены следующие научно обоснованные предложения и практические рекомендации по развитию и эффективному использованию инфраструктуре деятельности в сфере повышения продуктивности отрасли птицеводства :

1. Влияние инфраструктуре деятельности на конечный результат при производстве продукции птицеводства выявлена зависимость увеличения объемов производства яйцо и мяса от предоставляемых услуг, связанных с улучшением и увеличением типов кормовых культур, с повышением бал бонитета земель, с кормовым обеспечением, а также от зооветеринарных и

[1]ПортерМ. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2005. – 608 с. [354-с.]

банковских услуг. Кроме того, на повышение эффективность производства птицеводческой продукции оказывает положительное воздействия ряд других факторов, в частности, расположение инфраструктурных объектов, рост доли племенных поголовья птиц и др.

2. Кластерной формы хозяйствования, способствующие конкурентоспособности птицеводческой отрасли, эффективному распределению достигнутых экономических результатов между всеми звеньями производства. Организационно-экономические характеристики данной формы обеспечать научный подход к производству и в итоге его высокую эффективность и т.е.

Ш.М.Исломов – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,
Ш.Ш.Шавкатова – СамИСИ магистранти

КОРХОНАЛАРДА ПЕРСОНАЛНИ МОТИВЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Ҳозирги кунда турли ташкилотлар ва корхоналарда ходимларни тўғри ҳамда самарали равишда рағбатлантириш муаммоси мавжуд. Баъзи тадбиркорлар ўз ходимлари учун ойлик маош ягона рағбатлантириш бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар, бироқ айни пайтда ходимни рағбатлантиришда эътиборга олиш керак бўлган кўп жиҳатлар мавжуд. Тўғри рағбатлантириш бериш бир қанча афзалликларга эга, ходимлар ишни янада юқори ҳамкорлик ва юқори сифат билан амалга оширади, айни пайтда бизнинг давримизда ишлаб чиқариш жараёнларининг муҳим таркиби бўлган ишни бажаришга сарфланадиган вақтни камайтириш ҳам имконини беради. Бундан ташқари, ходимлар ўзларини ташкилотнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳис қилади ва натижада ходимлар алмашиши камаяди, буларнинг барчаси ташкилотнинг самарали ишлашига, даромадларини оширишига ва компанияни янги даражага кўтаришга олиб келади.

Шубҳасиз, мотивациянинг асосий усули – молиявий рағбатлантириш. А. Маслоунинг эҳтиёжлар назариясига кўра, физиологик эҳтиёжларни қондириш, кейинчалик ўзини ўзи англаш ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш каби юксак даражадаги эҳтиёжларни қондиришга олиб келиши мумкин. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, ходимни юқори сифатли ва виждонан ишлашга ундаш учун, аввало, унга муносиб иш ҳақи олиш имкониятини яратиб беришингиз керак.

Мотивлаш усуллари ва мукофотлаш тизими – бу стратегияни амалга ошириш йўлида раҳбарлар қўллайдиган кучли қурол ҳисобланади. Мотивлашнинг ижобий усуллари унинг салбий усулларига қараганда яхшироқ натижа беради. Лекин зарурат туғилганда иккала усулдан қам фойдаланиш мумкин. Стратегияни амалга оширишда моддий ва маънавий

рағбатлантириш катта ёрдам беради. Пул маблағлари билан рағбатлантириш кутилган натижани бериши учун[1]:

1. Меҳнат учун умумий рағбатлантиришнинг катта қисмини пул маблағлари ташкил этиши лозим;

2. Рағбатлантириш тизими ҳамма ички ходимларни ва менежерларни қамраб олиши лозим;

3. Тизимни эхтиёткорлик билан ва одилона қўллаш лозим;

4. Рағбатлантиришлар стратегик режада аниқланган натижалар билан боғланган бўлиши лозим;

5. Ҳар бир ходимнинг мақсад кўрсаткичи ўзи таъсир этиш мумкин бўлган даражада бўлиши лозим.

Хорижий корхоналар энг самарали деб ҳисобланадиган бир нечта ойлик маош тўлов тизимини қўллаб келишади:

Фоиз тўлов тизми. Ходим ўз мижозлари билан тузилган битимнинг белгиланган фоизи миқдорида ойлик маош олишади. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, ишчининг даромадлари у амалга ошириладиган операциялар сонига бевосита боғлиқ.

Ишчининг хизмат вазифасига кирмайдиган вазифаларни бажаргани учун пул мукофоти. Ушбу шаклдаги ойлик тўлов тизимидан хорижий компанияларнинг ярмидан кўпи фойдаланади. Ходимларга ишларни юқори сифатда бажарганликлари учун ёки ўзларининг асосий фаолиятига алоқадор бўлмаган вазифаларни ташаббус кўрсатиб бажарганликлари учун бонуслар (мукофотлар) тўланади.

Махсус индивидуал мукофотлар. Бундай иш ҳақи ходимларга ўзларининг қадр-қиммати ва компания учун зарурийлиги, иш тажрибаси, шунингдек маълум маҳоратга эга бўлишганликлари учун тўланади.

Даромадни тақсимлаш дастурлари. Бундай ҳолатда ходимлар ташкилот даромадларининг маълум бир қисмини олишади. Ушбу усулда мотивлаштиришга икки томонлама ёндашувни кўришимиз мумкин. Бир томондан, ушбу дастур сифатли иш учун шахсий мукофот сифатида тақдим этилади, бошқа томондан эса, компания ходимларини бирлаштиришнинг психологик усули ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар. Бундай тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда, ходимга маълум миқдорда акцияларга эгалик ҳуқуқи ёки белгиланган миқдорда акциялар пакетини сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Компания ходимларини рағбатлантиришнинг моддий усулларидан ташқари, мукофотнинг номоддий усуллари ҳам мавжуд. Улар орасида энг кенг тарқалганлари қуйидагилар[2]:

1. Иш графиги билан боғлиқ имтиёзлар. Ушбу категорияга дам олиш кунлари, меҳнат таътили, дам олиш ва тушлик учун ажратилган вақт,

---

[1] *Дряхлов Н., Куприянов Е. Система мотивации персонала в Западной Европе и США // Бизнес-образование,* http://www.bizeducation.ru/library/management/hrm/motiv/3/motiv_dryahlov.html

[2] *Имихович А. «ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ МОТИВАЦИИ ПЕРСОНАЛА В ОРГАНИЗАЦИИ», Научное сообщество студентов XXI столетия. 2017 г.*

туғруқ таътили давридаги тўловлар ва мослашувчан иш соатлари билан таъминлаш каби имтиёзлар киради.

2. Молиявий бўлмаган мукофотлар. Ушбу усулга мисол сифатида компанияда томонидан ишчи ходимларга бериладиган совғалар, шу жумладан, эсдалик совғалари, ходимнинг ютуқлари учун, туғилган куни, янги йил, корхонанинг ташкил этилган кунида бериладиган совғалар. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги рағбатлантисишга тиббий суғуртани қоплаш ва ташкилот маҳсулотларини сотиб олиш учун чегирмалар бериш киради.

3. Ташкилий тадбирлар. Бундай тадбирларга корпоратив кечалар, компания юбилейлари, янги йил кечалари, диққатга сазовор жойларга экскурсия ва саёҳатлар киради.

4. Ходимларнинг эътироф этилиши. Бу оғзаки равишдаги миннатдорчилик шаклида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ходимларнинг ютуқларини эътироф этиш ёки ходимнинг расмини шараф доскасига (доска почета) қўйиш орқали намоён бўлади.

5. Иш жойидаги ходимнинг ўзгариши билан боғлиқ мукофот. Ушбу усул алоҳида офисни, офис жиҳозларини, котибни ёллашни, компаниянинг автомобилини тақдим этишдан иборат.

Тадқиқот жараёнида шунга амин бўлдикки, мотивациянинг жуда самарали томонлари Девид МакКлеланд томонидан ишлаб чиқилган назарияда ёритилади. Ушбу назариянинг моҳияти учта асосий эҳтиёжни аниқлашдан иборат: куч (қудрат), муваффақият ва иштирок (тааллуқлилик). Қудратга муҳтож кишилар, одамларни ва жараёнларни назорат қилишга мойил, улар яхши тараққий этган нотиқлик қобилиятига эга. Бундай кишилар бошқаларга таъсир ўтказишга мойилдирлар. Бу ходимларни гуруҳларда амалга оширилиши мумкин бўлган мураккаб ишларни амалга ошириш ва уларни бошқа ходимларни бошқариш ва ушбу гуруҳдаги фаолият жараёнларини бошқариш орқали қўллаб-қувватлашга ундаш мумкин. Муваффақиятга муҳтож одамлар ўрта даражадаги хавфли вазифалар учун жавобгарликни олишга тайёрдирлар. Ишларнинг ҳар бир босқичида бундай кишилар уларни энг яхши натижаларга эришишга рағбатлантиришлари керак. Бирламчи муҳтож бўлган ходимлар учун, расмий ва норасмий шахслараро муносабатларни сақлаб қолиш зарур ҳисобланади. Ушбу ходимларнинг самарадорлигини ошириш учун улар интерактив ишни амалга оширишлари ва тажриба алмашиш ва бошқа ходимларга тажриба улашиш мақсадида ўқитувчилар сифатида фаолият юритишлари керак. Одатда бундай кишилар узоқ иш тажрибасига эга одамлардир.[1]

Кўпгина компанияларда ходимларни рағбатлантириш учун ишлатиладиган анъанавий мотивация усуллари салбий таъсирга эга. Мисол учун, яхши иш учун йирик компаниянинг ходими даромаднинг фоизини олишни бошлайди, бир мунча вақт ўтгач, бу қўшимча даромадни иш ҳақининг бир қисми сифатида даъво қилишни бошлайди ва иш фаолиятини

[1] *Д.С.Пронина «Современные методы мотивации персонала» Вестник УлГТУ, №4, 2012 г.*

яхшилаш учун рағбатни йўқотади. Шунинг учун бундай компания ходимларига ностандарт мотивация бериш усулларини киритиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ходимлар мотивациясининг асосий мақсади компаниянинг манфаати учун ходимларни самарали ишлашга ундашдир. Бунда ташкилот ходимларига белгиланган талабларга жавоб берадиган муайян шарт-шароитларни яратиш ва ходимларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳам зарур. Бундан ташқари, ходимларни тўғри ва самарали равишда рағбатлантириш учун фақат рағбатлантиришнинг одатий усулларидан эмас, балки компания ходимларининг эҳтиёжларини ҳам ўрганиш керак ва корхонанинг мотивлаштириш сиёсатини ҳар бир ходимга алоҳида мослаштириш керак.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.,
Г.А.Дониёрова – ҚарМИИ магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мамлакат иқтисодиётидаги инвестиция фаолиятининг ривожланиш даражаси шу мамлакатда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва унинг натижаси қандай самара бераётганлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция сиёсатининг мақсади мавжуд инвестиция фаолиятининг ривожланиш истиқболига қаратилиши табиийдир. Бу мақсад ўзида давлатнинг инвестиция фаолиятини мунтазам равишда тартибга солишдан иборат бўлган вазифасини хам мужассам этади. Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг хамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Мамлакат экспорт салохиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, давлат бюджетининг даромад қисмини солиқлар билан таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш орқали қўшма корхоналарни барпо этиш хамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралиши керак.

Инвестицияларнинг жалб этилиши миллий иқтисодиётдаги бир қатор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни хал қилишда ўз самарасини беради. Жумладан:

- ✓ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илгор технологиялар билан жизоҳлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини ошириш;

- ✓ ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини тақсмиллаштириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ✓ аҳолининг мехнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш, уларнинг касбий махоратларини ошириш хамда иқтисодий даромадларини кўпайтириш;
- ✓ экспорт хажмини ошириш орқали валюта тушумларини кўпайтириш;
- ✓ бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини шакллантириш ва хоказолар.

Республикамизнинг барча худудларида замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилишда, албатта, ички инвестициялар билан бир қаторда хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши хам мухим ўрин тутади.

Шу боисдан хам бундай фаолиятни ва ташкил этиладиган корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки хар бир инвестор ўз сармоясини бирор худудга киритар экан, уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги хамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир.

Бу тадбирларни тўлақонли амалга ошириш учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини жорий этишда қуйидаги масалаларга алохида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим:

- ✓ солиқ имтиёзлари самарали қўлланилишига акс таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;
- ✓ инвестиция фаоллигини кучайтириш мақсадида берилаётган барча имтиёзларни бир пайтда тақдим этиш;
- ✓ қўшма корхоналарни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини чеклаб қўйишнинг ва рақобат мухити бузилишининг олдини олиш;
- ✓ қўшма корхоналар ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот таркибида махаллий хомашё ресурсларидан фойдаланганлик даражасига қараб уларга солиқлардан маълум енгилликлар бериш;
- ✓ солиқ имтиёзларининг жорий этилиши бюджет даромадларига ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етказмаслиги лозим.

Қўшма корхоналарга берилаётган имтиёзлар давлат бюджетининг даромадлар хажмига сезиларли таъсир қилиши табиий. Аммо бундай имтиёзлар эвазига корхоналар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш, қайта инвестиция қилиш ва фаолиятни ривожлантириш орқали келажакда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади.

Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузилмасини тўғри танлаш хам мухим ахамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш

турлари ва корхоналарни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олсинлар. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги мухим ахамият касб этади. Бу инвестиция жараёнини жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиши мумкин. Сармоя киритишни рағбатлантириш одатда солиқ ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда солиқларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланади. Давлат томонидан инвестиция фаолиятини бошқариш солиқ тизимини соддалаштириш; амортизация сиёсатини амалга ошириш; кредит сиёсатини юритиш; ер хамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш ва бошқаларни хам ўз ичига олади.

Ўзбекистонда бугунги кунда давлат инвестиция сиёсати қуйидаги ўзига хос икки йўналишга таянади:

- ✓ солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;
- ✓ маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ташкилот Молия вазирлигидир. Айнан ушбу вазирлик бошқа давлат ташкилотлари, органлари, банклар ва компаниялар билан хамкорликда давлат инвестиция сиёсатини амалга оширади ва бошқариб боради.

Инвестицион сиёсатни жадал олиб борилиши нафақат иқтисодий ўсиш ва тизимни ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари, балки шерикчилик алоқаларини ўрнатиш, ишбилармон доиралар билан хамкорлик қилиш, турли молиявий институтлар билан алоқалар ўрнатиш ва давлатлараро алоқалар самарадорлигини оширишга эришишдир. Биз биламизки, инвестиция иқтисодий ўсиш омили сифатида молиявий – иқтисодий ривожланиш учун муҳим дастаклардан бири бўлиб ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда инвестиция киритиш жараёнлари тезлашиши учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти янада кучлироқ, барқарорлашган, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам ўрнига эга бўлмоқда, бунинг асоси эса доимий динамик ўсишдир.

Шунингдек республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

Инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукаммал тайёрланишига эришиш;

Қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини ройхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- ✓ корхона маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- ✓ минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бойича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ✓ транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- ✓ иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ✓ туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Л.Т.Хасанова – старший преподаватель СамГАСИ,
У.Н.Намазова – преподаватель коллеж Информационный технологии и гидромелиорации

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ЦЕЛИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ И РЫНОЧНАЯ ЭКОНОМИКА В УЗБЕКИСТАНЕ

Рыночная экономика – это экономика, основанная на товарно-денежных отношениях и действии экономических законов. Рыночная экономика формировалась и совершенствовалась в течение тысячилетий. Мировая практика свидетельствует о том, что человечество не смогло сразу создать регулируемую рыночную экономику и в течение нескольких тысячилетий она существовала в условиях стихийной рыночной экономики, переживая время от времени экономические кризисы. В XXI веке мировая цивилизация интенсивнее развивается на пути удовлетворения интересов человека. Этот процесс положительно повлиял на экономическое мышление в мире и привёл к возникновению идеи регулируемой рыночной экономики. В государствах, следующих этим путём, экономика стала быстро развиваться, выросло благосостояние населения. Таким образом, регулируемые рыночные отношения стали преобладать в мировой экономике.

Независимость освободила наш народ от экономического давления, предоставила право владеть своей землёй, подземными богатствами, водой, растительным и животным миром и другими природными ресурсами. Всё имущество, предприятия на территории Республики поступили в её распоряжение. Узбекистан получил возможность

самостоятельно проводить экономическую политику, определять пути экономического развития.

«В этих условиях огромное значение имеет выбор собственного пути и модели социально – экономического развития. Они должны опираться на многовековой опыт развитых стран, экономика которых базируется на рыночных отношениях, а также на всесторонний учёт национального, исторического наследия, уклада жизни, традиций и менталитета народа Узбекистана.»[1]

Отдельное внимание было уделено правовому обеспечению процесса реформ, созданию его законодательной базы.

«Одним из основополагающих моментов проведения экономической реформы является создание правовой базы рыночной экономики.»[2]

